




Ўзбекистон Республикаси  
Ҳуқуқ қўллаш органлари

# Абдурауф ФИТРАТ



Шанлиман асарлар


Истиқлол қаҳрамонлари

---

*АБДУРАУФ*  
ФИТРАТ

---

ТАНЛАНГАН  
АСАРЛАР



Истиқлол қаҳрамонлари

---

*АБДУРАУФ*  
**ФИТРАТ**

---

**ТАНЛАНГАН**  
**АСАРЛАР**

III ЖИЛД

ДРАМАЛАР,  
ПУБЛИЦИСТИК МАҚОЛАЛАР

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2003

## Таҳрир ҳайъати:

*Озод Шарафиддинов, Наим Каримов, Бегали Қосимов,  
Дилором Алимова, Суннат Аҳмедов, Шухрат Ризаев*

Атоқли ўзбек адиби Фитрат адабиёт, санъат ва илм-фаннинг турли соҳаларига оид бой мерос қолдирган. Ушбу жилддан адибнинг «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари», «Арслон» ва «Восеъ кўзғолони» драмалари ҳамда истиқлол орзуси билан йўғрилган публицистик мақолалари ўрин олган.

Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи:  
филология фанлари доктори,  
профессор **Ҳамидулла Болтабоев**

Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори,  
профессор **Бегали Қосимов**

### **Фитрат Абдурауф.**

Танланган асарлар: Ж. III. Драмалар, мақолалар / Таҳрир ҳайъати: О. Шарафиддинов, Н. Каримов, Д. Алимова ва бошқ.: Изоҳлар муаллифи: Ҳ. Болтабоев; Масъул муҳаррир: Б. Қосимов. — Т.: «Маънавият», 2003. — 256 б.

ББК 84 (5У)6

# ДРАМАТИК АСАРЛАР

---

## ЧИН СЕВИШ

Ҳинд ихтилолчилари турмушиндан олинган  
5 пардали ишқий-ҳиссий фожиадир

### КИМСАЛАР

Нуриддинхон — файласуф табиатли, 35 яшар ўқумиш(ли) бир йигит. (Ҳинднинг ўртаҳолли кишилариндан.)

Аҳмадхон — 25 яшар ўқумиш(ли) бир йигит (Нуриддиннинг иниси.)

Сарвархон — ўқумишли бир йигит (Нуриддиннинг ўртоғи.)

Зулайҳо — 16 яшар, ўқумиш(ли) бир қиз.

Фотимахоним — Зулайҳонинг онаси.

Каримбахшхон — Зулайҳонинг отаси.

Зайнаб — хизматчи хотун.

Раҳматуллоҳхон — ўқумиш(ли) бир бойбача (25 яшар).

Вияям — инглиз юзбошиси.

Зиндончи, чериклар<sup>1</sup> юзбошилари.

Айюбхон, Шерхон, Фуломҳайдар — Раҳматуллоҳхоннинг ўртоқлари.

Шукруллоҳ — Раҳматуллоҳхоннинг хизматкори.

Воқеа Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида

### БИРИНЧИ ПАРДА

Эрта билан Учмоҳ кўрунишли бир боғча. Ўртада узун бир мосонинг теграсинда ўрундиклар қўйулган. Оғоч тагинда қўйилган бир ўрундигда Зулайҳо қизил ипакли бир кўйлак билан ўтурибдир. Қўлинда кичкина бир битик.

Зулайҳо. Кўб қизиқ ҳоллари бор шу Нуриддиннинг!.. Надир тангрим? Бояқиш йигит тушунчадан айрилмоқдандир... ўйлайдир... ўйлайдир!.. Нечун ўйлайдир? Бошқалар каби нечун кулиб ўйнамайдир? Дарди нима? Нима истайдир? Буларни тангридан бошқа ким биладир?..

Онам эсли бир хотундир. Бир кишини кўрдими, юрагинда яшурин бутун тушунчаларини онглаб олар. Бироқ Нуриддинга келгач, онам даҳи шошиб қолади. Онамининг айтишига қараганда, Нуриддин бир кишини севган эмиш. Шунинг хаёлига берилган эмиш...Кимни?!. Мана шунисини онам даҳи онгламай қолмиш!..

Йигит бизни кига келадир... Нечун? Мархум отасининг қалин ўртоғи бўлган дадамни кўрмак учун келатургандир?!

Бироқ отамга салом бериб, онамнинг қўлини ўпгандан кейин, бир ерда ўтурадир... ўтурадир... ўтурадир... Отам:

«Қалайсан, ўғлим» дегач, куч билан «Тангрига шукур» дея оладир. Онам бу ҳолни кўриб: «Ўғлим, Нуриддин, бироз гапурсанг-чи? Нечун бунча қайғуриб турасен?» дедими,

иш битди. Икки кўзи икки булоқ каби вижирлаб ёш чиқарадир. Сонийким, бизга гапурмаслик учун деворга қарайдир.

Ўғлигини чиқариб кўзларини артгандан кейин ота-онамнинг қўлларини ўпиб чиқиб кетадир. Бу ҳолдан онамнинг

юраги эриб қоладир. Отамга қараб, мунгли бир товуш билан «Бечора йигит, дарди ёмон» дейди... Отам йиғлар бир товуш билан «Нима қилай ...дардини англатмаса... Дардини англасайдим, чорасига киришар эдим» деб жавоб қайтарадир.

Лекин бу бечоранинг дардини ким онглар?.. Онамнинг сўзига қараганда, Нуриддин бир кишини севган эмиш...

Кимни? Буни билиб бўлмайди. (*Қўлини кўкрагига қўйиб.*) Тўғриси, меним-да юрагим шу йигитнинг ҳолига ёна бошлади.

Унинг кўзёшларини кўриб, меним-да йиғловим келадир. Шунга ёношмоқ<sup>2</sup>, гапурмак, дардини онглаб, кўнглини овутмоқ истарам, бироқ менга сира гапурмайди!..

Ўтган жума куни онам Зайнабни олиб ҳаммомга кетмишди. Уйда мен билан отам турар эдик. Нуриддин келди.

Отам уни ёнимга қўйиб, жумъа намозига кетдилар. Мен вақтни ғанимат топиб, Нуриддинга ёндошдим, ҳолини сўрдим, гапурдим, бир нарса онглаёлмадим. Тушунди, ўйлади, йиғлади.

Мен ҳам чидай олмадим, йиғладим. Кўрдимки, бўлмайди, сўзни бошқа тарафга кўчирдим:

«Уқуғали китобларингиз борми?» дедим. «Бор» деди. «Биронтасини менга берингиз» дедим. Шуни эшитгач, кўзлари қоронғу кеча чақинлари каби ялтиллаб кетди.

Шу сўзимдан бироз суюнганини сездим. Лекин яна эски ҳолига қайтиб қолди. Отам келгач, рухсат олиб кетди. Шу кундан бери юрагимда буюк бир армон туғилди.

Ишқилиб, Нуриддинни севинтирмак фикрига тушдим.

Тунов куни шу китобни берди. (*Китобнинг бир мақоласини очиб.*) Мана шу ерда бир шеър ёзилмиш. Ўтли бир шеър ўқуғанча, ҳар бир сўзи чўғ, олов каби юрагимга ёпишади.

Ёзув ўзиники, шеър ўзиники. Шеърнинг билдирдиги аҳвол ҳам ўзиники (*шеърни ўқий бошлар*):

Кўз ёшларим бугун тагин оқарми?  
Қизил гулим ўзгалара кулар-да,  
Гўзал қушим учиб-учиб ўтар-да,  
Кулибгина мен сари ҳам боқарми?

Қизил гулим, — борлигимни(нг) султони!  
Жоним, сенинг хаёлингдан кучайди  
Юрагимнинг энг қимматли армони,  
Нечун менга марҳаматинг озайди?

Икки кўзим, малак юзим, севдигим,  
Жонлар сенинг юзгинангдан айлансин.  
Қизил гулим, қора кўзим, малагим,  
Дунё сенинг боқишингдан ўргулсин.

Қандоқ қилай, юзингга ҳеч боқолмам,  
Кўнгил дардин оёғингга тўколмам.  
Тупроқ каби йиқилмишам йўлингда,  
«Малак юзим, ҳолимни сўр!» деёлмам.

Истар эсанг, менга келиб гапурма,  
— Ёнимда ҳеч ўтурма!  
Ёлғиз йиғлаб турганимни узоқдан  
Кўрганингда... марҳамат эт, бир оз кул.

*(Китобни юрагига босиб.)* Оҳ, Нуриддин, кимга айтасан бунини? Сен йиғлар экансан, ким кулсин? Йўқ, янглишасен, хон!.. Сен йиғлар экансен, бутун дунё йиғлар...

Оғочлар орасидан бир кишининг келганини кўриб, китобини мосога қўяр. Бир оздан сўнг Раҳматуллоҳхон оврупача кийинган ҳолда келар. Зулайҳога тугал бир қуллуқ қилгандан сўнг, келиб кўришар.

Раҳматуллоҳхон: Хоним, қандай яхши бир ҳолингиз бор!..

Зулайҳо. Шундайми?

Раҳматуллоҳ. Учмоҳ каби бир боғчада, яшил япроқларнинг ингичка кўлагалари остинда япроқлардан ўтиб тушган қуёш ёруғи каби ўтуришингиз дунёдаги энг яхши кўрунишларнинг биринчисидир. Шунча гул туслари билан булбул ўқушлариға боқмай, китоб мутолаасиға берилишингизни кўрганлар, туришингизни тасвир этмак учун танг-ридан шоирлик истайлар.

Зулайхо. Ҳа, янами шоирлигингиз тутди, хон?

Раҳматуллоҳ. Кечирасиз, сизнинг шу турушингизни тасвир этиб, бутун дунё кишиларига билдира олмак учун шоир бўлмақ керак эмиш, шоир бўлганим учун танг-рига шукур қиламен.

Зулайхо. Қўб яхши, шоирлиқ буюк бир ҳунардир.

Раҳматуллоҳ. Бироқ шоирларнинг-да, энг буюги ўз шеърларини сиз кабиларга ўқута олгани бўлса керак.

Зулайхо. Чин шоирларнинг булбул ўқушлари каби юракдан қўбган шеърларини ким ўқумас?..

Раҳматуллоҳ. Шу эрта билан сизнинг қуёшдан бурун чиқиб, шу боғчада ўтуришингизни кўрган гуллар, оғочлар ва япроқларнинг ҳар бири даҳи бир шоир бўлган ва ҳар бирининг юрагиндан турли шеърлар қўбган бўлса керак. Бироқ, ишонмайинким, буларнинг шеърларини ўзингиздан бошқа кимса онгламағандир.

Зулайхо. Хон соҳиб! Эрта билан боғча қопусидан келасиз, бирор муҳим хизматми бор?

Зулайхонинг бўйла муносабатсиз сўздан Раҳматуллоҳнинг кайфи қочган каби бўлса ҳам сўзини яна эски йўлда юритмоқчи бўлур.

Раҳматуллоҳ. Биласизки, эрта билан боғга гул термак учун келарлар.

Зулайхо. Афу этасиз, хон соҳиб! Отамни кўрарга келган бўлсангиз, уйдадирлар.

Раҳматуллоҳ (*ўзини йиғиштириб*). Борми? Мен ҳам у кишини кўрмакчи эдим.

Зулайхо. Буюринг, Зайнабга билдиринг, хабар берсун.

Раҳматуллоҳ. Бош устина, хон, хоним! (*Уйга кириб кетар.*)

Зулайхо. (*Раҳматуллоҳнинг кетидан қарагандан кейин.*) Қизиқ ишлари бор шу йигитларнинг!.. Совуқми, совуқ. Нуриддиннинг бу китоби мана шундай йигитларнинг совуқ кулмаки) учун ёзилган эмиш, тўғридир. Булар гўзал кийинмак, гўзал кўринмак, яхши юрмак ва яхши гапурмак учун қўб тиришалар/ лекин бу ишларнинг бирортаси ҳам яхши бир тушунча эмас. Буёвға олданур қизлардан бирини олдомоқ учундир. Шу китобдаги ҳикоятда шундай бир ишни кўрсатадир. Мана шундай майин қилиқли бир йигит онгсиз бир қизни ёлғон сўзлари билан олдаб олгандан кейин уни қўйиб, бошқа бирининг кетидан тушган, уни ҳам олгандан сўнг яна бошқасига тузоқ қурган эмиш.

Зайнаб бир суфра ўртусини олиб келар, Зулайҳо салом берар. Китобни остдан олиб, ўртуни ёйгандан сўнг яна китобни қўяр.

**З а й н а б.** Самовар қайнади, хон соҳиб, чойни боғчада ичгайми?..

**З у л а й ҳ о.** Келган қўноқни кўрдингми?!

**З а й н а б.** Раҳматуллоҳхонними?

**З у л а й ҳ о.** Ҳа!

**З а й н а б.** Кўрдим. Хон соҳиб билан-да кўришди (*келтар*).

**З у л а й ҳ о** (*ўзи.*) Демак, бу чой зиёфати унинг учун?.. (*Зайнаб чой асбобини келтирар.*) Ҳа, сен бошқа нарсаларни кетур, мен буларни тузатайин.

Зайнаб кетурганларини қўйиб кетади. Зулайҳо истиканларни тузатиб турар. Зайнаб самоварни келтириб қўя берар.

**Келдиларми?**

**З а й н а б.** Ҳозир келарлар. (*Чиқиб кетар.*)

Эшикдан Фотимахоним. Каримбахшхон, Раҳматуллоҳ кириб келалар. Зулайҳо салом берар.

**К а р и м б а х ш х о н.** Мана, қизим ҳам шу ерда эмиш. Кўб яхши. (*Раҳматуллоҳга ер кўрсатиб.*) Буюринг, ўғлим.

Раҳматуллоҳхон ўтирар. Каримбахшхон билан Фотимахоним ҳам ўтирарлар. Зулайҳо чой сузиб берадир.

**К а р и м б а х ш х о н** (*Раҳматуллоҳга.*) Қани, ўғлим, нима хабарлар бор? Англиз газетларинда бирор нарса ёзилганми? Бизнинг Ҳиндистон тўғрусинда нималар дейлар?

**Р а ҳ м а т у л л о ҳ.** Аҳвол кўб яхши борадир, хон соҳиб. Ҳиндустонга эрк бермакчи эканлар, «Таймс» газетаси ҳам Ҳиндустонга эрк беришни кераклик топадир.

**К а р и м б а х ш х о н.** Ў... кўз тегмасин, яна бирор ёмон тушми кўрдилар?..

**Р а ҳ м а т у л л о ҳ.** Хон соҳиб, оврупалиларда адолат тушунчаси кучлидир. Хусусан, англиз миллати кўб эркчидир. Ҳиндустон эркина қарши турмаслар, деб ўйлаймиз.

**К а р и м б а х ш х о н.** Янглишасиз, ўғлим. Адолат тушунчаси деган нарса Оврупа юрагина кирмас, бу ўғурли қуш у қоронғу ерларда янглишиб кирса ҳам бўғулиб қолар, яшай олмас.

**Р а ҳ м а т у л л о ҳ.** Оврупада билим ошиб кетгандир. Билими шунча ошган улуснинг юрагинда адолат яшай олмасми?

Каримбахшхон. Оврупада билимнинг ошганини билмаган борми? Оврупада билим бор, лекин инсоф йўқ. Оврупанинг билими қоплоннинг тиш-тирноғи каби бир нарсадир. Кучсизларни йиртиб емак тўғрисида кўб иш кўзламишдир.

Фотимахоним. Хон, сизнинг кўб қизиқишларингиз бор.

Каримбахшхон. Нима қилдуқ, қани?

Фотимахоним. Бу кунгача Оврупада ўқумоқни мақташдан тилингиз тинмас эди. Оврупа билимларини ўрганмакни керак топқон эдингиз, бу кун у сўзларингиздан қайтиб қолибсиз.

Каримбахшхон (кулиб). Қайтганим йўқ. Оврупа билимларини ўрганмак албатта, керакдир. Оврупада ўқумоқ, овруполиларни инсофли, адолатли деб мақтамоқ учун эмас, унлардан ўзимизни сақлагани, тишли, тирноқли бўлмоқ учун керакдир. Бирда шуни билмак керакки, инсофсизлик билимда эмас, Оврупададир. Оврупада ўрганиб келган билимларни кишилиқ дунёсининг юксалиш ва тинчлиги йўлига ишлатмак қулайдир. Бутун Оврупа мусулмоннинг севидир, ёвларнинг энг буюғи, энг қўрқинчлиси англиздир. Шуни билмак ҳар бир мусулмон учун керакдир.

Раҳматуллоҳ. Мен Англетарада<sup>4</sup> шунча ўқудим, ўқучилари, ўқутчилари, ёзучилари, файласуфлари билан кўришдим. Бирортасидан сиз айтган ёвлиқни сезмадим.

Каримбахшхон. Англизнинг буюк ҳунари шундир. У бизнинг энг ёмон ёвимиз бўла туриб, ўзини энг яхши дўстимиз каби кўрсатадир. Гольдстоннинг Курьонни кўрсатиб: «Бу бор экан, биз яшай олмаймиз» деганини билмаган борми?

Раҳматуллоҳ. Хон соҳиб, ёлғуз Гольдстоннинг янглиш сўзи учун бутун англизларга ёмон қарамоқ тўғри бўлмаса керакдир? Англиз ҳукуматининг пойтахтида «Иттиҳоди ислом» жамияти бор. Англиз катталариндан йилда икки-учтаси мусулмон бўлиб турадир. Бу янги мусулмон бўлган англизлар ўзлари учун мачит ясадилар. Мана шу ишлар кўрсатадирким, англизлар мусулмон ёви эмаслар.

Каримбахшхон. Янглишасиз, ўғлим! Англизларнинг мачит ясамоқлари Каъбани бузмоқ учундир. Кўп алданманг. Йилда бир-икки улуғ англизнинг мусулмон бўлиши ҳам ёлғондир. Бундан неча йил бурун Султон Абдулҳа-

мид<sup>5</sup> замонида бир англиз Истанбулга келмиш, мусулмон бўлмиш. Абдулхамиддан «Лондонда шайх ул-ислом вакили» деган мансаб олиб кетмиш эди. Биз кўб вақт: «Лондонда шайх ул-ислом вакили кимга керак экан» деб кулган эдик. Сўнгра англадиким, бу-да ўйин эмиш. Англизлар бутун ислом ҳукуматларини битиргандан кейин ислом халифалигини ўз кўлларига олмоқ учун йўл очиб турар эмишлар. Англизларга ишонмоқ ўзимизни битирмакдир. (*Эрксизгина қўлини узатиб, китобни олар, бир муқовасини очиб шеврни кўрар, эс қўюб ўқий берар.*)

Фотима. Яна мутолаага бериладилар.

Каримбахшон (*Зулайҳога*). Қизим, бу китоб кимники?

Зулайҳо. Қайси куни Нуриддинхондан бир китоб истаган эдим, шуни юбормиш.

Раҳматуллоҳ. Албатта, яхши бир китоб бўлса керак, хон соҳиб! (*Олиб кўрмак учун қўл узатмоқчи бўлур.*)

Каримбахшон (*китобни ёпиб қўяр*). Билдигингиз рўмонлардан биридир.

Зайнаб кирар, янги келган бир кишининг карточкасини келтириб Каримбахшонга берар.

Каримбахшон (*карточкани ўқиб*). Айт, буюрсинлар (*Зайнаб чиқар, Раҳматуллоҳга.*) Сарвархон келмиш. Танийсиз-а?..

Раҳматуллоҳон. Албатта, хон соҳиб, танимаими уни?

Каримбахшон. Яхши бир йигитдир. Оврупада таҳсили ҳам яхши бўлган эмиш.

Сарвархон салом бериб кирар.

Мана, келди ўзи. Кел, ўғлим, кел. (*Кўришадилар, ер кўрсатиб.*) Буюр, ўғлим.

Сарвархон ўтирар. Раҳматуллоҳ унинг келишидан мамнун бўлмаганга ўхшаб турар.

Кўролмай қолдик, қаерда қолдинг, ўғлим?

Сарвархон. Афу этасиз, хон соҳиб! Бу дафъа зиёратингизга кўб кеч келдим.

Каримбахшон. Ҳар гуноҳингни афу эта оламан. Лекин шу келмасликни афу эта олмайман: гуноҳинг кўб улуғдир. (*Кулар.*)

Сарвархон. Хон соҳиб, сизнинг афуингиз буюқдир, буюқ афулар буюқ гуноҳлар учундир. Кичкина гуноҳларни афу этмак ҳар кимнинг қўлидан келади.

Каримбахшон. Сен қўб мантиқ сотасен, Сарвархон. (*Зулайҳога.*) Ҳайда қизим, бунга чой бер.

Сарвархон. Қуллуқ, тақсир!

Зулайҳо чой берар.

Каримбахшон. Сарвархон, янги хабарларни эшитмадингми?

Сарвархон. Йўқ, қандай хабарлар эмиш?

Каримбахшон. Англизлар Ҳиндустонга эрк берар эмишлар.

Сарвархон. Қўрқарам, Ҳайдаробод, Деҳқан, Туркия ила Афғонистон ҳукумати ҳам битурмакчи бўлмағайлар.

Каримбахшон. Ишонмайсан-а?

Сарвархон. Хон соҳиб, англизларнинг текин эрклари бор эса Ирлонияга<sup>6</sup> берсунлар.

Раҳматуллоҳ (*буюқ бир катталиқ билан*). Бугун дунёнинг энг улуғ газети бўлган «Таймс» даҳи шуни ёзади.

Каримбахшон. Бунга нима дейсан?!

Сарвархон. Хон соҳиб! Биз мусулмонлар, ёлғузгина алданмоқ учун дунёга келибмиз, чоғи... Бўйла ишчимиз, мулламиз, шогирдимиз, ёзучимиз, ўқитучимиз, шоиримиз, файласуфимиз, каттамиз, кичигимиз Оврупанинг газетига, китобига, сўзига, ишига, қонунига, воизига, олтуни, қизилига алданмоқдан бўлак ишни билмайдир... «Таймс» демиш эмиш. Дея берсин. «Таймс»нинг мусулмонларни алдамоқдан бошқа иши борми? Бутун Оврупанинг ройиши бизни алдамоқ эмасми?

Раҳматуллоҳ. Оврупа бизнинг устозларимиздир. Мен билан сиз нима ўрганмиш эсак, Оврупадан ўргандик. Оврупанинг фазилатини инкор этмак бизга ёқмас.

Сарвархон. Мен нима дедим? «Оврупадан бир нарса ўрганмадим» деган ким? Мен ҳар нарсани Оврупадан ўргандим. Оврупанинг инсофсизлигини-да ўзиндан ўргандим. Мен Оврупанинг фазилатини инкор этмаям. Оврупанинг буюқ бир фазилати кучсизларни алдаб, қонларини эммақдир. Оврупада инсоф ва адолат деган нарса йўқдир.

Раҳматуллоҳ. Нима қилди, инсофсиз бўлиб?!

Сарвархон. Нима қилдими? Буни онгламоқ қулай? Франса Тунис ўлкасини турк ҳукуматидан тортиб олди?. Букун Тунис арабларининг энг буюқ шайхи бир франсўз

итига тош отгани учун осиладир. Буми инсоф?! Жова ўлка-синдаги Фламанг килисоларинда<sup>8</sup> кунда неча йўлда кўнғироқ чалинар экан, мусулмон мачитларинда азон ўқумоқ қатағондир. Жова мусулмонлари намоз вақтларини белгиламак учун икки тахтани бир-бирига урарлар. Буми фазилат?! «Тираблуси ғарб»да нонини сувга ботириб егандан кейин девор кўлгасинда узаниб, тангрисиндан бошқа нарса тушунмаган ёзуғсиз араб Италия тўпларига боғланадир. Буми илм?!

**Каримбахшон.** Кўб узоқларга тушдинг, ўғлим! Бутун англисларни тўйдириб турган Ҳиндустоннинг ерли улусиндан йилда неча мингларчаси очликдан ўлиб кетадир. «Буми инсоф» десанг-чи? Бутун Оврупада англиздан ёмонроқ ёвимиз йўқдир. Шунинг учунми, неча сиёсий кишилар, мусулмоннинг англиздан қутулиш учун Олмон кучоғина олинишини лозим топмиш эдилар.

**Сарвархон.** Хон соҳиб! Мусулмонлар учун Оврупанинг қайси давлати фойдалидир, деб тушунмак янглишдир. Менга қолса, биз бутун мусулмонлар мундан кейин мана шундай тушунамиз. Оврупадан фойда кутайликми? Йўқми? Албатта, барчамиз шу тушунчанинг бир ёгинда тўплана олмасмиз. Буюк бир бўлагимиз: «Йўқ, Оврупадан бизга фойда йўқдир» деб ишнинг ичиндан чиқалар. Бир бўлагимиз бутун умидларини уза олмай: «Оврупадан фойда кутайлик, лекин англизданми, олмонданми эмас, бутун Оврупанинг социалистлариндан» деб қолалар.

**Фотима.** Файласуфни кўринг! Сен ўзинг қайси бўлагинда қолурсен?!

**Сарвархон.** Мен, албатта, биринчи бўлақда қолурман. Чунки Оврупадан фойда кутганлардан эмасман.

**Фотима.** Сенинг бу файласуфликларингни кўргач, эсимга тушди, бизнинг файласуфимиз Нуриддин нечун келмайдир.

**Каримбахшон.** Ҳа, дарвоқеан, Нуриддин қалайдир? Ҳеч кўрасенми?

**Сарвархон.** Оқшом шунинг ёнинда эдим, билганингиз каби турадир. Ўзгариш йўқ.

Зулайхо эс кўяр.

**Каримбахшон.** Нимадир бу йигитнинг кори?

**Сарвархон.** Кимсага билдирмайдир?

**Каримбахшон.** Ўзи ишлайдирми, йўқми?

**Сарвархон.** Бурунғидан ортиқ ишлайдир. Бир, икки китоб ёзди, шеърлар ёзиб турадир. Ёлғиз қайғуси узулмай-

дир, ишларни битиргандан сўнг бир қўлтиқда туриб тушунмақдан бошқа нарсани билмайдир. Йиғлаган чоғларида бўладир.

Каримбахшхон. Сен ўзинг нима дейсан? Бирор нарса сездингми, шунинг ишиндан?!

Сарвархон. Сезсам-да, фойдаси йўқ, негаким, очиқ бир нарса ўртада йўқдир.

Каримбахшхон. Ёзувлариндан бирор нарса чиқмайдирми?

Сарвархон. Шу ёзувлариндан бир нарса чиқармоқ бўлар: у-да, усти ёпиқ бир нарса!

Каримбахшхон. Масалан, шеърлариндан...

Зулайҳода ўзгариш.

Сарвархон. Менда шу шеърлариндан бир нарса сезганмен. Нуриддин ишқ йўлида қўб шеър ёзадир.

Каримбахшхон. Ўзидан сўрамайсенми?

Сарвархон. Сўрамоқ билан айтмайдир?

Фотима. Бечора Нуриддин.

Каримбахшхон. Тангри кўмакчиси бўлсин! Зулайҳо, хонларга чой берсанг-чи?

Раҳматуллоҳ. Етар, рухсат берсангиз кетайин.

Сарвархон. Менга ҳам рухсат берсангиз, хон соҳиб!

Каримбахшхон. Шундайми? (*Раҳматуллоҳ ва Сарварга қўл бериб хайрлашадир.*)

Фотима (*Раҳматуллоҳнинг қўлини олиб*). Хон! Бу кун тузукроқ кўриша олмадик: гурунгимиз бутун фалсафа билан ўтди. Яна келурсиз, албатта?

Раҳматуллоҳ. Албатта, келаман, хоним!

Сарвар. Хай (р).

Каримбахшхон. Хай, яхши кетингиз!

Сарвархон, Раҳматуллоҳ. Яхши қолингиз.

Сарвархон билан Раҳматуллоҳ кетарлар.

Каримбахшхон. Қизим, бориб Зайнабни чақир. Келиб буларни йиғиштирсин

Зулайҳо китобни олиб кетар.

Фотима. Хон соҳиб! Мирзо Раҳматуллоҳнинг ишини нима қиласиз?

Каримбахшхон. Бир оз сабр қилиш керак, хоним!

Фотима. Сабрнинг бир сўнги йўқми?! Бундан яхшироқ куёвни қаердан топармиз? Улуғ ва бой кишининг ўғли, ақчаси милйўндан ошган.

Каримбахшон. Отасининг улуғлиғига ишим йўқ: қиз отасига берилмас, берилса куёвга берилур. Оқчасининг милйўндан ошғанига қараманг! Қизимиз сотилмас.

Фотима. Сиз нимасига қарайсиз?!

Каримбахшон. Мен ўзига қарайман!

Фотима. Ўзига нима бўлубдир, ёмонми?!

Каримбахшон. Менга мақбул. (Кулиб.) Лекин у мени эмас, қизимни истайдир.

Фотима. Онглаёлмадим.

Зайнаб кириб, чой асбобларини олиб кета берав.

Каримбахшон. Демак, истарамки, қизимизга ҳам мақбулми, йўқми? Шуни билмак керак.

Фотима. Албатта, мақбулдир. Бўлмаса, сиз икки сўз билан уни йўлга кетирарсиз.

Каримбахшон. Хоним! Бир оз сабр қилсак, Раҳматуллоҳдан ҳам яхшироқ чиқиб қолса керак.

Фотима. Кимдир у.

Каримбахшон. Масалан, Нуриддин!..

Фотима. Эҳ-ҳе... у қайғу тўлимигами<sup>9</sup> қиз берарсиз?

Каримбахшон. Қизимизни олғач, қайғуси битмасми?

Фотима. Яна онглай олмадим?

Каримбахшон (кулиб). Жоним! Бугун нега онглаёлмас бўлиб қолдинг? «Нуриддин бир қизни севмишдир» деган сен эмасми эдинг?

Фотима. Албатта, бир кишини севмишдир, лекин Зулайҳони эмас!..

Каримбахшон. Зулайҳонинг қўлиндағи китобнинг муқовасинда бир шеър ёзилмишдир. Китоб Нуриддинники эмиш. Шеър ҳам уники. Мен шуни ўқиғач, кўб яхши кўрдимки, Нуриддиннинг севгилиси бизнинг қизимиздир.

Фотима. Тангри кўрсатмағай. Нуриддин қизимизни истаса ҳам, қиз уни истамас. Негаки...

Каримбахшон (сўзини кесиб). Уни билмайман, ёлғиз шуни истайманки, сабр қилинг. Нуриддин Зулайҳони истамаса, Раҳматуллоҳга рози бўлса, Раҳматуллоҳникидир. Йўқса, сабр қилиш керак. Ҳайда, кетайлик...

Фотима (туруиб). Ҳар ҳолда қизимизни Раҳматуллоҳга бериш керакдир.

Чиқиб кетарлар.

Парда тушар.

## ИККИНЧИ ПАРДА

Кеча. Раҳматуллоҳнинг уйи. Оврупача ясанган Раҳматуллоҳ ёзув мососи ёнинда китоб ўқиб турар.

Раҳматуллоҳ (*китобни ёпиб қўяр, бир қўли билан кўкрагини тутиб*). Уфф... Нима қилай-а? Шу қизни олмай қолган киши қандай яшар экан?.. Қўлимдан келганини қилдим. Фотимахонимга ёлвордим, кўб армуғонлар, ҳадялар бердим. Зайнаббига ҳам ҳар кўрганимда элик, олтиш рупия оқча бериб турибман. Қизнинг ўзи билан кўришганда ҳам қанча шоирона сўзлар айтаман... Ёниб шеърлар ўқийман. Қайси кун йиғлаганим ҳам бор. Фотимахонимга дардимни англата олдим. Бу хоним қизини мендан бошқа кимсага бермас. Зайнаббига ҳам қизни менга исиндургани тиришмоқчи бўлди. Лекин қизнинг оғзидан бирор сўз ололмадим. Шунча қиламен, оғиз очмайдир. Тош каби турадир, вассалом.

Шукруллоҳ киради.

Шукруллоҳ. Хон соҳиб, Айюбхон келдилар.

Раҳматуллоҳ. Ёлғузми?

Шукруллоҳ. Фуломҳайдар ҳам бор.

Раҳматуллоҳ. Кўб яхши, келсунлар. (*Шукруллоҳ чиқар. Раҳматуллоҳхон ёзув мососиндан лампани олиб, ўртадаги мосога қўяр.*) Кўб яхши бўлди, шуларнинг келишлари. Бир оз гурунглашиб олайлик, энди.

Айюбхон билан Фуломҳайдар салом бериб кирарлар.

Айюбхон. Ишларингиз лат емагай, хон соҳиб!

Кўришулар.

Фуломҳайдар. Сиз туташ уйдаи ўтирасиз, хон соҳиб? Ташқари чиқмоқ, боғчаларда кезмоқ йўқми?

Раҳматуллоҳ. Ҳар кун чиқар эдим, ўртоқ! Шу кун недандир чиқолмай қолдим.

Айюбхон. Шоирнинг ҳоли шудир! Бир шеър ёзғуси келдими, соатларча уйда қамалиб турадир, чиқмайдир. Шу кун чиқмагандан Раҳматуллоҳхоннинг ҳам бир шеър ёзгани онглашиладир.

Раҳматуллоҳ. Тўғридир. Бир вақтлар шеър ёзмоқ учун ҳам қамалиб қолганим бор. Лекин шу кун шеър ёзмоқ учун қолмадим. Шу кунларда шеър этмак учун ёзғичим ҳам юрмайдир.

Фуломҳайдар. Нечун? Қани, яна нима бўлди?

Раҳматуллоҳ. Нима бўлсун, ишқ-да?

Айюбхон. Ҳо-ҳо-ҳо... Шоирларнинг ёзғичини юритган ишқдир! Ошиқ бўлганинг учун шеър айта олмас ишми бу?!

Раҳматуллоҳ. Кулма, қардош! Ҳолим кўб ёмонлашиб қолган, шу қизни олмоқ тушунчаси миямни тўлдирмиш. Шундан бошқа нарсани ўйлаёлмайман. Шуни ололмасам, ўлиб қолурман. Ўлиб қолмасам-да, ўзимни ўлдиришим аниқ...

Фуломҳайдар. Тангри тўзим берсин.

Раҳматуллоҳ. Юракка бир олов тушган. Бутун бағрим ўртанадир. Ўтурсам-да, ухласам-да, уйғонсам-да, эсимда ёлғуз шу қизни-олмоқ...

Айюбхон. Эй... жоним! Қиз сендан бунча узоқ эмаску? Онаси Фотимахоним сени ўз боласи каби севар эмиш. Бу ерда ёниб, битиб турғунча уйлариға бор, ўтир, гапур, кўриш.

Раҳматуллоҳ. Бул тинарнинг<sup>10</sup> унуми йўқ. Қизни кўриб гапура олмамиш? Юрагимнинг олови ортиб кетадир.

Фуломҳайдар. Нима қилмоқчисиз?

Раҳматуллоҳ. Қизни олмоқ керак, ўртоқ! Бошқа йўл йўқ.

Айюбхон. Бунинг-да йўли шу: бориб-келаберсанг бир кун ўзини ёлғиз кўрасен, дардингни англатурсен. У ҳам қиздир, севмак, севилмак истайдир. Сенинг юрагингда чин севиш белгиларини кўрдими, у ҳам сева қолар.

Раҳматуллоҳ. Кўй, ўртоқ! Сен мени шундай қуруқ сўзлар, бўш фалсафалар билан овутасен. Сўзи кўб, иши оз файласуфларни кўрмакчилар, келиб сени кўрсунлар.

Айюбхон. Меним қанча сўзим бор эса, шунча ишимда бор.

Раҳматуллоҳ. Қани ишингиз?

Айюбхон. Ўтган ҳафта шу ердан чиққандан сўнг Каримбахшхон билан кўришдим. Дардингизни онглатдим. Илмингиз, фазлингиз, бойлигингизни мақтадим. У киши — дунё кўрган қари киши — дунёнинг қай бир ишини етмиш беш йўла санаб кўрган. Бизнинг сўзимиз билан ишламайдир.

Раҳматуллоҳ. Нима деди?

Айюбхон. Буюк бир оғирлиқ билан сўзларимни тинглади. «Ўғлим, — деди, — Раҳматуллоҳни ҳаммангиздан!»

яхшироқ ўзим биламан. Уни менинг ёнимда мақтаманг. Мен Раҳматуллоҳонга бутун борлигимни берарга ҳозирман, уни севаман. Зулайҳонинг онаси эса қизини Раҳматуллоҳдан бошқа кимсага бермакчи эмас. Мен-да шунга кўнган. Лекин, биласизким, эрга бермоқ тўғрисида эрк ва ихтиёр қизнинг ўзиндадир. Бир қизни бир йигитга кучлаб юборурга ота-онанинг ҳақлари сира йўқдир. Бизнинг ишимиз — қизимиз ёқтирган йигит тўғрисида қизимизнинг фойдасин кўзда тутиб тушунмак. Қизимиз ўзига зарарли бир йигитни сайлаган бўлса, унга мантиқий ўғитлар бермакдир». Бу сўзларни эшитгач ўйладим, қолдим.

Раҳматуллоҳ. Бўйла узун фалсафалар билан менинг ишим йўқ. Аҳмоқ Каримбахшхон менинг ким эканимни билмаган. Мен Зулайҳони ололмасам, бу дунёда тура олмаман. Истар эса яхши билан, оқча билан, йўқса ёмонлиқ билан оларман. Сира йўл топа олмасам, ўзини у дунёга юборгандан сўнг қизини олурман.

Фуломҳайдар. Ўртоқ! Иш унча қийин эмас. Фотимахоним қизини сизга бермакчи эмиш. Каримбахшхон-да бунга кўнган эмиш, қизларнинг тилини оналар билалар. Мен шундай англайманким, Фотимахоним қизини бу ишга кўндирадир.

Айюбхон. Мен-да шуни дейман! Қизнинг ота-онаси ёқтирган, қизнинг ўзи билан кўришиб тур, бошқа чора йўқ.

Раҳматуллоҳон чинғироқни босар, Шукруллоҳ кирар.

Раҳматуллоҳ (*Шукруллоҳга*). Ҳайда, қардош! Юракларимиз туташиб қолди. Сувинг бўлса, кетур, бир оз сип-қарайлиқ.

Шукруллоҳ. Ҳозирдур, хон соҳиб!

Раҳматуллоҳ. Кетур.

Шукруллоҳ. Хўб. (*Чиқар.*)

Раҳматуллоҳ. Орқадощлар! Бу кеча бир ерга чиқиш йўқ. Шу ерда гурунглашамиз.

Айюбхон. Биз, шу ерда қолмоқ учун келган эдик.

Шукруллоҳ бир патнусда чоғир шишалари билан аёғлар кўйиб, келтирар. *Ўртага кўйиб кетар.*

Раҳматуллоҳ (*аёғларни кўя туриб*). Буюринг, орқадощлар!

Айюбхон билан Фуломҳайдар аёғларни оладилар. Раҳматуллоҳ ҳам олар.

Айюбхон. Зулайҳонинг соғлиғига!

Раҳматуллоҳ. Зулайҳонинг ишқиға! (*Ичарлар.*) Оҳ орқадощлар, ишқнинг на ёмон ҳоллари бор!.. Кўзларим кўр бўлай эди-да, шу Зулайҳони кўрмая эдим. (*Аёғларни тўлдирур.*)

Ай юбхон. Бошда, албатта, қийин кўринур. Тўй қилиб, севгилингизни уйга келтургандан кейин барисини унутарсиз.

Аёғларни оларлар.

Фуломҳайдар. Раҳматуллоҳхон билан Зулайҳонинг тўйлари учун.

Ичарлар. Шукруллоҳ кирар.

Раҳматуллоҳ. Кел, ўртоқ!

Шукруллоҳ. Шерхон келмиш.

Раҳматуллоҳ. Келсун. Унинг учун-да бир аёғ келтир.

Шукруллоҳ. Хўб (*чиқар*).

Фуломҳайдар. Бу Шерхон яқинда янги бир ишгами кирмиш?

Ай юбхон. Аскарлиғи бор.

Фуломҳайдар. Ундан бошқа?

Раҳматуллоҳ. Яширин полис бошлиғина кирмакчи бўлмиш.

Шерхон салом бериб кирар, ўтирганлар жавоб қайтардилар.

Шерхон. Бахтимдан ўргилай, ўғурли бир соатда келибман.

Кўришадилар.

Раҳматуллоҳ. Буюринг, ака. (*Ер кўрсатур. Шерхон ўтирадир. Раҳматуллоҳ аёғларни тўлдирадир экан.*) Хуш келдингиз.

Шерхон. Хуш кўрдик.

Аёғларни оладилар.

Ай юбхон. Бу кеча Зулайҳодан бошқа кимсанинг отига ичмаймиз.

Раҳматуллоҳ. Эсон бўл!

Фуломҳайдар. Зулайҳонинг соғлиғига.

Ичадилар.

Раҳматуллоҳ (*Шерхонга*). Қани ака, нима гаплар бор?!

Шерхон. Бу кунга яхши эди, эртадан бошлаб бир оз тинчсизлик бўлса керак.

Барчалари. Нечун, нечун?

Шерхон. Шу кун тилғиром олдик. Пешовар шаҳрининг полис бошлиғина бомба ила уриб қочмишлар. Эрта кечдан бошлаб бизнинг шаҳримизда ҳам уруш ҳолати эълон қилинар.

Айюбхон. Пешоварда бир кишини ўлдирмишлар деб Деҳлидами уруш ҳолати эълон этаглар. Бу қандай иш?!

Раҳматуллоҳ. «Бир кишини ўлдирмишлар» дема ўртоқ! Бир англизни ўлдирмишлар. Полис бошлиғи бўлган бир англизни! Албатта, катта бир ишдир.

Айюбхон. Сўзингизни онглаёлмадим. Полис бошлиғи бўлган бир англизни «киши» дея оламызми?

Раҳматуллоҳ. Яъни бир ҳукумат кишисини ўлдирмишлар, сиёсий бир қон тўкилмиш.

Айюбхон. Онгладиқ. Лекин бу қон Пешовардами тўкилмиш, Деҳлидами?

Раҳматуллоҳ. Пешоварда.

Айюбхон. Унинг ўчини Деҳлиданми оларлар?

Раҳматуллоҳ (*аёғларни тўлдириб*). Булар сиёсий ишлардир, бўйла қоронғу ерлари кўб бўлур.

Аёғларни оларлар.

Айюбхон. Сиёсий ишларнинг қоронғу ерлари учун.

Кулишиб ичарлар.

Раҳматуллоҳ. Демакки, бундан кейин кечаларда чиқмакни қатағон қилдингиз-а?..

Шерхон. Қатағон қилдик, кимсани қўймаймиз.

Фуломҳайдар. Уйимизда тинчгина ўтирганга қўясизми?

Шерхон. Уни тангри биладир. Ҳар ҳолда эрта-кечдан бошлаб уйингиздан чиқмассиз?

Фуломҳайдар. Нечанчи соатдан?

Шерхон. Соат тўққиздан тонг отарғача кўчада кўринган киши англиз эса, эртагача сақлангандан кейин қўя берармиз. Ҳиндустонлик-да эса турмага юбориб, бир ой қамармиз.

Фуломҳайдар. Оҳ-о! Бир англиз билан бир ҳиндустонлик орасида шунча айирма борми?

Айюбхон. Жоним! Бу-да сиёсий ишлардаги қоронғуликларнинг биридир. Нима дейсан?

Фуломҳайдар. Бу оврупалилардаги виждон қоронғуликлариндандир. Улар ўзларини туташ юқорида тутиб, бизни тубанга уралар.

Шукруллоҳ кирар.

Шукруллоҳ (*Раҳматуллоҳонга*). Зайнаббиви келмиш.

Раҳматуллоҳ (*телба бўлиб турар*). Ҳозир чиқаман.

Айюбхон. Яхши бир хабар бўлғай...

Раҳматуллоҳ. Ким билар?! (*Чиқар*.)

Шерхон. Ўртоқлар, мен-да сизларга ияриб Зулайҳонинг отига чоғир ичдим! Лекин ўзини танимайман, кимдир у?!

Айюбхон. Раҳматуллоҳнинг севгилиси.

Шерхон. Кимнинг нимасидир у?

Айюбхон. Каримбахш соҳибнинг қизи.

Шерхон. Ҳа, онгладим. Раҳматуллоҳ яқинда бу қизга совчи юборғанми?

Айюбхон. Юборған.

Фуломҳайдар. Раҳматуллоҳни чақирган шу хотун ҳам шу иш учун келди.

Шерхон. У қизни Раҳматуллоҳонга бермаслар.

Айюбхон. Сиз қаердан биласиз.

Шерхон. Меним хотуним Каримбахш соҳибникига кетиб-келади. Шу айтди.

Фуломҳайдар. Қани, гапирингчи, қандай бўлибдир?

Шерхон. Ўтган куни Каримбахшхон билан хотуни шу иш учун урушмишлар. Хотун қизини Раҳматуллоҳонга бермакчи эмиш. Каримбахшхон бунга кўнмамиш. «Қизимни Нуриддиндан бошқа кишига бермам» демиш.

Фуломҳайдар. Уйла эса бу хотун-да яхши бир хабар келтирмаган бўлса керак?

Шерхон. Ким билар?!

Раҳматуллоҳхон қайғули бир ҳолда қулида бир қоғозни букиб келар, ўрнига ўтириб «уфф» деб бошини қўллари орасига олар.

Айюбхон. Қани, нима бўлди?!

Фуломҳайдар. Хат кимдан, ўртоқ?!

Раҳматуллоҳ (*бошини кўтариб*). Сўраманг, қардошлар!

Айюбхон. Нима бўлди, айтсанг-чи?

Раҳматуллоҳ (*сингирли узоқларга қараб*). Аҳмоқ Каримбахш!

Мен бу ишга йўл берар эканманми?

Ай юбхон. Жоним, нима бўлди? Нечук айтмайсан?

Раҳматуллоҳ. Фотимахоним ёзиб юбормиш.

Фуломҳайдар. Нима ёзмиш?

Раҳматуллоҳ. Каримбахшхон қизини менга бермакчи эмас эмиш.

Ай юбхон. Нечун?

Раҳматуллоҳ (*ёзувни хонга ташлаб*). Мана, ўқинг!

Ай юбхон (*ёзувни ўқур*). «Ўғлим, Раҳматуллоҳхон! Қизимни сенга бергали бор кучим билан тиришдим. Бундан кейин-да тиришарман. Бироқ хон соҳиб, бунга кўнмайдир. «Нуриддинхон бор экан, қизимни бошқага бермам» деб турадир. Шуниси яхшиким, Нуриддинхон-да бу кунгача қизимга совчи юбормади. Хон соҳибни шу ишга кўндирмак учун бирор йўл топгайсиз деб, ўзингизга билдирдим».

Раҳматуллоҳ (*қўлини мосога уриб*). Йўли қулай. Каримбахш билан Нуриддинни у дунёга юборамиз. Иш битар.

Шерхон. Бундан бошқа йўл йўқ!

Фуломҳайдар. Нуриддиннинг нима ёзуғи бор? У қизни истамаган эмиш-ку?

Раҳматуллоҳ. Эшитмадингизми, у бор экан, қиз менга берилмас эмиш.

Ай юбхон. Бу тўғруда бизга Шерхоннинг кўмаги керак.

Раҳматуллоҳ. Уртоқ, Шерхон? Бу ишни қиласиз-да...

Шерхон. Қўлимдан келган хизматни сиздан аяганим борми?

Раҳматуллоҳ. Эсон бўл, қардошим! Хизмат ҳақингни унутмам.

Шерхон. Эсонлик керакдир, хон соҳиб!

Ай юбхон. Сен қандай тушунасен, Шерхон, нима қилмоқ керак?

Шерхон. Қулайдир, хон соҳиб, полис бошлиғига бориб, Пешовар шаҳриндаги полис бошлиғини ўлдурганлар билан Нуриддинхоннинг танишлиғи бор десам, иш битар. Нуриддин турмага юборилур.

Раҳматуллоҳ. Офарин, Шерхон!

Шерхон. Турмага кетдими, у ёғи қулайдир. Ўлдириб юбормак ҳам, чурутиб битирмоқ ҳам бўлур.

Раҳматуллоҳ. Бор бўл, ўртоғим! Турмага юборгандан кейин, ўлдирмак керак.

Шерхон. У ёғи қулайдир.  
Фуломҳайдар. Ҳай, эмди менга рухсат.  
Раҳматуллоҳ. Кетасизми, қардошим?  
Фуломҳайдар. Кетаман, ўртоқ.  
Раҳматуллоҳ (*туриб*). Буюринг.  
Ай юбхон (*туриб*). Ҳай, эмди.

Кўришиб чиқарлар, Раҳматуллоҳ билан Шерхон қоларлар.

Раҳматуллоҳ. Келинг, Шерхон, эмди сиз шу ишни бўйнингизга оларсиз.

Шерхон. Ол, десангиз, олармиз.

Раҳматуллоҳ (*қўлтуғидан бир таянч қоғоз чиқариб, бармоқлари орасинда уйнаб туриб*). Орқадош, менга қолса, шу одамни ўлдирмак йўлини топ, турмага юбормак унча пишиқ бўлмас.

Шерхон. Қўлимдан келган хизматни қиларман, хон!

Раҳматуллоҳ. (*Банка қоғозини бериб.*) Мана бунда хизмат ҳақингиз, икки минг рупиялик банка қоғози. Яна кўришурмиз.

Шерхон (*қоғозни олиб*). Эсон бўлингиз. Ҳай, эмди. (*Кўл берар.*)

Раҳматуллоҳ (*қўл бериб*). Ҳай, яхши борингиз.

Шерхон. Яхши қолингиз. (*Кетар.*)

Раҳматуллоҳхон уни узатурға чиқар.

Парда тушар.

## УЧИНЧИ ПАРДА

Кундуз. Нуриддинхоннинг иш уйи, китоб билан тўла икки дўлоб<sup>11</sup>, ўртада бир мосо, девор ёнида ёзув мососи, устида бир электрик лампаси-да ёзув тақвими ва Нуриддиннинг ёзувлари турадир.

Аҳмадхон ўртадаги мосо ёнида китоб ўқиб ўтирибди.

Шу чоғда Сарвархон эшикдан кўринур.

Сарвархон. Кирсак бўлурми?

Аҳмадхон (*китобни қўйиб ёпар*). Буюрсинлар, хон соҳиб! (*Кўришиб ўтирарлар.*) Эсонмисиз, хон соҳиб?!

Сарвархон. Алҳамдулиллоҳ. Сиздан сўрайлик?

Аҳмадхон. Алҳамдулиллоҳ...

Сарвархон. Нуриддинбек йўқми?

Аҳмадхон. Боғчага чиққан эди, ҳозир келса керак.

Сарвархон. Аҳволи қалай, бир оз яхшиланмишми?

Аҳмадхон. Эскиси каби, хон соҳиб. Ёзмоқ, тушунмакдан бошқа иши йўқ.

Сарвархон. Ёзатурдиғи рўман битдими?

Аҳмадхон. Битаёзди. (*Ёзув мососини кўрсатиб.*) Мана, ёзувлар шунда туралдир.

Сарвархон (*ериндан туриб, ёзув мососига тўғри юрар*). Кўрайинчи, нималар ёзадир, хожа<sup>12</sup> файласуфимиз. (*Мо-соға келиб, қораланган қоғозларни олиб қарар.*) Ўҳ-у... нақадар адабий тасвир... гўзал ва шоирона бир лавҳа!.. Тингла, Аҳмадхон?

Аҳмадхон. Буюрингиз, хон соҳиб!

Сарвархон (*ўқир*). «Учмох кўринишли бир боғча. Боғчанинг энг кўркамли еринда ўриндиқ қўйилган... Ойша боғчадаги гулларнинг энг гўзалини уялтирур бир сувратда ўтирибди. Тува<sup>13</sup> тусли сочлари, топинмоқ учун оташкада теграсинда тўпланган ҳиндилар каби бўйинининг ҳар ёнинда сочилган бир-икки ҳалқаси, манглайна тўғри узаниб, сўл қошигача келган-да, ҳурматсизликнинг бунчасини ортиқ кўриб, яна қайрилган. Гул япроғина гўзал сабоғи берган қип-қизил ипак қўйлаки тонг елининг ўпишлариндан ўсангани учун титраб турган. Янги очилган бу тангри гули қўлиндаги кичкина китобнинг мутолаасига берилган...»

Аҳмадхон. Чиндан шоирона бир тасвир.

Сарвархон (*бир оз ўйлаб*). Аҳмадхон! Нуриддиннинг бунча қайғурганин сабабини онглаб, чорасини топмоқ чоғи келгандир. Ишни бўш тута берсак, Нуриддин ишдан чиқиб қолар.

Аҳмадхон. Тўғридир, хон соҳиб! Бироқ нима қилмоқ керак!

Сарвархон. Нуриддиннинг дарди бор. Бу дард ўз эмини топмаса, Нуриддинни ишдан чиқарур.

Аҳмадхон. Биламен, хон! Менинг ҳам энг буюк тилагим оғамнинг шу дардига эм излаб топмоқдир. Бироқ бир дардни эмламоқ учун уни яхшигина онгламоқ керакдир. Оғамнинг дардини яхшигина очолмай турубман.

Сарвархон. Дарднинг нималиги тўғрисида бирор нарса ўйладингми?

Аҳмадхон. Ўйладим, хон соҳиб! Дарди, менимча, белгиланди. Оғамнинг юрагини ёндириб турган севги оловиндан бошқа нарса эмасдир. Унинг севгидан бошқа дарди бўлса эди, бу кунгача эмланур эди.

Сарвархон. Бу тўғри... Нуриддиннинг севги ва ишқ тамуғина тушганини ҳар биримиз онглаганмиз, бирсеқ ким-

ни севар, унинг юрагиндаги бу кўрқинч олов қайси қўёшдан кўпуб тушган, мана шуни онгламоқ керак...

Аҳмадхон. Уни онглаганим йўқ, хон соҳиб!

Сарвархон. Оталар сўзидирким: «Икки кўл қилган ишни бир кўл қила олмайди». Иккимиз биргалашиб ўйлайлик-чи, қани бир нарса топа олармизми?

Аҳмадхон. Буюрингиз, хон соҳиб!

Сарвархон. Адабиёт онгсунинда<sup>14</sup> бир сўз бор. Дерларким: бир адиб бир театру ё бир рўман ёзганда, ўзининг миясиндаги сезгилардан бошқа нарсани тасвир эта олмайди. Нуриддинхоннинг шу рўмонинда тасвир этилган қизни мен кўрган каби бўлдим.

Аҳмадхон (*кулимсаб*). Хон соҳиб! Оғам бу рўманда юз эллик йил бурун ўтган бир қизни тасвир этган.

Сарвархон. Тўғридир, бироқ Нуриддинхон у қизга ўзининг миясига таъсири бўлган бошқа бир қизнинг сурадини таққан, мен шу қизни тунов кун кўрдим.

Аҳмадхон. Ким экан, у қиз?!

Сарвархон. Каримбахшоннинг қизи!..

Аҳмадхон (*обдираб*). Ўхў... Демак, оғамнинг миясига Зулайхонинг таъсири бор-а?!

Сарвархон. Менимча бўйла...

Аҳмадхон. Сиз буни қаердан онгладингиз?!

Сарвархон. Мен қайси кун Каримбахшоннинг боғига кетган эдим. Зулайхони кўрдим. Қизил ипак кўйлак кийган эди. Шу рўмандаги шоирона тасвирга бутун келиша эди. (*Эсига яқин бир нарса келган каби.*) Ҳо...У кун Раҳматуллоҳхон ҳам бор эди. Зулайхони кўргали борганини ҳар бир ишиндан онглаб турган эдим. Тунов кун эшитганим бир хабарга кўра Раҳматуллоҳхон Нуриддин учун бир ёвузлик туйиб юра эмиш.

Аҳмадхон. Қандай ёвузлик?!

Сарвархон. Нуриддинни бирор йўл билан йўқ қилмоқчи эмиш. Бу тўғрида Шерхон билан кенгашлари ҳам бор эмиш. Раҳматуллоҳхоннинг бу тушунчаси нечун? Нуриддинни нега йўқ қилмоқчи? Шунини-да снласайдик, масала очилган...

Аҳмадхон. (*Эсига бир нарса келган учун, Сарвархоннинг сўзини кесар.*) Кечирасиз, хон соҳиб! Меним эшитганимга кўра Раҳматуллоҳ Зулайҳога совчи юборган, Зулайхонинг отаси қабул элмаган.

Сарвархон. Ҳа, иш очилди. Демакким, Раҳматуллоҳон Зулайҳога совчи юборган, у қабул қилмаган, у бу ишни Нуриддиндан билиб, йўқ қилмоқчи бўлган.

Аҳмадхон. Хон соҳиб! Бир Нуриддиннинг бир дардига эм излаб турганда, иккинчи бир дард чиқиб қолди, оғамни Раҳматуллоҳдан сақламоқ керак энди?

Сарвархон. Уни сақламоқ қулай. Барчадан бурун Нуриддиннинг дардини ўзиндан онглаб чорасига киришмак тейиш.

Аҳмадхон. Уни қандай онглармиз?

Сарвархон. Ўзиндан сўрармиз.

Аҳмадхон (*эшикка қараб*). Мана ўзи ҳам келди.

Нуриддин келар.

Нуриддинхон (*қайғули*). Ассалому алайкум! Хуш келдингизми, ўртоқ?

Сарвархон (*туриб*). Хуш кўрдик. Кел, Хўжа файласуф. (*Кўришиб ўтирарлар. Нуриддинга эс кўйиб қараб.*) Ўртоқ. Бу не ҳол? Сенинг учун қайғудан қутулиш қуни йўқми?

Нуриддинхон (*кулимсираб*). Тирикликдан қутулмагунча қайғудан қутулиш мумкинми?

Сарвархон. Сендан бошқа тирик киши йўқми?

Нуриддинхон. Бор ҳам қўб бор.

Сарвархон. Шунларнинг қай бири сен каби қайғуларда ботиб турадир?

Нуриддинхон. Уларнинг тирикликдан нима онгланини, нечун қайғурмай юрганларини била олмадим.

Сарвархон. Чин ўртоқлар кишининг қайғуларини кўтариб, дардларини эмламоқ учун керакдирлар. Неча йилдан бери ўртоқлик қилиб турибмиз. Юрагингдаги дардни тилингга олиб, менга билдирганинг йўқ. Бўйла ўртоқликми булар?!

Нуриддинхон. Юрагимдаги дардларни тилимга ҳам чиқармоқчи бўласан, ўртоқлигинг шуми энди?!

Сарвархон. Дард билинмаганда давоси топилмас, сен дардингни айтмагач, мендан нима кутарсен?

Нуриддинхон. Меним дардим учун эм керак бўлса эди, қўбдан бери сенга айтар эдим. Лекин меним дардим даво истамас.

Сарвархон. Нечун?

Нуриддинхон. Чунки давоси йўқдир.

Аҳмадхон. Оға, сенинг дардинг нима эдики, онглашилмасдир.

Нуриддинхон. Улар билар!..

Сарвархон. Ўртоқ, сен бирисини севгансан. Юрагингда севги олови бор.

Нуриддинхон. Севмак гуноҳми? Бугун бир кишини севмаган бир юрак борми? Юрак севгисиз, балиқ сувсиз яшарми?

Сарвархон. Тўғридир, лекин севгини бўйла яшириб юрмоқ нечун?

Нуриддинхон. Севги юракнинг хазинасидир, хазинани яширин сақламоқ тейишдир.

Аҳмадхон. Кимни севганингизни ҳам онгладик. Биздан яширсангиз, осифсиздир<sup>15</sup>.

Сарвархон. Сен Каримбахшоннинг қизини севгансан, ўртоқ.

Нуриддинхон (*буюк изтироб билан*). Ўтинамен, кишининг юраги билан ўйнамағайсен?!

Сарвархон. Нуриддин! Шу кунгача бирликда ишлаб келдик. Сени энг севгили қариндошимдан кўбрак севдим, бир-биримиздан яширин нарсамиз йўқ эди. Бирор дардга учраганда келиб айтар эдик. Кенгашиб, бирлашиб, шунинг чорасини ахтарар эдик. Сенга нима бўлди? Зулайҳони севган экансен, унинг учун йиғлаб турар экансен, нечун менга айтмайсен?

Нуриддинхон. Сарвархон, кечирасен, ўртоғим! Виждонима онт ичаменким, дунёда сендан азизроқ ўртоғим йўқдир. Сенга ҳар дардимни айтиб, чорасини сўрамоқни ўзим учун фарз деб биламен.

Сарвархон. Юрагингдаги севгини нечун билдириб, чорасини сўрамадинг?

Нуриддинхон (*мунгли*). Ўртоғим, юрагимдаги севги дард эмас, даводир. Унинг чорасини истамам. Негаким, бутун дардларимнинг чораси удир.

Аҳмадхон. Севгининг чораси — севгилига эришмақдир, севгилисига эришмаган бир ошиқнинг бутун тириклиги — дард ва қайғусидир. Зулайҳога эришмадинг, бу кунгача ўз ҳолингни ҳам унга онглатолмадинг. Шунинг учун шу ҳолга тушиб қолибсен. Яна «Менинг севгим дард эмас» деб катталиқ қиласен.

Нуриддинхон. Ишқнинг нима эканини билмайсиз-ку?

Сарвархон. Бизми, билмаймиз?!

Нуриддинхон. Албатта, билмайсиз. Билсангиз эди, ишқни дард демас эдингиз ва ошиқ учун бир тилак борли-

гини тушунар эдингиз. Ишқ дард эмас: инсонларни ҳайвонликдан қутқарар бир даводир. Буюк қаҳрамонлар, улуғ адиблар, катта файласуфлар ёлғиз ишқ кўчасинда етишмишлардир. Буюкликда «КАМОЛ» деган нарсаларга эришмак ишқсиз мумкин эмасдир. Шунинг учун ишқ бир даводир. Буни «дард» деб, давосини излаганлар, янглиш йўлга кеталар.

**Аҳмадхон.** Ошиқ бўлган кимса, маъшуқига эришмакни истамасми? Шунинг учун бир оз тиришмасми? Сен Зулайхони севгансен, нечун уни истамайсен? Отасига нега билдурмайсен?

**Нуриддинхон.** Сизлар ҳар бир сўзингиз билан ишқнинг ҳақиқатини билмаганингизни эълон қилиб турасиз. Дунёда «ишқ» билан «ҳавас»ни яхшигина онгламоқ керак. Бир-бирига кўб ўхшаган бу икки ҳолни айирмоқ тейиш. Маъшуқа истамак, у билан бир ерда ётиб-қалқмоқ ишқ эмас — ҳавасдир. Ишқнинг ишқдан бошқа тилаги йўқдир. Чин ошиқлар маъшуқларнинг ўзи билан эмас, хаёли билан яшайлар.

Сарвархон бу сўзларни файласуфона тинглаб, тушуна бошлар.

**Аҳмадхон.** Сен Оврупада ўқидинг. Букун ҳар нарсани фан ва фалсафа кўзи билан қараб турган оврупалилар ҳам ишққа сен каби маъно бермайлар. Оврупада ҳар бир киши бир кишини севдими, унинг энг биринчи тилаги ўз ишқини маъшуқига билдириб, ундан марҳамат истайдир.

**Нуриддинхон.** Оврупани кўябер! Оврупада ҳайвонликдан бошқа нарса йўқдир. Оврупалиларда руҳ йўқдир. Бунлар руҳоний лаззатдан бир нарса онгламайлар. Чин севиш ва ҳақиқий ишқнинг туб ери Шарқдир. Мажнунлар, Фарҳодлар каби ишқ пайғамбарлари Шарқда етишдилар. Бу кун Оврупангда ишқ отини олган ҳоллар ҳайвонлик ҳавасларидан бошқа бир нарса эмасдир. Оврупадаги «ишқ» деб танилган у ҳайвонлар ҳаваси, кишининг камолига, сабаб бўлмас, кимсанинг руҳини юксалтирмас. Оврупа бўйла эмиш, деб мен ҳам ўзимни ҳайвонлик чуқурлариға ота олмаман.

**Сарвархон.** Ўртоғим! Сўзларинг тўғридир, лекин ошиқ бўлган киши маъшуқига эришмак истар. Буни билмаган йўқдир. Сен нега бундан тониб турасен.

**Нуриддинхон.** Янглишасен, ўртоғим, чин ошиқ ўзининг саодатини эмас, маъшуқанинг камолини истар. Маъшуқанинг камолига хизмат этмак учун ўзи комил бўлур-

ға тиришур. Ҳар ишдан бурун маъшуқини ўз ёнига олмоқ истаганлар, маъшуқалариндан бурун ўзларининг саодатларини тилаган эрурлар. Маъшуқини қўйиб, ўз саодатини тушунганларга эса ишқ демак янглишидр.

Аҳмадхон. Нечун дардингни бизга билдирмайсен?

Нуриддинхон (*кулумсиб*). Дардим йўқ?

Аҳмадхон. Бир кишини севгансен-ку?

Нуриддинхон. Севиш дард эмас, даводир.

Аҳмадхон. Нечун шуни билдирмайсен?

Нуриддинхон. Севги юракнинг энг муқаддас бир хазинасидир. Уни яширмоқ керакдир.

Сарвархон. Ўртоғим, дунёнинг энг қўрқинч олови севгидир, уни ёпмоқ учун устига на қўйсанг ёнар, унинг алангасини юксалтирар. Сен юрагингдаги севгини яшурғали шунча тиришдинг, лекин сенинг севганингни ёлғиз биз эмас, ёвларинг ҳам билиб олмишлар.

Эшикда Фуломҳайдархон кўринур.

Фуломҳайдархон. Кирсак бўлурми?

Уйдагилар ирғиб турарлар.

Нуриддинхон. Буюринг, хон соҳиб! (*Фуломҳайдархон кирар, кўришиб ўтирурлар.*) Хуш келдингиз, хон соҳиб!

Фуломҳайдар. Хўш кўрдик, хон соҳиб! Кечирасиз, қардошим, суҳбатингизни тўхтатдим. Чоғсизми, келдим?

Нуриддинхон. Ў... Тангри сақлағай, хон! Сизнинг бу келишингиз бизнинг суҳбатимизга бошқа бир файз берадир.

Сарвархон. Қўбдан бери суҳбатингизга муҳтож эдик.

Фуломҳайдархон. Қуллуқ, хон соҳиб! Зарур бир ишим чиқмаганча, бошингизни оғритиб келмакни муносиб кўрмадигим учун ҳар кун кела олмайман.

Нуриддинхон. Буюрингиз, хон соҳиб, хизматингизга ҳозирмиз.

Фуломҳайдархон. Қуллуқ, хон соҳиб, хизматим йўқ. Бироқ сизнинг тўғрингизда қўрқувли бир хабар эшитдим. Шуни билгали келдим.

Сарвархон билан Аҳмадхон бир-бирларига қарайдилар.

Нуриддинхон. Қандай хабар?!

Фуломҳайдархон. Хон соҳиб, мен сизни қўбдан севамен, ёзган китоб ва мақолаларингизни сева-сева ўқуб,

кўб осифланамен, юртимиз учун энг керакли ва асру осифли эканлигингизга ишонамен.

Нуриддинхон. Куллуқ, хон соҳиб!

Фуломҳайдархон. Шу кунларда ўзларини ёш ва юртчи атаған бир-икки «виждонли киши» томонидан сизга бир зарар еткизулса керак.

Аҳмадхон. Ким экан, улар?!

Фуломҳайдархон. Кечирасиз, хон соҳиб. Уларнинг отларини айта олмайман. Ёлғиз шуни хабар бера оламан-ким, орадағи душманлиққа сабаб ишқ масаласидир.

Нуриддинхон (*кулимсаб*). Қандай зарар еткураар эканлар?!

Фуломҳайдархон. Хон соҳиб, сизга бўйла бир ёмон хабар кетурганим учун ўзимни бахтсиз санайман!

Нуриддинхон. Йўқ... зарари йўқдир, орқадош, билганингизни айтсангиз, ҳаққимизга буюк бир яхшилик қилган бўлурсиз.

Фуломҳайдархон. Уларнинг туб тушунчалари сизни йўқ қилмоқдир, лекин усталиқ ва шайтонлиқ билан бу тилакларига эришмоқчи бўлалар.

Нуриддинхон. На каби?!

Фуломҳайдархон. Буларки, ҳукуматга ёлғон бир хабар бериб, сизни тутдирсинлар.

Нуриддинхон. Қандай хабар?!

Фуломҳайдархон. Яқинда Пешовар шаҳрида бир англизни ўлдирган эдилар.

Сарвархон. Пўлис бошлиғини...

Фуломҳайдархон. Ҳа, ёвларингиз Пешовардаги бўлган шу ишни сиздан қилиб кўрсатмоқчи.

Аҳмадхон. Ой, жоним! Бизнинг ҳукумат кишиларида онг деган нарса йўқми? Биз Деҳлида ўтирибмиз. Пешовардаги бир ишдан нима хабаримиз бўлар.

Сарвархон (*Аҳмадхонга*). Қардошим, ҳукумат кишиларимиз англиз эмасларми? Қай бир англизнинг энг биринчи тилаги қайси йўл билан бўлса-бўлсин, бир мусулмонни қўлга тушуриб бўлмоқдир.

Шу чоғда ташқарида гурултов бўлар, эшиқдан англиз юзбошиси (Виллям) билан тўрт ҳинд пўлис босиб киралар.

Виллям (*тўппончасини кўрсатиб*). Барчангиз берилингиз! Озгина тебранган кишининг ўлимига ҳукм бордир! (*Пўлисларга.*) Тутингиз бунларни.

Пўлислардан бир-иккиси уйларидағи кишиларни бир ерда тўплаб сақларлар.

Нуриддинхон. Тинч ўтирган кишиларнинг уйларига кимнинг буйруғи билан босиб кирасиз?

Юзбоши. Ҳукуматнинг буйруғи билан!

Нуриддинхон. Қоғозингиз борми?

Юзбоши (*тўппончасини тўғрилаб*). Қоғоз истамас, мени танитғуси нарса мана шудир! (*Бўш ўтирган икки пўлисга.*) Кўтаринг бунинг қоғоз билан битикларини.

Пўлислар битик ва қоғозларни тўплаб кўтарурлар.

Сарвархон. Бизнинг ёзуғимиз нима экан?!

Юзбоши. Чиқарма товушингни, сўроқ чоғингда онгларсен?

Нуриддинхон (*Фуломҳайдархонни кўрсатиб*). Бу киши меним кўноғимдир, буни қўяберингиз, ўз ишига борсин.

Юзбоши. Гапурма дейман! (*Пўлисларга.*) Ҳайданг олға... марш!

Пўлислар битик ва қоғозларни кўтарган ҳолда тутқунларни олға суриб чиқаралар.

Юзбоши. Ҳай, хоин мусулмонлар! Англиз каби буюк давлатнинг қўл остиндан чиқмоқ учун тиришма. О-о... Англиз миллати бу тўппончаларни сизни кўкракларингизни тешмак учун ясағандир.

Чиқиб кетар.

Парда тушар.

## ТЎРТИНЧИ ПАРДА

Зиндон. Бир ёнда, ер устинда похол ёйилган, бир кат<sup>16</sup> ёнида бир синиқ қумғон қўйилган. Нуриддинхон похоллар узра ётибди. Туш кўрадир.

Нуриддинхон. Зулайҳо!.. Кел, малагим, кел! Чечагим, кел... оҳ. Ёй туси каби... гуллар орасинда ўтирасен... тангри қушидек... малаклар билан учушасен... Сен умид чечагисен... Узоқларда юрасен... Сен ошиқ бахтисен... бизга ёношмайсен<sup>17</sup>... (*Турар. Талвасада.*) Кел, гўзалим... Кел севгилим... Кел жоним... кел, армоним... Оҳ, кетди... Жоним кетди, тинчлигим узоқлашди... Кетди... (*Тинар. Яна талваса.*) Кел... Зулайҳо ... кел! Тангри чироғи, кел... Кўнгул боғи, кел... Жон булбули, кел... Армон юлдузи, кел... (*Кулимсиб.*) Оҳ, кел... (*Зулайҳонинг хаёли келиб Нуриддиннинг бошида ўти-*

*радир. Нуриддин бир оз тинганидан кейин, яна талвасага тушар. Қўлларин Зулайҳо сари узатар.)* Кел... севги учмоғи... кел! (*Хаёл секин-секин кета бошлар.*) Кетма... учмоҳ булбули... кетма... оҳ!.. Кетди... Умидим каби учди... Армонимдек қочди... кет... гўзалим, кет. Сен малаксен... тубанларда юрма... Сен куёшсен... бизга ёруғинг етарликдир. уч... уч... гўзаллар ҳокими... гўзаллик тангриси... уч... юксал... Сен куёшсен!.. Қанча юксалсанг, ерни шунча ёритган бўларсен...

Зиндон эшиги ёвошғина очилур. Шерхон секингина кириб, оёқ учи билан Нуриддинга ёнашар.

Нуриддинхон (*тушда*). Зулайҳо... кетдингми?

Шерхон. Яхши бир паллада келибман. Ётиб қолмиш!..

Нуриддинхон. Зулайҳо...

Шерхон. Ўҳў... тушинда Зулайҳони кўрадир, бунга уйғонмоқ йўқдир эмди.

Нуриддинхон. Мени йиғлатма, малагим!..

Шерхон (*улусга ёношиб*). Ҳукуматимиз-да кўб қизиқ!.. Сенга ола қараган бирини кўрсатиб, «мана шу киши англизларни севмайдир» дедими... иш битди. Унинг онасини кўрсатмай қўймайлар. Тубсиз бир сўз билан буни қаматдим... Бу бояқиш икки ойдир, шунда ётадир... Бизнинг Раҳматуллоҳхон эса ҳалигача Зулайҳосини ололмаган... Ўткан кун мени чақириб...

Нуриддинхон (*қаттиқ талваса билан қўлларини узатиб*). Зулайҳо о, кел.., кел... Кўз бабагим, кел... жон чечегим, кел!

Шерхон сесканиб қочмоқчи бўлар, уйғонмаганини кўргач, обдираб кўзларини Нуриддинга тикиб турар.

Нуриддинхон (*қўлларини узатган ҳолда*). Келдингми?.. (*Зулайҳонинг хаёли кўришиб, оғир бир юриш билан Нуриддинга ёнашур.*) Тўхта... учмоҳ чечаги тўхта... Менга ёношма... Юрагимнинг алангаси сенга тегмасин! (*Хаёл йўқолур.*) Кетдингми? Мени тирик қўйиб кетма, жоним! (*Тинар.*)

Шерхон. Раҳматуллоҳхон ўтган кун мени чақириб, «Қиз менга кўнмайдир, йўлини топ» деди. «Отасини қаматай» дедим, кўнмади. «Отасини қаматмоқ унумсиздир. Нуриддин тирик экан, у қиз менга тегмас. Ишқилиб, Нуриддинни йўқот» деб менга тағин беш минг рупия берди.

Нуриддинхон. Ҳулкарим, кел... Нега келмайсан?

Шерхон (*обдираб қарсғандан кейин*). «Шаҳар бошлиғига бир оз ақча берсанг, ёзуғини бўйнига қўйиб, осиб юборгай» дедим. Раҳматуллоҳхон кўнмади. «Нуриддинни осса-

лар, Зулайхо мендан билар, сўнгра менга сира кўнмас. Иш-қилиб Нуриддинни зиндонда оғуламоқ керак» деди. «Бу иш қулай эмас» дедим. Яна беш минг рупия берди. Нима қилмоқ керак? Ўн минг рупия оз эмас? (*Киссасидан кичкина бир шишани чиқариб.*) Ўн минг рупия учун шул кишини учмоғга юбориш қулай эмасми?... (*Хурка-хурка қумғон сари борар.*)

Нуриддинхон. Мени ўлдирасенми, золим?!

Шерхон хуркар, шиша ичиндагини қумғонга бирдан бўшатиб, орқага босар. Шу чоғда зиндончи кирар.

Зиндончи. Ишингиз битдими?

Шерхон. Кечирасен, ўртоғим, бояқиш йигит ётган экан. Уйғотурға кўнгил истамади. Ўзи уйғонгай, деб турдим, уйғонмади, энди кетиб, эрта билан келарман.

Зиндончи. Кўп яхши. (*Шерхон чиқиб кетар, Шерхоннинг кетидан ёмон-ёмон қарағандан кейин.*) Шу кишининг яхши бир тилаги бўлмаса керак. Нуриддинга сўзим бор, деб келди, гапурмасдан кетди...

Нуриддинхон. Мендан нима истайсен?!

Зиндончи (*сесканиб*). Ким? Менми?

Нуриддинхон. Оҳ... золим...

Зиндончи. Кимни дейсиз?

Нуриддинхон. Малак...

Зиндончи (*обдираб*). Нуриддинхон... Нуриддинхон!..

Нуриддинхон. Чечак...

Зиндончи. Нуриддин, ҳай, Нуриддин!

Нуриддинхон (*отилиб кўзларини очар*). Ким сен?!

Зиндончи. Мен... зиндончи!

Нуриддинхон. Оҳ!..

Зиндончи. Оқшом нонини емасдан ётибсен, нон кетурайми?

Нуриддинхон. Керакмасдир.

Зиндончи. Нуриддинхон! Кўб қайғурмангиз, қутулишингиз чоғи етишгандир!

Нуриддинхон. Кетингиз бу ердан!

Зиндончи. Бирор нарса истамайсизми?!

Нуриддинхон. Сизнинг кетишингизни истаймен.

Зиндончи. Яхши мен кетайин. (*Чиқар.*)

Нуриддинхон (*ўтириб*). Тангрининг қизиқ ишлариға боқ. Меним торгина миямда ер юзининг қайғусини сиғдирган экан, ўзимни ер юзида сиғдира олмайдир... Ишми бу?! Юртимнинг тўрт юз милйўн улуси неча минг англиз

маймунларининг таёғлари остинда эзилиб турадир. Юз мингларча қон-қардошларим очликдан ўлиб туралар. Қоронғу зиндонлардаги кишанлар остинда жон берганларнинг сони йўқ. Бунларнинг қутулиш йўлларини ахтарасиз деб ёзуғсиз кишиларни, тинч кимсаларни ҳам қамаб туралар. Яна ўзларини инсон, маданий, одил атаб юралар. Уятсизлар, виждонсизлар! (*Қизиб.*) Ёвузлар! Бугун маймун сирасинда қўйдигингиз Ҳиндистон болалари қиёматга довури бўйла қолмаслар. Буларнинг даҳи кўзи бор, очилур. Виждони бор, уйғонур. Қони бор, қайнар. Тўрт юз миллиён инсон боласининг бўйла эзилиб қолишига тангри кўнмас, табиат рози бўлмас, адолат қараб турмас. Бир кун буларнинг барчаси сизнинг ўлимингиз учун ўзининг сўнг кескин буюрдиғини чиқарур. Мана шу паллада мазлум чиқишининг қандай ёмон эканини ўз кўзларингиз билан кўриб, ишонурсиз. Ўз ҳаққини истаганларни қоронғу зиндонлар билан ҳуркутмак, қора ўлимлар билан кўрқутмоқ истайсиз... йўқ... Ҳақни ҳақ деб таниган кишилар учун ўлимдан кўрқмоқ, зиндондан ҳуркутмак йўқдир. Бизни тамуғдан қоронғуроқ ўринларда қамасангиз ҳам ҳинднинг қутулиш юлдузи кўзларимиздан йўқолмас. (*Қумғонни олиб ичмоқчи бўлур, бирдан эсига бир нарса келган каби ўйлаб қолғандан кейин, узоқларга қараб сўйлар.*)

Оҳ... Зулайҳо!.. Умид ҳулқари!.. Сенинг хаёлинг билан яшамоқ учун мана шундайин кечага ўхшаган қоп-қора зиндонлар керакдир. Аҳмоқ англизлар мени кўрқитгани бу ерда қамабдурлар. Боқ, бу ерда сенинг хаёлингдан бошқа нарса топилмайдур. Шунинг учун бу ер зиндон эмас, умид боғидир.

Оҳ... Зулайҳо!... Армон юлдузи, сени тушуниб турмоқ учун мана шундайин ер ости қамоқлари тейишдир. Тентак англизлар... мени йўлдан қайтарғали бу ўринга тикмишлар! Сенинг қайғуларинг била дардлашурға бу ердан ўнғайроқ ўрин йўқдир. Шунинг учун бу ер қамоқ эмас, тинчлик учмохидир. (*Сув ичмак учун қумғонни оғзига яқинлатғач, Зулайҳонинг хаёли узоқдан кўринур.*)

Кел, севгилим, кел!.. Бу ерда сендан бошқа кимса йўқ... Бу ерда сендан бошқани истамаймен... кел!.. (*Хаёл яқинлашмоқ истар.*) Йўқ... келма... бу ерга кирма... бу ер англиз қамоғидир... Сенинг учун ярашмайдир... Сенинг юртинг бўлгани учун Ҳиндистон ўлкасини кирли англизлардан аритмоқ истаган мен ўзингни англиз зиндонидан кўрмак истамам.

(*Хаёл кетар.*) Кет... малагим, кет!.. Севги булоғлари бўлган оёғларингни ўпган Ҳиндистон ерини тамуғ йилонлариға ўхшаган англиз оёғларин остинда кўрмак меним учун уятдир, бунга кўнмам! У кирли оёқларни бу ўғурли ердан чиқарганча тиришамен.

Зиндон эшиги очилур. Сарвар билан зиндончи кирарлар.

Сарвархон. (*Кирар-кирмас Нуриддиннинг кўлинда қумғонни кўриб, телбалик билан.*) Сақла кўлингни, Нуриддин!

Нуриддин обдираб Сарвархонга қарар.

Нуриддинхон. Оҳ, ўртоғим, сени қаерға қамадилар?

Сарвархон (*югуриб келиб қумғонни Нуриддиндан олиб, ерга кўяр*). Шу қумғондан сув ичдингми, йўқми?

Нуриддин (*обдираган бир йўсинда*). Йўқ, ичганим йўқ!

Сарвархон. Уҳ... Алҳамдулиллоҳ.

Нуриддин. Нечун сўрадинг?

Сарвархон. Шу кун Шерхонни(нг) сенга ичирмоқ учун оғу олиб келганини онглаған эдим. Бундан бир соат бурун ёнингдан чиқиб кетганини бир киши сўйлади.

Нуриддинхон. Сени қачон чиқардилар?

Сарвархон. Мени бир ой қамагандан кейин кўйиб юборған эдилар. Мен сени қутқармоқ учун келдим.

Нуриддин. Меними?!

Сарвархон. Тингла! Ҳиндистон яшурин кўмитасининг Деҳли ўрта шўъбаси сени қутқарурға қарор берди. Сенинги каби юксак тушунчали бир юрт шоирининг ёвуз ёвларининг зиндонларинда ётишини кўмитамиз учун уятдир. Кўмита сени бу қоронғуликдан чиқарғали бор кучи билан тиришди. (*Зиндончини кўрсатиб.*) Мана шу кишининг кўнглини топиб, сени қочирурға кўндирди. Бу киши сени шул чоғда қочирғусидир. Ҳайда, ўртоғим, ерингдан кўп!

Нуриддинхон. Ҳозирми?

Сарвархон. Ҳозир.

Нуриддинхон. Фуломҳайдархонни неттилар?

Сарвархон. Ул киши етти кун ётиб чиқди.

Зиндончи. Хон соҳиб! Вақт ўтмағай, турингиз.

Нуриддинхон. (*Катдан тушиб.*) Бу ердан қочуб, қаерға борурмен?

Сарвархон. Тўғри Каримбахшхоннинг боғига борурмиз. Шунда сенинги учун ёшини бир уй тайёрланди.

Нуриддинхон (*улусга қараб, севинч билан*). Қайғурмангиз, золим англиз остинда эзилғанлар, қоп-қоронғу кечангизнингда тонги бордур.

Чиқиб кетарлар.

Парда тушар.

## БЕШИНЧИ ПАРДА

Кечкурун. Каримбахшоннинг уйи, эшиги сўл ёқда, бири соғда. Иккиси қаршусида боғчага очилган уч деразаси бор. Уй электрик лампалари билан безанған, ўртада узун бир мосо, теграсинда ўн икки ўриндиқ тизилған. Соғ ёқдағи теразанинг ёнида бир ўриндиқда Нуриддинхон ўтурған ҳолда ботиб турған қуёшни томоша қилалар.

Нуриддинхон (*ботиб турған қуёшга*). Бояқиш қуёш! Қутинг ўчмиш, қип-қизил олов чечаги бўлған юзинг куз япроқларидек сарғайиб қолмиш. Ниннидайин умид тонғларинда кула-кула чиққандан кейин, умидсизлиқ қоронғуси остинда сарғайиб ботишингни(нг), билмам, нечанчи дафъаси бўлди? Ер юзининг энг қоронғу пучмоқларинда инсонлар томониндан ишланған энг ёшури қонли ўйинларнинг барчасини очиб кўра олған сен; бир муаррих бўлса эдинг, буларнинг ҳаммасини олтун ёзғуч билан ёзар эдинг!..

Халқнинг ҳақсизлиғдан устунлиғи мангулик бир иш бўлса эди, сенинг ер юзиндағи ҳукуматинг оралиқсиз ва туганмас бўлар эди. Ҳолбуки, ўн икки соатдан кейин ўз тахтингни қоронғулиқнинг оёқлари остига ташлаб қоча турибсен. Ер юзининг ҳукуматини милйўн-милйўн йилдан бери қоронғулик билан улашиб олмоқға кўниб туришинг ҳақнинг-да, ҳақсизлиқнинг-да, мангулик устунликларига ишонғанлар учун қаттиқ бир таёқдир. Лекин, ким онглар?!

Зулайҳо бир ёндан кўринади. Секин-секин келиб, Нуриддиннинг боши узра унинг ҳолига маҳтал бўлиб турар.

Чиқасен, курашасен, энгиласен, бир оздан кейин янгидан бош кўтариб, ер юзин ёритасен, зулмға қаршу курашғанлар сендан сабоқ олсунлар. Қуёш бўйла чиқишлар, энгиб-энгилишлар билан очунда бир нарсанинг мангулик бўлмаганин кўрсатиб турар экан, шуни билиб қўйки, менинг юрагимдағи олов Зулайҳонинг севгиси мангуликдир! Сенинг бўйла чиқиб, ботишинг, унинг мангулик бўлганин буза олмас. Негаки, сен ўзинг Зулайҳо чиққан ўринға етиша олмағансан. Оҳ, Зулайҳо... на гўзалсен!

Зулай җо (ошиқ товуш билан). Нуриддинхон!  
Нуриддинхон (сесканиб турар). Ох... Сизми?... Бую-  
рингиз.

Ўтирарлар.

Зулай җо. Бу ерда ёлғизгина нималар тушуниб турасиз.  
Нуриддинхон. Ҳеч!..  
Зулай җо. Күёш биланми гапуриша эдингиз?!  
Нуриддинхон (буюк бир юрак изтироби билан). Сизни  
кўрмагач, ундан бошқа ким билан гаплашай!  
Зулай җо. Шоирлиқ...  
Нуриддинхон. Ишқнинг энг яқин йўлдоши.  
Зулай җо. Юрак ёнғинининг алангаси, десак ҳам бўлур.  
Нуриддинхон. Шейрнинг нима эканлигини кўб  
яхши биласиз.

Зулай җо. Ишқни(нг) билганим каби.

Бир-бирининг кўзларига ошиқона қарарлар.

Нуриддинхон. Ох... Зулайҗо!..  
Зулай җо. Ох... Нуриддин!..  
Нуриддинхон. Буюр!..  
Зулай җо. Кўкка боқ, қандай тиниқ!  
Нуриддинхон. Меним севишим каби.  
Зулай җо. Кел, ернинг бу булғаниқ ҳавосиндан ўзи-  
мизни қутқарайлик. Иккимиз кўлни-кўлга бериб учайлик,  
учайлик... Күёш эришмаган ўринларгача юксалайлик!..  
Нуриддинхон. Ох... саодат!..  
Зулай җо. Яратилмаган бир нарса!..

Нуриддинхон. Сен билан уча билмак учун хаёл  
бўларга тейиш!.. Зулайҗо!.. Сен жонлар дунёсининг ер узра  
қўнған бир кўгарчинисен... Сен билан юксала олғали жон  
бўларга керак. Йўқ, Зулайҗо, сен билан юксалурга меним  
кучим етмас. Сен қол! Ер юзинда турайлик. Сенинг учун  
гўзал Ҳиндустонимизни тозартайик. Малъун англизларнинг  
қонли оёқларини бу учмох боғчасиндан чиқарайик. Малак  
турған ерда шайтон юра олмагандек, сен юрган ерда анг-  
лиз тура олмасин.

Зулай җо. Ох... англизларни Ҳиндустондан чиқармоқ  
на гўзал бир сўз! Бироқ гўзаллигича қийинлиғи ҳам бор!  
Икки-уч кишининг қўлидан келмас бир иш!

Нуриддинхон. Икки-уч кишими? Бугун Ҳиндус-  
тонда англизларга қаршу икки-уч милйўн киши бор. Тўғри-  
сини айтганда, бутун Ҳиндустон улуси англизларни қув-  
моқ истайлар.

Зулайхо. Хаёл...

Нуриддинхон. Ҳақиқатнинг уруғидир!

Зулайхо. Бутун Ҳинд улуси чин бир иймон билан англизларни қувмоқ истасайдилар, англизлар бу кунгача қувилган бўлар эдилар: негаки, очунда иймондан ёритғучироқ бир нарса йўқдир.

Нуриддинхон. Зулайхо! Ишонмайсен, қўмитамизнинг мана шу кеча бўлғуси йиғини сени ишонтирар.

Зулайхо. Бу кечаги йиғинимиз муҳимми?

Нуриддинхон. Муҳим, деялар.

Сарвархон кирар.

Сарвархон. Кирсак бўлурми?

Нуриддинхон, Зулайхо (*ўринларидан туриб*). Бюрсинлар, хуш келдингиз. (*Кўришурлар.*) Ўтирингиз! (*Ўтирурлар.*)

Сарвархон. Қалайсиз? Эсонларми?

Зулайхо. Яхшибиз.

Нуриддинхон. Нелар бор?

Сарвархон. Тинчлик.

Нуриддинхон. Янги бир нарса эшитмадингми?

Сарвархон. Ҳукуматнинг турмасидан қочғанинг учун сенинг ўлимингни буюрмишлар.

Нуриддинхон. Ўзларининг-да ўлим чоғлари етишган!

Сарвархон. Қўмита аъзолари келмайларми?

Нуриддинхон. Мана биз уч киши бўлдик. Қолганлар-да келгусидирлар (*эшикка қараб*). Мана, келалар.

Қўмита раиси салом бериб келар. Кўришиб барчалари мосо теграсинда ўтирарлар.

Раис. Ҳукуматимизнинг тебранишлари ёмон!

Нуриддинхон. Сўнг нафас тебранишлари шундай бўладур.

Раис. Сенга қаршу буйруқлари...

Нуриддинхон. Уларга қаршу буйруғим каби...

Яна бир аъзо салом бериб кирар ва мосо ёнинда ўтирар.

Бир аъзо. Шу эрта осилган уч кишининг ҳоллари бутун халқнинг қонини қайнатди.

Нуриддинхон. Нима? Янами уч кишини осдилар?

Раис. Ҳа! Уч кишини Ҳинд ёширин қўмитаси аъзоси деб осдилар.

Нуриддинхон. Қайси шўбанинг аъзосиндан эканлар?

Раис. Ким биладир?!

Нуриддинхон. Ҳоң, сўз ола билмишларми, йўқми?

Раис. Қўб қийин қийнамишлар, сихларни қизартиб кўзларига тикмишлар.

Зулайҳо. Оҳ, ёвузлар!

Раис. Бироқ сўз ола билмамишлар, энг сўнг ўзларини чиқариб осмишлар.

Яна бир аъзо келиб ўтирар.

Аъзолардан бири. Кўбчилик келдилар. Мажлис-ни очсак-да бўлар.

Раис. Бир оз кутамиз.

Каримбахшхон келар, салом бериб ўтирар.

Каримбахшхон. Баримиз келдикми?

Раис. Келдик. Эмди мажлисни очамиз. (*Ҳамма ҳозир бўлалар.*) Орқадощлар! Бутун йўлдошларимиз келдилар. Мажлисни очамен. (*Йигин ёзғучиси бўлган Сарвархон ёза бошлар.*) Бу кунги ишимиз Бутун ҳинд инқилоб қўмитасининг Деҳли ўрта шўъбаси томонидан келган умумий буйруқни кўриб, тегишли чораларга киришмакдир. Буйруқни ўқияйин:

«Бутун ҳинд инқилоб қўмитаси томонидан Деҳли ўрта шўъбаси орқали бутун шўъбаларга.

Йўлдошлар! Бугунгача англизларни Ҳиндустондан чиқармоқ учун қўмитамиз томонидан очиқ-яширин йўллар билан кўрилган ишлар натижасиз қолди. Англиз қонли тирноғи юрту улусимиз юрагинда очдиғи яралар кенгайиб кетмакдир. Қизларимизнинг пардасизланиши, пардаларимизнинг йиртилиши, виждонларимизнинг эзилиши, қонларимизнинг тўкилиши етар эмди<sup>18</sup>.

Тўрт юз милйўнли бир улуғ улуснинг тулки қилиқли ўн минг англиз маъмурига қул бўлиб туриши мияларга ситмас бир ишдир. Бу қизиқ ишни кўрган тарихнинг даҳи бизнинг инсон бўлганимизга ишонғуси келмайдир. Қўмитамиз улуғ ҳинд улусининг манглайиндан бу кирли тамғани ювиб ташларга қарор берди.

Эшитғучилар бир-бирига қараб севинч белгилари кўрсатарлар.

Қўмитамиз бир-икки бўмба ташламоқ, икки-уч генерал ўлдирмоқ, Оврупанинг қайси бир ҳукуматиға ёлбормоқ каби кичкина ишларни улуғ ҳинд эрки учун етарли кўрмайдир.

Эшитғучиларда севинч белгилари.

Улуғ ҳинд улуси ўз юртини қутқармоқчи экан, барчаси бирдан гўлқинли бир чиқиш қилсин. Ёқсин, ёқилсин, йиқсин, йиқилсин, ўлдирсин ва ўлсин. Гўзал юртимиз англизлар қўлинда қолар экан, тўрт юз миллиён улусимизнинг жонсиз ва қонли гавдалари билан қолсин.

Эшитгучиларда севинч.

Қўмитамиз бутун Ҳиндустонда апрел ойининг йигирма еттисинда бир кунлик чиқиш ясамоққа қарор берди. Шу куннинг кечасинда Ҳиндустоннинг ҳар бир катта шаҳарининг икки-уч еринда бўмбалар портлар. Бўмба товуши чиққач, бутун инқилобчи қардошларимиз яроқларини олиб, кўчага чиқсинлар. Англизлар ва англизларга куйруқ бўлган бошқаларни ўлдираберсинлар. Эрк ё ўлим!»

С а р в а р х о н (*сўз олиб*). Орқадешлар! Қўмитамизнинг бу гўзал қарорини виждон ёзғучи билан жон бетинда ёзармиз. Биз, инқилобчилар...

Шу чоғда ташқаридан бир тўппонча товуши чиқар: аъзолар обдираб қолалар. Бир оздан кейин яна бир тўппонча товуши чиқар.

Р а и с (*қўрқувсизча*). Орқадешлар! Бизни босарлар. Совуққонли бўлингиз. Тўппончаларингизни чиқарингиз, келганларга қаршу турамиз. Ўламиз-да, берилмаймиз. Биз ўлсак, қўмитанинг ишлари очилмай қолар. Биз қўлга тушсак, қўмитанинг асорини биздан оларга тиришарлар.

Аъзолар тўппончаларини чиқариб, ўқларини кўрарлар.

Р а и с (*қўмитанинг буйруғини йиртиб, икки-уч кишига улашиб берар*). Ютингиз буларни!

Аъзолар олганларини ютарлар, яна бир тўппончада товуш яқиндан чиқар. З а й н а б телба бўлиб қичқирар, «вой... ўлдим» деб, югуриб кирар. Аъзолар қўрқув кўрсатмай турарлар.

Р а и с . Нима бўлди?

З а й н а б . Пўлислар босдилар, бунда келдилар...

Р а и с . Бу теразадан чиқиб қочингиз.

Зайнаб теразадан қочар.

Р а и с (*Зулайҳога*). Зулайҳо хоним, сизнинг-да қочингизни ўтинаман.

З у л а й ҳ о . Мен қўмита аъзосиданмен.

Р а и с . Ҳозир бўлингиз, орқадешлар!

Раҳматуллоҳхон билан бир англиз юзбошиси кирарлар. Нуриддин бўшатган тўппончаси билан бир англиз юзбошиси «воҳ» деб йиқилар. Раҳматуллоҳхон қочар. Ташқаридан гавғо чиқар. Яна Шерхон билан икки пўлис кирарлар. Икки аъзонинг отган тўппончасидан Шерхон билан бир пўлис йиқиларлар. Бириси қочар.

Ташқарида гавғо кўпаяр. Буюрувчи бир товуш чиқар.

Товуш . Боғчадағи теразалардан юрингиз!

Нуриддинхон . Оҳ... юртини сотган олчоқ!

Раис . Телба бўлмангиз, орқадошлар! Икки киши бир эшикка қараб турсин.

Аъзолар икки кишидан бўлиб, эшик ва тереза ёнлариға тизилурлар. Уч пўлис ўзларини теразалардан ичкариға ташлаб, тўппончаларини бўшатурлар. Каримбахшхон билан икки аъзо «воҳ» деб йиқилурлар. Яна уч пўлис теразадан ичкариға кириб, тўппончаларини бўшатурлар. Раис, аъзо йиқилур. Ичкаридагиларнинг тўппончалари билан буларда йиқилурлар.

Раис (*йиқилар экан*). Орқадошлар! Сўнг сўзимни унутмангиз... ўлингиз-да... берилмангиз... (*Йиқилар.*)

Яна тўрт пўлис ичкариға кириб, тўппончаларини бўшатурлар. Нуриддин «воҳ» деб йиқилар. Зулайҳо «Оҳ Нуриддин, мени олиб кет» деб, ўзини Нуриддин узра ташлар. Сарвархон бир пўлисни урар, иккинчиси Сарвархонни урар. Ташқаридан уч пўлис, бир юзбоши билан Раҳматуллоҳхон босиб кирарлар.

Юзбоши . Битдингизми?! Давлат хоинлари!

Зулайҳо . Йўқ битмадик, яна биримиз бор. (*Тўппончасини бўшатур, ўқ юзбошиға тегмасдан утар.*)

Юзбоши (*пўлисларға*). Тутингиз бунни.

Пўлислар тутмоқчи бўларлар.

Раҳматуллоҳхон (*Зулайҳоға ёпишиб, юзбошиға*). Йўқ... ўтинамен, бунга ишингиз бўлмагай. Бу менинг севгилимдир.

Юзбоши (*қизиб*). Нима?.. Қўмитачи хотунми сенинг севгилинг? (*Тўппончасини бўшатиб.*) Ол, бу-да сеники.

Раҳматуллоҳхон «воҳ» деб йиқилар.

Зулайҳо . Юртини сотган олчоқ! Энг сўнг ўзинг-да кетдинг!

Пўлислар Зулайҳонни тутарлар.

Юзбоши . Чиқарингиз бунни, қолган йўлдошларини топиб берар.

Пўлислар Зулайҳонни итариб чиқарарлар.

Зулайҳо . (*Чиқар экан.*) Менданми сўз олмоқчисиз?! Йиртқичлар!.. (*Чиқар экан, Нуриддиннинг жонсиз ётган гавдасиға қалин бир мунг билан қарар.*) Оҳ, Нуриддин... (*Ўзини Нуриддин устиға ташламоқчи бўлар, пўлислар қўймасдан суриб чиқарурлар.*)

Парда тушар.

Сўнг .

## ҲИНД ИХТИЛОЛЧИЛАРИ

### Беш пардали фожиа

#### КИМСАЛАР...

Раҳимбахш — ҳиндли, ўқиған бир йигит.

Дилнавоз — ҳиндли бир қиз, Раҳимбахшнинг севгани.

Лолаҳардиёл — ҳиндли қаландар (дарвеш).

Ўкунар — Лоҳур шаҳрининг пўлис бошлиғи (англиз).

Мавлоно Нўмон — Ҳинд-Афғонистон чегарасидаги Бунир кўрғонининг бошлиғи, бир мавлоно.

Фулом Наби — Мавлоно Нўмоннинг хизматчиси.

Марлинг — англиз жосуси.

Абдусуббуҳ

Файзи Аҳмад

Бадринат

Дийнанат

Орномсингх

Фазлуллоҳ

Маҳмудхон

Роду биби — ҳиндли хотун, Ўкунарнинг хизматчиси.

Ҳинд ихтилолчилари.

Пунтар

Порлинсун

} англиз мингбошилари.

Тиланчи хотун, экинчилар, инқилобчилар, ишчилар, пўлислар, бир юзбоши, қоровуллар.

## БИРИНЧИ ПАРДА

Эрта билан Лоҳур шаҳри ёқасинда ям-яшил, кенг бир ўлан, гул буталари, аргувон оғочлари ҳар ён очилган. Раҳимбахшхон кўкламлар узра узаниб ётган. Оқ, қисқа камзул, тубани тор, усти кенг бир иштон кийган. Бошинда ҳинд фўтаси<sup>1</sup>, оёғинда пайзор<sup>2</sup>. Бир ёнда Дилнавоз гул териб турадир. Гул буталари орасинда сайраб турган бир булбулнинг ёниқ, қайноқ товуши саҳнадаги жимжитликни титиб юбормоқда. Ўйтушунча тенгизида тўлиб қолган Раҳимбахш булбулнинг тингани билан ойилган бўлуб<sup>3</sup> бошин кўтарар, руҳи юксалган сари кўз тикар, шу дардлашмани сайраб.

Раҳимбахш.

Мунгли булбул, мунгдош бўлдик, кел сайра,  
Бир қип-қизил гулга мен ҳам тутилдим.  
Тинмағур қуш, қайғудошлиқ қилайлик,  
Мен-да сендек юрагимдан урилдим.  
Сен тебраниб ўртангин,  
Мен йиқилиб инграйин.  
Сен ўтли ун чекарда,  
Мен қонли ёш тўкайин.

Булбул бир оз сайраб тинар, Дилнавоз қўлидаги гулга қалин бир  
бойғинлиқ<sup>4</sup> билан қараб, шул қўшиқни ўқир.

Дилнавоз.

Сўйла, гулим, яширмағил, недирса дардинг,  
Яраланмиш юрак, нечун қизардинг?  
Кимлар сени бу қоп-қора ерга юборди,  
Бу дунёда йўқ экан-да нелар қилардинг?  
Нега сени чулғаб олди бунча тиканлар?  
Нечун чиқди юрагингдан юзга бу қонлар?  
Сен билан мен яраланиб ётибмиз,  
Бу чаманда шодлик берган кимлар эканлар?

Булбул бир оз сайраб тинар.

Раҳимбахш. Малаклар боғининг чечаги, чечаклар дунёсининг қуши, кел, оёғингга тўкилган шунча қонли юракни қўйиб, гулни терасан? Юртингда кесилиб турган шунча ёзуқсиз бошни унутиб, чечаклар биланми дардлашасан?

Дилнавоз. Нетайин? Шуларни-да англизлар учунми қўяйин. Бутун дунёни олиб тўймаган англизлар уларни-да олсунларми? Чечак билан дардлашганимни сўрайсан. Демак юрагимда дард борлигин биласан, юрагимдаги дард: юртимда ёзуқсиз кесилган бошларнинг дарди эмас эса. Надир? Нега маломат қиласан?

Раҳимбахш (*ўйлар*). Нозли малак... Қонли юраклардан гапирмайин, кесилган бошлардан сўз очди. Демак биринчисина аҳамият берилмайдир. (*Сўйлар.*) Йўқ... Қўйма. Уларни англизлар олмасун, ҳинднинг гулини эмас, бир тиканини ҳам англиз учун қўйма, бу ернинг гулини-да, булбулини-да, илонини-да, тиканини-да уларга берма, шу тиканлар билан уларнинг бағриларини теш, илонларига кўнгилларини чақтир, булбулларининг нозли чўқуғучлари<sup>4</sup> билан кўзларини чиқар.

Англизга «дунёни олиб тўймаган» дединг. Тўғри! Ҳай-вонлар орасинда тўйганин билмагани учун ем ёнинда ёри-либ ўлгани кўб бўлур, буни ҳам унутма!

Сўзни кўб узатдим, ҳайда кел, чечакдан яратилган ма-лак. (*Ерни кўрсатиб.*) Шу ерда шундай узан, бошингни кўкрагимга қўй, юрагимнинг ўртана-ўртана сўйлаган сев-ги кўшиқларини тингла! (*Дилнавоз кўлиндаги гулни юрагига ёқинлаштируб, Раҳимбахш сари юрар.*) Кел, шунга ўтир... Баним-да кўнглим бир дақиқалиқ саодат чоғи кечирсун. (*Дилнавоз келиб ўтиргач.*) Сўйла, малагим.

Дилнавоз. Севасанми мени?..

Раҳимбахш. Ишонмайсанми? Кел, юрагимни тинг-ла, виждонимни сўйлат!

Дилнавоз. Тилингдан эшитмоқ истаймен.

Раҳимбахш. Тил севги ўлкасинда тилмочлиқ этол-мас. Кўб кишилар ўз севгиларини тил билан бошқача кўрсатмак истайлар ҳамда кўрсата олалар. Бир кишининг сезгуларини тил орқали англамоқ истасанг, алданурсан.

Дилнавоз. Мени Ҳиндистонни севганингча севар-мисан?!

Раҳимбахш. Шунчами ушоқ тушунишлисен. Ҳин-дистонни севганим сени севганим эмасми?

Дилнавоз (*юрак тебранишлари остинда*). Ҳинд улу-син севганинг каби?

Раҳимбахш. Бола... Шуни билиб қўй. Юртини сев-ганлар унинг тош-тупроқларини эмас, гўзаллик, яхшилиқ-ларини севарлар. Улус йўлинда жон берганлар унинг соқо-ли, чопони учун эмас, ортиқлиғи, фазилати, тарихи учун ўларлар. Меним юрт, улусимнинг яхшилиқ, ортиқлиқ ҳам фазилатларининг бири, биринчиси сен эурсан. Уларни севганим сени севганимдир.

Дилнавоз. Демак, мени чиндан севасан.

Раҳимбахш (*қайнаброқ*). Чиндан севаман, юракдан севаман, жондан севаман, виждондан севаман. Меним юрагимдаги севгини кўрсатмак учун севиш сўзи оздир. То-пинаман сенга...

Дилнавоз (*йиғлаёзиб*). Мен-да севаман сени... Мен-да топинаман сенга.

Бир-бирларининг руҳларини тинглаган каби жим турадилар, бир оздан кейин булбул сайраб юборар. Иккала ўртоқ булбул товушининг титроқ кўтарилиши остинда бир дақиқалиқ роҳатҳол кечиралар.

Булбул тинар.

Дилнавоз. Раҳимбахш (*Раҳимбахш ҳорғин ҳолда тупроқ*) иккимиз-да тупроқ дунёсидан, тан ўлкасидан ажрасак, дунёнинг қайғуларини эмас, шодлиқларини-да унутсак, ер узра бор қўрқувларнигина эмас, умидларни ҳам ташласоқ, қўлни-қўлга берсак, шу ёниқ қушнинг титроқ товушина эргашсак, биз ҳам титраб-титраб юқориларга тўғри юксалсак, юксалсак-да, у ерларда ҳам тинчлик кўрмагач, яна шу товуш каби чексиз бўшлиқлараро йўқолиб кетсак... Бунлар бўлмас экан. Дунёнинг бир четида мана шу гул билан булбулдек иккаламизгина ўтириб қолсоқ, кимсанинг бизга ҳеч иши бўлмаса...

Раҳимбахш (*йиғлаёзиб*). Дилнавоз. Гўзалсен. Эсизларим, ҳинд чечаги термоқ учун шу ерларгача келиб юрган англиз йигитларининг кўзлари сенинг юзингга-да тушар!

Дилнавоз (*ойиқиб*). Тушса нима бўлур?

Раҳимбахш. Нима бўлурми? Қуръон бетига ҳайвон оёғи тегмак нима эса, ҳинд қизининг юзига англиз кўзи тушмай ҳам шудир.

Дилнавоз. Нима демак?! Сен ҳинд қизини ўзин англиз бошмоғидан<sup>6</sup> сақлай олмас, дебми биласан? Ҳинд қизининг кўзи шишаданмидурким, англиз йиртқичлигининг шунча қонли изларини кўрмасин?! Ҳинд қизининг юраги тошданмидурким, оёқлари остинда қолиб эзилган эл виждонининг яралари лочинларча қичқирганин сезмасун. Бу кун бу ўлкада уларнинг юракларига қараб кулгучи бир қиз эмас, бир ит ҳам топилмас. Буни билиб қўй!

Раҳимбахш. Уни биламен, малак. Сиз англиз юзига қарарсиз, демадим. Унлар сизга қарарлар. Дардим — шу!

Дилнавоз. Биз биламиз, унларнинг бизга қарашлари кўзларимизни чиқармоқ учундир. Унларнинг бизга кулишлари йиғлатмоқ учундир. Шунинг учун унларнинг қарашлариға-да, кулишлариға-да олдангучи кимса орамизда йўқдир. Ишониб қол!

Раҳимбахш. Бунга ишонганмен, гулим.

Дилнавоз. Ишонган эсанг, битди.

Раҳимбахш. Йўқ, битмади. Тушунган кўнглимни қайғуси битмас.

Дилнавоз. Яна нима қолди?!

Раҳимбахш. Меним дардим бошқа.

Дилнавоз. Сўйла!

Раҳимбахш. Унларнинг сизга қарамоқларини истамаймен.

Дилнавоз. Ҳо-о... Онгладим. Шаҳар хотунлари каби мени ҳам қопга солдирмоқчимисен?!

Раҳимбахш. Унча онгсиз эмасмен. Бурга учун кўрпани ўтга солмам. Ҳайвон тумшуғи тегмасин деб чечакни оғилга тикмам. Хотунлар қамалсалар, тарбиясиз қоларлар. Тарбиясиз хотунлар улуснинг ўлими учун йўл очарлар. Тузук хотун кишилик боғчасининг гулидир. Гулни ҳайвондан сақламоқ тейиш<sup>7</sup>. Бироқ унинг учун гулни ерга кўммак эмас, ҳайвонни боғлаб кўярға керак. Сизни ҳам ҳайвон ҳавасли йигитлардан сақламоқ истаганлар ўзингизни чиритмак ўрнида уларни бир оз тарбият қилсунлар!

Дилнавоз. Англизларни қандай тарбия қилурсан?

Раҳимбахш. Англизнинг энг яхши тарбияси уни Ҳиндистондан қувмоқдир.

Дилнавоз. Кулайми бу?

Раҳимбахш. Ишнинг кулайини ахтармоқ ялқовликдир. Кулай ишдан буюк унум чиқмас. Буюк унумли ишлар кулай-да бўлмас. Англизни Ҳиндистондан қувмоқ ер юзини ўз қора қанотлари остига олган бир олбостини йўқ этмоқдир. Кулай бўлмас. Нима бўлса ҳам, бир ёвни юртдан ҳайдамоқ, бир юртни ёв қўлида кўрмакдан қийин эмасдир.

Дилнавоз (*севинч ҳам қайғу орасинда*). Англизни Ҳиндистондан қувмоқ...

Раҳимбахш. Эзгу ишларнинг биринчисидир.

Дилнавоз. Буюк...

Раҳимбахш. Ҳар нарсадан буюк.

Дилнавоз. Эзгу...

Раҳимбахш. Ҳар ишдан эзгу.

Дилнавоз. Куръонни ҳайвон тепкисидан қутқаришдек буюк.

Раҳимбахш. Чўчқани масжиддан ҳайдаш каби эзгу.

Дилнавоз. Оҳ...

Раҳимбахш. Қайғурма!

Дилнавоз. Бўлурмикин?!

Раҳимбахш. Нега бўлмасун?

Дилнавоз. Кўбдан ишонғум келмайдир.

Раҳимбахш. Гўзалим, тингла, бизни шу кунларга тушурган нарса мана шул ишончсизлигимиздир. Ўз кучига ишонмаган эл кураш майдониға киролмас. Кирса ҳам, йиқилур. «Ишонмаганлар ишонганларни енга олмаслар»<sup>8</sup>.

Дилнавоз. Кучимиз борми дерсан?

Раҳимбахш. Тўрт юз миллиён ҳинд улуси куч эмасми?

Дилнавоз. Уни куч санаганда бутун мусулмон дунёси ҳам англизга қарши бир куч бўлса керак.

Раҳимбахш. Албатта.

Дилнавоз. Бундай кучга ишонмоқ янглишдир.

Раҳимбахш. Нега?!

Дилнавоз. Раҳимбахш тушун. Англизга қарши бир куч деганинг ҳинд улусини-да, мусулмон дунёсини-да кўз олдига келтириб қара. Нималар кўрасан: кишига ўхшаган бир йиғин жонли нарсалар. Миялари томуғ<sup>9</sup> пучмоғ<sup>10</sup>лариндан қоронғуроқ. Кўзлари оёқ остидан нарироқни кўрмайдир. Юзлари кейинга қайтган, туташ, кейинга қарайлар. Жон озуғин, кўз ёруғин кейиндан ахтаралар. Олға босмоқ келгусини ўйламоқни «куфр» деб биларлар. Миялари эски, тушунчалари эски, қарашлари, қилиқлари эски. Эскиликка топиналар. Энг буюк кишилари — ўлик. Энг тўғрили ерлари — мозор. Яшамоққа топиналар. Одамларча яшамоқ йўлини ахтармайлар. Бутун дунё буларни таламоқ учун бирлашган экан, бунлар таловдан қутулмоқ учун бирлашмайлар. Мусулмон дунёси нари турсун, бу кун ҳинд инқилобчилари орасинда ҳам «бирлик», «келишув» деган нарсалар йўқ... Бундай бир кучга ишонмоқни қўябер, бундай бир йиғинга «куч» демак бўшдир.

Раҳимбахш. Бунча умидсизланма. Улусимиз зулм остиндадир, бирлашмаги қийин эмас. Зулм мазлумларни бирлаштирмоқ учун энг буюк бир қуролдир.

Дилнавоз (*узоққа қараб*). У ким?

Раҳимбахш. Ким? (*Бошини кўтариб қарар.*) Лолаҳардиёл.

Дилнавоз. Шу киши тўғрисинда нима дейсан?!

Раҳимбахш. Буюқдир.

Дилнавоз. Шунга юракдан ҳурматим бор.

Раҳимбахш. Ҳурматга арзийдир.

Дилнавоз. Ўзи эса мажус<sup>11</sup>.

Раҳимбахш. Инсонлиқ мажуслиқ ё мусулмонлиқга қарамайдир. Лолаҳардиёл инсондир.

Дилнавоз (*йўлга қараб*). Мана келди.

Раҳимбахш қарар. Лолаҳардиёл келар. Иккаласи-да ериндан қўпар<sup>12</sup>.

Лола. Нешлаб турасиз, ушоқлар?!<sup>13</sup>.

Раҳимбахш. Шундай, дардлашиб турамыз.

Лола. Бир-бирига яқин икки юракнинг дардлашмаги учун мана шундай тип-тинч ерлар керак.

Дилнавоз. Табиат кўринишларини тамоша қиламиз, бобо.

Лола. Севишган икки юракнинг мана шундай баҳор кучоқларинда тинглашмоқлари тамошаларнинг энг буюгидир.

Дилнавоз уялур.

Уялма қизим. Севишмак уят эмас. Юрак юрак экан, севилмак севилмак истар. Севгусиз қолган юрак, сувсиз қолган балиқ кабидир. Унинг ҳар тебраниши бир жон чекишдир. Ер юзини тўлдирган бўш жанжаллардан, олдамчилик негизига қурилган келишмакликлардан, ғараз қотишган бирикликлардан, ҳасад уруғин махташлардан йироқлашибсиз. Табиатнинг тип-тинч кўринишлари орасинда турибсиз. Юракларингиздангина кўпуб чиққан сўзларингизни тинглашасиз. Бу оз бир саодат эмас. Қутли бўлсун сизга. *(Бир оз тинар, ўйлар. Қўлларини иккаласининг умузларига<sup>14</sup> қўйиб, саҳнанинг ёқасига келтурур. Иккаласига ҳам турганча қарагандан кейин, оғир-оғир сўйлар.)*

Ушоқлар! Сизнинг бу ҳолингизни саодат дедим ҳам қутладим. Олданмангиз. Бундай бир саодат сизда келган бўлса ҳам, ўзин сўрмас. Дунёнинг турли қайғулариндан, турли сезгулариндан айрилиб, бундай тип-тинч ерларда жимжит ўтурмоқ қийиндир. Тириклик тебраниш демақдир. Турғунлиқ эса ўлимдир. Ернинг, кўкнинг, юлдузлар билан қуёшнинг борлиқлари тебраниш узра қурилгандир. Тебранмагач, буларнинг бари йўқдир. Турон сандуғочларимиз<sup>15</sup> шу тоғлар булутлар каби югурмакдадилар. Бутун дунё тебрана экан, сизнинг тебранмай туришингиз бўлурму? Тирик экансиз, тебранурсиз. Тебранмас экансиз, ўлурсиз. *(Қаттиқ.)* Юртимиз ёниб турадир. Улуси(ми)з эзилиб битди, эшитасизми?!

Бу кун бу ўлкадан қўйдан ортиқ одам кесиладир. Омонлик, тинчлик, эрк деган нарсаларни кимса билмайдир. Масжидда намоз учун йиғилганлар «сиёсий йиғин» ясаган бўлиб, тўпға боғланар. Эр билан хотун ўзаро кўбрак гапурганда ҳукуматга қаршу бўлиб дорга осилалар. Бу кун устидангина шу ўлкага қараганда, йиқилган шаҳарлар, ёндирилган қишлоқлар, таланган уйлар, кесилган бошлар, осилган гавдалар, тўкилган қонлардан бошқа бир нарса кўрмаймиз. Яқиндан танишмоқ учун ичкарироқ кирганда,

қочирилған қызлар, пардасизланған хотунлар, бир-бирининг этини еган очлар, хўрлиқ кўрган буюклар, сўкиш эшитган бошлиқларнинг қонли ёшлари, мунгли бошлари, тутунли оқлари, ўтли инграшлари олдимиздан ясов тортиб ўтадир.

Шу қип-қизил гуллар юртимизнинг қон йиғлаган кўзларидир — сиздан иш кутади. Шу ям-яшил оғочлар улусимизнинг ўлими учун тикилган мотам белгиларидир — сиздан кўмак тилайдир. Шу кичкина булбул ҳам жон чекишган кимсасизларимизнинг марсиясини айтади. Сизнинг қонларингизни қайнатмоқчи... Шунлар орасинда тинч турмоқ сағана бошида чоғир<sup>16</sup> ичмакка ўхшайди, ярашмайди. Шуларнинг кўмагига эришмоқ учун ишга киришингиз, тебранингиз. Тебранмас экансиз, ўлимингизни кутингиз. *(Иккаласига қарағандан кейин.)* Қайғуртдим сизни. *(Кетмоқчи бўлиб қўлларини уларнинг умузларидан олар.)*

Дилнавоз *(ҳолсизча)*. Турингиз!

Раҳимбахш. Кетмангиз!

Лола. Етар энди, соғ бўлингиз! *(Чекилиб илдам чиқар.)*

Дилнавоз *(ҳолсизланган)*. Уф...

Раҳимбахш. Сенга нима бўлди, гулим?!

Дилнавоз. Менга бир оғирлиқ келди. Ўтирайлиқ. *(Ўтира бошлар.)*

Раҳимбахш. Ўтир, малагим. *(Иккиси-да ўтирурлар.)*

Нима бўлди? Нега оғирлашдинг?

Дилнавоз. Лоланинг ўткир тилидан чиққан сўзлари юрагимни қоп-қора тутунга чулғатди.

Раҳимбахш. Лоланинг сўзларида юракни қора қилгучи нарса йўқ эди-ку.

Дилнавоз. Бор эди ҳам кўб эди.

Раҳимбахш. Мен эшитмадимми?

Дилнавоз. Эшитдинг, англадинг. *(Юзига қараб.)* Боқ менгизинг<sup>17</sup> сарғайиб қолмиш. Руҳинг қийналғандир. Мендан яшунтурасан.

Раҳимбахш. Ишон, малагим. Лоланинг сўзларинда кўрқинчли бир нарса йўқ эди. У бўлиб турган ишларни сўйлади.

Дилнавоз. Йўқ, йўқ. У бизга кўб нарсани онглатмоқчи бўлди ҳамда онглатди. Ҳиндистонда бўлиб турган ишларни кўрсатди. Сизнинг бошингизга ҳам шунлар келгусидир, деди.

Раҳимбахш. Ўтинаман, ўзингни тетик тут.

Дилнавоз (*юрагини тутиб*). Уф-ф... эзилдим... Лола  
нелар сўйлади?!

Раҳимбахш. Тангри учун, қўй шу сўзларни!...

Дилнавоз. Унинг сўzlари тубсиз эмас. У билмасдан  
сўйламайдир.

Раҳимбахш. У бир нарса сўйламади.

Дилнавоз. Сўйлади, қўб нарса сўйлади.

Раҳимбахш (*узоққа қараб*). Улар ким?

Дилнавоз (*ўзини йиғиштириб*). Ким келди?!

Раҳимбахш. Қишлоқлилардан икки киши эмиш.  
Экин бошига боралар.

Дилнавоз. Киши шулардай бахтли бўлса...

Раҳимбахш. Кимса булардек бахтсиз бўлмағай.

Дилнавоз. Қиладиғон бутун ишлари кишилик дунё-  
сини тўйдирмоқ учун...

Раҳимбахш. Унларнинг бутун емиши кишилик дунё-  
сининг ёвларига борадир. Бояқишлар кишилик дунёсини  
эмас, ўзларини ҳам тўйдиролмайдилар. Оҳ, шу бахтсиз-  
лар учун-да қутулиш кунни бормукин?!

Икки экинчи<sup>18</sup> келар. Бири қари, бири ўрта ёшли. Ўрта ёшлигининг  
умузи узра бир кетмон.

Қари. Салом алайкум... эсонмисиз, Раҳимбахш соҳиб?  
Дилнавоз биби-ку. Соғмисан, қизим?

Дилнавоз. Эсонмисиз, бобо?

Раҳимбахш. Ҳормағайлар!

Қари. Бор бўлғайлар, йигитларим!

Раҳимбахш. Қани, қаердан?

Ўрта ёшли. Сув бошида эдик, ерларни суғордик.  
(*Кўкламликка тамоша кўзи кездириб.*) Қандай яхши ўрин  
топиб ўтирибсиз?

Раҳимбахш. Нима қилайлик... қани буюрингиз. Ўту-  
ришайлиқ.

Ўрта ёшли. Хўш, биз кетайлик. Чарчаб қолдик.

Қари (*йўлдошига*). Жоним, чарчаб қолдик дейсан, яна  
кетмоқчи бўласан. Кишининг жонини оласанми? Бир оз  
ўтуриб кетсанг, на бўлур?

Ўрта ёшли. Яна сенинг лақмалигинг тутди. Ҳайда,  
ўтирайлиқ. (*Кетмонини олдига қўйиб ўтирар.*)

Раҳимбахш. Ўтурингиз бир оз.

Қари. Ё пирим-ей! (*Ўтирар.*) Дилнавоз, қизим, қалай-  
сан?

Дилнавоз. Шукур, бобо!

Қари. Оғанг қаерда?

Дилнавоз. Кеча шаҳарга кетган эди.

Қари. Тангри ёрлақасин, отанг кўб яхши ўртоғимиз эди. Худди шу ерларда соатлаб гапурушуб ўтурад эдик. Ундаги тиниқ юрак, очиқ юз, тотли сўз кимсада бўлмас.

Раҳимбахш (*Дилнавознинг кўз ёшларини артганини кўргач*). Нима хабарлар бор дунёда, ота?

Қари. Ҳеч хабар йўқ-ку.

Ўрта ёшли. Уткан кун шаҳарга оғалиқниқига борган эдим. Уч-тўрт киши гапуруб турган экан, қизиқ-қизиқ нарсалар сўйладилар.

Раҳимбахш. Нелар айтдилар, қани?

Ўрта ёшли. Билмам, ким деган бор экан. Укаси билан Олмониядан кўб ақча олиб келган экан. Булар Боғистонда турар эканлар. Тилаклари Ҳиндистонни қутқармоқ экан. Боғистонда босмаҳонаси бор экан. Лоҳўрда бир дорихона очган эканлар. Улусга текин эм<sup>19</sup> бера эканлар, ишлари кўб...

Қари (*унинг сўзини кесиб*). Кўй!... «Эканлар, эканлар», деб жонимни чиқардинг. Бу эканлар-меканлардан кўб эшитдик.

Ўрта ёшли. Нега кўймайсан. Эшитганимни айттайчи. Бизнинг Раҳимбахш соҳиб ҳам шул Фарангистонларда юриб ўқиди. Қани шу сўзлардан нима англайдир?

Қари. Бай-бай, эшитганинг бор экан-да! Мен кичкинагина чақалоқ эдим, шул сўзларни эшитар эдим: «Унлар бор экан, бунлар йўқ экан, унлар борган экан, шунлар келган экан». Қулоқларим шу экан-мекандан тўлган эди. Бу қун олтмишга кирибмен, эшитиб турганим яна шу.

Ўрта ёшли. Нима бўлсин, қани?!

Қари. Ўзимиз белларимизни етти ердан боғлаб (*кетмонини кўтариб*). мана шу билан унинг бошини эзмасак, ҳеч ким ташқаридан келиб бизни қутқармас. (*Кетмонни кўйиб*.) Бу нима гап, жонимиз чиқди. Тинчлик деган нарсани унутиб қолдиқ. Эрта-кеча борлиғимизга ҳеч биримиз ҳеч биримизнинг кўнгли тўлмайди. Бундай тирикчиликни нима кераклиги бор? Чиқайлик, ёпишайлик. Ўлиб кетайлик, ё ўлдириб битирайлик. Бошқа чора йўқ. (*Йўлга қараб*.) Мана биттаси келди.

Ҳаммалари қарарлар.

Ўрта ёшли. Битта эмас, тўртта.

Қари. Ҳамда отли.

Раҳимбахш. Булар ким?

Қари. Ким бўлур? Англиз оғайнилари миз-да.

Дилнавоз. Бу ёққа келмагайлар. Отларини сақлайдилар.

Ўрта ёшли. Отдан тушдилар-ку! Бизгами ишлари бор?! Отларини қантардилар.

Раҳимбахш. Шу ёққа келадир. *(Экинчиларга.)* Сизлар туриб шу оралиқ билан кетингиз, тўртта мизни бир ерда кўрганда, ҳукуматга қаршу яшурин кенгашасиз, деб тутарлар.

Дилнавоз шу ёққа қараб турар.

Ўрта ёшли. Бу кетмонни кўрса, куним битди. Ёшурин кенгашимиз яроқли ҳам бўлур.

Қари. Кетсак, баримиз кетамиз.

Раҳимбахш. Бу ерда киши ўтирганини кўрдилар. Баримиз кетсак, кетимиздан қуварлар.

Қари. Биз сизни қўйиб кетмаймиз. Нима бўлса, бўла берсин. Сиз кетингиз, биз турайлиқ.

Раҳимбахш. Ўтинамен, кетингиз. Сиз ботроқ қочсангиз, биз ҳам кутуламиз.

Ўрта ёшли. Майли. Ундай бўлса кетайлик. *(Кетмонини олура.)*

Қари. Ҳай.

Иккаласи-да ярим кўпубгина ўзларини паналикка олулар.

Дилнавоз. Биз ҳам кетсак-чи!

Раҳимбахш. Баримизнинг кетишимиз яхши эмас.

Дилнавоз. Нега?!

Раҳимбахш. Орқамиздан қуварлар.

Дилнавоз. Нега қуварлар?!

Раҳимбахш. Онлар негани билмайлар.

Дилнавоз. Нечун унларни қўйиб биз кетмадик?

Раҳимбахш. Кетмонлари бор эди. Яроқ ташиған бўлуб қийналар эдилар.

Дилнавоз. Кетмон яроқми?!

Раҳимбахш. Уларга қаршу тирноғимиз-да яроқдир.

Дилнавоз *(секингина)*. Мана келди.

Раҳимбахш. Кўрқма.

Бир оздан кейин юзбоши Ўқунар уч пўлис билан келар.

Ўқунар *(Дилнавозни кўргач, ўйлар)*. Оҳ... бу ерда экан, бироқ бу йигит ким?! *(Сўйлар.)* Кимсиз! Бу ерда нешлаб турасиз?

Дилнавоз билан Раҳимбахш турарлар.

Раҳимбахш. Биз шу қишлоқдан, шунда гапуруб турибмиз.

Ўкунар. Ҳукумат ёшурун ерларда йиғилмоқни қатагон қилган, онглаганингиз йўқми?!

Раҳимбахш. Биз бир қишлоқнинг болалари, бир-биримизга қўшни. Уйда, далада, экин бошида, сув ёқасинда, ҳар ерда ўтуруб гаплашамиз. Бизнинг ўтурушумиз ёшурунда эмас, ҳукуматга зарарли-да эмас.

Ўкунар. Зарарли эмас?! Ҳукуматнинг буйруғина қаршу турасизми?! (*Пўлисларга.*) Тутингиз буларни.

Пўлислар иккаласини ҳам тутар.

Раҳимбахш. Бизни нега тутасиз?!

Ўкунар (*бир пўлисга*). Сен бу йигитни қишлоқ қороллиғига элтиб топшур, шаҳардан сўралганча қамаб қўйсин. (*Қолган икки пўлисга.*) Сиз бу қизни отингизга минди-рингиз, шаҳарга элтасиз.

Пўлислар уларни ҳайдаб чиқарлар.

Дилнавоз. Йўқ... мен ёлғуз бормам. Нима қилсангиз, иккимизни қилингиз!...

Пўлис. Юр... (*Силтаб юргузар.*)

Раҳимбахш (*чиқарда*). Юзбоши! Шу ишни ҳам қонун юзасидан қиласизми?

Пўлис. Кўп гапурма... (*Силтар.*)

Бариси чиқарлар.

Парда тушар

## ИККИНЧИ ПАРДА

Кундуз. Бўнир кўрғонида Мавлоно Нўъмоннинг уйи. Уй шарқ йўсули ясалган. Этагида буюк Эрон ҳолилари<sup>20</sup> ёйилган. Деволлариға арабча ёзуви лавҳалар, эски қиличлар, ўнбиротар англиз милтиқлари, тўппончалар осилган. Тўрдаги бир арслон терисинда Мавлоно Нўъмон оқ салла, қора жўя кийиб ўтирган. Қўлинда сариғ қоғозли бир газет ўқийдир.

Мавлоно Нўъмон (*газетни қўйиб*). Қизиқ кунлар бўлиб қолди. Киши ўз фойдасининг қаёнда бўлганини кес-дурма қилиб била олмайди. Бу Абдусуббуҳлар Олмониядан келиб ишга киришдилар. Ишлари ҳам ёмон эмас каби, бизга ваъдалар берарлар. Ҳиндистонни англизлардан қут-

қарғач, ишни мусулмонларга топшурурмиз, дейлар. Бизга ҳам катта бир ҳукумат иши топшурмоққа сўз берарлар. Анчамунча суюрғол бердилар, биз ҳам буларнинг сўзига ишониб, кўмак бериб турамиз. Буларга ишонганимиз ҳам тузук. Олмония катта бир давлат. Халифат-ул-муслимин<sup>21</sup> ҳам шу билан бирлашган. Энди албатта бир иш қилса керак. Бу кофирни кута-кута кўзимизнинг ёруғи қолмади! Абдусуббуҳхон эса ҳар кун «ана олмонлар бу ерга келмишлар, мана турклар у ерга келмишлар», деб бизга умид берадир. Бу газетга қараганда, иш бутунлай бошқа: турклар Қафқазияда енгилиб ташланганлар... Бу хабар тўғри чиқғач, бизнинг ишимиз ёмон! Бироқ имонимизнинг ёқасини бу газетга топшуруб-да бўлмайди, бир ерда туркнинг енгилганин ёзган экан, иккинчи ерда Олмониянинг ўн тош йўлни ура турган тўплар ясаганини сўйлайди. Бунинг қайсисига ишонамиз? Қафқазияда англиз енгилган: ишимиз ёмон. Олмония кўб катта тўплар ясаган: ишимиз яхши... Урушни булар қилади, орада шошиб қолган — биз. Тангри шуларнинг иккисини ҳам йўқ қилиб, Имом Маҳди<sup>22</sup> каби соҳибқирон бир мусулмон еткурса...

Шу Абдусуббуҳлар-ку онгсиз кишилар эмаслар. Шулар Олмонияга ишониб, шунча ишлаб тургандан кейин, биз ҳам бир оз кутсак, яхши бўлур...

Фулом Наби кирар. Қўлинда сариқ қоғозли, тош босма, ўрта қатли, тўрт бетли бир газет.

Мавлоно. Кел, нима кетурдинг?!

Фулом Наби. «Ал-Халил» газети<sup>23</sup>. Мавлавий соҳиб юбормишлар.

Мавлоно. Кетур, қани? (*Фулом Наби газетни бериб чиқар. Мавлоно газетнинг биринчи бетинда ёзилган бир хабарга эс қўйиб ўқиғандан кейин.*) Мана... мен демадимми? Англизга қаршу ишламоқ қулай эмас. Турклар Ироқда енгилмишлар. Басра шаҳрини англиз олмиш. Англиз тангрининг балоси. Нима қиламиз. Кофир бўлса ҳам, тангри шунга яхши қараган эди. Абдусуббуҳхон тентак бир киши, бунинг сўзига қараб, ишлаб бўлмайди. (*Газетнинг иккинчи бетигаги бир хабарни эс қўйиб ўқиғандан кейин.*) Мана... Иш яна бузулди! Олмония учғичлари Лондонга бўмба ташлаганлар. Бу кофирнинг кучи бўлмаса, англизнинг пойтахтига бўмба ташларми? Олмония кучли экан, яна бир оз кўнмак керак.

Фулом Наби кирар.

Мавлоно. Нима гап?!

Фулом Наби. Соҳиб! Бир киши келмиш. Сизни кўрмакчи.

Мавлоно. Келсун.

Фулом Наби чиқар.

Яна Олмониядаги киши келди?!

Марлинг. Оврупача эски бир кийим кийган, ҳиндистонча кўк бир салла ўраган, бош эгиб салом деб кирар.

Мавлоно. Буюрингиз, ваалайкум ассалом. (*Ер кўрса-тур. Марлинг ўтурур.*) Қайдан келасиз?

Марлинг. Амратсардан<sup>24</sup> келамен, соҳиб.

Мавлоно. Қаёнга?

Марлинг. Жанобингизни кўрмак учун.

Мавлоно. Хуш келдингиз.

Марлинг. Буюрғайсиз, кимсани ичкарига қўймасунлар.

Мавлоно (*эшикка қараб*). Фулом Наби! Фулом Наби!

Фулом Наби (*келиб*). Лаббай!

Мавлоно. Бизнинг бир оз ишимиз бор. Ичкарига киши қўйма!

Фулом Наби. Хўб. (*Чиқар.*)

Мавлоно. Қани, буюрингиз!

Марлинг. Мени Войис Рой ҳазратларининг буйруқлари билан Амратсар шаҳрининг пўлис комиссори юбордилар.

Мавлоно. Отингиз нима?

Марлинг. Марлинг.

Мавлоно. Англизмисиз?!

Марлинг. Ҳа, соҳиб.

Мавлоно. Кўб яхши. Хуш келибсиз. Бизга қандай хизмат?!

Марлинг (*қўл чўнтагиндан қоплари олтунли, инжули бир Қуръон чиқариб ўлгандан кейин*). Қуръони шариф. Войис Рой ҳазратлари сизга армуғон юбордилар.

Қуръон ҳурматиға ирғиб турар. Марлинг ҳам Мавлононинг турганин кўргач, турар. Мавлоно Қуръонни олиб ўпиб, кўзларига суртгандан кейин ўтуруб, Қуръонни ястиғи узра қўяр. Марлинг ҳам ўтурур.

Мавлоно. Хўш, тагин нима гап бор?

Марлинг. Войис Рой ҳазратлари сизга салом айтдилар.

Мавлоно. Эсон бўлғайлар.

Марлинг. Ҳинд мусулмонларининг бахти йўлинда тиришганингизни бутун англизлар яхши билганлар.

Мавлоно. Уни тангри билгай.

Марлинг. Ҳиндистондаги шу ерга кўчиб келган мусулмонларнинг бошлиғи бу кун жанобингиз?

Мавлоно. Ҳа.

Марлинг. Шундаги мусулмонлар учун унумли бир иш бор.

Мавлоно. Биз ҳам шуни иштаймиз.

Марлинг. Ёлғиз булар учун эмас, бутун Ҳинд мусулмонлариға унумли.

Мавлоно. Нима экан, қани?!

Марлинг. Биласизким, англиз улусининг Ҳиндга келганликлари Ҳиндиларни етуштирмак, маданий қилмоқ учун эди.

Мавлоно. *(кулумсаб)*. Биламиз!

Марлинг. Биз келмасдан бурун Ҳиндистон дин жанжаллари, мазҳаб ғавғолари, қорин-қурсоқ урушлари билан тўлган эди.

Мавлоно. Тўғри.

Марлинг. Бир мусулмон қурбон байраминда ҳўкиз сўйганда бутун Ҳиндилар сизга қаршу яроқланиб чиқар эдилар, бир Ҳинди мусулмон намозиға кирғач, сиз ҳам уруш очар эдингиз.

Мавлоно. Тузук.

Марлинг. Бу жанжаллар Ҳинди билан мусулмон орасиндағина эмас, мусулмонларнинг ўзаро, Ҳиндиларнинг да ўзаро қонли жанжаллари кўб эди.

Мавлоно. Тузук!

Марлинг. Дея оламизким, Ҳиндиларнинг бошлариға бизни келтурган ораларингдаги шул бузуқликдир.

Мавлоно. Аниқ.

Марлинг. Биз келгач, мана шул бузуқликларни тузатдик! Жанжалларни кўртурдик, маданий яшамоқ йўллари ни кўрсатдик. Ҳиндиларни ўқитдик-да... Бу кун шодлик ила кўрамизким, Ҳиндилар яшамоқ йўллари ни билиб олмишлар, яшамоқ учун тайёрланмишлар. Биз Ҳиндустонни адолат билан олдиқ, адолат билан сақладиқ. Яна адолат билан ўзингизга қайтармоқчи бўламиз. Биз ишонамизким, бу кун Ҳиндустон ўз эркини олғач, бурунғи ёввойилиқларини, ёвузликларини қилмас. — Бироқ... шу паллада биз бошқа бир нарсани ўйлаб турамиз... *(бир оз тинар.)*

Мавлоно (*бутун руҳи билан*). Нима ўйлайсиз?

Марлинг. Эски Ҳиндустон маданиятининг туб эгаси мусулмонлар эдилар. Шу паллада ҳам Ҳиндустонда энг яхши тайёрланган улус мусулмон улусидир. Биз истар эдикким, бутун ҳинд ҳукуматини мусулмонларга топширайлик.

Мавлоно. Албатта шундай бўлсун-да, буни ким истамас?!

Марлинг. Биласизким, Ҳиндустонда қўбчилик мусулмонлар-да эмас. Ҳинддилар, сакхийлар<sup>25</sup>, мажуслар бирлашиб ҳукуматни ўз қўлларига олмоқчи бўлсалар, нима қиламиз?

Мавлоно. Бундай қилмасалар керак.

Марлинг. Қилсалар нима деймиз?

Мавлоно. Йўқ... қилмаслар. Сиз кўрқмангиз.

Марлинг. Соҳиб! Меним «қилсаларим» билан сизнинг «қилмасалар»ингиз келгуси кунлар учундир, бу кунгача қилган бўлсалар нима бўлур?

Мавлоно. Бу кунгача қилган бўлса эдилар...

Марлинг. Сизга онглата эдиларми?!

Мавлоно. Улар онглатмағанда ҳам, ўзимиз онглар эдик.

Марлинг. Мана, онглаб турубсиз-ку, соҳиб!

Мавлоно. Нима... улар мусулмонларга қаршу бирлашдиларми?

Марлинг. Бирлашдилар. Шу тилакларни катта бир давлатга ҳам билдурдилар.

Мавлоно. Англиз давлатигами?

Марлинг. Йўқ, бизга айтмайдилар. Ҳаммалари биларларким, биз мусулмонларни ёқлаймиз.

Мавлоно. Кимга билдурдилар?

Марлинг. Олмонияга билдурдилар, бироқ...

Мавлоно (*сўзин кесиб*). Қайтарғандир, албатта.

Марлинг. Қайтарди, негаким...

Мавлоно (*сўзин кесиб*). Албатта, шундай қилиши керак. Туркиянинг дўсти бўлганидан кейин мусулмонларни ёқламаса бўлурми?

Марлинг. Соҳиб! Гап унда эмас... Олмония давлати бутун ер юзини ўзиники қилмоқчи, ҳеч бир ерни сизга ҳам, уларга ҳам бермак истамас.

Мавлоно. Туркияни юз кўрмасми?

Марлинг. Қўлидан келса Туркияни ҳам ўзиники қилиб қўяр.

Мавлоно. Қизиқ... ажиб... хўш, биз энди нима қиламиз?!

Марлинг. Бу кун ҳинд мусулмонларини икки олбости кўркутиб турадир. Биринчиси Олмония, иккинчиси мусулмон бўлмаган ҳиндлилар. Биз мана шу икки олбостидан сизни бутунлай қутқариб, Ҳиндустонни ўзингизга топшурумиз. Шунинг учун Олмонияни битурганимизгача, Ҳиндустон мусулмонларининг бизга кўмаклари тейиш. Биз Олмонияни битиргандан кейин Ҳиндустонни мусулмонларга топшурамиз десак, кимса бизга гапура олмас. Меним сизга келишим шунинг учундир.

Мавлоно (*бир оз ўйлагандан сўнг*). Ҳинд мусулмонларининг ўз бошлиқлари бор. Биз бир чеккада ўтирган киши. Бизнинг қўлимиздан нима келар?

Марлинг. Буюк бир ишни битирмак учун, дардли кишиларга керакдирким, биргалашиб ишлашсунлар. Ҳиндустонни ўз қўлингизга олмоқ учун, ҳар бир мусулмоннинг тиришмаги тейиш.

Мавлоно. Хўш, биздан қандай кўмак кутасиз?

Марлинг. Ҳиндлиларни бизга қаршу оёқлантирмоқ учун шу ерларгача Олмония агентлари келган.

Мавлоно. Ким экан улар?!

Марлинг. Абдусуббуҳ билан йўлдошлари.

Мавлоно (*бир оз телбача*). Улар олмон агенти эмаслар!

Марлинг. Соҳиб! Олмон агенти бўлганлари аниқ. Биз яхши биламиз.

Мавлоно. Бизга айтмадилар-ку!

Марлинг. Албатта... Сизга айтсалар, уларни бу ерга қўярсизми?

Мавлоно. Хўш, нима қиламиз энди?

Марлинг. Мана шуларни тутиб, Ҳиндустонга юборгайсиз, деган эдик. Давлатимиз сизга ўн минг рупи ойлиқ кесди. Икки ойлиғини мен билан юборди. Бу кеча кетуруб топшурурмен.

Мавлоно (*теран ўйлагандан кейин*). Мен уларни тутиб, сизга бера олмам.

Марлинг. Нечун соҳиб?!

Мавлоно. Ҳиндустонлиларнинг давлатингизга қанча душман бўлганлиқларини биласиз. Мен бу кишиларни тутиб сизга берсам, эл мени тилим-тилим қилар!

Марлинг. Ундай бўлса, шуларни шу ерда ўлдуртмак йўлини топингиз.

Мавлоно. Бу ҳам бўлмайдир.

Марлинг. Нима қиласиз, соҳиб?! Шу тўғрида фойдали бир иш қиласизми?!

Мавлоно. Бу тўғрида меним сизга кўмагим шундай бўла олурким, айтганингиз кишиларни Бўнир қўрғонидан чиқарурмен. Бунда ишламасунлар, бошқасини қила олмам.

Марлинг. Соҳиб! Бу тўғрида нима қилсангиз, унуми ўз мусулмонларингизга бўлур.

Мавлоно. Шу паллада шундан бошқасини қила олмаймен.

Марлинг. Хўп, шуни қиларсизми?

Мавлоно. Қилармен.

Марлинг. Қачон?

Мавлоно. Яқинда бўлур... Урушлар қандай борадир, хабарингиз борми?

Марлинг. Уруш кўб яхши, ҳозир Америка ҳам бизга қўшилди.

Мавлоно. Кўб яхши.

Марлинг. Соҳиб, ўтинаман: Войис Рой ҳазратларининг сўзлари ерда қолмағай.

Мавлоно. Мен шу кундан ишга киришамен.

Марлинг. Соҳиб мен энди кетайин. Бу кеча яна хизматингизга келарман. Соҳиб, ишониб қолгайсизким, англиз давлати сизнинг яхшилигингизни сира унутмас. *(Ердан турар.)*

Мавлоно. Қайтасизми?

Марлинг. Ҳозир қайтайин, соҳиб. Яна кеча хизматга келурмен.

Мавлоно *(ўтирган жойидан)*. Тузук.

Марлинг *(букулиб)*. Ҳай... соҳиб, яхши қолингиз.

Мавлоно. Ҳай. Яхши борингиз. *(Марлинг кетар. Мавлоно Қуръонни олиб, у ёқ-бу ёқиға қараб, яна ерга қўйгандан кейин, бошини қимирлатур.)* «Ки аз савдойи, на хато, на хат бўйи мушки май ояд»<sup>26</sup>. Олмонлар икки ойлик йўлда, англиз бўлса мана тумшуғимизнинг тагида турубдир. Йўқ Олмония учун бор англиздан айрилмоқ тўғри сиёсат эмас. Эмди «худойҳиззаму мажал»<sup>27</sup>, шул англизни бизга катта қилгандан кейин... «эл хайру масаналлоҳ»-да<sup>28</sup>. Шу билан келишиб ишлаш яхши-да...

Фулом Наби кирар.

Фулом Наби. Соҳиблар келдилар.

Мавлоно (*Қуръонни газетга ўраб қўйгандан сўнг*). Кел-  
сунлар. (*Фулом Наби чиқар.*) Энди бунларга қандай онг-  
латамиз?!

Абдусуббуҳон, Файз Аҳмадхон, Бадринат, Дийнанат, Орномсингх  
соҳиблар бирар-бирар салом бериб кирарлар. Мавлоно Нўъмон ердан  
кўлиб, буларни қаршу олгандан кейин, ҳаммалари ўтурурлар.

Абдусуббуҳ. Мавлоно соҳиб! Меърожи шариф?!<sup>29</sup>

Мавлоно. Алҳамдуллилоҳ. Сиздан сўрайлик?..

Абдусуббуҳ. Яхши.

Мавлоно. Янги хабарлар йўқми?

Абдусуббуҳ. Тунов кунги хабарлар. Бошқаси йўқ!

Мавлоно. Ўз ишларимиз қалай?!

Абдусуббуҳ. Ишларимизнинг бориши яхши. Эмло-  
гимиз<sup>30</sup> ишлаб турадир. Деҳли шаҳрининг ўзиндагина бир  
кечада юз минг баённома тарқатганимизни Деҳли пўлис  
комиссари ёздурубдир.

Мавлоно. Юз минг баённома тарқатмоқ — буюк иш.  
Кўб яхши. Бироқ бу ишдан англизга зарар бўлганми, йўқми?

Абдусуббуҳ. Зарар бўлмасми дейсиз, бу кун бутун  
Ҳиндустон қайнаб турар.

Орномсингх. Ҳиндустоннинг ишчиси, савдогари,  
экинчиси, хуллас, ҳаммаси англизга очиқ душман кесул-  
ган.

Бадринат. Шоир билан ёзғучиларимизни демайсиз-  
ми? Уларнинг ёзғичлариндан ҳарф эмас, оловлар томадир.  
Оғизлариндан сўз эмас, бўмбалар учар.

Мавлоно. Мен шулардан кўрқаман-да.

Абдусуббуҳ. Нега кўрқасиз?

Мавлоно. Бўш сўзлар билан халқни-да, ўзимизни-да  
қайнатиб юборамиз. Англизларнинг аччиғини келтиргандан  
кейин, қўлимиздан бир нарса келмаганин кўрамиз.

Дийнанат (*Мавлонодағи бир ўзгаришдан тонганини  
кўрсатмасликка тиришиб*). Улар ўтди. Англизлар бизга ач-  
чиғланмоқ билан ҳам ҳеч нима қила олмайлар. Бу кунларда  
биз уларга аччиғланамиз. Улар бизнинг аччиғимиздан кўрқа-  
лар.

Бадринат. Ёмонлардан кўрқмоқ унумсиздир. Улар  
итга ўхшайдилар. Қочсанг қувар, қувсанг қопарлар.

Орномсингх. Золим йилонга ўхшайдир, оғзини бол  
билан ювганда ҳам оғуси кетмас, унинг бошини тош би-  
лан эзмак керак.

Мавлоно. Англизде катта бир давлат билан курашамиз. «Ундай қиламиз, бундай қиламиз» деймиз, қўлимизда шамол-да<sup>31</sup> йўқ.

Бадринат. Мавлоно соҳиб! Сизга бир шеър ўқурмен. Панжобли дўктўр Иқболнинг<sup>32</sup> шеъри. Шоир шуни ўн минг кишилик бир йиғноқда ўқуған. Элнинг қонини қайнатған. Йиғноқга келган ўн минг киши шул шеърни тинглагандан кейин «ўларимиз эрк учун», деб ҳукумат қўноғига югурган. Қўлимизда бир нарса бўлмаса эди, ҳукумат у йиғноқда шу шеърни ўқутмас эди. Мана шеър:

Эски, чурук дунёмизнинг тартибини билмасдан,  
Кеча-кундуз тугунларин санамоқдан ўсондим.  
Озодликнинг кўнглимдаги битмас-туганмас ишқи  
Ўлим билан йўлдошли... бу дунёдан жўнадим.  
Ўлим тинчлик ўлкасининг бахт тўшалган йўлидир:  
Мени алам, қайғу ҳасрат балосиндан қутқарди.  
Учратмайин ҳеч бир турли тутқинлиқга, хўрлиқга,  
Олиб борди туппа тўғри Ҳақ тахтининг олдиға.  
Ҳақ мендан шул еримизнинг ҳолларини сўради:  
«Менга ондин тортуқ қилиб нелар кетурдинг?!» деди.  
Дедим: «Онда йўқдир сира сенга тортуқ қилғудек  
Бир сўз, бир иш, бир нарса!..  
Бироқ мен  
Бир кичкина шиша ичра бир томчи қон кетурдим,  
Кўп баҳоли бир армуғон кетурдим.  
Бундай сенинг хазинангда, учмоғингда топилмас.  
Яратмадинг сира бунинг эшини.  
Бу муқаддас қон, эй Ҳақ!  
Золимларнинг қиличи-ла эрк, озодлиқ йўлинда  
Шаҳид тушган бир йигитнинг ярасиндан томғандир!  
Ол!.. Сақла!

Мана шу шеърни ўқуб, ўн минг кишининг қонини қайнатган шоирга ҳукумат бир нарса демади. Демак, биздан кўрқарлар.

Барчалари эшик сари қарарлар. Фазлуллоҳ соҳиб кирар.

Фазлуллоҳ (саломдан кейин). Сизга баҳоли бир армуғон кетурдим.

Абдусуббуҳ. Нима экан?!

Бадринат. «Бир йигит қони» бўлмағай!

Фазлуллоҳ. Қонли бир йигит.

Абдусуббуҳ. Қани?

Фазлуллоҳ. Эшиқда. Ўзи Лоҳўрдан қочиб-келган экан.

Орномсингх. Тилчи бўлмағай!

Фазлуллоҳ. Эмас. Ўрон берди.

Абдусуббуҳ. Кетуригиз!

Фазлуллоҳ соҳиб эшикка бориб қўли билан чақирар. Эски меш, кийимлари билан Раҳимбахшон кирар. Буйруқ кутиб, йироқда турар.

Абдусуббуҳ. Яхши йигит, қаердан?!

Раҳимбахш. Ҳиндустондан.

Абдусуббуҳ. Қаерга?

Раҳимбахш. Ҳиндустонга.

Абдусуббуҳ. Отингиз.

Раҳимбахш. Бўмба.

Абдусуббуҳ. Хуш келдингиз. Ўтиригиз. *(Раҳимбахш утурур.)* Сизники Лоҳўрданми?

Раҳимбахш. Мен Лоҳўрдан. Отим Раҳимбахш. Отам ҳукуматдан қочиб, Вазиристонга ўтган. Ўн йил бурун Вазирий, Масъудий эллари билан Пешовар кўрғониға юриш қилганда, шаҳид бўлган.

Бадринат. Мужоҳид<sup>33</sup> ўғли мужоҳид экансиз.

Раҳимбахш. Тўрт йилдан бери «Муслимлик» тўда-сиға ёзилиб, улус эрки йўлинда тиришаман. Ёввойи англизлар юрагимни ёмон ёрдилар. Кундуз куни босқун қилдилар. Мен билан севгилимни тутқин этдилар, мени қишлоқ қоровуллиғида қамаб, уни шаҳарга элтдилар. Мен қишлоқ қоровулинда йигирма беш кун ётдим. Қишлоқдагилар кафил бўлиб чиқардилар. Лоҳўрға бориб севгилимни ахтардим. Пўлис комиссари Ўкунарнинг уйинда қамоқда экан. Кўп тиришдим, қутқара олмадим. Исломия амлоғиға кириб, сизнинг сўроғингизни олдим, сизга келдим. Ҳиндустонни қутқармоқ йўлинда тиришмак учун жон берарга тайёрман.

Абдусуббуҳ. Қишлоқдилар нима фикрда?!

Раҳимбахш. Жонлариға теккан. Чиқиш кунин кутиб туралар. Чиқиш куни бўлғач, тиш-тирноқлари билан юрт ёвларини ўлдурмоқчи. Ҳиндли, мусулмон бирлиги кўб яхши борадир. Англизларни тарқатмоқ учун, Ҳиндустонни бирлаштирмоқ керак. Бу кун қишлоқдилар шунга ишоналар. Шу йўлдан куч берилсун дейлар.

Бадринат. Мен бу йўлда куч эмас, жон берарга-да тайёр.

Абдусуббуҳ. Ҳиндли билан мусулмонни бирлаштира-  
мак йўлинда нима керак бўлса қилмоқ тейиш.

Мавлоно. Шу фикрга мен қўшила олмам.

Ҳаммаси обдираб<sup>34</sup> қарар.

Абдусуббуҳ. Нечун?!

Мавлоно (*Бадринат, Дийнанат, Орномсингхни кўрса-  
тиб*). Бу жанобларнинг аччиғлари келар. Майли, энди мен  
ўз фикримни айтиб қўяй.

Дийнанат. Айтинг-чи?!

Мавлоно (*йўталиб*). Шариатда мусулмон билан ҳинд-  
лининг бирлашмаги тузук эмас, қатағондир. Ҳиндлилар му-  
сулмон бўлмагунча, биз улар билан бирлаша олмаймиз.

Абдусуббуҳ. Биз зулмга қаршу ҳар ким билан бир-  
лашурмиз.

Мавлоно. Бундай бирлашмак дин олдида қатағон-  
дир.

Раҳимбахш. Тўғри..., муллалар динида шундайдир.  
Икки мазҳаб кишилари нари турсун, иккигина кимсанинг-  
да бирлашмаги қатағондир.

Мавлоно. Нечун?!

Раҳимбахш. Эл бирлашса, мулла оч қолур. Шунинг  
учун!

Мавлоно. Ўғлим! Сиз билмайсиз. Шариат иши ўйин  
эмас. Англизлар «аҳли китоб»<sup>35</sup> бўлалар. Мундайларга «муш-  
рикий»<sup>36</sup> дейиладир. «Аҳли китоб» бизга шариат буйруғи  
билан «мушрик»лардан яқинроқ туралар.

Абдусуббуҳ. Сиз, муллалар, туташ шундай қиласиз.  
Ҳиндустонни йилларча эл-аймоқ жанжаллари билан  
тўлдурдингиз. Улусни етмиш тўрт бўлак қилдингиз. Ҳар  
бўлакни бошқаларга ёв этдингиз. Ўлкамизни ички жанжал-  
лар билан тўлдирдингиз. Шундай қилиб, англизни ҳам бо-  
шимизга келтурдингиз. Юз йиллардан кейин биз ўзимизни  
қутқармоқ учун бош кўтардик; бирлашдик, қутулмоқ ис-  
тадик. Яна мазҳаб, дин жанжаллари билан йўлимизни  
тўсмоқчи бўласиз! Уялингиз, кетингиз, йўқолингиз. Биз-  
дан узоқлашингиз. Биз ўз борлиғимизга, ўз эркимизга тир-  
ноқ урмоқчи бўлганларга қаршу чиқурмиз. Қўлга қўл бе-  
риб курашамиз. Бизни бу йўлдан сиз-да, мазҳаб-да, дин-  
да қайтара олмас.

Бадринат. Мавлоно соҳиб? Сиз кучли бир ишонч  
билан айтасизким, аҳли китобга қаршу мушриклар билан  
бирлашмак тузук эмас.

Мавлоно. Албатта.

Бадринат. Ўзингиз кўриб турибсизким...

Мавлоно (*сўзини кесиб*). Тўхтангиз... тўхтангиз..., мен бу сўзни ўз қопчугимдан чиқармадим, динимизнинг сўзи шу.

Бадринат. Сиз кўриб турасиз: «мушрик» деганларингиздан уч киши мана шунда шу мусулмонлар билан орқадошча<sup>37</sup> қайнашиб, ишлашиб турубмиз. Сизга ҳам ҳар кимдан ортиқ ҳурмат кўрсатамиз. «Аҳли китоб» бўлган англизлар ҳам шундай қилалармикин? Шунга ишонасизми? Мен айта...

Мавлоно (*сўзини кесиб*). Бу қиёс маъл форик бўлди, ўзингизни уларга қиёс қилмангиз...

Бадринат (*қўли билан тўхтатиб*.) Мен айтаманким, англизлар сира шундай қилмайлар. Сиз Мавлоно соҳиб ҳаммамизнинг қаттамиз бўласиз. Энг тубан англизнинг бўсағасига ўн йил бош қўйингиз, яна сизни уйининг ичига олмас. Тузук, бир оз фойда кўрсатсангиз, сизга «Шамусул-уламо», «Хон Баҳодир», «ёс оъи — ьи», «ёс оъи — ди»<sup>38</sup> деган мансаблар берар. Бироқ буларнинг қуп-қуруқ отдан бошқа нарсаси йўқ. Бу мансабларнинг барчасини олсангиз ҳам, энг тубан бир англизга яна тенглаша олмайсиз.

Мавлоно. Сиз ҳаммангиз, меним кўноқларим. Мен сизни ранжита олмайман. Сиз Абдусуббуҳон меним уйимда турғанингизни унутиб шунча қаттиқ гапурдингиз, қаттиқ гапурмак меним қўлимдан ҳам келадир. Бироқ мен айтмам. Шунигина айтиб қўяманким, мен шариатдан чиқа олмам. Аҳли китобга қаршу мушриклар билан бирлашмакни шариат қатағон этган. Шуни сизга билдирдим. Сиз шариатга қаршу ишласангиз, мен ҳам сиз билан ишлай олмам. Шуни ҳам айта қолайин: шариатга тўғри келмаган ишлар бу кўрғонда ҳам бўлмасун.

Дийнанат. Сиз бу ишингиз билан ҳинд тарихининг нурли бир бетига қоп-қора тамға босдингиз. Қутли бўлғай!

Мавлоно. Мен дин буйруқларидан чиқа олмам.

Абдусуббуҳ. Кўб сўз туяга юкдир. Бу киши ўз тилакларини билдирдилар. Биз-да шу кундан бошлаб бутун ишларимизни бу ердан бошқа ерга кўчирайлик. Турунгиз, орқадошлар.

Турар, ҳаммалари турарлар.

Мавлоно. Абдусуббуҳон соҳиб? Шариатга тўғрилаб ишласангиз, уйим ўз уйингиз.

Абдусуббуҳ. Куллуқ... хайр эмди.

Мавлоно Нўмондан бошқаси чиқар.

Мавлоно (*ёлғиз қолғач*). Бир йўла шундан кетсунлар, сўнгриси сўнгра. (*Эшикка қараб.*) Фулом Наби, ҳой Фулом Наби! (*Фулом Наби кирар. Мавлоно Қуръонни кўтариб.*) Бу кеча қўноғимиз бор! Боғчадаги уйни супуриб қўй. Шунда ўтирамиз. (*Чиқмоқ учун юрар.*)

Фулом Наби. Хўб. (*Мавлонодан кейин чиқар.*)

Парда тушар.

### УЧИНЧИ ПАРДА

Кеча. Лоҳурда пўлис бошлиғи Ўкунарнинг ўз уйи. Оврупача безанган. Электрик лампалари ёқилган. Боғчадаги оғочларнинг ям-яшил бутқалари деразалардан кираёзган. Бир оздан кейин Дилнавоз ички уйдан чиқиб келар. Кийимлари, боёғи, сочлари чирмашиқ, боши оғир, мениги мунгли, қарашлари қайгули, кўз ёшлари қурумаган. Секин-секин дераза ёниндаги бир ўриндуқга келиб, ўзини эркисизча ташлар. Бошин бир қўлига суяб, кўзларини боғчага тикар. Жимжит турар. Бир оздан кейин боғчанинг узоқ пучмоғидан ўтли бир рубоб товуши чиқар. Қайнаганча қайнар. Бир куйни битирғач, ёниқ бир товуш юксалиб, шу ашулани сайрар («Омон-омон»<sup>39</sup> куйинда).

Қоплади қора булут  
Ўзал хулкарим юзин.  
Ажратиб қўйди мендан  
Ёруғлигин ҳам ўзин.  
Истамам они қувмоқ  
Хулкаримни қутқармоқ  
Ўзга куч тополмай мен,  
Йиқиламан, йиғлайман.  
Боғимни хазон олди,  
Сўлди чечагим, қолди.  
Чиқғали қаршу унга,  
Топилмайдир куч менда.

Кучсизлик, эй, кучсизлик,  
Ўртади мени зулминг.  
Ниндай қора ўлумдан  
Яратилган эрурсен?

Дилнавоз (*бошини кўтариб*). Оҳ... Эй кўк товуши, тўғри сўйладинг! Дунёда кучсизликдан ёмонроқ нарса йўқ. Бир кишининг кучи бўлмағач, балога қолур: ёзуғлар, жазолар, сўкишлар, сургунлар, қамоқлар, ўлумлар ҳар ёқдан боши узра бало ямғури янғлиғ ёғар.

«Хукуматга қаршу кетди» деб отилганлар, «қон тўкди» деб осилганлар, «ўғрилиқ этди» деб қамалганларнинг энг буюк ёзуғлари кучсизликдир. Кучлари бўлса эди, бутун шул ёмонлиқларни ишлаб, яна тинч юрар эдилар. Негаким, куч бўлмаганлар ишлаб юралар. (*Бир оз ўйлаб.*) Қишлоқнинг тиб-тиную ҳавоси тинчлиғимнинг баҳордан ясалган бешиги эди, ундан чиқарилдим... Тол-бутоқлари дўстлик илдизларидек кўкламлар узра ҳар ён узайган эди. Шуларнинг кўлагасидан айрилдим. Кичкина ариқлари турли тусли гуллар остинда сояда томирлари янглиғ узайган эди, алардан узоқга тушдим.

Раҳимбахш... севдигим... эркам... жоним эди. Борим-йўғим шу эди. Руҳим шу билан яшар, кўнглим шу билан овунар эди, ундан-да йироқлашдим. Уч ойдир, шу уйда қолибман. Ҳамда бир англиз кўлинда! Нечун? Чунки кучим йўқ. Кучсиз бир улуснинг кучсиз бир қизи бўлибман... Битсун кучсизлик!

Бошини кўлга олиб ўйлар. Бир оздан сўнг Родубибби келар.

Роду (*Дилнавознинг ҳолини кўргач, ўйлар*). Бояқиш қиз! Янгигина очилган қайғу чечаги!... Ёвуз Ўқунар бу ўксизни<sup>40</sup> ўз юртдан кетурмиш. Кимсасиз қиз уч ойдир ўзи тутқун, номуси кўркувда... (*Сўйлар.*) Дилнавоз, қизим! Бунда нешлаб турасан?

Дилнавоз. Ҳеч...

Роду. Сенинг учун эзгу бир туш кўрдим, қизим!

Дилнавоз. Меним учун эзгулик туш-да!

Роду. Тингламайсанми қизим? (*Дилнавоз жим турур.*) Тушда кўрдим: шу боғчанинг мана шу ёқдағи арғувон оғочининг остида ўтиргансен. Шу кунги каби кучли қайғунг бор. Қарасам, бир сариқ илон охсум<sup>41</sup> бўлди. Сенга сорилмоқ<sup>42</sup> истади. Катта бир илон эди. Ўлдурмакка кучим етмади. Қанча илон дуосин билсам, ҳаммасин ўқуб дам солдим, бўлмади... Худди шу паллада юқоридан қизгин бир товуш эшитдим. Қарасам, уч лочин яшиндек келиб турадир. Лочинлар илоннинг кўзларин ўйдилар. Сени қутқариб, кўтариб кетдилар.

Дилнавоз. Она... мени қутқарғучи лочин ўлумдир.

Роду. Ўлум бир дерлар. Мен уч лочин кўрдим. (*Дилнавоз жим турур. Ташқаридан оёқ товуши келар.*) Мана, сариқ илон келди. (*Дилнавоз қалин қайғу остинда эзилганлигини кўрсатадурган оғир бир юриш билан иккинчи уйга ки-*

*рар. Родубиби унга мунгли-мунгли қарагандан кейин, сўйлар.)*  
Шу ўқсизнинг-да қутулиш кунини кўрсам.

Ўқунар икки англиз юзбоши билан кирар. Юзбошилардан бири  
Пўнтар, бири Порлинсун. Родубиби Пўнтарга бош эгиб турар.

Ўқунар (*келганларга*). Буюрингиз, ўтирайлик. (*Шанкаларини қўйиб, мосо теграсинда ўтурурлар. Роду чиқар.*)  
Хуш келдингиз.

Юзбошилар. Эсон бўлингиз.

Порлинсун. Мингбоши ҳазратлари. Боғчадаги қаргаларнинг тебранишлари кун сайин кўпайиб борадир. Булар нечун? Чораси нима?

Ўқунар. Нечунлиги билгили. Биз нима қилсак-да, ҳиндустонлилар бизга ишонмайлар. Ишқилиб, бизни бу ўлкадан қувмоқ истайлар. Шу тилакка эришмак учун шу кунги ҳолларни ярарлиқ топганга ўхшайлар.

Порлинсун. Қандай ҳоллар?

Ўқунар. Ялпи уруш, Олмониянинг енгилмай туруши, Туркиянинг Олмонияга қўшилгани, Ҳиндустонга келган Олмон агентлари...

Порлинсун. Чораси?!

Ўқунар. Раҳмсиз кураш. Бундан бошқа чора йўқ.

Пўнтар. Мингбоши ҳазратлари! Айнуқса, шул олмон агентлари кенгайиб боралар. Юз мингларча қўзғатгу битиклари<sup>43</sup> тарқаталар. Бунинг йўлини тўса билмасак, иш ёмон.

Ўқунар. Юзбоши! Бор кучимиз билан тиришмак ҳам ҳар биримизнинг вазифамиздир. Англизлигимизни қўлдан бермайин, тўзим билан, чидам билан тебранаёлик.

Порлинсун. Албатта... албатта. Шундай этмак керак, мингбоши ҳазратлари! Қўзғатув битиги тарқатувчи кишиларнинг яшурун ўқлари бордир. Шунини топмоқ керак эди.

Ўқунар. Унинг учун иш кўрулди.

Пўнтар. Ип учи топилдими?

Ўқунар. Топилди.

Порлинсун (*шошқин*). Топилдими?! Қандай?!

Пўнтар. Излари топилдими? Тутилдиларми?!

Ўқунар. Излари топилди, ўзлари тутилмоқда.

Порлинсун. Шайтонларни туб томирлари билан қурутмоқ керак.

Ўқунар. Қарангиз, қандай бўлди. Бундан ўн кун бурун, эсингизда бордир шаҳарда қўзғатгу битиги тарқатдилар.

Порлинсун. } Бор, бор... биламиз.  
Пўнтар. }

Ўқунар. Бизга келган хабарларга кўра, шулар тарқалган кўчаларнинг биринда тонг отардан бурун бир йигит кўрилган. Қора бурутли<sup>44</sup>, калтагина бир йигит.

Юзбошилар эснаб кўярлар.

Порлинсун. Хўш?

Ўқунар. Икки кун бурун Лондон банкасининг боғчаси ёнинда қора бурутли бир йигитнинг икки ишончсиз киши билан гаплаша тургани кўрулган.

Пўнтар (*ўрундиғини илғари судрагандек бўлуб*). Хўш!

Ўқунар. Шаҳримизда «Дуохонаи исломия» деган бир эмлоқ бор, ҳар кимга оқчасиз «эм» беради. Энг сўнг тунов кунни шул қора бурутли калта йигитнинг шул эмлоққа киргани кўрилган. Мен мана шул эмлоқни босарга кишилар юбордим.

Пўнтар. Мингбоши ҳазратлари! Йигитни қўйиб, эмлоқни босмоқ не учун эди?

Ўқунар. Эмлоқдан кейин кўб йигит тутармиз.

Пўнтар. Онглай олмадим, мингбоши ҳазратлари!

Ўқунар. Биз кўбдан бери шул эмлоқга ишончсизлик билан қарар эдик. Шунча катта бир эмлоқ очиб текин эм бермак, ўзи қизиқ эди.

Пўнтар. У эмлоқ эзгу бир тилак билан очилганмукин?!

Ўқунар. Кўб ишлар борким, бошда эзгу бир тилак билан бўлгандек кўринадир, ахтара бергандан, тагиндан кўб ёмонлиқлар чиқиб қоладир.

Порлинсун. Тўғри.

Ўқунар. Сўнг кунларда ҳинд газетлари бу эмлоқ тўғрисида кўб махтаб ёздилар. Махташлари орасинда туманли неча маъноли сўзлар ҳам бор эди. «Мусофир оға»<sup>45</sup> газети бир сонинда «Мавлоно Нўъмон» деган бир кишини шу эмлоқга қарши бўлгани учун сўқди.

Мавлоно Нўъмон эса бизга билгили англиз дўстидир.

Порлинсун. А-ҳа...

Ўқунар. Мана шулар учун биз бу эмлоқнинг кетига тушган эдик. Ҳалиги йигитнинг шунга кирганин билгач, босарга қарор бердик.

Порлинсун. Тутдирдингизми?

Ўқунар. Кишиларимизни шу кеча юбордик. Яқинда бир хабар бўлса керак.

Порлинсун. Мингбоши ҳазратлари! Ҳиндли бегим-ни нима қилдингиз? Ўртоқлаша олдингизми?!

Ўқунар. Уни қўй, дўстим! Бизнинг шумлигимизга қаранг! Бизга келганда, ҳинднинг қизлари ҳам ихтилолчи бўлиб қолган.

Порлинсун. Хўш, қани бу киши ҳам ўзгаришчими?!

Ўқунар. Ўзгаришчи, кўзғолучи ҳаммаси!

Порлинсун. Нима қилди, қани?

Ўқунар. Уч ойдан бери тирмашаман. Жонимни олди, сира бўйинсунмайдир.

Порлинсун. Нима дейдир?!

Ўқунар. Мени кўрдими, ўзгариб кетадир. Ночорлик-га ҳуррият, мусовот, адолат, зулм, ёввойилиқ, маданият, эл-юрт каби қанча маъносиз сўзлар бўлса, ҳаммасини бирдан айтиб берадир.

Пўнтар. Маъносиз сўзларми дедингиз?!

Ўқунар. Албатта, бир ҳиндли оғзиндан чиққан бу сўзларнинг маъносими бўлур?!

Порлинсун (*ўйлар*). Шу қизни шундан ола билсам... (*Сўйлар*.) Ўзлари қаерда?!

Ўқунар. Шунда, мана шу уйда. Чақирайми?!

Порлинсун (*яширин бир севинч билан*.) Ёмон бўлмас.

Шу паллада ташқаридан тўрт кишининг оёқ товуши эшитилур.

Ўқунар. Мана, бир хабар бўлди.

Порлинсун. Қизданми?

Ўқунар. Йўқ, жоним! Эмлоқдан.

Порлинсун. Ҳа... кечирасиз.

Эшик чертулур.

Ўқунар. Кел!

Бир англиз юзбоши кириб салом берар. Қўлинда бир боғлам қоғоз бор.

Ўқунар. Ҳормангиз, юзбоши! Неттингиз?!

Юзбоши. Буйруғингизни олғач, йўналдим. Ёнимда ўттиз пўлис бор эди, эмлоқни айлантуруб олдим. Ўзим икки киши билан ичкари кирдим. Ўн киши қўлимга тушди. Дафтар битикларини бир қопға солиб сурғучладим. Яшурун бир сандуқда мана шу ёзувлар бор экан, буларни олиб келдим.

Ўқунар. Ўн киши кимлар экан?

Юзбоши. Бештаси эмлоқда ишлаб турганлар. Биртаси иш бошқарғучи Маҳмудхон. Тўрттаси ташқаридан кирганлар.

Ўқунар. Қаерда булар?

Юзбоши. Шунда тайёр.

Ўқунар. Яшангиз, юзбоши. Маҳмудхондан бошқасини қамоқға юборингиз. Буюрингиз, айри-айри уйларга қўйсунлар. Маҳмудхонни бунга келтурингиз. Қоғозларни шунга қўйиб кетингиз.

Юзбоши турар, қоғозларни Ўқунарнинг олдиға қўйиб чиқар.

Пўнтар. Ташқаридан келганларни ҳам қаматасизми?!

Ўқунар. Иш шулардан чиқар.

Порлинсун. Биз кетсак бўлурми?

Ўқунар. Қолсангиз-да бўлур.

Юзбоши Маҳмудхонни киргизар.

Ўқунар (*Маҳмудхонга катталиқ билан*). Сизнинг отингиз нима?!

Маҳмудхон. Маҳмуд.

Ўқунар. Қаерли?!

Маҳмудхон. Ҳиндли.

Ўқунар. Қайси шаҳардан дедим?!

Маҳмудхон. Амратсардан.

Ўқунар. Лоҳўрға қачон келдингиз?!

Маҳмудхон. Уч йил бўлди.

Ўқунар. Бунда нешладингиз?!

Маҳмудхон. Шаҳар эмлоғинда ишладим.

Ўқунар. Ҳали сизни қайдан кетурдилар?!

Маҳмудхон (*кулимсаб*). Исломия эмлоғидан.

Ўқунар. Унда нима ишингиз бор эди.

Маҳмудхон. Олти ой бурун шаҳар эмлоғиндан чиқган эдим. Бир неча киши билан ўртоқлашиб, шу исломия эмлоғини очган эдим.

Ўқунар. Ўртоқларингиз кимлар?!

Маҳмудхон. Биз ўн киши эдик. Воис Рой ҳазратларининг ёрлиқлари билан бу эмлоқни очиб, ҳар кимга текин эм бера келдик. Ўртоқларимнинг отлари, эмлоқнинг тилаги, тарихи. Воис Рой ҳазратлари берган ёрлиқда ёзилган.

Ўқунар. Шу ёрлиқ қани?!

Маҳмудхон. Ёрлиқ эмлоқда.

Ўқунар. Элга текин эм бера эдингизми?

Маҳмудхон. Ҳа...

Ўқунар. Эмни Оврупадан текинми олар эдингиз?

Маҳмудхон. Биз Оврупадан эм истаганлардан эмас-миз.

Ў к у н а р . Қайдан олар эдингиз?!

Ма ҳ м у д х о н . Бизнинг бутун нарсаларимиз Ҳиндустондан чиқади. Бизнинг бутун ишончимиз Ҳиндустондандир. Бизча Ҳиндустон ўз бошли, айрича бир дунёдир. Бунда яшаганларнинг бутун керакликлари ўзинда топилади. Шундан олиш керак.

Икки юзбоши бир-бирига қарарлар.

Ў к у н а р ( *кулимсаб.* ) Бўш хаёлчилар...

Ма ҳ м у д х о н . Сўзимиз хаёл-да эмас, бўш-да эмас. Бу кун икки кўзи бўлган ҳар ким кўрадириким, Ҳиндустон бу дунё боғчаси, ўзинда бўлганларнигина эмас, ўзиндан мингларча тош узоқда турганларни ҳам яшатмоқдадир.

Ў к у н а р . Сўзни узатди<sup>46</sup> бу... ( *Юзбошиға.* ) Буни элтиб қамангиз, сўров чоғинда истаганча сайраб берар.

Юзбоши Маҳмудхонни олиб чиқар.

П о р л и н с у н . На тетик ҳариф<sup>47</sup> экан бу?

П ў н т а р . Тили тамуғ алангасиндан дунё ёқмоқчи! Тўғриси, мен ҳуркмак истадим.

Ў к у н а р . Бизнинг кучимиз бор, яроғимиз<sup>48</sup> бор, оқчамиз бор, билимимиз бор. Бизда борлар бунларда йўқ, бунларда йўқлар бизда бор. Шунинг учун бунлардан кўрқмаймиз, ҳуркмаймиз, истаганларини-да бермаймиз.

П ў н т а р . Бироқ буларда юрак ёнғини бор экан.

Ў к у н а р . Юрак ёнғинларини тўплар билан, бўмбалар билан ўчираемиз.

П ў н т а р ( *ўйлар* ). Бўмба билан, тўп билан ёнғинми ўчираемиз?! ( *Сўйлар* ). Нима бўлса ҳам бўш турмаслик керак-да.

Ў к у н а р . Албатта!

Юзбошилар кетарга тайёрланиб қарашурлар.

П ў н т а р ( *қўпуб* ). Хайр, эмди.

Порлинсун-да қўпар.

Ў к у н а р ( *қўпуб* ). Кетасизми, орқадослар?!

Кўл беришалар.

П о р л и н с у н . П ў н т а р . Кетайлик, энди. ( *Айрилган-да.* ) Яхши кеча.

Ў к у н а р . Тинч кеча.

Юзбошилар кетарлар. Эмлоқдан келтурулган қоғозларни шкафга қўйиб, ўз еринда ўтурур.

Ўқунар (ёлғиз). Бизнинг юзбоши Порлинсуннинг бир дардими бор?! Бир нарсани йўқотгонга ўхшайдир. «Қиз қани?», «чақирсангиз ёмон бўлмас»лари (чинғироқни бо-сиб) кўбда жонсиз эмас.

Родубиби келиб, бош эгар.

Ўқунар. Дилнавоз бегим борми?

Роду. Бор, соҳиб!

Ўқунар. Ухладими?

Роду. Йўқ, соҳиб!

Ўқунар. Юбор шуни!

Родубиби бош эгиб чиқар.

Бу қиз-да тангрининг балоси! Кўнмайдирми, кўнмайдир! Нима қилсанг, бўш. Алдадим... кўрқитдим... сўқдим... ялиндим — бўш. Шу кеча ишни битирмак керак.

Дилнавоз кирар, қайғу остинда эзилиб, оғир-оғир юрар. Дераза ёниндаги ўриндуқга бориб ўтуруп. Ўқунар қилични бўйнидан чиқариб, ёниндаги ўриндуқга кўяр экан, сўйлар.

Яқинроқ келингиз!

Дилнавоз. Нима дейсиз менга?!

Ўқунар. Яқинроқ келингиз, дейман.

Дилнавоз. Мени нечун чақирдингиз?!

Ўқунар. Яқинроқ ўтурингиз, сўзим бор.

Дилнавоз. Уч ойдир, ҳар кеча сўзим бор, деб чақирасиз. Қийнамоқдан бошқа бир ишингиз йўқ. Ортиқ етар. Сизникини мен, меникини сиз эшитдик. Ҳеч бирининг унуми йўқ.

Ўқунар. Уни мен-да биламан.

Дилнавоз. Билсангиз, ортиқ гапурмангиз!

Ўқунар. Бу кеча сўнг сўзимни айтаман.

Дилнавоз. Бўш сўзнинг сўнги бўлмас.

Ўқунар. Тинглангиз. Қаршунгизда Буюк Британия давлатининг катта бир кишиси ўтурадир...

Дилнавоз. Эски ҳаммом, эски тос!

Ўқунар. Шу ўлканинг энг катта кишилари мен билан бир йўла кўрушганлари учун ойларча махтаниб юрлар. Беш йилдир, Лоҳўрнинг пўлис қўмиссари бўлиб турубмен. Бу кунгача истаганимни йиғлатиб, истаганимни кулдира билдим. Мен сени суйган бўлмаса эдим, ишингни бунча узатмас эдим. Биринчи кечада ё бўйсундирардим ё бошингни кесар эдим, буларни ўзинг яхши биласан. (Дилнавоздан жавоб кутиб тинар. Жавоб олмағач, яна сўйлар.)

Менга бўйинсунмай турибсен. Ўзинга яхши бўлмас. Бу кун сени қамоқда чурутмак, сургун этмак, ўлдирмак-да қўлимдан келадир. Шунларними истайсан? (*Бир оз тинар, Дилнавозни жим кўргач, яна сўйлар.*) Сен онгсиз бир қиз эмассан. Менга ўртоқ бўлиб яшамоқни истамаслигинг тентакликдир. Кел, яқинроқ кел. (*Дилнавоздан бир сўз, бир тебраниш кўрмагач, еридан туриб унга тўғри юрар.*) Сиз онгли бир қиз эурсиз. Яхши-ёмонни онгларсиз. (*Дилнавозга яқинлашгач, у-да еридан турар, аччиғидан, мегизи сал сарғайган, титраб турадир.*) Келингиз, шунда ўтурайлик. (*Қўлини тутмоқ истар.*)

**Дилнавоз** (*ўзини йўқотган каби қўлини қаттиғ тортиб, қичқирар*). Йўқ...

Ўкунар сесканиб, ўзини орқага ташлар. Аччиғланиб Дилнавозни ўмузидан<sup>99</sup> тутиб итариб юборур. Дилнавоз Ўкунар ўтурган ўрундуқ остига келиб тушар. Яна бот қўпар, ўз ўриндуғи сари юрар.

**Ўкунар**. Тентак қиз, тентак! Бу нима иш?! (*Тўппончасини чиқариб мосо устина қўяр.*) Бу кеча ё мен, ё шу! Онгладингни?!

**Дилнавоз** (*ўз ерига ўтуруб*). Чумчуқдан кўрққан тариқ экмас. Ўлимдан кўрқса эдим, уч ой сен билан талашмас эдим.

**Ўкунар** (*Дилнавоз сари юриб*). Бу ерга ўтур, дедим сенга.

**Дилнавоз**. Дедим сенга, ўтурмам!

**Ўкунар** (*Дилнавознинг елкасиндан тутиб*). Ўтқизмоқ қўлимдан келмасми?

Итариб юборур. Дилнавоз бурунги ерга йиқилур, яна турур.

**Дилнавоз**. Нима истайсан мenden, йиртғуч ҳайвон! (*Ўз ерига бориб ўтурур.*)

**Ўкунар** (*тўппончасини олиб*). Шундайми?!

**Дилнавоз** (*ўйлар*). Аччиғини келтирай, ўлдурсун-да, қутулай. (*Сўйлар.*) Номусинг бўлса, ур! Бир англиз мингбоши ҳайвон деб, менга қараб турубдир, ўли!..

Ўкунарнинг қони бузулур. Юзи кўрқинчли бўлур. Тўппончасини Дилнавозга тўғри қилар. Бўшата ёзар. Бирдан қўлини тортар. Тўппончасини мосога қўяр...

**Ўкунар**. Қулайғина ўлиб қутулмоқни истайсен. Йўқ, у деганинг бўлмас. Тўхта, мен сенга кўрсатайин! (*Сўзни битирмасдан электрикнинг биттасини ўчуруб, уйни ярим қоронғу қилар.*) Мана ўйинни кўр энди! (*Чинғироқни босар.*)

Ўқунар (*Родуга*). Бу кеча маним ишим бор, ҳеч ким билан кўриша олмаймен. Қопучиға сўйла, кимсани ичкари қўймасун.

Роду (*Бош эгиб*). Хўб, соҳиб!

Ўқунар. Менга арақ кетур!

Роду. Хўб, соҳиб! (*Бош эгиб, кетар.*)

Ўқунар. (*Дилнавоз сари юриб*). Ҳукуматга қаршу ишлаб турганингни билатуруб, сени қамоқға юбормадим. Ўз уйимда сақладим. Сен-да ўзингнинг ким эканингни унутдинг. Менга катталиқ қила бошладинг. Гапур, ҳукуматга қаршу ишлашган йўлдошларинг кимлар?!

Дилнавоз. Бутун ҳиндлилар!

Ўқунар. Бутун ҳиндлиларми?!

Дилнавоз. Албатта, сендек аҳмоқ, виждонсиз кишилари бўлган бир ҳукуматга ҳиндлилар нари турсун, бутун дунё қаршудир.

Ўқунар (*тутмоқчи бўлиб*). Сўзнинг устини ёпма.

Дилнавоз (*ирғиб туриб қичқирар*). Йўқол! (*Ўқунар сесканур.*) Эр бўдсанг, тўппонча билан кел.

Ўқунар. Тўппончам, милтиғим, тўпим, бўмбаларим-да бор.

Дилнавоз. Бор, шунларни келтур. (*Ўтуруб, бошини қўллари орасиға олиб турар.*)

Ўқунар (*юшоқча*). Дилнавоз! Ўзингга ачингин.

Шу паллада бошдан-оёқча қоп-қора кийинган уч ниқобли кириб, Ўқунарнинг кетида туралар. Қўлларинда ханжарлари бор.

(*Ўқунар сезмасдан Дилнавозға гапура берар.*) Мени тингла, кўтар бошингни. (*Жавоб кутар.*) Шундайми? Менга қарамайсенми?! (*Жавоб кутар.*) Энди ўлимга та...йёрлан...

«Тайёрлан» сўзи оғзинда экан, тўппончасини олмоқ учун қайрилғач, ҳалиги ниқоблилар ханжарларини кўкрагига тўғри тутарлар. Ўқунар сўзини битирмасдан, сесканиб кетар. Унинг сесканганидан Дилнавоз бошини кўтарур.

Ўқунар (*қўрқув аралаш*). Ким?!

Биринчи ниқобли (*қўрқинчли товуш билан*). Ўлум.

Дилнавоз. Оҳ, қутулдим!

Ўқунар. Нима истайсиз?!

Иккинчи ниқобли. Қон!

Ўқунар тўппончасини олмоқ учун, Родуни чақирмоқ учун тебраниб кўрар, ниқоблилар қўймаслар.

Учинчи ниқобли. Мингбоши ҳазратлари! Ўлум қучоғига тушгач, тебранмасангиз-да бўлур!

Ўкунар. Сиз ким?!

Биринчи ниқобли (*қўрқинчли товуш билан*). Бир йўла айтдим: ўлум!

Ўкунар. Нима истайсиз?

Иккинчи ниқобли. Иккинчи йўла айтаман: қон!

Ўкунар. Нечук қон?!

Учинчи ниқобли. Золим қони!

Ўкунар. Оҳ... ўғрилар... хоинлар!..

Иккинчи ниқобли. Биз ўғри эмас!

Ўкунар. Бу ерга кимдан сўраб кирдингиз?!

Учинчи ниқобли. Сиз кимдан сўраб бизнинг ўлка-мизга кирдингиз?!

Иккинчи ниқобли. Бу қизнинг қишлоғига сизни ким чақирган эди?!

Учинчи ниқобли. Кимдан сўраб, буни қочирдингиз?!

Иккинчи ниқобли. Ўғри сизга дерлар!

Учинчи ниқобли. Сизга хоин дерлар!

Ўкунар. Тилагингиз нима? Сўйлангиз!

Иккинчи ниқобли. Қонингиз!

Учинчи ниқобли. Бошингиз!

Ўкунар. Оҳ... ёввойилар. Инсон қони, инсон боши истайлар.

Биринчи ниқобли (*ёввойи бир кулиш билан*). Йўқ... золим қони истаймиз!

Дилнавоз (*ўйлар*). Бу товуш?! Бу менга таниш?!

Иккинчи ниқобли. Сизнинг қиличингиз билан тўкилганлар булоқ суви эмас, инсон қони эди. Сўровсиз қолсунми?

Учинчи ниқобли. Сизнинг буйруғингиз билан кесилганлар бузов боши эмас, инсон калласи эди. Ўчи олинмасунми?! Сўзни узатмайлик. Бизни тинглангиз!

Ўкунар (*бир оз тинчланиб*). Буюрингиз, сўйлангиз, нима истасангиз, берайин.

Учинчи ниқобли. Сизнинг буйруғингиз билан бу кун «Исломия эмлоғи»да тинтув бўлган, шундан келтурган қоғозлар, ёзувларни сизга топширдилар...

Ўкунар. Менга топшурмадилар.

Учинчи ниқобли. Ёлгон чоғи эмас, шул қоғозларни бизга топшурингиз.

Ўқунар. Қоғозлар менда эмас, пўлис бошқармасига юбордим.

Учинчи ниқобли. Бермайсизми?!

Ўқунар (*ялиниб*). Бўлмаса, нимани берай?!

Биринчи ниқобли (*қўрқинчи товуш билан иккинчи ниқоблига*). Бажар ишни!

Иккинчи ниқобли ханжарни кўтариб, Ўқунарга солар.

Ўқунар (*ханжар учи ўмизига тегар-тегмас*). Тўхтангиз, топиб берайин.

Иккинчи ниқобли ўз қўлини сақлар.

Қоғозлар мана шу шкафдадир, очиб олингиз.

Биринчи ниқобли шкафдан қоғозларни олар.

Шкафнинг бир четида мана шу сандуқнинг очғучлари бор. Олингиз, шу сандуқни очиб, олтунларимни ҳам олингиз, мени ўлдирмангиз.

Учинчи ниқобли. Инқилобчилик, бошқа нарса, олтун ўғрулик бошқа нарсадир.

Биринчи ниқобли. Меним ишим битди. Сиз ҳам, бунинг ишини битирингиз!

Ўқунар (*ялиниб*). Менга тегмангиз. Нима десангиз, берайин.

Иккинчи ниқобли ханжар билан урар. Ўқунар «воҳ» деб йиқулур.

Жони чиқар. Учинчи ниқобли унинг бошини кесмак учун тиришар. Дилнавоз ҳуркуб қўпар. Шу паллада Родубиби бир патнусда бир шиша арақ билан румка олиб кирар. Кўзи буларга тушгач, «оҳ» деб қичқирар. Патнус қўлидан тушар. Биринчи ниқобли ханжар билан Родуға югурар. Дилнавоз ораға кирар, Родуни қучоқлар.

Дилнавоз. Йўқ, бунга тегмангиз, бу ҳиндлидир.

Биринчи ниқобли (*ўзининг туб товуши билан*). Ундай бўлса, юрингиз, уни ҳам олиб борайлик. (*Юзини очар.*)

Дилнавоз. Оҳ... Раҳимбахш. Сенмисен?! (*Раҳимбахшнинг қучоғига отилур. Бошини унинг кўкраги узра қўяр.*)

Раҳимбахш (*Биринчи ниқобли*). Кел малак... юрагимни тингла!

Родубиби (*эсини йўқотар*). Хи-хи-хи... хо-хо-хо... мана-мана, хи-хи-хи...

Бариси обдираб, унга қарайлар.

Лочин, лочин... Хо-хо-хо... Қоч, қоч, соҳиб, қоч... Мана, мана, мана қоч! (*Кўл, оғиз, кўзи билан имлаб турар.*)

Дилнавоз. Эсиз! Эсини йўқотди. (*Келиб Родуни тутади.*) Она... нима бўлди сенга? Мен билан кетасанми?

Роду. Лочин, лочин... қоч, соҳиб... Мана, мана, мана...

Дилнавоз. Меним тутқунликда онам эдинг сен. (*Манглайиндан ўпар.*)

Роду ҳеч биттасини сезмасдан, маъносиз сўзларини айта берар.

Раҳимбахш (*Дилнавоз қўлини олиб*). Жоним, малагим! Бундай ишлар қурбонсиз бўлмас, ҳайда, кетайлик.

Дилнавоз (*Раҳимбахшга эргашиб, Родудан бир одим узоқлашгач, яна турар. Родуға қараб сўйлар*). Моможоним!

Роду кўк сари қараб имлаб, жилмайиб турар.

Мен билан юрмадинг, менга ҳақларингни ҳалол эт! Оҳ... сен эсингни йўқотдинг, қамоқдан чиққандек бўлдинг. «Менлик», «сенлик», «ҳақ», «ҳалол» деган чанбарлардан қутулдинг. Сен чин эркин бўлдинг эмди. Бироқ мен... (*Яна Родунинг манглайини ўпгандан кейин Раҳимбахшнинг қўймаслиғи билан чиқар.*)

Родудан бошқалари-да чиқарлар. Парда Родунинг ратсиз<sup>30</sup> кулушлари орасинда тушар.

## ТҮРТИНЧИ ПАРДА

Кундуз. Гангар тоғинда бир мағора<sup>31</sup>. Тепасидаги тор тунгликдан ёруғлик оладир. Мағоранинг сўл пучмоғиндаги тор бир айланма билан ташқариға чиқадир. Мағоранинг бир ёғида кичкина бир мосо, бирда ўрундиқ кўйулган. Девор остинда ясама оқчалар билан қўзғатғу битик терилган. Қаршу ёқда сттита ўн биротар англиз милтиқлар-ҳаторланган, бир чеккада ўқ садоқлари тартибсизча турадир. Унларнинг нари ёқинда ичинда тўрт бўмба кўйулган бир ёғоч қути, қути узра уч-тўрт қоп қатланиб кўйулган. Раҳимбахш мосо бошинда ёзиб турадир. Дилнавоз смак пиширадир. Маҳмудхон билан уч ишчи битиклар ҳам ясама оқчаларни боғлаб, ратлаб туралар. Бадринат соҳиб тор йўл оғзинда узаниб ётган.

Биринчи ишчи. Дилнавоз хоним, ош қачон?

Дилнавоз. Соат неча?

Иккинчи ишчи (*билак соатига қараб*). Ўн икки.

Дилнавоз. Яна икки соат бор. Шошмангиз.

Биринчи ишчи. Оч қолдик-ку.

Иккинчи ишчи. Сенинг курсоғинг тегирмонмидир, бунча оч қоласан?!

Биринчи ишчи. Шамолми едим?!

Бадринат. Мен жуда ишдан чиқдим.

Иккинчи ишчи. Сиз-дами оч қолдингиз?!

Бадринат. Очлиқ ҳам гапми? Ўлдим! Эшик тагинда турубмен? Ел эсиб ўтадир. Кишининг курсоғи кўб ишлайдир.

Биринчи ишчи (*иккинчига*). Бу кишининг-да курсоғи тегирмонми?

Иккинчи ишчи. Албатта ҳамда ел тегирмони! (*Кулалар.*)

Дилнавоз. Бир соатдан бурун кимсага ош йўқ.

Бадринат. Дилнавоз хоним! Сиз қозон бошинда турибсиз...

Иккинчи ишчи. Қозон хони... қозон хони. (*Кулалар.*)

Бадринат. Истаганда олиб ейсиз. Оч ҳолини тўқ билмас.

Биринчи ишчи. Бу орада оч қолмаган киши Раҳимбахш соҳиб калласини тушуруб ёзгани-ёзган.

Иккинчи ишчи. Ёзув ёзмоқ, қорин тўйдурадир, биласанми?!

Дилнавоз. Шундайми? Кўб яхши қозон-тобоқни йиштирамиз, оч қолганга қоғоз-қалам берамиз, ёзув ёзсун.

Иккинчи ишчи. Мен ундан парҳез.

Дилнавоз. Нечун?!

Иккинчи ишчи. Дўқтур буйурган.

Раҳимбахш. Мен-да кўб тўқ эмасмен.

Биринчи ишчи. Жим турубсиз-ку!

Раҳимбахш. Нима қилай? Меним гапим билан емак бот пишарми? Сиз тор кўнгулли кишилар. Гапурмай тура олмайсиз. Гапура-гапура, ўзингизни-да, Дилнавозни-да ишдан қолдирасиз.

Дилнавоз. Кечирасен, ўртоқ, мен ишдан қолмадим.

Учинчи ишчи. Мен зулмга қаршу ишлаймен, бу йўлда очлиқдан ўлсам-да майли.

Биринчи ишчи. Яша, Гулдоҳон, афғонлигингни кўрсат.

Бадринат. Афғонлар — ботур кишилар. Англизларнинг бир қилиғи бор: англиз бўлмаган ҳар ким билан кўрушганда, буюк бир катталиқ билан гапуралар, кўб сўзига жавоб-да бермайлар. Бироқ бир афғонни кўргач, ялинурға мажбур бўлалар.

Раҳимбахш. Дилнавоз хонимни Ўкунардан қутқарганимиз кеча Ўкунар уйидан чиқиб, Маҳмудхонларни қут-

қарғали борганимизда Гулдоҳоннинг кўрсатган ботурлиқлари эсдан чиқғуси ишлардан эмасдир. Буюк қаҳрамонлиқ қилди.

**Бадринат.** Яшасун! Чиндан-да буюк иш кўрсатган экан.

**Биринчи ишчи.** Бу афғонлар ўзларини «Бани Исроил» болалари<sup>52</sup> дейлар, тўғрими?

**Учинчи ишчи.** Ҳа, биз бани Исроил.

**Иккинчи ишчи.** Йўқ, жоним, тўғри эмас. Жухуд боласи бўлганда, бир оз кўрқоқ бўлар эдилар?

**Учинчи ишчи.** Бу тўғрида ҳадис бор.

**Бадринат.** Буни Раҳимбахш соҳибдан сўрайлиқ.

**Учинчи ишчи.** Кўб яхши, айтсунлар.

**Раҳимбахш.** Бир кўб афғон тарихларинда афғонларни бани Исроил деб кўрсатилган. Бу тўғрида тонуқлар<sup>53</sup> ҳам кетурилган.

**Учинчи ишчи.** Ҳа... тонуқларимиз кўб.

**Биринчи ишчи.** Ниндай тонуқлари бор?

**Раҳимбахш.** Биринчи тонуқлари шул ҳадис, иккинчи тонуқлари «тайласан» деган лунгидек бир кийимлари. Айталарким, бани Исроилда ҳам шу тайласан бор эмиш. Учинчи тонуқлари соч қўйиш экан, тоғ орасиндаги афғонлар жухудларча соч кўяр эканлар. Менимча, бу тонуқлари бутунлай чурук.

**Учинчи ишчи.** Нега?!

**Раҳимбахш.** Негаким, бундай тарихий буюк сўровларга ҳадис билан жавоб бериб бўлмайди. «Тайласан» деган кийимлари эски юнонларда ҳам бор эди. Бунинг Юнондан Эрон орқали Афғонга ўтганлиги узоқ эмасдир. Соч қўйишлари эса Эронда ҳам бор.

Бундан бошқа тарих билими Фаластиндан Афғонистонга бир кўчиш ё кўчдуруш бўлганини кўрсатмайди. Менга қолса, бу тугунни ешмак учун, икки йўл бор. Бири — ер остини қазиб, очиқ излар, белгилар изламак. Иккинчиси — афғон тили билан жухуд тили орасинда бир яқинлиқ ахтармоқ. Менимча, афғон тили билан жухуд тили орасинда бир яқинлиқ йўқга ўхшайди. Бироқ бу тўғрида узил-кесил бир нарса айтмак меним ишим эмас, тиллар билимига уста кишиларнинг ишидир.

**Учинчи ишчи.** Майли, бу ишлар бўлганча, биз жухуд боласи бўлуб қолармиз.

**Иккинчи ишчи.** Майли, нима бўлсанг бўл, бироқ ишла, тириш.

Учинчи ишчи. Тиришмак истамаса эдик, шаҳардан, қишлоқдан узоқлашиб, тоғлар, мағоралар орасинда бундай ишлаб турар эдикми?

Бадринат. Яша, афғон!

Иккинчи ишчи. Яша, жуҳуд боласи.

Кулалар. Шу паллада тор йўлдан ҳуштак товуши эшитилар, ҳаммалари обдираб қарайлар.

Раҳимбахш (*ёзғични қўйиб*). Орқадощлар, қоровулимиз қора кўрди. Турунгиз... яроқланайлик.

Ҳаммалари туруб, ўн биротарларини олиб, ўқ уяларини кўруб, тайёрланурлар.

Бадринат. Ўз кишиларимиздан бўлса керак.

Раҳимбахш. Шундай бўлса керак.

Биринчи ишчи. Майли, биз тайёр. Таниш бўлса — салом, ёв бўлса — ўқ, кела берсун...

Раҳимбахш (*биринчи ишчига*). Орқадощ! Бўмбаларни чиқариб қўйингиз.

Биринчи ишчи ёғоч қутидан бўмба чиқариб мосо узра қўяр. Шу чоғда милтиқ, садоқ<sup>54</sup>, тўппонча, дурбин билан яроқланган қоровул кирар.

Раҳимбахш. Ким экан?

Қоровул. Ўзимиздан экан, соҳиб!

Бадринат. Ўрон<sup>55</sup> бердимми?

Қоровул. Берди. Чилон ёғочининг остига келгач, бир оз турди. Ўнг қўлини икки йўла кўтарди.

Раҳимбахш. Сизда чиқиб ўрон берингиз, келсун.

Қоровул чиқар.

Бадринат. Ҳайдангиз, ишларимизни кўра берайлик. Ҳали бизга яхши хабарлар келса керак.

Ҳаммаси бурунги ўз ишига ўтурур.

Биринчи ишчи. Яхшими, ёмонми, нима бўлса, хабар бўлсун. Юртдаги йўлдошларимизнинг ҳолларини билиб олайлиқ.

Раҳимбахш (*Биринчи ишчига*). Ўртоқ, бу бўмбаларни ерига қўйингиз.

Биринчи ишчи бўмбаларни қутига қўйиб, яна ўз еринда ўтурур.

Иккинчи ишчи. Дилнавоз хоним, ош пишдимми?

Дилнавоз. Бир оз турасиз.

Биринчи ишчи. Бу кунги эт қаттиғ экан, бот<sup>56</sup> пишмаса керак.

Иккинчи ишчи. Жоним! Ош бўлганда ҳам ҳалига-ча пишар эди.

Дилнавоз. Келган кишининг гапларини эшитмаганимча, меним томоғимдан нарса ўтмайдир.

Иккинчи ишчи. Мен ҳам шундай.

Қоровул кирар.

Раҳимбахш. Келдими?

Қоровул. Келди. Бир хотун экан.

Раҳимбахш. Келсун.

Қоровул қўли билан йўл кўрсатгач, бош-оёқ яланг, қора йиртиқ кўйлакли, чирмашиқ тўзонли сочли 45 яшар бир хотун қўлида эгри-бугри бир таёқ тутуб кирар, бош эгар.

Раҳимбахш. Қардан келасиз?!

Хотун. Ҳиндустондан.

Раҳимбахш. Қарга?

Хотун. Ҳиндустонга.

Раҳимбахш. Отингиз?!

Хотун. Бўмба. *(Кимсага билдирмайин, мағоранинг ҳар ёқиға қарар.)*

Раҳимбахш. Хуш келдингиз!

Дилнавоз ишончсизча қараб турар.

Бадринат. Хўш, гапирингиз, қани! Нима иш, нима хабар билан келдингиз?

Хотун. Зайид соҳибни кўргали келдим.

Бадринат *(Раҳимбахшни кўрсатиб)*. Мана Зайид соҳиб.

Хотун *(Раҳимбахшга бош эгиб)*. Мени Пешовардан наввоб Муҳаммад Ҳусайнхон соҳиб Баҳодур юбордилар.

Раҳимбахш. Кўб яхши. Хон Баҳодур соҳибнинг ҳоллари қалай?

Хотун. Яхши. Сизларга салом айтдилар.

Раҳимбахш. Эсон бўлғайлар, нима буюрдилар.

Хотун. Дедиларким, биз Пешоварда апрел бошларинда ҳукуматга қаршу чиқиш ясармиз. Шунинг учун тайёрлигимиз бор. Бўмбайда Анрибил Мистар Жаноҳ соҳиб, Лоҳўрда Миён Фозил Ҳасан соҳиб, Аллоҳободда Анрибил Сайид Ризо Али соҳиб, Аликадада Хўжа Абдул Мажид соҳиб, Лоҳўрда Мистар Мазҳар ул-Ҳақ соҳиб, Калкуттада Фазл ул-Ҳақ соҳиблар ҳам шул кунларда ялпи чиқиш учун кўмитадан буйруқлар олганлар.

Раҳимбахш. Бизга ҳам бу тўғрида хабар бор.

Хотуннинг кўзлари шодликдан яширунча ўйнар.

Хотун. Пешоварда тарқатилган кўзғатғу битикларнинг Зайд отли бир киши томонидан тарқатилганини ҳукумат тилчилари билганлар. Бир суратингизни ҳам қайдандир топганлар, сизни қўлга тушурмак учун бор кучлари билан тиришарлар.

Ҳаммалари эс қўярлар. Хотун ўз сўзларининг таъсирини онгламоқ учун бир оз тинар. Дилнавозда ишончсизлик.

Раҳимбахш (*совуққонли*). Хўш... сўнгра?!

Хотун. Хон Баҳодур соҳиб сиздан ўтиналарким, бир неча кун шаҳарларга сира яқинлашмайин юргайсиз. Бўлғудек эса, Боғистон томонга ўтиб-да қолгайсиз.

Дилнавознинг ўзини кучлаб сақлагани кўрунур.

Раҳимбахш. Бошқа?

Хотун. Босилган битиклардан менга бир оз бергайсиз.

Раҳимбахш (*Бадринатга*). Чиқингиз, «Ҳиндустон» деган янги битикчадан беш юзта берингиз.

Бадринат соҳиб саккиз бетлик кичкина битикчалардан беш боғлам олиб хотунга берар. Хотун қўлтуғидан бир қопчиқ чиқариб битикчаларни солар.

Раҳимбахш. Хон Баҳодур соҳибга салом айтингиз. Қўлларини ўпармен. Илгимдан келганча айтганларидек ишлармен.

Хотун (*қопчиқни кутариб*). Хўб. Яхши қолингиз.

Раҳимбахш. Яхши борингиз.

Хотун мағоранинг ҳар ёнига яна бир йўла яшурунгина қарағандан кейин чиқмоқ истар.

Дилнавоз (*бирдан қайнаб кетар*). Тўхтангиз... Тўхта!..

Хотун (*қайрилиб*). Ким? Менми?

Дилнавоз. Ҳа, сен! Сен тилчи хотунсен!

Ҳаммалари обдираб қолурлар.

Хотун (*ясама бир обдираш билан*). Ким? Менми? Мени тилчими дединг?! Бу қандай сўз?!

Дилнавоз. Сени дедим. Тилчисен!

Раҳимбахш (*ериндан туруб Дилнавозга яқинлашур*). Сенга нима бўлди, Дилнавоз?!

Дилнавоз (*ишчиларга*). Тутингиз буни! Бу тилчидир дейман, тутингиз буни!

Биринчи, учинчи ишчилар хотунни тутарлар.

Раҳимбахш. Нега тутдурасан бунни?!

Дилнавоз. Бу тилчидир, ҳукумат тилчисидир.

Раҳимбахш. Қаердан билдингиз?!

Дилнавоз. Оҳ... меним юрагим шундай кўрсатадир.  
Тилчидир бу!

Раҳимбахш. Юрак кўрсатиши билан бир кишини тутуб бўлмайдир. *(Ишчиларга.)* Қўя берингиз!

Ишчилар қўймоқчи бўлгач.

Бадринат *(ишчиларга)*. Тўхтангиз. *(Ишчилар яна тугтарлар. Бадринат Раҳимбахшга.)* Кўрсатишларнинг энг тўғриси юрак кўрсатишидир...

Раҳимбахш *(сўзни кесиб)*. Қайси бир қонун юрак кўрсатиш билан бир кишини тутдурадир?

Бадринат. Қонунларга қарамангиз. Улар бўш нарсалардир.

Раҳимбахш. Нима қилмоқчисиз?!

Бадринат. Мен айтаманким, Дилнавоз хоним бу кишига ишонмай экан, биз қисқагина бир сўров қилайлик. Бу хотун сўрашларимизга тўғри жавоб бера олса, кета берсун.

Хотун. Сиз кўб қизиқ кишилар экансиз. Англиздек катта бир давлатга қаршу ишлайсиз. Ҳиндустонни қутқармоқчи бўласиз. Ўз кишиларингиздан бири мени сизга юборган экан, менга ишонмайсиз. Сиз бу онг билан, бу мия билан қандай ишлай олурсиз?! Мендан нима сўрайсиз?! Ўронингизни бердим. Хон Баҳодурнинг сўзларини айтдим. Қайсиси тўғри чиқмади?! *(Раҳимбахшга.)* Сиз айтингизчи, ўронингизни янглиш сўйладимми?

Раҳимбахш. Йўқ.

Хотун. Хон Баҳодурдан айтган сўзларим ёлғон чиқдими?!

Раҳимбахш. Йўқ.

Хотун. Яна мендан нима сўрайсиз?!

Бадринат. Бу мағорани сизга ким дарак берди?!

Хотун. Мени сизга ким юборган эса, шул дарак берди.

Бадринат. Ўзингиз қаердан?

Хотун. Пешовардан.

Бадринат. Қайси маҳалладан?

Раҳимбахш. Қўйингиз, Бадринат соҳиб! Бу ишимиз уятдир. Хон Баҳодур соҳиб эшитса, яхши бўлмас. Хон Баҳодур соҳиб бунга ишониб бизга юборибдир. Ўронни ўрга-тибдир. Яшурун сўзларни айтибдир. Ҳаммасини ўз қулоғи-

миз билан эшитдик. (*Хотуннинг кўзларида шодлик.*) Сиз янадан «Қайси маҳалладансен?», деб турасиз, бу иш кулунчидир. (*Ишчиларга.*) Кўяберингиз!

Ишчилар хотунни кўябералар.

Хотун. Мен кетайми?

Раҳимбахш. Кетингиз. Хон Баҳодур соҳибга салом айтингиз.

Хотун чиқар.

Дилнавоз. Кетди. Кутулди. Яқинда бошимизга бир бало кетурур.

Раҳимбахш. Дилнавоз, ўтинамен шу кўрқоқлиқни ташла.

Бадринат. Ҳайдангиз, ошни сузингиз, оч қолдиқ. Бўлгани бўлди.

Биринчи ишчи. Жуда ўлдиқ, ошни сузингиз.

Дилнавоз. Хўб. (*Қозондаги қовурмани икки тобоқ, бир чаноқга суза бошлар.*)

Иккинчи ишчи (*суфрани ёзиб, нон қўйиб*). Қани келингиз!

Ҳаммалари суфра теграсида ўтурурлар.

Дилнавоз (*учинчи ишчига*). Гулдоҳон, бу бир чаноқ ошни қоровулга бериб келингиз.

Учинчи ишчи. Хўб. (*Чаноқни қозон бошидан олиб қоровулга чиқарур.*)

Дилнавоз ош тобоқларини суфра узра келтуруб кўяр. Ўзи ҳам ўтурур, учинчи ишчи ҳам келиб ўтурур, ея бошларлар.

Биринчи ишчи. Дилнавоз хоним, хотунни кўб кўрқитдингиз-да.

Иккинчи ишчи. Жонини чиқардилар.

Дилнавоз. Мен шунга ишонмадим. Шуни кўргач, кўнглим қораланди.

Раҳимбахш. Жоним! «Мен ишонмадим» деб, бир кишини тутмоқ тўғрими?

Дилнавоз. Меним ўғурсиз бир кўнглим бор. Бўлғуси ёмонлиқларни бурунроқ кўради. Буни ўзинг-да биласен.

Раҳимбахш. Бир нарса бўлмас. Тинчлан!

Дилнавоз. Кўрарсен.

Учинчи ишчи. Бир нарса бўлганда, нима бўлур? Биз нимадан, нега кўрқамиз? Бу ишга киришган кун жонимиздан кечмаган эдикми?

Дилнавоз. Тузук Жонимиздан кечган эдик. Бироқ қўлоқларимизни боғлаб, унларга берамиз демаган эдик.

Бадринат. Дилнавоз хошим! Кўб қайғурмангиз. Ҳукумат бизнинг изимизни топиб ҳалиги хотунни юборган бўлса, у хотунни тутуб тилим-тилим қилмоқ ҳам унумсиздир. Изимиз топилгандан кейин унларнинг тилчи хотунлари бир эмас, ўн эмас, мингларча бор. Тутуб ўлдирмак билан битмас.

Ташқаридан қоровулнинг ҳуштак товуши келар.

Дилнавоз. Мана... айтганим чиқди!..

Ҳаммаси обдираб қарар.

Раҳимбахш. Шошма жоним, қоровул келсун.

Бадринат. Менга қолса, Дилнавозники тузук. Иш ёмонлашди. Турингиз, буларни йиғиштируб, бўмбаларни тайёрлангиз.

Ҳаммалари туриб, суфра, тобоқларни йиғиштируб, қутидан бомбаларни чиқариб, мосога қўярлар. Қоровул югуруб кирар.

Раҳимбахш. Нима гап?

Қоровул. Бизни босалар...

Бадринат. Орқадощлар, телба бўлмангиз, милтиқларимизни олиб садоқларимизни тоқайлиқ. Ташқари чиқиб, тор йўлнинг бошини тутайлиқ.

Ҳаммалари садоқларин, милтиқларин олурлар.

Раҳимбахш. Бўмбаларни-да биртадан олайлик. *(Маҳмудхон билан уч ишчи тўрт бўмбаларни олурлар.)* Ҳайдангиз, ташқариға! *(Ўзи илгари тушар, бошқалар унинг кетидан чиқарлар. Ташқаридан Раҳимбахшининг товуши келар.)* Яқинлашалар. Югурингиз. Ҳар ким ўз булжоринда<sup>57</sup> турсун.

Бир оз тинишдан сўнг милтиқ товушлари эшитилур. Милтиқ товушлари орасинда икки бўмба-да портлар. Сўнгра жимжит бўлур. Икки дақиқадан кейин юзбоши Порлинсун, олти пўлис ҳамда ҳалиги тилчи хотун, Дилнавоз билан Бадринат соҳибни тутқун қилиб мағораға кирарлар. Тутқунларнинг қўллари боғланган.

Бадринат соҳиб оёғиндан яралангани учун оқсар.

Порлинсун. Келингиз, ёғийлар! Бу ерда нима ишлай эдингиз?! *(Бир дафтарча очиб ёза бошлар.)*

Бадринат. Сўрамоқ ортуқ бир иш. Шу ердаги нарсаларнинг ўзи кўрсатадир.

Порлинсун. Йўлдошларингиз қани?

Бадринат. Ўлмаган бўлсалар, қочғандирлар.

Порлинсун. Неча киши эдилар?

Бадринат. Биздан бошқа икки киши.

Порлинсун. Шунча отишган шул тўрт кишими эди?!

Бадринат. Шул тўрт киши шунча отишган эди!

Порлинсун. *(Дилнавозга қарағандан кейин, уйлар.)*

Ўқунарнинг уйинда кўрганимдан яхшиланмиш. *(Сўйлар.)*

Сенинг отинг нима?

Дилнавоз. Дилнавоз.

Порлинсун. Сен-да шунларданми?

Дилнавоз. Ҳа.

Порлинсун. Сизнинг бошлигингиз ким эди?

Бадринат. Мен эдим.

Порлинсун. Сенинг отинг нима эди?

Бадринат. Бадринат.

Порлинсун. *(Пўлисларга девор тагиндаги қоғозлар билан қобларни кўрсатиб.)* Бу қоғозларни қобларга солингиз. *(Пўлислар қоғозларни бир қобга солурлар. Қобнинг оғзини боғларлар. Порлинсун қоб оғзини сургич қилгандан кейин.)* Қоб билан бу машинани олиб чиқарингиз. *(Пўлислар унларни кўтариб чиқарурлар.)* Бу иккисини ҳам чиқарингиз.

Пўлислар Бадринат билан Дилнавозни чиқарурлар. Ҳаммадан кейин Порлинсун чиқар.

Парда тушар.

## БЕШИНЧИ ПАРДА

Гангар тоғининг кичкина тепалариндан бири. Ўнгдан тепага чиқар тор бир йўл. Сўлда кўқарган икки-уч тоғ оғочлари. Тепанинг нари ёғинда узокдаги ўрмоннинг устигина кўрунадир. Куёш янгигина ботган. Ҳаво қоронғулана ёзган. Саҳна жимжит. Бир оздан кейин тепанинг сўл ёқидан (йўлсиз томондан) Раҳимбахш тирмашиб чиқар.

Раҳимбахш *(у ён-бу ёнга қарағандан кейин чарчаганин кўрсатиб.)* Уф... мана шу ер яхши экан. Шунда бир оз турайлиқ. *(Тубанга қараб, ўртоқларини қўли билан чақирғандан кейин ўтуруб, тушунчага толар.)* Оҳ... Дилнавоз... бахтсиз бир юртнинг бахтсиз қизи бўлганинг етмас экандек, бахтсиз бир йигитнинг бахтсиз бир севгилиси ҳам бўлдинг. Учмоҳдек боғчалардан ажраб, томуғдек мағораларда яшадинг. Малак эдинг, шайтонларга тутулдинг. *(Узоқларни тинглагандек бўлуб.)* Оҳ... «Мени кутқар!» деган товушинг кулоғимдан кетмайдир. Кутқарурмен. Сени бир неча йўла Ўқунардан қандай кутқарган эсам, яна шундай кутқарурмен... *(Биринчи, иккинчи, учинчи ишчилар билан Маҳмудхон тир-*

машиб чиқарлар.) Келинг, ўртоқлар! Шунда бир оз турайлиқ.

Ҳаммаси ўтурурлар.

Маҳмудхон. Нима қиламиз энди?

Раҳимбахш. Шунда пойлаб турамиз. Унлар ана у катта йўлдан ўтарлар...

Учинчи ишчи. Шундами тутармиз?

Раҳимбахш. Йўқ. Унлар узоқдан кўрингач, илдам югуруб, ана у ўрмонлиқга борармиз. Шунда борганларинда босармиз.

Маҳмудхон. Бир иш қилайликким, шул хотун тузоқга тушгай. У қутулса, иш чатоқ.

Учинчи ишчи. Албатта... У шайтон хотун кимлар билан ишлаганимизни билиб кетди. Қочиб қутулса, бутун йўлдошларимизни тутдурғусидир.

Раҳимбахш. У ўрмонлиқ кенггина ердир. Унда борганда ҳаммасини тузоқга тушурурмиз.

Учинчи ишчи. Бадринат соҳиб билан Дилнавоз хонимни ҳам қутқарурмиз.

Маҳмудхон. Улар нечук тутулдилар?

Раҳимбахш *(биринчи, иккинчи ишчиларни кўрсатиб.)* Бунлар тоқга чиқгандан кейин мен тор йўлнинг ўнг ёғиндаги бир қоянинг панасинда ерлашдим. Бадринат соҳиб мендан устарақ турган эди. Дилнавоз-ку сизлар билан шул ёққа кетган эди.

Маҳмудхон. Ҳа.

Раҳимбахш. Сиз ўз булжарларингизда ерлашдингиз. Дилнавоз ҳам бир оғочнинг панасинда қолди. Менга кўрунуб турган эди. Ёв бизнинг ёқни кўргач, сўлга бурулди. Учтаси йиқилгандан кейин қолгани оғочга яқинлашди. Мен Дилнавознинг қийноқда қолганин онглағач, югуриб бормоқчи бўлдим. Бирдан кучли бир қўл елкамдин тутди. Қарасам, Бадринат соҳиб. «Сиз нега келдингиз?», дедим. «Сизнинг тушунчангизни онглаб келдим» деди. «Нима истайсиз?» дедим. Айтдиким: «Ишимиз ёмон. Қочмоқ керак». Мен бу сўздан қизидим. «Дилнавозни қўйиб қочмам» дедим. Бадринат соҳиб дедиким: «Сиз Дилнавозни ҳам қўймангиз, кўмитанинг мағорадаги шунча нарсаларини ҳам унутмангиз. Бироқ шу паллада қочмоқдан ўзга йўл йўқ. Мен бошқа орқадосларга қочмоқ ишорати бердим. Сиз-да шулар билан қочингиз, мен Дилнавознинг кўмагига борамен. Уни қутқара олсам, эришамен. Қутқара олмасам, ўзим ҳам унинг ёнинда қолғали

тутуламен. Сиз йўлдаги ўрмонликқа бориб турингиз. Бунлар шундан ўтарлар. Йўлларини тўсуб, ўзларини йўқ этиб, бизни қутқарурсиз». Мана мен Бадринат соҳибнинг айтган шу сўзлари учун сизни бу ерга кетурдим.

Маҳмудхон. Сўнгра нима бўлди?!

Раҳимбахш. Оҳ, дўстим! Нарисини сўрама! Кўр бўлгай эдим-да, кўзим кўрмагай эди! Бадринат Дилнавозга эришгач, пўлислар-да етишдилар. Дилнавоз билан Бадринат соҳибни тутдилар. *(Бутунлай ўзгариб.)* Уф... мен буюк виждонсизлик этдим. Дилнавозимни қутқармасдан қочдим. Оҳ, бахтсизлик!

Учинчи ишчи. Жоним, нима бўлди сенга! Тетик тур! Дилнавознинг бу иккинчи тутулишидир. Биринчи йўла қутқарганимиздек, бу йўла ҳам қутқарурмиз.

Иккинчи ишчи. Энди шунда турамизми?

Раҳимбахш. Йўқ. Унларни пойлаб турубмиз. Қораларини кўргач, ўзимизни ўрмонликқа олурмиз.

Маҳмудхон *(узоқдан бир нарсани кўргандек бўлуб)*. Ана, келдилар. Турингиз!

Раҳимбахш. *(Маҳмудхон қараган сари қараб.)* Ҳа-ҳа, келдилар. Орқадощлар, еримиздан кўпмайғина тепадан туша берайлик. Кўпсоқ, кўрурлар.

Учинчи ишчи. Мен кетдим.

Ўзини тепадан тубанга қўя берад, бошқалар ҳам учинчи ишчидан кейин туша берадлар. Раҳимбахшон тепада узаниб келганларни пойлар. Бир оздан кейин ошоғига<sup>58</sup> қараб, йўлошларига сўйлар.

Раҳимбахш. Катта йўлдан чиқдилар. Шу тепага келлатурган тор йўлга кирдилар. Шу тепага секин-секин келалар. Ўзимизни ўрмонликқа олайлик. *(Бир оз туриб ўзини тепадан ташлар, йўқолур.)*

Саҳна бир-икки дақиқа жимжит қолар. Сўнгра тепага чиқатурган тор йўл томониндан юзбоши Порлинсуннинг товуши эшитилар.

Порлинсун. Мана шу тепа яхши экан. Сен бориб йўлдошларинга айт. *(Порлинсун билан бир пўлис соҳиб саҳнага кирарлар.)* Бир кишини отларга қоровул қўйсунлар. Бошқалари нарсалар ҳам тутқунларни олиб шунга келсунлар. Сен меним ўрундуғимни кетур. *(Пўлис салом олиб чиқар. Порлинсун юруб сўйлар.)* Ўшаларнинг тўрттаси ўн икки кишимизни ўлдурубдур. Ўзларидан бир киши ҳам ўлмаган! Бироқ иккитаси қўлга тушди. Улар «биздан киши ўлмади» деб шодланалар. Аҳмоқлар, буни онгламайларким, биздан ўлдирганлари ўн икки киши ҳам ўзлариндан эди! Улар-да

хиндустонли эдилар. Ўз қиличлари билан ўзларини кесмак — мана энг буюк ҳунар!.. (Қулуб.) Бу қизни демайсизми! Бунинг тугилгани!.. Мен бу қизни мингбоши Ўқунарникида кўрган эдим. Шунини қўлга тушургани бир озда тиришган эдим. Бу кун бу менинг қўлимга тушубдир.

Пўлис бир «йўлчи ўрундуғи» (қатлама устул) олиб келар, юзбоши кўрсатган ерга қўяр. Юзбоши ўрундуқга ўтурур. Беш пўлис билан тилчи хотун нарсалар билан тутқунларни келтуралар. Юзбошига салом берарлар.

**Бадринат** (*тепанинг ҳар ёқиға қарағандан кейин ўйлар*). Бу нима? Бу кеча ўрмонлиқдан ўтмай, шундами ётамиз?!

**Порлинсун**. Ҳайдангиз, бир чеккада ўтурингиз. Қоронғу кечада ўрмонлиқдан ўтмоқ яхши эмас. Ҳусайн қоровуллик этсун.

Пўлислар юзбошининг буйруғини олғач, тутқунларни бир чеккада ўткузулар, милтиқларини тепанинг ўртасинда «чотма» қилиб, ўзлари тутқунларга яқинроқ ўтурулар, бир-бирлари билан гаплашалар. Ҳусайн деган пўлис қоровуллик қилар.

**Порлинсун** (*Бадринатга*). Шу тоғлиқда биз босган мағорада ҳам ўчоқларингиз борми?

**Бадринат**. Юзбоши! Сиз бизни тутишга буюрган эдингиз. Ишингиз бизни қўлга тушурмак эди, тушурдингиз. Яна бир ишингиз қолдиким, бизни Пешоварга элтиб, сўровчиларга топшурмоқдир. Биздан гап сўрамоқ ишингиз эмасдур.

Юзбоши жим бўлур. Пўлислар эснай бошларлар.

**Бадринат** (*ўйлар*). Тангри Раҳимбахшга эс берсинким, ўрмондан берирақ келиб бизни излагай. Эртагача бизни шул ўрмонлиқда кутиб турса, ишимиз битди!

**Порлинсун** (*тилчи хотунга*). Бу қизнинг қўлларини ечиб қўй. Оврупа адолати хотунларни бу ҳолда кўрмак истамас.

**Дилнавоз** (*Бадринатга эшиттирибгина*). Яна шайтонлиқ бошланди.

**Тилчи хотун**. Хўп. (*Еридан туруб, Дилнавознинг орқасига ўтар, қўлини еча бошлар, Бадринатга сўйлар.*) Ёввойилар, ўзингиз-ку майли, кўзларингиз чиқсун. Гул каби бир қизни нима деб мағораларда қийнаб тутасиз? (*Бадринат эшитмасликка урунар. Хотун Дилнавознинг қўлларини ешгач, ўз ерига бориб ўтурур. Дилнавоз қўлларини ешилганиндин шодлангудек бўлмаганини кўрсатиб турар. Хотун*

юзбошига сўйлар.) Юзбошим, бу гўзал қиз жуда онгли бир қиз-да.

Порлинсун (*тушунча орасинда*). Шундайми?!

Тилчи хотун. Жуда эсли. Мен буларнинг мағорасига борганда, шу кишидан бошқалари мени танимадилар, менга ишондилар. Бу киши эса мени тутдириб ўлдурмоқчи бўлди. (*Кулиб юборур.*) Бояқиш Зайд менга ишонганин сўйлаб, жонимни қутқарди. (*Пўлислар эснай бошладилар.*) Бу кишини яширин пўлис бошқармасига қўйсангиз, давлатга кўп хизмат қилғусидирлар.

Юзбошининг толиб кетганин кўргач, бу ҳам узаниб ётар. Пўлислар кўзларини уйқудан очолмай туралар.

Бадринат (*ўйлар*). Тангрим, Раҳимбахшга эс бер!

Саҳна жим-жит қолар. Қоровул тепанинг тор йўл томон ёқасинда кезиб турар. Бир оздан кейин Раҳимбахш боя кетган ериндан бошини секингина чиқариб, бот йўқолур. Бир оз ўтгач, Раҳимбахш тўппончаси портлар. Ўқ қоровулга теккач, тепадан юмаланиб тушар. Раҳимбахш билан йўлдошлари илдам чиқиб чатмага<sup>39</sup> келурлар, ўтурган қоровулларга милтиқ тўғрилаб турарлар. Бу ишлар жуда тезлик билан бўлиб ўтар.

Раҳимбахш (*туриб, яроқланурга вақт топа олмай, обдираб қолган қоровулларга*). Ким қимирласа, ўлур! (*Юзбоши Порлинсунинг қўлиб тўппонча чиқара ёзганини кўрган Маҳмудхон, қўлиндаги тўппончани бўшатур. Ўқ юзбошининг кўкрагиндин тегар. Йиқилиб, талпина-талпина жон берар. Раҳимбахш Маҳмудхонга сўйлар.*) Сиз буларнинг қўлларини ешингиз. (*Маҳмудхон Бадринатнинг қўлини еча бошлар. Бадринат қўли ечилғач, ериндан қўпар. Дилнавоз ҳам қўпар. Раҳимбахш қоровулларга сўйлар.*) Орқадoshлар! Сиз бизнинг юртош, қурдошларимиз эрусиз. Бизнинг юракларимиз сиз учун урадир. Биз мана шундай қоп-қоронғу кечада кўрганингиз мағоралар, тоғлар, тепаликларда қийналиб юрамиз. Сизни қутқармоқ, сизни яшатмоқдан бошқа бир тилагимиз йўқ. Сиз келиб, бизни босдингиз! Биз билан отишдингиз. Икковимизни тутдингиз. Бироқ биз биламиз-ким, бу ишларнинг ёзуғи сизда эмас. Юзбошингиздадир. (*Қоровулларнинг юзлари кулар.*) Шунинг учун шу соатдан сиз эркилдирсиз. Қачон истасангиз, Пешоварга қайта олурсиз. Отларингиз ўзингизники. Бироқ милтиқларингиз, тўппончаларингиз бизда қолсун.

Бадринат. Шошмангиз, Раҳимбахшхон... Шу тилчи хотун янами кутулиб кетсун?

Раҳимбахш (*биринчи ишчига*). Юборингиз буни у дунёга!

Тилчи хотун (*ирғиб туриб ялинар*). Зайд соҳиб, мени бағишлангиз, менга ҳам шу буюрган эди. (*Юзбошининг гавдасини кўрсатур. Биринчи ишчининг тўппончасидан чиққан бир ўқ билан «воҳ» деб йиқулур, жон берар.*)

Раҳимбахш (*пўлисларга*). Дўстларим, нима қиласиз? Шу паллада шаҳарга қайтасизми? Эртагача шунда турасизми?

Бир пўлис. Хон соҳиб! Сиз ҳиндли, биз ҳиндли. Бу юзбоши бизни ўғри тутарга деб келтирган эди, биз кўриб, онглаб турубмизким, сизлар ўғри эмас экансиз. Сизларнинг тилакларингиз бошқача экан. Биз ётганларнинг хизматиндан безиб қолган. Бундан кейин сизга хизмат қиламиз. Сиз билан биргалашиб ёвни юртдан чиқарғали тиришамиз.

Ишчиларда шодлик.

Раҳимбахш. Кўб яхши. Юртимиз сиздек жонли, қонли йигитлардан иш кутади. Сиз зулмага қаршу курашмоқчи бўлсангиз, биз қуллуқлар билан қабул қиламиз. Шундай бўлғач, келингиз, кучоқлашиб кўришайлик-да ўртоқлашайлик.

Ҳаммалари кучоқлашиб кўришурлар.

Бадринат (*бир пўлисга*). Дўстим, сиз бориб отлар ёниндаги қоровулингизга ишни онглатингиз.

Пўлис. Хўб. (*Кетмак истар.*)

Раҳимбахш. Орқадошим, ўз милтигингизни олиб борингиз. (*Пўлис чатмадан ўз милтигини олиб борар. Раҳимбахш қолган пўлисларга сўйлар.*) Эмди ҳаммамиз бирлашдик. Ўз милтиқларингизни олингиз. (*Пўлислар шодланиб, милтиқларини олурлар.*)

Бадринат. Энди ҳаммамиз бирга, ҳаммамиз ҳам Ҳиндустон учун тиришамиз. Йиртқишлардан элимизни қутқарамиз. Яшасун Ҳиндустон, яшасун истиқлол!

Ҳаммалари. Юртимизни қутқарамиз. Яшасун истиқлол!

Югуриб тепадан тушарлар

Парда тушар

Битди

## АРСЛОН

### Бурунги Бухоро хонлигида яшаган деҳонлар ҳаётидан олинган беш пардалиқ драма

Жумҳуриятимиз томонидан муваффақият ҳам адолат билан ижро  
этилмоқда бўлган ер ислоҳотиға бағишлайман.

#### БУТУН ҲИЙИНГА АРАЛАШҒАНЛАР:

Тўлғун — 18 яшар бир қишлоқ қизи.

Арслон — 25 яшар бир деҳқон йигит.

Мулла Ашур имом — қишлоқ имоми, 45 ёшда.

Сўфи — қишлоқ сўфиси.

Мансурбой — судхўр бойлардан бири, 50 ёшда.

Қудрат — бойнинг ўғли, 20 ёшда.

Дарға — хонлиқ замонида амлоқдор одамлардан.

Тўрақул, Турсун — қирқ яшар қишлоқчилар.

Кўр Ҳасан — бир кўзи кўр, қирқ яшар деҳқон.

Турсунбиби — Арслоннинг онаси, кампир.

Ботур — 25 яшар қишлоқ йигити, Арслоннинг ўртоғи.

Бек — вилоят ҳокими.

Яраш, Боймурод — икки чол деҳқон.

Ясовулбоши — бекнинг энг катта одами.

Ойнуқса кампир — Тўлғуннинг онаси.

Норхола — Ботурнинг онаси, кампир.

Аҳмад оқсоқол — Мансурбой қишлоғининг оқсоқоли, 50 ёшда

Хайри мирзабоши, Тўра қоровулбеги, Жума қоро-  
вулбеги — бекнинг одамлари.

Зайнаб ойим, Шарофатхон — Мансурбойнинг хотинлари.

Жўра — Мансурбойнинг хизматчиси.

Лўли, қишлоқдилар, маҳрамлар, оқсоқоллар,  
зиндончи.

#### БИРИНЧИ ПАРДА<sup>1</sup>

#### БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Саҳна, тонг азони айтилган, тонг ҳануз отмаган чоғда бир қишлоқ  
мачитининг олдини кўрсатадир. Мачитнинг олди кенг майдонлиқ,  
четда кимдир бир авлиё туғининг ялови<sup>2</sup> ялпаниб турадир. Майдон -  
лиқ билан мачитнинг сўл томонида узайган қалин оғочлиқ, оғочлиқ-  
нинг орқасида ўртача бир ариқ тўла сув оқиб турадир. Мачит эшиги  
очик, ичкарида ёниб турган бир-икки шамнинг ўлик ёруғи майдон-  
лиққача ёйила олган. Бир оздан кейин оғочлар орасида Арслон шод,  
қувончли бир ҳолда келиб, бир оғоч ёнида туриб сўйлайдир.

## 1-мажлис: Арслон

Арслон. Кеча ўтди, азон ўқилди, бир оздан кейин тонг отадир. Ондан кейин қуёш чиқади. Бироқ ундан бурун меним қуёшим келади. Қуёш (*қўли билан кўрсатиб*) мана бу ёқдан чиқади. Меним қуёшим бу томондан келади. (*Ўзоқдаги тонг юлдузини кўрсатиб.*) Мана шу яшнаб турган юлдуз каби жилмайиб келади.

Меним Тўлғуним. У ҳар кун тонг отмасдан бурун сув олғали чиқади. Шу ердан ўтади. Мен уни шунда кутаман. Мана шундай (*кўрсатиб*), юлдуз мени ҳар кун тонг отмасдан бурун шунда кўради. Балким уни кутганимни-да биллади. Балким бу ҳам...уни кутади. (*Ўзгариб*) йўқ... йўқ... йўқ. Уни меъдан бошқа ҳеч ким кута олмайди. У меники. (*Пасайиб*) Йў...қ. Мен уники!..

(*Кўкрагини босиб.*) Оҳ, Тўлғун! Тунокун сени кўра олмадим, сенга айтмадим. Мен пул топдим. Эртага пулим бўлади. Ундан кейин тўйимизни қиламиз. Сени уйимга келтираман. Онам қизсизликдан, онанг ўн илсизликдан қутулади. Икки уй бирлашгач, кучимиз ортади, яшашимиз енгиллашади. Мана шу кўкатлар каби ўсамиз, шу япроқлар каби кўкараемиз. (*Тонг ота бошлайди. Мансурбой, Қудратбой ҳам бошқалар битталаб, иккита. аб келиб, мачитга кира бошлайлар. Арслон буларнинг келганини кўргач, сўзини кесмасдан, ўзини панага чегиб гапираверади.*) Умримиз шу ариқнинг сувига ўхшаб соф, тиниқ, тоза, кирсиз бўлиб оқади. Икки уй бирлашгач куч кўпаяди, чиқим озяди. Тер тўкамиз, ишлаймиз-да, яшаймиз. Мансурбойлар каби одамларни алдаб сўймаймиз. Имом оқсоқолларга ўхшаб сўйғучиларнинг оёқларини ўпмаймиз, бошқага юк бўлиб тушмаймиз. Тер тўкамиз, ишлаймиз-да яшаймиз. Кимсага ҳасад қилмаймиз, кимсанинг кундоши бўлмаймиз, кимсага ёмонлик-да қилмаймиз, ўз кучимизни ўз ишимизга берамиз, кимсага топинмаймиз, кимсадан тиланмаймиз. Кимсага ялинмаймиз, тер тўкамиз, ишлаймиз-да, яшаймиз. Тўлғун кўзани кўтариб келади. Арслонни кўргач, уялибгина қувонади.

## 2-мажлис: Арслон, Тўлғун

Тўлғун. Нешлаб<sup>3</sup> турасан?

Арслон. Сени кутаман. Мен у юлдузга қараб турирман. Қара (*иккиси ёношади: Арслон Тўлғуннинг қўлини ту-*

*тадир*), қара, қандай чиройлик, қандай гўзал турадир. Сен каби куладир. Сен каби яшнайдир.

Тўлғун. Қайғуси йўқ!

Арслон (*силашли бир севиш билан*). Бизнинг ҳам қайғу-миз битар. Биз ҳам шунга ўхшаш кувониб келармиз.

Тўлғун (*сўлуш чекиб*). Оҳ!..

Арслон. Сенга айтмадим ҳали. Мен ақча топдим. Арпа сотдим, юз қирқ танга ақчам бор.

Тўлғун. Тоғам мени сенга берарга кўнмай турадир.

Арслон. Нега?!

Тўлғун. Билмайман.

Арслон. Шунча яхшиликларимни унутдими у? Кимга берар экан?

Тўлғун...

Арслон. Гапур, уялма. Яширма, сўйла. Эшитганинг, кўрганинг, сезганинг нима бўлса, ҳаммасини айт. Қора кун келмасдан бурун онглаб, чорасини кўрайлик. Айт, Тўлғуним, кимга берар экан сени?

Тўлғун (*уялиб*). Бойга.

Арслон. Қайси бойга?!

Тўлғун. Мансурбойга.

Арслон. Ўғлигами?

Тўлғун. Ўзига.

Арслон. Тоғанг жинландими, нима бўлди унга? Мансурбой 55 га кирган. Учта хотини бор. Билмайдирми, у!..

Тўлғун. Пули бўлса бўлгани, дейдир.

Арслон. Демак, у ҳам пулга топинадир. Тоғанг бойдан олган пулни тўлай олмагани учун тунокун уйини баҳолаб олмоқчи эдилар. Мен қўймадим. Боёқиш кўчада қолмасин, дедим, бой билан шу тўғрида қанча уришдим. Шу яхшилигимни унутганми?

Тўлғун. Уйини сақлаб қолдирганинг учун бу кун мени баҳолаб берадирлар?

Арслон. Сен буни қандай билдинг, совчими юбордилар?

Тўлғун. Йўқ, ҳали ундай ишлар бўлгани йўқ. Бойнинг ўзи тоғамга гап орасида айтиб ўтган экан. Тоғам шуни бизга сўйлади.

Арслон. Сен нима дединг?

Тўлғун. Мен нима дейман. Йиғладим, унга бормайман дедим, кучлаб берсангиз, қочарман, тутиб қолсангиз, ўзимни ўлдирарман, дедим.

Арслон. Шу сўзингда турасанми?

Тўлғун. *(аччиғ билан.)* Нима деганинг бу? Мени билмайсанми? Юрагимни очибми кўрсатай! Юз йўла, минг йўла айтдим, сендан айрилмайман.

Арслон. *(қайнаб.)* Оҳ, Тўлғуним. Жоним, мен-да шундайман.

Тўлғун. Мен сендан айрилсам, ўламан.

Арслон. Мен ўлсам-да сендан айрилмайман.

Тўлғун *(бошини Арслоннинг ўмузига қўйиб)*. Бизни ҳеч ким ажрата олмайди.

Арслон. Тоғангдан минг, бойдан миллионтаси орамизга кирса, ҳаммасини итариб, судраб, йиқитиб, топтаб, тегиб юраман-да, сенга эришаман. *(Масалага қайтиб.)* Онанг нима дейди?

Тўлғун. Онам ҳам мени ёқлаб сўйлади. Мансурбой қишлоғида бор нарсаларни олиб битирди. Эмди менинг биргина қизимга қўл узатмай қўя қолсин, деди.

Арслон. Буларнинг ўйлагани нима экан, билмадим. Бозорма-бозор, шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ таладилар. Ҳукуматни эмдилар, элни эздилар, минг таноблаб ер, ўнлаб уй, юзлаб от-арава йиғдилар. Ҳали ҳам кўзлари тўймайдир. Ҳали ҳам таламоқчи, эзмоқчи бўлиб турарлар. Бу ишлари оз экан-да, ҳеч кимга ёмонлиқ истамаган бизларга қараб ҳам тишларини ғижирлата бошладилар. У мурдор тишларнинг бир кунмас, бир кун қаттиқ бир тошга учраб синиб кетишидан сира кўрқмайдилар, ҳай... *(Мачит ичида сўфи такбир айтадир, Арслон такбир битганча жим қолгандан сўнг.)* Кет, эмди сувингни ол, ҳеч кўрқма. *(Тўлғун оғочлар орасида юриб кўздан йўқолгунча Арслон унинг кетидан армонланиб қараб турганидан кейин кўкка қараб сўйлайдир.)* Кўк! Сен тонугим<sup>4</sup> бўл: танимда жон бор экан, буни ҳеч ким ололмайдир. *(Қайтиб кетадир.)*

## ИККИНЧИ КЎРИНИШ

*(тўрт мажлис)*

### 1 - мажлис: имом, сўфи

Саҳна. Боёғи жой, боёғи мачит. Қуёш чиқаёзди. Одамлар мачитдан чиқиб, авлиёга қараб фотиҳа ўқиб бормоқда. Энг сўнг имом билан сўфи чиқарлар. Сўфи бойнинг ковшини кўтарган, икковлари эшик олдида туриб бойни кутадилар.

Сўфи. Тақсир, худо қабул қилгай, бой бобомиз...

Имом. Кўб ибодат қиладирлар, кўб.

Сўфи. Кеча-кундуз намоз ўқиб аврод<sup>5</sup> айталар!

Имом. Худонинг яхши қули шундай бўладир, сўфи!

Сўфи. Албатта, албатта.

Имом. Худо билмасдан бир кишига давлат бермайдир. Тоат-ибодат қилган яхши қулларини топиб берадир.

Сўфи. Шундай, тақсир, ҳа, садағаси кетай худонинг, тақсир, биз ҳам шунча намоз ўқиймиз-у... ҳа...

Имом. Эмди, ука, бизлар худонинг қуллари-да, библиб бўлмайдир, эмди бизларни, ҳа... худо шуларга топширган-да. Шунлар бойисалар, мол-товарлари кўпайса, бизга яхшироқ қарасалар, шу-да. Биздан дуо, ука, дуо.

Сўфи. Албатта, тақсир. Мен ҳар кеча ётоққа кирганда, бой бобомни дуо қилиб, сўнгра ётаман, тақсир.

Бой мачитдан чиқади. Сўфи ҳалигача кўтариб турган қовушини бойнинг олдига, ерга қўядир. Иккаласи қўл қовуштириб туралар. Бой қовушини кийгач, авлиё туғига қараб юкунадир. Сўнгра қўл қовуштириб бир нарсалар ўқигандан кейин қўл кўтариб, дуо қиладир. Сўфи билан имом унга эргашиб, қўл кўтариб туралар, бой фотиҳасини битиргач, қайтиб, буларга қарайдир, иккови ҳам эгилиб, салом бералар.

## 2-мажлис: бурунғилар, бой.

Бой. Ҳа, домла.

Имом. Лаббай, тақсир.

Бой. Қалайсиз?

Имом. Алҳамдулиллоҳ, тақсир.

Бой. Сиз қалайсиз, сўфи?

Сўфи. Қуллуқ, тақсир. Сизни кеча-кундуз дуо қилиб турамыз, тақсир. Кеча онам намозга келганингизни кўрган экан. Уйга бориб, йиғлаб дуо қиладилар. *(Имомга қарайдир.)*

Имом. Албатта, ҳаммамиз ҳам дуо қиламыз, ҳаммамиз...

Бой. Кентимизнинг<sup>6</sup> йигитлари мачитга келмайдилар. Буларнинг шумлиғи билан бошимизга бир бало келмаса, яхши бўлар эди. Бирники мингга, мингники оламга бўлмамай.

Имом. Насиҳат қиламыз, тақсир, бундан сўнг келтирамыз.

Бой. Борисидан шу Арслон ёмон. Жуда ўсал, мачит сари юрганин сира кўрганим йўғ-а.

Имом. Насиҳат қиламыз, тақсир, келтирамыз.

Бой. Насихат-пасихатингизни қўйинг. Улар билан бўлмайди. Раисга хабар юборинг, элтиб жазосини берсун. Кўзини жойига келтурсин.

Имом. Хўб бўлубдир, тақсир.

Бой. Аҳмоқ Ойнуқса кампирни демайсизми, тагин шу «бенамозга» қизини бермоқчи бўлган-а.

Сўфи (ёқосини тугиб). Ийтгубаи, ийтгубаи\*.

Бой (имомга). Насихатингизни унга қилингиз. Қизини тузукроқ бир кишига берсун. (Сўфига). Сўфи, кўр Ҳасанни кўрдингизми?

Сўфи. Ҳа, тақсир, кўрдим.

Бой. Нима деди, пулни бермайдирми?

Сўфи. Бераман, деди, тақсир.

Бой (қизиброқ). Бу кўр жуда юзсиз экан. Пул керак бўлганда, неча кунгача келиб йиғлаб-сиқтаб, оёғларимни ўпиб, зўрға олди. Ойи тўлғач, келтуриб бермайдир. Пулни бериш нари турсун, ўзи ҳам кўринмайдир.

Имом. Бой бобо, кўрнинг пули йўқ, нарсаси йўқ экан...

Бой (имомнинг сўзини кесиб). Бўлмаса, жони чиқсин, мен нима қилай. Олиш бор, бериш йўқми? Кўрнинг суякларини синдириб оламан. Қўяманми уни.

Имом. Кеча биз билан кенгашиди, тақсир, ўн икки яшар бир қизчаси бор, шуни баҳолаб бермоқчи бўлди. Бу кун шунда тўпланамиз, шу ишни битирамиз.

Бой (узоқдан бир кишининг келганини сезадир. Ёнидағиларга билдирмай, шу томонга қараб келган кишининг ким эканини онглагандан сўнг ёнидағиларга сўйлайди). Ҳай, сиз кетингиз. Мен авлиёга яна бир фотиҳа ўқийман.

Бой сағанага қараб қўл қовуштириб бир нарсани ўқий берадир. Сўфи мачитнинг эшигини ёпиб, имомга эргашиб кетадир. Тўлғун келади.

Кўзи бойга тушгач, ҳуркиб, сескандик бўлгандан кейин тетиклик билан ўтиб бора берадир. Бой бирдан фотиҳасини бузиб, қизга қарайди.

### 3-мажлис: бой, Тўлғун

Бой. О... менга қара! (Тўлғун қарамай бора берадир.) О қизгина! (Тўлғун қарайди.) Бери кел, бери кел!

Тўлғун (бойга яқинлашиб). Нима дейсиз, бой бобо?

Бой (ўзини танимасликка уриб). Қизим, сен шу қишлоқданми?

---

\*Э, тавба-ей, маъносида. (Муҳаррир изоҳи.)

Тўлғун. Ҳа.

Бой. Кимнинг қизисан?

Тўлғун. Ойнуқсабибининг қизи.

Бой. Ҳа, сен Ойнуқсанинг қизимисан? Ҳай баракалла, қизим. Мен онангни биламан. Онанг қалай, соғми?

Тўлғун. Шукур.

Бой. Нега бизникига келмайдир? Айт, бизникига келсин, сен ҳам кел. Раҳматлик отанг яхши киши эди. Бизга келингиз, биз сизга қарашамиз.

Тўлғун. Хўб, бой бобо.

Бой. Қайдан келдинг?

Тўлғун. Сув келтирдим.

Бой. Ҳа, сен ўзинг ҳар куни сув келтирасанми, қизим?

Тўлғун. Ҳа.

Бой. Нечук бундай қиласан? Бирон хизматчингиз йўқми?

Тўлғун. Хизматчини ким боқадир, биз ўзимизни куч билан боқамиз.

Бой. Ие, шундайми? Сизлар камбағал бўлиб қолганмисиз? Нега менга билдирмайсиз? Мен пул бераман. Онангга айт, қанча пул қарз истаса, енгилрак қилиб берай, олсун.

Тўлғун. Онам биладир.

Бой. Онангга айт, менга келсун, қанча ақча кераги бўлса олсун, тузукми қиз, айтасанми?

Тўлғун. Айтаман.

Бой. Ўзинг ҳам анча етишиб қолибсан. Онангга айт-миз, сени бойроқ бир кишига берсин. Бой бир эринг бўлгач, хизматчи ҳам топилар. Уй, ер, от-арава — ҳаммаси тайёр бўлар, шундай эмасми? *(Тўлғуннинг аччиқ аралаш уят остида эзилиб қолганини кўргач.)* Уялдингми, қиз ҳай, қиз... уялма!.. Яқинроқ кел. *(Тўлғунга қўлини узатадир. Тўлғун ўзини кетга ташлайдир. Бой унинг қўлини тутиб, ўзига тортадир. Тўлғун қизариб, уялиб, аччиғланиб, бўғилиб тортишадир.)*

Тўлғун *(бўғилиб)*. Қўя беринг. *(Яна тортишадир.)*

Кетманини кўтариб экин бошига борғали чиққан Арслон худди шул тортиш устига келиб қоладир.

Бой *(Арслонни кўргач, Тўлғунни қўя бериб)*. Аҳмоқ қиз!

Тўлғун бой қўлидан қутилгач, ҳеч ёққа қарамай қочиб кетади.

#### 4-мажлис: бой, Арслон

Арслон. Бой, у қизда нима ишингиз бор?!

Бой (*эсини йиғиб*). Ҳа, ука, кел. Бу кимнинг қизи? Мен мозорға фотиҳа ўқиб турган эдим. Менга кулиб, мени сўкиб ўтди. Тутиб бир-икки шапалоқ урай дедим, сен келиб қолдинг. (*Сўзни бошқа ёққа буриб.*) Арслон, сен нечун мачитга келиб юрмайсан? Бу ишинг яхши эмас. Боя домла-имом раисға хабар берамиз, деб турган эди. Мен қўймадим.

Арслон. Бой, сиз шу элдан нима истайсиз?

Бой. Бу нима деганинг?

Арслон (*бойни тингламайин*). Бойлик бўлса, олдингиз. Бутун кентимизнинг бор-йўғи сандиқларингизга оқиб кетди. Эмди номусларимизни яралаб, кўнгилларимиз билан ўйнай бошладингиз. Бунчаси уятдир!

Бой (*ёлғондан шошиб.*) Хўш, қани бу нима деганинг?!

Арслон. Ҳалиги қизда нима ишингиз бор эди?!

Бой. Тентакланма, сўзни эшитасанми, мен мозорға фотиҳа ўқиб турган эдим, кулиб, аччиғимни келтирди, чақириб, бир-икки шапалоқ урмоқ истадим, ўзининг ким эканини билмайман, дедим-ку.

Арслон. Ёлғонлайсиз, бой, унинг шу қишлоқ боласи эканини, Ойнуқса кампирнинг қизи бўлганин жуда яхши билиб, йўлин тўсдингиз.

Бой. Ҳай, Ойнуқсанинг қизи экан, ўз қишлоғимнинг боласи экан, унга мен гапураман, сенга нима? Сенинг ниманг кетди?!

Арслон. Мен шу қишлоқнинг боласи бўламан. Қишлоқ болаларини сизнинг ёмонлигингиздан сақламоқ менга тушадир.

Бой (*қаттиқ кулиб*). Бу қишлоқда ниманг бор сенинг! Бу қишлоқнинг ерлари, уйлари — ҳаммаси меники. Суфрам қоқилганда, ерға тушган нон ушоқлари онанг каби ўн кампирни тўйдирадир. Қишлоқнинг буткул одамлари — менинг тиланчиларим, хизматчиларим ё ўртоқларим. Сен кимсан! Сичқон сиғмаган бир йиқиқ уй билан қамиш кўқарган тўрт таноб еринг бор, уни ҳам эрта-индин менга сотмасанг, очликдан ўласан...

Арслон. Бой, сўзингизни билиб гапиринг...

Бой (*сўз бермайин гапура берадир*). Қишлоқ болаларини меним ёмонлигимдан сақлар эканлар. Сен ўз ишингни кўра бер, бошқаларға қотишма, ўғлим, оғир юklarни кўтаролмайсан, белинг синиб қолади.

Арслон (*қизиби*). Бой, у қиз менга фотиҳа бўлган, билмайсизми?

Бой (*яна қаттиқ кулиб*). Қарға қўндирғали бутоқ тополмайсан, сен хотунни қандай қилиб оласан?! Хотун олмақ учун тўй керак, нима билан тўй қиласан? Уйга келган хотунни тўйғузмоқ керак. Нима билан тўйдирасан?

Арслон (*қизгин.*) Қандай қилсам мен қиламан, сенга нима?

Бой. Менга нима эмас. Мен шу кентнинг қаттаси. Катта бир тўй қилиб, бутун кентга ош бермасанг, сенга хотун олдирмаймиз, кимсанинг қизини сенга бердирмаймиз...

Арслон. Ҳеч нима қила олмайсан...

Бой. Мени тингла, бориб ўз бечорачилигинг билан бўл. Ишлаб бир тишлам, нон топиб, онангни тўйғуз. Хотин оламан деб эл қизлари орқасидан юрма. (*Арслон гапурмоқчи бўлур, бой қўймайдир.*) У қизни мен оламан!

Арслон (*қизгин қичқирар*). Бой!..

Бой (*сўзини бермайин*). Сен уни олмайсан, ололмайсан...

Арслон (*қизгин*). Ким?..

Бой (*сўз бермайин*). Олсанг ҳам бир кун оч қолғач, менга сотарсан. (*Арслон қизгинлиқдан ўзини йўқотган каби бўлиб қичқириб, кетманини кўтарадир. Бой уни тўхтатмоқ учун бир қўлини кўтариб сўзлайдир.*) Тўхта, мени урағга кучинг етмайди. Бирта урсанг, кулингни кўкка учиртаман. (*Арслон кетманини кўтарган ҳолда қотиб қоладир. Бой Арслоннинг бу ҳолидан фойдаланиб кетмак учун кейинрак борадир*). Сен билан ортиқча сўйлашишга вақтим йўқ. (*Кетадир, бой кетгандан сўнг Арслон кетманини бир ёққа отадир. Ўзи ҳолсизланиб, бир қўли билан кўз аралаш манглайини тугтиб, оғочга ястаниб қоладир.*)

## УЧИНЧИ КЎРИНИШ

(*икки мажлис*)

Саҳна. Кун ўртадин сўнг<sup>7</sup> куёш қайтаёзган чоқда ҳалиги жой, ҳалиги мачит олдидаги майдонда бир бўйра тўшалган. Оқсоқол, имом, Мансурбой, Қудрат, Дарға. Бўйрада ўтирған ўнлаб камбағал қишлоқчилар. Қайсиси чўкуб, қайсиси тиззаға таяниб ўтирған. Имом қўлидаги рўйхатга қараб турадир.

**1-мажлис;** Оқсоқол, бой ўғли, имом, дарға ҳам бошқа қишлоқчилар, сўнгра Арслон.

Дарға. Қани битиринг, тақсир-ей, кеч бўлди.

Имом. Хўб. (*Рўйхатни ўқийдир.*) Тўрақул Сафар ўғли, беш кун ҳашарға чиқмаган, беш тангадан йигирма беш танга боқи<sup>8</sup> бўлган.

Дарға. Келтиринг, қани!

Тўрақул. Мен икки кундан бошқа ҳар кун чиққанман. Шул икки кун чиқмаганим ҳам онамнинг ўлгани учун эди.

Дарға. Аҳмоқ, тентак! Мулла ёлғон ўқидиларми?

Тўрақул. Муллами ёлғон ўқидилар, сизми тўғри ёзмагансиз, мен нима билай!

Дарға. Меним хатим борми?! Буни мирзалар ёзади-я!

Тўрақул. Ҳай, мирзалар ёзганлар. Мен икки кундан бошқа ҳар кун ҳашарға борганимни жуда яхши биламан.

Имом. Ука, гапни чўзма, беш кунлик боқи деганинг ҳеч нарса эмас, мирзалар ёлғон ёзмайлар.

Тўрақул (*оқсоқолга қараб.*) Оқсоқол почча, сиз гапуринг, икки кунгина қолганимни сиз ҳам биласиз-ку.

Оқсоқол. Ҳай, гапни узатдинг-а, ука! Икки кунми қолдинг, ўн кунми қолдинг, сира қолмадингми, нима қилай? Шу рўйхат нима деса шуни қиласан-а.

Тўрақул. Сиз билмайсизми?

Оқсоқол. Билсам-билмасам барибир, рўйхатда ёзилгани берабер. (*Тўрақул йигирма беш танга санаб, Дарғага берадир.*)

Дарға (*пулни санаб киссасига қўйиб*). Домулла, отини чизиб қўйингиз.

Домулла. Хўб. (*Чизар, яна бошқасини ўқир.*) Турсун Раҳмат ўғли, йигирма беш кун боқи бўлган. Беш тангадан юз йигирма беш танга берасан.

Турсун. Тақсир, ҳашарнинг ўзи ўттуз кун эди, йигирма кун бориб беш кун қолган эдим.

Имом. Мана, рўйхатда ёзилган.

Турсун. Тақсир, бундай қилманг, менинг уйимни куйдирасиз-ку.

Дарға. Ҳаммангиз шу ҳийлани топдингизми, бошқа ҳийла йўқми?

Турсун. Юз йигирма беш тангани қайдан топиб бераман?

Дарға. Отангинг гўридан топиб бер, мен нима қилай? Нега ҳашардан қолдинг?!

Турсун . Мен беш кундан ортиқ қолғаным йўқ. Мана шуларнинг ҳаммаси биладир. (*Одамларга.*) Гапурингиз, ҳаммангиз биласиз, мен беш кундан ортиқ қолғаным борми? Тўрақул, сан гапур!

Тўрақул . Меним икки кундан ортиқ қолғанымни сен билмасми эдинг?

Турсун . Билар эдим, шуни айтаман, бу қандай иш?

Тўрақул . Боя нечун дамнинг чиқмади?

Турсун . Нима қилай, кўрқишимдан гапирмадим.

Тўрақул . Гапурмаганинг фойда қилди, озайтурдилар!

Дарға . Менга қара, гапни кўп чўзиб ўтирма, юз йигирма беш танга берасан, бошқа илож йўқ!

Турсун (*зорланиб*). Тақсирлар, худо ҳаққи, бундай қилмангиз меним уйим куядир.

Мансурбой . Пошшолиқ иши билан ўйнайсанми?

Турсун . Тангри ҳаққи, мен беш кундан ортиқ қолган эмасман.

Мансурбой . Домулла, рўйхатни тузукроқ ўқинг.

Имом . Мана, бу очиқ ёзилган. (*Уқийдир.*) Турсун, йигирма беш кун боқи, юз йигирма беш танга.

Мансурбой . Мирзалар билмай ёзаларми?

Турсун . Бу қандай иш? Мен қаёққа борай эмди?!

Дарға . Берасанми, қамаласанми?

Турсун . Мен беш кун қолғанымни билиб, йигирма беш танга келтурдим. Мана (*киссадан пулини чиқариб, Дарганинг олдига элтиб кўяр*), шуни ҳам нарса сотиб топдим. Бошқа пулим йўқ. Мен юз йигирма беш танга қайдан топаман?!

Оқсоқол . Ўлдингми, бойдан кўтара қол!

Мансурбой (*кулиб*). Зорланма, аҳмоқ, мен арзонроқ қилиб бераман.

Турсун . Навираларингизнинг тўйини кўринг, бой, арзонроқ қилиб беринг, худо хайрингизни берсун.

Оқсоқол . Ана холос, бойдан кўтариб пошшо ҳақини бер, сўнгра бойга топиб берасан-да.

Турсун . Қайдан топиб бераман, оқсоқол почча?!

Имом . Худонинг ўзи берадир, ғам ема?!

Мансурбой . Қани, қанча берай?

Турсун . Барака топинг, бой бобо, юз танга бера қолинг.

Мансурбой . Аҳмоқ, юз тангани шундай чиқариб бераманми сенга? Унинг фойдасини қайтармайсанми?

Турсун. Ҳай, қанча берасиз?!

Оқсоқол. Уч юз танга беринг, бой!

Турсун (*сесканиб*). Уч юз!.. Мен уч юз тангани қайдан топиб қайтараман сўнгра?!

Оқсоқол (*қўлини силтаб қичқирар.*) Гапурма кўб! (*Бойға.*) Бой, ҳисобланг, олти ойлик қилиб уч юз танга берасиз.

Мансурбой (*Турсунга*). Шундайми? Уч юз оласанми?

Турсун (*зорланиб*). Мен уч юзни қайдан топай сўнгра?!

Оқсоқол (*юмруқ кўрсатиб қичқирар*). Ҳа-ҳа, гапирма кўп аҳмоқ! (*Бойға.*) Ҳисобланг, бой, олмай нима қиладир?!

Мансурбой. Икки ботмон буғдой оладир — юз йигирма танга, бир ботмон жўхори оладир — қирқ танга, ҳаммаси қанча бўлди, домулла?

Имом (*ўйлаб-ўйлаб*). Ҳаммаси... юз...юз... қирқ бўлди-ми?

Мансурбой (*бармоқлари билан ҳисоблаб.*) Юз олтмиш! Ҳисобини билмайлар-а.

Имом. Ҳа, тақсир, юз олтмиш бўлар экан.

Мансурбой. Икки нимча чой оладир — йигирма тўрт танга, бир тўп тик<sup>9</sup> оладир — олтмиш танга (*яна бармоғи билан ҳисоблаб*), ҳаммаси бўладир икки юз қирқ тўрт танга, уч юздан икки юз қирқ тўрт чиқса, қоладир эллик олти танга. (*Қўлтиғидан бир халта чиқариб, эллик олти танга санаб Турсунга берадир.*) Мана эллик олти танга. Нарсаларни эрта уйдан оларсан.

Турсун. Мен бу эллик олти тангани бошимга урайми?! (*Даргани кўрсатиб.*) Бу кишига юз танга беришим керак.

Мансурбой. Ҳаққингдан ортиқ берайми? Ҳисоблаб кўр.

Турсун. Дарға почча, бўлмаса сиз шуни олингиз, қолганини эрта берай.

Дарға. Мен ҳар куни сени излаб юраманми?! Шу кун юз танга бериб қутуласан.

Турсун. Қандай қилай эмди?!

Мансурбой. Буғдой, жўхорини сота қол (*одамларга қараб*), ҳеч ким олмайдиirmi?

Ҳамма жим.

Оқсоқол . Келинг бой, шуларни ўзингизга сотайлик.  
Мансурбой . Нима қиламан!

Имом . Ҳа, бой бобо, савоб бўладир, ўзингиз олин-  
гиз!

Шул орада Арслон келиб нарироқдаги оғочга ёстаниб турганларга  
қараб турадир, бойнинг инсофсизлигига таяна олмаса ҳам ўзини  
кучлаб тутарга тиришадир.

Мансурбой . Ҳай, ундай бўлса, ўзимга сот.

Турсун . Майли, нима қилсангиз, шу топда юз танга  
керак.

Мансурбой . Икки ботмон буғдойнинг қирқ тангадан  
саксон танга...

Турсун . Боя менга юз йигирма танга баҳолаб бердин-  
гиз-ку. Бунинг қирқ тангаси қаёққа кетди?

Мансурбой . Сотганимни баҳога оламанми? Менга  
фойда керак эмасми?

Турсун . Ҳали буғдойни уйингиздан чиқарганим йўқ-  
ку, бой бобо!

Мансурбой . Сотмасанг, бориб ол.

Оқсоқол . Худо урған мунча гапуриб нима қиласан?  
Ҳисоблай беринг, бой.

Мансурбой . Бир ботмон жўхоринг йигирма беш тан-  
га...

Турсун . Боя қирқ танга эди...

Мансурбой . Бир тўп тикинг ҳам қирқ танга (*ҳисоб-  
лаб*), ҳаммаси бўладир...

Оқсоқол . Чой қолди, бой.

Мансурбой . Чойни ўзи ичадир.

Турсун . Бой бобо, бизга ичарга сув ҳам топилса бўла  
берадир, уни ҳам олингиз.

Мансурбой . Ҳай, майли, икки нимча<sup>10</sup> чойингга ҳам  
ўн икки танга бераман. Ҳаммаси бўладир: юз эллик етти  
танга. Эмди пулнинг фойдасини ҳисобла: уч юз танганинг  
олти ойлик фойдаси юз саксон танга бўладир. Тўқсон тан-  
гасини шу топда берсанг, тўқсон тангасини пулни қайтар-  
ганингда берасан. Юз эллик еттидан тўқсон чиқарсак, олт-  
миш етти танга қоладир. (*Халтадан санаб берадир.*) Мана  
бу олтмиш етти танга, боя олғанинг эллик олти билан ҳам-  
маси юз йигирма уч танга олдинг. Юз тангасини Дарғага  
бер, йигирма уч тангасини уйингга нарса ол.

Турсун юз танга Дарғага санаб берадир, қолганини киссасига солмоқ-  
чи бўладир.

Оқсоқол. Ҳаммасини солма киссанга, бизга даллолик бер.

Турсун (*эзилиб битган*). Бойдан ола беринг.

Мансурбой. Мен ҳам бераман, сан ҳам берасан, ўғлим! Бир-икки танга оқсоқолга!

Турсун. Мана! (*Икки танга берар.*)

Мансурбой. Икки имомга бер!

Турсун. Мана. (*Берадир.*)

Мансурбой. Бир танга сўфига бер. Куруқ қолмасин (*Турсун берадир*). Мана эмди ман ҳам бераман. (*Бой ҳам оқсоқол, дарға ҳам имомга икки танга, сўфига эса бир танга берадир.*)

Имом (*қўл кўтариб, дуо қиладир*). Оллоҳу таоло бой бобомга барака берсин.

Пул олганлар «омин» дейлар.

Мансурбой (*Турсунга*). Эрта қозиға бориб, уч юз тўқсон тангага олти ойлик хат қилиб келтирасан.

Оқсоқол. Турсун, қолган пулни еб қўйма. Эрта қозиға боргач хат учун берарсан!

Шу топда бир қизчанинг қичқириб йиғлаши, бир хотун билан бир эркакнинг йиғлоқ товуши билан уни овута келганлари эшитилади. Қиз: «Бормайман, она, бормайман», деб йиғлайдир. Эр билан хотун: «Йиғлама қизим, яна келарсан», деб овутадирлар.

Мансурбой. Қарангиз, кўр қизиға нималар ўргатибдир.

Дарға. Бу ким?

Оқсоқол. Кўр Ҳасан деган бир муттаҳам бор. Бойдан пул олган эди. Бера олмади. Қизчасини бойға хизматга бериб қутулсин, деган эдик. Шунни келтирубдир.

Товушлар яқинлашадир.

Имом. Бунча йиғлатиб нима қиласан?!

Мансурбой. Кўр ҳилла қиладир, ҳилла.

Кўр Ҳасан билан хотуни, ўн икки яшар қизчани чегиб келтирадирлар.

Қиз ота-онасининг этакларига ёпишиб йиғлайдир.

**2-мажлис:** бурунғилар, Кўр Ҳасан,  
хотуни, қизчаси.

Кўр Ҳасан (*йиғлаған*). Мана, бой бобо, келтурдик.

Оқсоқол (*қизга*). Йиғлама, нега йиғлайсан?!

Дарға. Аҳмоқ қиз, бойникида юрсанг, ёмонми?

И мом. Кошки, бой бобом бизни сақласалар, шукур қилиб, кулиб-ўйнаб борардик.

Қиз: «Бормаيمان», деб йиғлайдир.

Оқсоқол. Йиғлама, шапалоқ ейсан!

Хотун. Бой бобо, болаларингизни тўйини кўрингиз, дуо қиламан. Биргина қизимни мендан ажратманг.

Кўр Ҳасан. Бой бобо, юрагингиз тошдан эмасдир. Бизга раҳм қилингиз, юз ўн танга пулингиз қолган. Бу кун бўлмаса, эртага берарман. Шу юз ўн тангага қараб турганингиз йўқдир. Камбағал бир уйни йиғлатиб қўйманг.

Мансурбой. Аҳмоқ кўр, нима дейсан? Мен сенинг қизингни қачон истадим. Унга бергали бўш нон қайда?! Меним пулимни бер, пулимни.

Хотун. Барака топинг, бой бобо. Умрингиз узоқ бўлғай, бой бобожон, пулингизни берармиз. Қизимизни тортиб олмангиз.

Мансурбой. Бер пулимни, қизинг керак эмас.

Кўр Ҳасан. Берарман, бой бобо, берарман.

Оқсоқол. Чиқариб бер, гапуриб турасанми?

Кўр Ҳасан. Яна бир ой муҳлат берингиз, бой бобо.

Хотун. Бир ойда ҳар қандай қилиб топиб берадир. Тангри ёрлақай, бой бобо.

Бой (қизиб). Кўр, аҳмоқ экансан. Бир дақиқа қўймайман, худди шу топда бериб қутуласан.

Кўр Ҳасан. Ўн беш кун муҳлат қилинг, оқсоқол бобо. Ўн бешинчи куннинг худди ўзида келтириб берарман.

Хотун. Оқсоқол почча, барака топинг, худо хайр берсин. Қизгинамни менга бағишлангиз. Тангри ўғулчаларингизни сизга бағишласин.

Оқсоқол. Кўб-узатма сўзни (қичқириброк), ўн беш кундан сўнг қандай қилиб берасан? Пулингиз йўқ, уйингиз йўқ, нарсангиз йўқ. Шу қиздан бошқа берарлик ҳеч нарсангиз йўқ. Ўн беш кунгача бу ҳам ўлиб қолса, сўнгра кимни берадир, сеними? Сени юз йигирма тангага ким оладир? (Дарға, бой, имом куладирлар. Хотун оқсоқолнинг сўзини эшитмагандек бўлиб Мансурбойга ялинадир.)

Хотун. Бой бобо, раҳмингиз келсин. Қизимни менга бағишлангиз. Сизнинг ҳам бола-чақангиз бор. Худодан умидингиз бор...

Мансурбой (қизгин). Эй... бу ҳали мени қарғаб турадир-ку. (Ҳасанга.) Кўр пулимни берасанми, таёқ ейсанми?

Кўр Ҳасан. Ҳеч бўлмаганда, яна бир ҳафта муҳлат берингиз!

Мансурбой (*Дарғага*). Сиз гапиринг, бек! Олиб берасизми йўқми?!

Дарға (*қизгин*). Туринг, оқсоқол, тутинг, бу кўрни (*оқсоқол билан яна бир киши «хўб» деб туриб Ҳасанни тутадирлар*) оғочга боғланг!

Оқсоқол. Ҳасаннинг салласини оладир, икки киши уни оғочга қараб торталар. Дарға қамчинни белидан тортиб, жойидан турадир. Хотун билан қиз Ҳасанга ёлишиб қичқиришадилар.

Кўр Ҳасан. Тўхтангиз, оқсоқол, бераман қизни. Олингиз қизни, бой бобо. Тавба қилдим! Тавба қилдим, бек бобо.

Хотун билан қиз Ҳасанни қўя бериб ўгурадилар.

Оқсоқол (*қизгин*). Кўр, шунча одам сенга қараб турадир. Сўзни тингламайсан. Ҳайвон каби қамчинни кўргач, тузалиб қоласан...

Кўр Ҳасан. Тавба қилдим, оқсоқол почча, тавба қилдим!

Оқсоқол (*Қудрат бойваччага*). Олинг, бойвачча, қизни уйга элтиб қўйинг, эрта хатини қилиб берармиз.

Қудрат бойвачча қизни онасидан тортиб олмоқ истайдир. Қиз қичқириб йиғлаб, «бормайман», деб онасига ёпишадир. Онаси қичқириб-йиғлаб боласини кучоқлайди. Ҳасан бир четда йиғлаб турадир. Шу топда Арслон илгари босиб ишга қатнашадир.

Арслон (*Қудратга яқинлашиб*). Тўхтанг, бойвачча! Оқсоқол почча бунинг ўзи истамайдир. Қандай қилиб қизини зўрлаб сотдирасиз. Худо ҳаққи, бечорага бир оз раҳм қилингиз.

Оқсоқол (*қайнаған*). Бунинг қизи кимга керак? Бойнинг пулини берсин!

Мансурбой. Сенга нима?

Арслон (*имомга*). Тақсир, бунинг қизини шундай зўрлаб сотдирмоқ ёзуқ<sup>11</sup> эмасми?

Мансурбой. Ўзи сенга нима дейман?

Имом. «Ҳақ ул — абд»<sup>12</sup>ни емакдан...

Мансурбой (*сўзини кесиб*). Тўхтанг, домла, (*Арслонга*). сенга нима дейман, Арслон! Нима дейсан, сен?!

Арслон. Нима деганимни эшитиб турибсиз. Шу камбағалларга раҳм қилингиз, қизларини сотмоқ истамайдилар. Бир оз муҳлат берингиз, пулингизни берарлар.

Имом. «Ҳақ ул-абд»ни емакдан ёмонроқ ёзуқ йўқдир.

Арслон. Бой бобо, эзу ишламак зиён бермайдир, бир оз мухлат берингиз, пулингизни берадир. Истасангиз мен кафил бўлай.

Мансурбой. Ҳар ишга қотишиб нима қиласан сен муттаҳам?! Сен ҳам шул итларнинг биртаси. Сизларга раҳм қилдик, нима бўлди, қилмадик нима бўлди!

Арслон. Қизиманг, бой бобо!

Мансурбой. Қизимай нима қилай, пулимни есунми, мен пулимни истайман, қизини сотиб, хотунини сотиб, пулимни берадир, онгладингми?

Арслон. Қанча пулингиз бор бунда?!

Мансурбой. Юз йигирма танга!

Арслон. Бой бобо, ўзингиз уч йўла синиб кўб кишиларнинг ўн минглаб, юз минглаб тангасини едингиз, сизга: «Хотин-қизингни сотиб бер», деган бўлдимми?!

Имом (*шошқин*). Ий, аҳмоқ... ий, аҳмоқ... ой... Сен шариат билан ўйнайсанми?! Шариатга нима ишинг бор?!

Дарға. Сен нима демоқчисан, Арслон?!

Арслон. Шу камбағалларга раҳм қилингиз, дейман.

Дарға. Сенинг унга раҳминг келган эса, қараб тур, икковингизни боғлаб, қўрғонга элтаман. Қамоқда бирга ётарсиз.

Оқсоқол. Арслон, сен нега шу орага кирасан?! Бой пулини олмасинми?

Эл шовқин соладир.

Бир киши. Оқсоқол, Арслоннинг сўзи тўғри!

Бошқалар. Тўғри, тўғри!

Бир киши. Бечорага раҳм қилингиз!

Бошқалар. Қизини олмангиз! Арслон тўғри айтадир!

Оқсоқол. «Тўғри», «тўғри эмас», бойнинг пулини бериш керакми, йўқми?

Арслон. Керак, оқсоқол почча, керак!

Оқсоқол. Берсун!

Арслон. Ҳозир берадир. (*Қултиғидан қопчуғини чиқарадир. Уйлайдир.*) Оҳ, Тўлғун, бизнинг тўй яна кейинга қолди. (*Қопчуғидан юз йигирма танга санаб, оқсоқолга берадир.*) Мана, оқсоқол почча, бу юз йигирма танга — бойнинг пуллари.

Дарға. Сенга нима? Сен ким бўласан? Нега бунинг қарзини сен берасан?! Сени қўярларми?!

Арслон. Мана, Дарға почча, бу ҳам сизнинг хизмат ҳаққингиз, беш танга.

Дарға (пулли олиб). Савоб иш қилдинг, йигит!

Оқсоқол. Меним ҳаққимни бер.

Арслон (икки танга бериб.) Мана, оқсоқол почча, бу сизга. (Ҳасанга.) Олиб бор қизингни, қачон пул топсанг, менга берарсан.

Ҳасан билан хотуни, йиғлаб Арслонга дуо қилиб, қизларини олиб кетарлар.

Парда тушадир.

## ИККИНЧИ ПАРДА

### БИРИНЧИ КҮРИНИШ

(тўрт мажлис)

Саҳна. Иссиқ ёз кунларининг бири, кенг, қировсиз, чегарасиз ёбон<sup>13</sup>, ҳаммаси бир-бирига ёндашиб, узайган экин ерлари. Ҳўталаринда сий-раккина тизилган ёш тут оғочлари орасидан, саргайиб битган буғдой, кўкариб турган қовун ҳам бошқа турли экин ерлари тўлғаниб кўриниб туради. Бир томонда ердан кўтарилгандай, чуқур бир ариқ, суви кўринмайди. Кўкнинг Ҳўтасида турган қуёш суюқ Ҳўта Ҳўшаған нурини аямай, ҳар томонга оқизмоқда. Қизил тўппи, қисқагина бир чопон кийган, кенг кўкрагини очиқ кўйиб, белини бўшатибгина боғлаган, ялангоёқ тер тўкиб кетман чопадир. Ёнида иккита қўй, Ҳўтадаги Ҳўсимликлар орасида Ҳўланмоқда. Парда очилмасдан бурун Арслон соф, кескин бир товуш билан Навоийнинг шу Ҳўзалини Ҳўқийди:

Кимга қилдим бир вафоким, минг жафосин кўрмадим,

Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим.

Кимга бошимни фило қилдимки, бошим қасдиға,

Ҳар тарафдин юз туман тиғи жафосин кўрмадим.

Кимга кўнглум айлади меҳру муҳаббат фошким,

Ҳар вафоға юз жафо онинг жазосин кўрмадим.

Ҳазал битгач, парда очилади. Арслон бир оз кетман чопғандаг сўнг манглай терларини сўл илигининг иккинчи бармоғи билан тўкади. Сўнгра сўйлайди.

### 1-мажлис: Арслон

Арслон. Уф!.. Яшамоқ совуқ бир ҳазилмикан, билмадим! Бало устига бало. Қайғу устига қайғу!.. Биттасини талаша-талаша йўқотарсан, иккинчиси келади. Ундан жон кечиб қутуларсан, учинчиси босади, уни узатмайин тўртинчиси, бешинчиси, олтинчиси!.. (Бир оз кетман чо-

*надир.) Яна буларнинг ҳаммаси бизга, биз камбағалларга келадир. Билмадим, бизни қайдан топиб олдилар!..*

Онамдан сўрасам, «Худонинг тақдири», дейдир. О, худонинг тақдири Мансурбойларни кўрмайдирми? Топиб олгани ёлғиз бизми?! Шаҳарда савдогарчилик қилиб, уч йўла синдилар. Домла-имомнинг тунокун эшакдан тушган тоғораси каби майда-майда бўлдилар. Кўб одамларнинг пулларини едилар. Ўз бойлари, ўз савдогарлари орасида сайғилари<sup>14</sup> қолмади, баҳолари ярим чақага тушди. Эмди ота-ўғул бизнинг орамизга кириб, элни таламоққа киришдилар. Буларни жин урмайдир!.. *(яна бир оз кетман чопадир.)* Ўтган йил саккиз таноп ерим бор эди. Ҳаммасини экиб катта-катта хирманлар кўтардим. Бек «солуғ» деб, мулла «вақф» деб, дарғалар «капсан»<sup>15</sup> деб ҳаммасини олдилар. Ҳашарнинг боқиси дедилар, сигиримни сотиб бердим, бир йилда икки йўла шариатга ишим тушди. Бойдан қарз сўрадим, ерингни сотмасанг, пул йўқ, деди. Тўрт танопини сотдим. Пулини қозининг одамлариға улашдим!.. Жоним Тўлғун билан олти ойдан бери севишамиз. Кўчалардагина кўришиб, дардлашмак билан умримизни ўтқариб турамыз. Икковнинг-да кампир оналаримизни қувондирмоқ учун кичкинагина бир тўй қилиб никоҳланайлик, дейман, ақча йўқ!.. *(Жуда қайғуланадир-да, яна кетман чопадир.)* Арпа сотиб, бир оз пул йиғдим. Тўй қилмоқчи эдим. Боёқиш Ҳасаннинг ҳолига чидаёлмадим. Унинг қарзиға бердим. Нима қиласан? Йўлдошинг, овулдошинг бўлган бир камбағал кишига шунча зулм қиладилар, кучлаб қизини сотдирадир. Чидаб турасанми? Тўй учун йиғилган пул ҳам кетадир. Яна ишинг йўл устида. *(Кетманнинг сопиға ёстаниб, кўзларини ерга тикиб, ўйлайдир. Бир оздан сўнг Турсунбиби бошида эски паранжи, юзи очиқ, оғзиға битта нон қатланиб тиқилган, кўза билан кирли, қоп-қора супрага ўралган бир чаноқни<sup>16</sup> кўтариб келар. Арслоннинг ҳолиға қараб... тургандан сўнг гапурадир.)*

## 2-мажлис: Арслон, Турсунбиби

Турсунбиби. Болам, чарчадингми? Нимани ўйлайсан?!

Арслон *(онасиға қараб)*. Ҳеч!.. *(Ҳолини тузатирга киришиб.)* Нима келтирдинг, она?!

Турсунбиби. Озгина пиёва пиширған эдим, ичасанми болам?

Арслон . Ичаман. (*Ўрнини кўрсатиб.*) Шунда қўй!

Турсунбиби . Ёғим оз экан, икки косагина пиёва пиширдим. Ўзим билан сенга етарлик эди. Ботур билан онаси келдилар. Оч эканлар. Бир оз сув қўшиб уларга ҳам бердим.

Арслон . Яхши қилибсан, она!

Турсунбиби . (*Ошни ўрт<sup>17</sup> ёнига қўйиб, гапура берадир.*) Бечоралар бойнинг пулини бера олмаган эканлар. Бу кун уйларини хатлаб берибдирлар. Инсофсиз бой уйни шу кун бўшатиб берасиз, деб қистаган экан, йиғлаб-йиғлаб тоғасининг уйига кўчдилар.

Арслон (*ичидаги «ёмон фикрлар» билан курашгани ҳолда*). Шу кун бўшатган-а...

Турсунбиби . Шу кун бўшатдилар. Ўз кўзим билан кўрдим, эй худойим-ей юракларим эзилди. Боёқиш кампир кўб йиғлади.

Арслон . Кампир йиғлашлари дунёни ўзгарта олмас экан, она. У йиғлади, сен йиғладинг, сен каби, у каби яна кўб кампирлар йиғладилар, нима фойда?! Ҳеч!..

Турсунбиби . Нима қилмоқ керак болам?!

Арслон . Уни мен ҳам билмайман!..

Турсунбиби . Ош совимасин, ича қолсанг-чи. Йўлда севарнинг<sup>18</sup> онаси учраб гапга тутган эди, ўзи ҳам совиманган бўлса яхши!

Арслон . Севарнинг онаси нима дейди? Ҳоллари қалай?

Турсунбиби . Ў... болам, қалай бўлсун ҳоллари! У ҳам камбағалликдан зорланадир. «Эркагумиз йўқ, боқар кишимиз йўқ. Жуда хўрланиб қолдиқ» дейди, «Арслонга айтинг, тезрак тўйини қилсин, икки уйни бирлаштирайлик, бизга ҳам қарашга бир эркак бўлсин» дейди. Ўзим-да сенга шуни айтмоқчи эдим. Тўйни қачон қиламиз?

Арслон . Бир оз пул топайлик, она.

Турсунбиби . Болам, барибир, биз пул тополмай-миз.

Арслон . Нечун?

Турсунбиби . Чиқиминг кўб, кирим деган нарсанг йўқ. Тўрт танопгина еринг қолган, бундан олганинг амлокдорга<sup>19</sup> берасан. Ўзимизни тўйдирасан, сенинг қўлинг ҳам очик, камбағалларга берасан, шундай қилиб, кундан-кун кейинга кетиб турамиз, болам. Сен айтмасанг ҳам мен онглайман.

Арслон . Нима қилайик?..

Турсунбиби. Мана, иккитагина қўйинг бор, шунинг биттасини сотиб ул-бул ол. Биттасини сўямиз. Бир оз жўхоримиз бор. Тегирмонга бериб, ун қилдирамиз. Шу билан тўйни қиламиз. Кўзим очиқ экан, сени уйлантириб қўяй, ўғлим!

Арслон. Шулар билан тўй қилиб бўладирми, она?

Турсунбиби. Тўй булар билан бўлмаса, эрта-индин булар ҳам қўлдан чиққандан кейин бўлармиди? Ё Тўлғунни олмайсанми?!

Арслон. Нима? Тўлғунни олмаслигимни билсам шу топда ўламан.

Турсунбиби (*Арслоннинг сўзини эшитмаган бўлиб*). Балким севмай қолгандирсан уни...

Арслон (*бирдан қичқирар*). Кес... товушингни! Уни севмаган юракни кўкрагимда кўтариб юрмайман, тортиб чиқариб итлар олдиға ташлайман!

Арслоннинг орқа томонидан саҳнада Ботур кўринадир. Арслон билан онаси Ботурға қарайлар.

### 3-мажлис: Бурунғилар, Ботур

Ботур. Бой бобомға бер, кабоб қилиб есунлар.

Турсунбиби. Кел, болам, Ботур, кел!

Арслон. Нима дединг?

Ботур. Юрагингни ит олдиға ташламоқчи бўлдинг-да, «Бой бобомға бер, кабоб қилиб есунлар» дедим.

Арслон. Нима деганинг?!

Ботур. Сўнгра онгларсан! (*Турсунбибига.*) Хола, сўзингиз ярим қолмасин, гапура берингиз. (*Ўзи саҳнанинг бир четидаги оғочга таяниб, қайғу аралаш ўйлаб турадир.*)

Турсунбиби. Айланай, болам, нима қилай? Шу тўйни тезрак қилишимиз керак, дейман-да!

Арслон. Она, биласанми? Тўйни тезрак қилмасак қиз қўлдан кетадир.

Турсунбиби. Қиз нега қўлдан кетар экан, нима бўлади дейсан, ўғлум?!

Арслон. Мен бир хабар эшитдим, ҳали сенга айтмайман.

Турсунбиби. Мени эшитмади деб ўйлайсизми? Менга Ойнуқса кампирнинг ўзи айтди. Қизга бой чиққан экан<sup>20</sup>. Уйи куйсун, (*қўлини ерга уриб*), худоё, болалари жувон-

марг бўлғайлар! Эллик бешга кирибдир. Тангридан кўркмай-дир, элдан уялмайдир. 18 ёшар бир қизни зўрлаб олмоқчи бўладир. Ҳу, ер ютсин сени!..

Арслон. Қарғашни қўй, она, гапур-чи, Ойнуқса кампир нима дейди?

Турсунбиби. Нима десун!

Ботур. Қизини бойга беришга кўнганми?

Турсунбиби. Кўнадирми ҳеч?! Боя нима дедим? Менга йиғлаб, қараб гапирди. «Тўйни тезрак қила қолайлик» деди. «Уйи куйсин бойнинг, учта хотуни бор. Улсам ҳам қизимни унга бермайман, ер ютсун бойлигини» дейдир.

Арслон. Кичкина тўй қилишимдан розими?

Турсунбиби. Албатта, рози бўлмай не қилсун, боёқиш?!

Арслон. Ўзинг-чи онажон!

Турсунбиби. Мен ҳам розиман.

Арслон. Меним жоним онам. Мен сенинг кўнглингни кўтармак учун тўйни тузукрак қилмоқчи эдим. Сен рози бўлсанг, шу ҳафтада никоҳни қилиб қўямиз. *(Ботурнинг ҳолига қарагандан сўнг.)* Кел, Ботур!

Ботур. Келганман. *(Арслон ўтуриб, суфрани очуб, пиёвани косага ағдарадир. Нонни тўғрайдир.)* Кел, шуни ичайлик. Ўзи ҳам совуған экан.

Ботур. Мен уйингизда ичдим.

Турсунбиби. Айланай, болам, кел! Яна бир оз ичарсан. Уртоғингни ёлғиз қўйма.

Ботур келиб ўтурадур. Арслон сйдир. Ботур эмаса ҳам қўшилганини кўрсатиб турадир.

Арслон *(Ботурга.)* Уйни олдилар-а?!

Ботур. Олдилар!

Турсунбиби. Тош кўнгиллик бой боёқиш йигитга уч-тўрт кун муҳлат ҳам бермади.

Арслон. Бўлгани бўлди эмди. Мунча қайғуриб нима қиласан?!

Ботур. Мен тошданми яратилганман?! Шунча ҳақсизликқа учрагандан кейин қайғурмоқдан бошқа бир иш кўлимдан келмас экан, шуни ҳам қилмайинми?!

Арслон. Қайғурмоқнинг фойдаси йўқ.

Ботур. Бундай ҳақсизликқа, бундай зулмга қандай чидаб бўладир? Ўзи мени чақирди. «Уйинг йиқилаёзган, иморат қил» деди. «Пулим йўқ» дедим. «Мен бераман, тилхат келтур, уч юз танга ол» деди. «Сендан юзга ўн беш фойда

олмайман, ўн танга бер» деб ҳам қўйди. Қозига бориб, уч юз тангага олти ойлик тилхат қилиб бердим. Хатни олиб сандиққа қўйди. Менга арпа, жўхори, тик, чой сотган бўлди. Сотган нарсаларни яна арзон баҳо билан ўзи олган бўлди. Олти ойлиқ пул фойдасини ҳисоблаб, ярмини сақлади. Ул деди, бул деди, менга юз йигирма уч танга пул берди. Уч юз тўқсон танга қарздор қилди.

Турсунбиби. Тангрим жонингни олғай, инсофсиз бой!

Ботур. Юз йигирма танга билан иморат қила олмадим. Пулни ўзига бериб, хатимни олай, дедим, кўнмади. Пулни бир оз ортдирай, деб қиморга бордим. Ярни унга кетди. Қолганини едим. Шундай қилиб, мени алдаб уйимни олди. Нима қилай эмди? Додимни ким эшитадир? Икки кундир, ейишга нонимиз йўқ. Унда-бунда томоқ қилиб юрамиз. Кампир онамининг юзига қарай олмай қолдим... *(Йиғисини қочирмоқ учун жойидан турадир-да, икки-уч одим нарига борадир. Узоқларга қарайдир. Ҳавосиз бир зиндондан янгигина чиққан кишиларнинг ҳирси билан соф ҳавони юта бошлар.)* Бўлмайдир бу!.. Бундай яшаб бўлмайдир! *(Жим бўлур.)*

Арслон бунга қараб тургандан сўнг, бир ишга қарор берган бўлиб ирғиб турадир. Ўтлаб турган қўйларнинг биттасини оғочдан ешиб онасига келтирадир, Ботурга эшиттирмай, сўйлайдир.

Арслон. Она!.. Булар тоғасининг уйига кўчганми?

Турсунбиби. Ҳа, шунга кўчдилар.

Арслон. Мана шу қўйни элтиб, бунинг тоғасига бер. Мен берганни айтма. «Буни Ботур юборди, сўйиб, ёғини эрутсинлар, этини сотиб, уйга озиқ олсунлар, деди» де, онгладингми, онажон?!

Турсунбиби. Буни ҳам берасанми? *(Жойидан туриб.)* Тўй нима бўладир болам?!

Арслон. Тўйми?.. *(Нафасини зўр билан ичга чекиб.)* Бўладир. Тез бўл, онажоним, тез бўл, кет!

Турсунбиби гапурмайин қўйни тортиб кетадир. Арслон оғир-оғир юриб Ботур ёнига келади.

Арслон *(марҳаматлик бир товуш билан)*. Ботур!.. *(Ботур айшладир.)*<sup>21</sup> Нега бунча ғужунасан?

Ботур. Бўлмайдир, ўртоқ, бўлмайдир! Бундай яшаб бўлмайди!..

Арслон. Ботур, қўб қайғурма, ишни йўлга қўярмиз.

Ботур. Бўлмайди, ўртоқ, бўлмайди. Хўрлик ошиб кетди эмди. Онамининг шу кунги йиғлаши мени битирди.

Куш иниға ўхшаған бир уйимни ҳам ортуқ кўрдилар, тортиб олдилар. (*Қайнар.*) Одамлар меним қонимни ичмак истайлар! Булар мени ўлдирдилар, битирдилар! Булар орасида турмайман, ўлдираман буларни. (*Юрагини тутиб.*) Менга, менга ким кўмак қиладир?! (*Йиқилаёзадир. Арслон уни тутадир.*) Ким?.. Ким мени қутқарадир?!

Арслон. Мен. Мана, мен ёрдам қиламан. Ботур! Ботур! Узингга кел ўртоғим, сенга нима бўлди? (*Ўртка қараб чекар.*) Кел, ўртоғим, бир оз ўтур, ҳеч қайғурма, ҳаммаси ўтар. (*Ўрт ёнига элтиб ўтқзади, косани кўтариб, ариққа югурадир, сув кетирадир.*) Ол, бир оз сув ич.

Ботур (*сувни ичиб, ҳолини тузатирға тиришиб*). Оҳ, ўртоғим. Кечирасан. (*Арслоннинг қўлларига ёпишадир.*) Мен сени қайғуртдим.

Арслон. Майли, майли. Ҳаммамизнинг қайғумиз бирдир. Мен сенга жоним билан, таним билан, бутун бор-йўғим билан кўмак қиламан.

Ботур. Эсон бўл, ўртоқ... (*Умидсиз.*) Эсизким... сўзингда тура олмайсан!

Арслон. Ботур, мен сўзимда тураман, сўзида турмаганларни одам санамайман. Сенинг тинчлигинг учун қўлимдан нима келса, қиламан. Сени бунча қайғуртқон нарса кичкинагина бир уйдир. Унинг чорасини топарман.

Ботур. Уй учун қайғурганим йўқ. Унинг учун қайғурмайман. Мени битирган, эзган нарса онамнинг шу кунги ҳолидир. Уйдан кўчарда унинг йиғлашлари, зорлари, уйнинг деворлариға ёпишиб ўпишлари мени эзди, хароб этди. Менга ёрдам эт, мени бу ҳолдан қутқор! (*Жойидан турадир.*)

Арслон. Ёрдам қиламан. Қўлимдан нима келса, қиламан.

Ботур (*юриб*). Сен ёрдам этсанг, ишимни йўлга қўярман.

Арслон (*жойидан туриб, Ботурнинг орқасидан юриб-юриб, сўйлар*). Нима истайсан? Сенга нима керак?!

Ботур (*қайрилиб, Арслоннинг қўлларини тутиб*). Арслоним, ўртоғим, кўмак қил!

Арслон. Айт, нима қилай!

Ботур. Онамнинг ўчини олмоқ истайман!

Арслон. Айт!

Ботур. Шу малъун бойни...

Арслон. Хўш?!

Ботур. Ўлдираман.

Арслон (*сесканиб, илигини Ботурнинг оғзига қўяр каби кўтарадир*). Йўқ... Бу бўлмас! Мен бунга рози бўлмайман. Биз қон тўкмайлик.

Ботур. Булар қўлидан келганини аямасун. Қила берсун. Бироқ биз қон тўкмайлик, шундайми?!

Арслон. Ботур...

Ботур. Йўқ биз қон тўкамиз! У мени уйимдан чиқарди. Мен уни дунёдан қуварман! У мени аллади, мен уни ўлдираман, меним билан унинг орасига ким тушса, унингда қонини тўкаман, онгладингми?!

Арслон. Ўртоғим!..

Ботур (*қичқириб*). Қўй, бас эмди! У яна беш йил дунёда турса, мен каби йигирма-ўттуз йигитнинг ўликлари сағанасиз, кафансиз кўчаларда чириб ётғусидир. Сен шуними истайсан?!

Арслон. Ботур, (*Ботурнинг қўлигидан тутиб*) мен уни қайғурмадим, сени қайғурдим<sup>22</sup>. Қайнаб кетиб, бир ўсаллиқ ишлаб қўйсанг, ҳокимлар онглаб қолурлар. Сўнгра сени ҳам ўлдираблар.

Ботур. Мен шу топда тирикми? Ўлмадимми ҳали? Йўқ, йўқ, мен ўлган, мен битган, мени ўлдириб битирдилар. Мансурни қисташи билан уйдан қувилган онамнинг қайғу булутига ўхшаб қаршимда йиғлаб туриши мени кўбдан ўлдирди. Кўбдан битирди. (*Қайнаб.*) Мен тирик эмас, мен ўлган, мен битган, бораман, ўлганлар, битганлар орасига бораман, ёлғиз бормайман. Мансурбой менга йўлдош бўлур! (*Силтаб, Арслоннинг қўлидан чиқиб, телбаларча югуриб кетадир. Арслон қайғу аралаш шошқинлиқ билан унинг орқасига қараб тургандан сўнг бирдан югуриб кетадир.*)

## ИККИНЧИ КЎРИНИШ

(*тўрт мажлис*)

Саҳна. Кечқурун. Биринчи кўринишдаги дала. Булут остидаги ойнинг ярим ёруғи сочилган. Бир оздан сўнг Арслон одам ахтарганлар тусли телбаланиб, у ён-бу ёнга қараб келади.

### 1-мажлис: Арслон

Арслон. Бу ерда ҳам йўқ! Бу йигит мени шоштирди, эсини йўқотган. Бир ҳафтадан бери Мансурбойнинг изига тушган, шуни ўлдираман, дейди. Ўсаллиқ<sup>23</sup> қилиб, уни ўлдира қолса, ўзини ҳам тутиб ўлдираблар. Тоғ каби бир

йигитимиз йўқоладир. Онасиға бир катта мотам бўладир. Туташ ёнимда олиб юраман, овутаман, кулишиб ўйнамоқчи бўламан. Ҳеч фойда бермайди. Шу кун мендан айрилғач, яна йўқолди. Билмасам, қаерга кетди! Нима қилди бу йигитга-а... (Юриб.) Тўрт-беш кун шаҳарға олиб борай, десам қўлим бўшамайди. Онам ёлғиз, унинг онаси ёлғиз. Тўлғун кишисиз, Тўлғундан айрилишим-да бўларлиқ иш эмас. (Ўйлагандан кейин.) Оҳ... Тўлғун... Бу курғур дунё, сени уйимға келтириб, тинчлантиришға йўл бермай туради. Тўрт-беш танга орттириб, тўйимизни қилурға йўл йўқ. Кундан-кун ишим ёмонлашиб боради! (Узоқдан бир кишининг от чоғиб келганини кўради. Қараб, ким эканини онглаганидан сўнг нафрат билан юзини қайтаради.) Сичқоннинг ўлими мушукнинг тўйи. Биз каби оппоқ юракли, тоза йигитлар тўрт томондан қисилиб, эзилиб турамыз, мана булар от чоғиб юралар, парволарига келмайди. Бизни бу ҳолға солган-да ўзлари... Шулар бечора Ботурнинг уйини тортиб олмаса эдилар, у бу кўчаларға тушмас, мен-да ўз ишимни кўра олар эдим. (Ариқ ёқасиға бориб, ўйлаб туради. Чиройлиқ, бўз бир отга минган Қудрат келади. Арслонни кўргач, отини тўхтатади.)

## 2-мажлис: Арслон, Қудрат

Қудрат. Арслон акамми?!

Арслон. Салом алайкум, бойвачча!

Қудрат. Кечаси чиққан экансиз-да?!

Арслон. Бир таноб қовуним бор-ку, шундан хабар олғали чиқтим. Бу ойдинни кўрган кайфим чоқ бўлди. Шуни томоша қилиб турибман.

Қудрат. Бизға ҳеч келмайсиз-а...

Арслон. Ишлар кўб, камбағаллик, ишламасанг оч қоласан...

Қудрат. Бизга ишингиз тушмайди. Шунинг учун келмайсиз. Бизга иши тушмаганлар келмайлар.

Арслон. Йўқ, ундай эмас.

Қудрат. Ҳай, келиб кетингиз. Одамнинг одамға иши тушмай қолмас. Бир кун эмас, бир кун ишингиз тушса, хизмат қилармиз. Ҳа, айтгандай, тўй қачон?!

Арслон. Тўй... яқинда бўлур.

Қудрат. Тўйингизни отам ҳам эшитдилар. Мана эмди Арслоннинг иши бизга тушади, деб қувондилар. Унга хизмат қиламыз, дейдилар.

Арслон (*кулумсираб*). Кўб яхши.

Қудрат (*сўзини қабул қилдирмоқ учун Арслон томонда- ги узангига тиралиб эгиладир, қамчиға суялиб сўйлайдир*). Менга қаранг, Арслон ака! Сиз пулим йўқ, деб тўйни кейинга қўйманг. Бош соғ бўлса, дўппи топилар. Фойдаға пул олишға қўрқасиз, биламиз. Бу ишингиз тузук. Фойдаға пул олманг, беш юз олиб, саккиз юз қарздор бўлмоқ яхши эмас. (*Арслон совуққина қараб тинглайдир.*) Сиз тўппа-тўғри шул тўрт таноб ерингизни бизга сотинг, яхши пулга оламиз. Ерингиз бизнинг еримизнинг ўртасида қолгани учун бизга керакдир. Пулини оласиз. Тўйни қиламиз. Ортиб қолганиға четданрак яна икки-уч таноб яхши ер оласиз.

Арслон. Яхши ҳисоб.

Қудрат. Жуда яхши ҳисоб! Мен ҳозир Шариф оқсоқолникидан келаман. Отам ҳам шунда. Шариф оқсоқол жуда яхши зиёфат қилди. Домлани, отамни, мени чақирган экан. Бориб, паловини едик. Улар гаплашиб ўтириб қолишдилар, мен келдим. Ҳа, унутдим, нима демакчи эдим-а...

Арслон. Ер тўғрисида эди.

Қудрат. Ҳа. Шунда отам сизнинг ерингиз тўғрисида гапурдилар. Ҳар қанчага сотса оларман, дедилар. Ҳай, деб пулни ола қолинг, тўйингиздан ортиб қолган пулга яна ўзим сизга икки-уч таноб ер топиб бераман, тузукми?

Арслон. Қани, кенгашиб кўрайлик-чи.

Қудрат. Кенгашни кўя беринг, ким билан кенгашарсиз? Бир ўртоғингиз Ботур биланми? Ундан нима кенгаш кутасиз? Ўткан кун қарасам, қимор ўйнаб турадир. Егани нон тополмаган кишига қиморни ким қўйди?!

Арслон. Ботур ундай одам эмас эди-ю, йўқсуллик ёмон нарса-да. Кишини ҳар балоға учратадир. Қимор ўйнатадир, ўғрилиққа чақирадир, одам ўлдиртадир. (*Арслоннинг сўнг сўзи Қудратға ёмон таъсир қиладир. Тўғирлаб отини ҳайдайдир.*)

Қудрат. Ҳай, уйга келинг, гаплашамиз (*кетадир*).

Арслон (*Қудратнинг кетидан нафрат билан қараб тургандан сўнг*). Яна меним еримға оёқ босдингизми?! Йўқ, бу еримни сотмайман. Севгилим учун сақлайман. Оҳ, Тўлғуним, у ерлар сенингдир. Улар сени бахтли тинчгина яшатоқ учун менга керакдир. Буларни сотмайман, булар бизни келгусимизни таламоқ истайлар. Йўл бермайман. Тўй пулини эса тиришиб топарман. Эрта-индин қовунларим етишадир. Шуларни сотсам, кичкинагина бир тўйга етар-

лик пул бўлур. (*Бирдан эсига Ботур келадир.*) Мен Ботурни ахтариб чиққан эдим. Уни топиш керак. (*Ариқ бўйлаб кетадир.*)

Саҳна бир оз бўш қолар. Сўнгра Мансурбой билан мулла Ашур имом сўйлашиб, келадирлар.

### 3-мажлис: бой, имом сўнгра Ботур

Мансурбой (*Кетсиз<sup>24</sup>, қироғсиз<sup>25</sup> узайған<sup>26</sup> экин ерларини кўрсатиб*). Қаранг, домла! Ойдинлик остида қандай чиройлик кўринади!

Имом. Воқеан яхши, тақсир! Эмди сизга вожиб таолонинг инояти катта-да, бой бобо! Қаранг, тўрт томонга ёйилиб турган олтун каби ерлар, катта-катта ҳавлилар. Йўлбарсдек бир ўғул, худо умрини ордтирғай.

Мансурбой. Алҳамдулиллоҳ, худога шукур.

Имом. Хайру эҳсон қилинг, шукур қилинг, мачитга қарашинг, тангримиз яна ордтира берадир.

Мансурбой. Албатта, албатта. (*Бир томонни кўрсатиб.*) Арслоннинг ери мана шу эмасми?

Имом. Шул, тақсир шул.

Мансурбой. Қаранг эмди, мана шу ёбоннинг ўзи юз ўн таноп, бунинг юз олти танопи меники. Ўртада бу йигитнинг тўрт таноп ери бор. Шунинг учун ҳар кун неча қатла менинг ерларимни босиб ўтадир. Мол ўтказадир, ўтларни едирадир. Бу тузукми?! Менга яхши пулға сотсун. Бир четдан яна уч-тўрт таноп ер олсун.

Имом. Кўб яхши бўладир. Бир кўриб айтамыз унга. (*Кучлик бир чора топған бўлиб.*) Бой бобо, бир иш қилсак бўладир. Мен Арслоннинг онасини бориб кўрай. Шу кампирни қондирай, саккиз олчин<sup>27</sup> чит берсангиз, элтиб берай.

Мансурбой. Саккиз олчин чит нега берай?!

Имом. Шундай қилиб кампирни алдаймиз-да.

Мансурбой. Жим туринг-ей... «Саккиз олчин чит беринг-а...» Саккиз олчин чит қанчага турадир? Пулсиз қолғач, ўзлари ҳам сотарлар.

Имом. Тақсир бир нарса берсангиз, кампирни тез алдасак, яхши бўлур. Майли чит бермасангиз, чой берингиз.

Мансурбой. Ҳай, беш мисқол чой бераман.

Имом. Хўб бўладир. Мен бориб кампирни кўндираман. (*Экин ерларига кайф билан қарағандан кейин.*) Шуни

хам олсангиз, шул ерларингизнинг камчилиги қолмайди, тақсир. Қаранг-а, юз ўн таноблиқ бир бутун ер-а. Яна ойдинлиқда бошқача кўринади. Бой бобо, бу ҳам сизга тангри таолонинг марҳамати. Китобда шундай деган: «Бир кишининг бутун ерларига ойдинлиқ сочилиб турса, у киши саодатлиқ кишидир», деган.

Мансурбой. Алҳамдулиллоҳ. Худоға шукур. Домулла вожиб таоло дунёмизни берди, эмди охиратимизни ҳам ўзи яхшилаб берса, сўнгра армон қолмайди.

Имом. Ҳа... иншооллоҳ, охиратингиз маъмур бўлсин. Менга қаранг, ахир китоб деганининг ёлғони бўлмайди. «Бир мулла билан бир табоқ ошни бирга еган киши биллоҳ азоб ужмоҳқа киради», деб китоб айтади. Худо хоҳласа, ужмоҳнинг энг яхши жойлари сизники бўлади.

Мансурбой. Домулла, ужмоҳнинг ерлари ободдир-а?!

Имом (*ҳовлуқуброқ*). Ҳу... нима дейсиз, бой бобо? Ужмоҳдаги ерларингиз-чи, жуда қизиқ бўлади. Оғочларнинг (*ёнидағи оғочни кўрсатиб*), мана шу таналари олтуңкумушдан, ёпроқлари зумураддан, мевалари ёқут, инжудан, ёқутдан ясалган юртлар, саройларда ўтурасиз, етмиш беш минг ҳур, етмиш беш минг ғилмон қўл қовуштириб хизматингизда туради.

Мансурбой (*жуда кайфланади*). Алҳамдулиллоҳ, алҳамдулиллоҳ, домулла, бу йил одамларға берган пулларимни оламан, экинларни тўплайман, сўнгра юринг, ҳажға борамиз.

Имом. Худо насиб этгай, омин.

Мансурбой. Домла, охиратда ужмоҳға киргунча анча гаплар бор чоғи?!

Имом. Қийин, бой бобо, қийин!!! Тангрининг ўзи тузатмаса, қийин! Уликни гўрга кўйиб одамлар кетгандан сўнг мункар-накир келар эканлар. Олимларға қарашган, хайру эҳсон эгаларига чиройлик бўлиб кўринар эканлар, ҳеч кўрқитмас эканлар, ёмон кишиларга жуда кўрқинчли, кўзлари олайган, танлари қоп-қора юнг босқон, оёқлари етти қабат ерға, бошлари етти қабат кўкка етишган бўлиб келар эканлар. (*Саҳнада Ботур кўринадур. Манглайиға боғланган боғлиқни кўзларининг устига туширган, яна бир боғлиқ билан жағи оғзи, қулоқлари ўралган, йиртиқ бир бўрқ<sup>28</sup>, қисқа бир чопон кийиб, белини боғлаган. Қўлида узун бир пичоқ, буларга кўринмасдан пойлаб юради. Имом сўзида давом*

*стадир.) Оловдан қанотлари, қизғин темирдан калтаклари бўлар экан. Одамни турғузиб, дўқ қилар эканлар. (Бирдан Ботурни кўргач.) Вой!... (Қочадир.) Қочинг, бой!*

Бой телба бўлиб, имомнинг кетидан эмас, Ботурга қараб қочадир. Ботур пичоқ билан урмоқчи бўладир. Бой жон ҳавли қичқириб, ҳезлаб Ботурнинг пичоқли қўлини билагидан берк тутадир. Бир қўли билан пичоқни тортиб олмоқ истайдир, талашадирлар, бой қичқиради. Ботур бойнинг бўғзидан тутиб силтаб-силтаб йиқитади. Бироқ бутун кучи билан икки қўллаб пичоққа ёпишқон бойдан, пичоқни кутқара олмайди. Бойнинг қичқиришларини эшитган Арслон худди шул талаш чоғда югуриб келади.

#### 4-мажлис: Бурунғилар, Арслон

Арслон. Нима гап? Вой, одам ўлдиралар, ўғри!!! (Югуриб келиб оёғи билан Ботурни қаттиқ тепадир. Ботур юмалаб йиқилади. Бой Ботурнинг тагидан қутилғач, ҳеч томонга қарамай, туриб қочадир. Арслон жойидан бот ирғиб турган Ботурга қичқиради.) Кимсан?!

Ботур (жуда асабий, титрайди. Пичоқни кўтариб Арслонни урмоқчи бўладир. Бирдан бу фикрдан қайтиб, пичоқни узоқларга иргитади-да, Арслонга жавоб беради). Мен!

Арслон. Ботур, сенга нима бўлди, жинландингми сен?! Сени ўғри кийимида кўраман, бу нима гап?!

Ботур. Бундан кейин яна бир йўла бизнинг орамизга кирсанг, унинг учун чекганим пичоқни сенинг қонинг билан бўяб қўяман, онгладингми?! (Қайтиб илдам юриб саҳнадан чиқар.)

Арслон шошқонидан нима қилишини билмай қараб турган чоғда парда тушадир.

### УЧИНЧИ ПАРДА

#### БИРИНЧИ КЎРИНИШ

(уч мажлис)

Саҳна. Кўрғонбегининг уйи. Саҳнанинг ярмиси Бекнинг катта, безанган меҳмонхонасининг ярмиси шул меҳмонхона бўйи узанган буюк суфани кўрсатади. Меҳмонхонадан суфага уч эшик очилган. Бекнинг ўзи меҳмонхонанинг тўрида, охириги эшикнинг ёнида, қимматли кўрпалар устида ўлтурган, арз сўрайди. Тубанда икки маҳрам ўлтурган, бири чой сузиб беради. Суфада Бек турган эшик олдида жанжалчилар мана шундай ўлтурганлар: Бекнинг худди қаршусида жанжалчи Яраш билан Боймурод. Уларнинг ёнида икки оқсоқол. Оқсоқоллар билан Бек орасида, худди эшик ёнида кумуш камарли ясовулбоши оқ таёғини кўкрагида эгри тутиб, тик туради. Жанжалчиларнинг боши узра Бекнинг икки

ясовули тик туралар. Ҳар икки томоннинг тарафкашлиғи учун келган қишлоқдилар. Ўтурганларнинг боши-бошида ясов тортиб турадилар.  
Бек оқсоқолларга гапириб турадир.

**1-мажлис:** Бек, Яраш, Боймурод,  
Ясовулбоши, ясовуллар, қишлоқдилар,  
маҳрамлар

Бек. Жаноби олий сизларни юртқа шунинг учун катта қилиб қўйган. Мана шундай ишлардан хабар олиб юрасиз.

Бир оқсоқол. Балоингизни олай, тақсир. Боймуроднинг ҳеч гуноҳи йўқ. Гуноҳ Ярашда...

Ярашнинг тарафкашлари оқсоқолга қаршу қичқиришадирлар. Уларга қаршу Боймуроднинг тарафкашлари қичқиришадирлар. Товушлар бир-бирига аралшиб эшитилмас ҳолга қолади.

Эл орасидан. Оқсоқол почча, худони ҳозир кўринг... Ёлғон айтасиз, оқсоқол...

— Сиз ёлғончи...

— Тақсир, балоингизни олай...

— Гуноҳ Ярашда...

— Гуноҳ Боймуроднинг ўзида...

— Садағангиз кетай, Бек бобо, додимизга етинг...

— Худодан кўрқмай ёлғонлайлар...

Бек қўли билан ишорат қилиб, жим туришга буюрадир, ясовулбоши билан ясовуллар «Тўхта, гапурма, қичқирма», деб элни тўхтатишга тиришарлар. Бир-икки кишини туртиб, итариб йиқитсалар-да... Товушлар куч билан тўхтатилгандан кейин бек гапирадир.

Бек. Гуноҳ кимда бўлса, биз биламиз.

Эл орасидан. Ўргулай, тақсир...

— Балоингизни олай...

— Каромат қилдингиз...

Ясовулбоши билан ясовуллар яна телбаланиб, қичқирганларни жимитадилар.

Бек. Бизни жаноби олий: «Элнинг яхши-ёмонларини ажратиб ол!» деб юбордилар. Биз ёмонни эсон қўймаймиз. Гуноҳ кимда эса, жазосини берамиз. Алҳамдулиллоҳ, зиндонимиз бор, кишанимиз бор. Булар билан бўлмаса, жаноби олийга арз қилиб, ўлдиришга ҳам кучимиз етадир.

Эл (*қувониб, қичқиришиб*). Албатта, тақсир, албатта!

— Гуноҳ Боймуродда!..

— Яраш гуноҳкор!..

- Ёлгон айтасиз!..
- Ўзинг ёлгончи!..
- Сен ёлгончи!..

Ясовулбоши билан ясовуллар товушларни куч билан тўхтатадилар.

Бек. Боймурод, паналат<sup>29</sup>, тинч юрмайсанми?!

Боймурод. Тақсиржон, балоингизни олай, нима қилдим ман?

Бек. Сенга шу ишларни ким қўйди? Жонингдан тўйдингми?!

Боймурод. Балоингизни олай, гуноҳим нима?!

Бек. Паналат, ўғри. Мен сени билмайманми?! Мендан гап сўрайсан? Сен яхши кишими? Ким сени гуноҳсиз, деди?!

Оқсоқоллар. Тавба қилдим, де!

— Тавба қил, Боймурод!

— Боймурод, бадбахт, гапурма, тавба қил!

— Тавба қилибдир, тақсир!

— Тавба қилибдир!

Боймурод. Тавба қилдим, тақсир!

Яраш. Садағангиз кетай, Бек бобо. Ўзингиз ҳаммамизни яхши биласиз!

Бек. Гапурма, паналат, аҳмоқ. Сени ким билмайдир?!

Мен сенинг қилиб юрган ишларингни билмайманми?

Яраш. Тавба қилдим, тақсир!

Бек. Эшак, ўғри! Тирноғларингни узиб ташлайман.

Тишларингни синдираман. Сен хом хаёлга борибсан!

Яраш. Тавба қилдим, тақсир!

Бекнинг газабидан қўрққан элнинг дами чиқмай қоладир. Бек ўзининг билармандлигидан мамнун қолиб, нос чекадир, сўнгра гапирадир.

Бек. Ҳоким билан ўйнайсизми?! Ҳокимнинг таёғи бор, зиндони бор, ҳукми куши<sup>30</sup> бор. Сизни қўяларми?! (*Ясовулбошига қараб.*) Буларни сақловга<sup>31</sup> чиқариб, жанжалларини битиринг. (*Жанжалчиларга.*) Турингиз жойингиздан (*Бир хатни ўқиш билан машғул бўлади.*)

Ясовулбоши. Турингиз, ҳазратни дуо қилингиз.

Эл. Омин, ҳазрат жаҳонгир...

— Давлат барқарор...

Ҳаммалари турадилар. Боймурод жойидан қимирламайдир.

Ясовулбоши. (*Боймуродга қичқирадир.*) Тур жойингдан!

Ясовулбошининг қичқириши билан Бек бошини кўтариб, Боймуродга қарағач, Боймурод йиглаб гапуради.

**Боймурод.** Балоингизни олай, тақсиржон, менинг додимга ўзингиз етасиз, арзимни ўзингиз сўрайсиз. Мен шундан чиқмайман!

**Бек.** *(Боймуродни турғизишга тиришган ясовулларга).* Ур паналатини! *(Ясовул бир шапалоқ урғач, Боймурод «вой» деб юзини тутадир.)* Ур паналатини, ур, ур. *(Ясовуллар уралар, Боймурод «ўлдим», деб қичқирадир, оқсоқоллар «тавба қилибдир, тақсир», деб қутқариб олиб кетарларкан, Мансурбой суфага чиқиб, ҳалиги эшикдан бекка салом берадир.)*

## 2-мажлис: Бек, бой, маҳрамлар

**Бек.** Ие, бойми?! *(Туфдонни кўтариб, носини туфлайдир.)*

**Бой.** Тақсир!

**Бек.** Келинг, уйга киринг, бой!

**Бой.** Хўб, тақсир. *(Югуриб қуйи эшикка келади. Кавшини ешиб, уйга кирадир.)*

**Бой** *(яна).* Салом алайкум.

**Бек.** Ваалайкум, бой, марҳамат, қани кўришайлик. *(Кўлини узатадир. Бой югуриб бориб кўришади.)* Ўтуринг. *(Бой ўтурадир.)* Қалайсиз, яхшимисиз?!

**Бой** *(жойидан туриб ўқунади).*<sup>32</sup> Куллуқ, тақсир. Давлатингиз кўланкасида бир нав юрибмиз.

**Бек.** Яна бизнинг ёқларга келиб қолибсиз!

**Бой.** Ҳа, тақсир! Бошимизга иш тушгач, сизга югурамиз-да, тақсир! Ҳаммамизнинг отамиз, бобомиз сиз бўласиз.

**Бек.** Хўш, нима бўлди яна?!

**Бой.** Тақсир, қулингизни ўлдир аъдилар...

**Бек.** Айтманг-ей!

**Бой.** Худонинг марҳамати билан қутулиб сизга келдим. Тақсир, ўлимимга ҳеч нарса қолмаган эди!

**Бек.** Нима бўлди? Гапуринг қани!

**Бой.** Тақсир, бир кеча қишлоғимизнинг оқсоқоли зиёфатга чақирди, имом билан бордик. Қулбаччангиз ҳам бор эди. Анча гапуришиб ўтурдик. Сўнгра қулбаччангизни жўнатдик. Биз яна бир оз ўтуруб, имом билан йўлга чиқдик. Гаплашиб келар эдик. Бизнинг домулла имомимиз жуда яхши одам, тақсир, ўзи мулла киши, китобдан, гўру қиёматдан гапуриб келди. Келаси йил, худо хоҳласа, ҳажга

борамиз, деб ўзаро сўз беришдик. Худди шу тобда бир ўғри чиқиб, бизга ҳамла қилди. Домулла қочди. Ўғри мени тутиб йиқитди. Икки қўллаб қучоғига ёпишдим. Худо хайр қилди, тақсир, пичоғини қўлимдан чиқара олмади. Талош чоғида бир киши келиб, унга ҳамла қилди. Мен қутулиб қочдим. Худога шукур, тақсир, тирик қолдим. (*Ярим йиғлаб.*) Бўлмаса, ўлган эдим, тақсир.

Бек. Худо хайр қилибдур, бой, ёнингизда пичоғингиз, яроғингиз йўқ эдими?

Бой. Йўқ эди, тақсир!

Бек. Худо хайр қилибдур! Шул ҳажга борамиз, деганингизнинг хосияти билан қутулибсиз. Худойи қилинг, бой!

Бой (*йиғлаган каби бўлуб.*) Худога шукур, тақсир, қутулдим!

Бек. Хўш, эмди, бу ишни кимдан гумон қиласиз?

Бой. Тақсир, қишлоғимизда ёмонлар кўб. Ботур деган қиморбоз йигит бор. Арслон деган бир оқпадар бор. Иккаласи ҳам бетавфиқ. Тақсир, шулардан гумоним бор. Ботур деганинг мени ўлдурмоқчи бўлиб юрганини эшитган эдим. Арслон эса ўзимга неча йўла ёмон ҳаракатлар қилган эди.

Бек (*махрамга*). Ясовулбошини чақир!

Маҳрам. Хўш. (*Чиқадир.*)

Бек. Бой, буларнинг сизга нима душманлиғи бор?

Бой. Эмди... ўзлари камбағал, тақсир. Ўзига тинчроқ кишини кўролмайдилар-да. Бўлмаса, нима душманликлари бўларди?

Маҳрам кириб ўтурадир. Ясовулбоши суфа томондан келади.

### 3-мажлис: бурунғилар, ясовулбоши

Бек. Ясовулбоши, дарров чаққонроқ бир одамингизни чақириб, Мансурбой аканинг қишлоқлариға юборинг. Ботур, Арслон деган йигитлар бор эканлар. Шуларни олиб келсин.

Бой. Тақсиржон, қишлоғимизда Ойнуқса деган бир кампир бор. Олтмишга кирган. Унинг ҳам шу ишлардан хабари бўлса керак.

Бек (*Ясовулбошига*). Ойнуқса кампирни ҳам кетирсинлар. Дарров юборинг.

Ясовулбоши. Хўб. (*Югуриб кетади.*)

Бек (*бойға*). Сиз эмди ёзилинг, улар келгач, ишларини кўрармиз. (*Маҳрамлардан биттасига.*) Бойни нариги меҳмонхонага олиб бор. Чой дамла, чилим бер, ёзилсунлар.

Бой (дуо қилиб). Давлат барқарор бўлсин, тақсир. (Туриб маҳрамнинг кетидан боради.)

## ИККИНЧИ КҶРИНИШ

(бир мажлис)

Саҳна. Биринчи кўринишдаги жой. Бек ўз жойида, Бой унинг олдида. Ўлтурган маҳрамлар чой суздиладар. Суфада жанжалчилар ўрнида Арслон, Ботур, Ойнуқса кампир, Турсунбиби, Норхола, оқсоқол ҳам қишлоқ одамлари, Ясовулбоши ҳам ясовуллар.

**1-мажлис:** Бой, Арслон, Ботур, Ойнуқса, Норхола, Турсунбиби, қишлоқдилар, маҳрамлар

Бек. Сизни қўяманми? Кўзларингизга бигиз суқаман. Сиз каби юртсиз, емсиз, ўғрилар бойларимизни кўчада босиб ўлдира берсалар, жаноби олийнинг мулклари хароб бўладир-ку!

Оқсоқол. Тақсир, каромат қилдилар, тақсир...

Норхола. Тақсиржон, тухмат, бизга тухмат, тақсиржон!

Турсунбиби. Тухматчи бойнинг ўзи қани? Ўзи келиб гапирса бўлмайдирми?

Оқсоқол. Ўргилай, тақсир, ўзлари ёмон эмас эдилар. Ўғрилиқ қилганларини билмаймиз...

Бек. Сен ким бўласан ўзинг?!

Бой. У киши оқсоқолимиз, тақсир.

Бек. Оқсоқол бўлсанг, қишлоқнинг ёмонларини кўрсатиб бер-да. Мунда ўтуриб буларни ёқлағанинг нимаси?

Оқсоқол (Ботурни кўрсатиб.) Буниси бир оз қимор ўйнаб юрган эди, тақсир...

Қишлоқдилар. Оқсоқол, худони ҳозир кўринг<sup>33</sup>.

— Ёлғон айтманг.

— Буларнинг ёмонлиғи йўқ, тақсир!

Норхола. Инсоф қилинг, оқсоқол почча!

Ойнуқса. Нега бизни қийнайсиз мунча?!

Бек (қўли билан уларни тўхтатиб). Қимор ўйнаса, одам ўлдирса, яна нимаси қоладир?! Сизларнинг ҳаммангиз ўғри. Буларни зиндонга солгандан кейин арз қилиб, сизларнинг ҳам жазоларингизни бераман.

Оқсоқол. Қуллуқ, тақсир.

Норхола. Бек бобожон, болаларингизнинг умрини кўринг, бизларга раҳм қилинг, ўргулай.

Бек. Бу ким? Ҳали буларнинг ўртоғи бўлган кампир қани?

Ясовулбоши. Мана тақсир. *(Ойнуқсани кўрсатадир.)*

Бек *(Ойнуқсага)*. Сен бу ўғрилар билан қачондан бери ўртоқ?!

Ойнуқса. Эй дод-ей, бу қандай гап-ей! Олтмишга кириб, энди ўғрилик отини кўтардимми! *(Йиғлаб, қўллари ерга уриб.)* Болаларингнинг ўлимини кўр, Мансурбой! Худонинг ғазабига йўлуқ, Мансурбой!

Бек. Қичқирма, кампир! *(Бой ёқасини тутадир.)*

Ясовулбоши. Қичқирма!

Арслон. Садағангиз кетай, бек бобо, биздан ҳам бир оғиз гап сўранг.

Бек. Нима дейсан сен? Мен сени билмайманми?

Арслон. Ўргулай, тақсиржон, арзимни эшитинг, сўнгра ўлдурсангиз ҳам майлингиз. Бир вақт ярим кечалар ёбонга чиққан эдим, бир кишининг додлаб қичқиришини эшитдим. Югуриб борсам, пичоқли бир киши бой бобомни ўлдирмоқчи, телбалик билан келиб биқинига телиб юбордим, юмалаб кетди. Бой бир ёққа, у бошқа ёққа қочиб кетдилар. Мана шундай қилиб, бой бобомни ўлимдан қутқазганимни биламан, бошқа гуноҳим йўқ, тақсир!

Бек. Сен соғ киши бўлсанг, ярим кечада худди бойнинг йўлини тўсган паллада ёбонда нима қилар эдинг?!

Арслон. Бир таноқ қовуним бор. Шундан хабар олғони чиққан эдим, тақсир!

Турсунбиби. Ўзини қутқарган кишига тухмат қиладирми? Бу қандай гап, ўргулай, бу қандай гап?!

Ясовулбоши. Шу қочиб кетган ўғрини танимайсанми?

Бек. Гуноҳинг бўлмаса, шу ўғрини бизга кўрсат!

Арслон. Балоингизни олай. У қочиб кетди, кўролмадим. Юзи ҳам ёпуқ эди?

Ясовулбоши. Бойни танидинг. Уни танимадингми?

Турсунбиби. Юзи ёпуқ экан-ку. Қандай танисун, ўғлим?!

Арслон. Тақсир, бой бободан сўранг, ўзлари ҳам танёлмадилар. Юзи ёпуқ эди.

Бек. Паналат, менга гап ўргатасанми?!

Арслон *(ғазабланиб)*. Тавба қилдим?..

Бек *(Ботурни кўрсатиб)*. Бу ўғри, сен унинг ўртоғи. Иккингиз бойни ўлдиргали кенгашиб чиққансиз. Йўлда

кенгашингиз бузилган, жанжал қилгансиз, бу сенга ҳақ бермаган. Сен бойни қутқаргансан.

Ботур. Тақсир, ҳали бойни ўлдирмасдан унинг пули устида қандай жанжал қиламиз?!

Бек. Булар кўп чебар эканлар. Туташ бизга гап ўргатиб туралар!

Арслон. Ҳақиқат қилинг, тақсир!

Бек. Ҳақиқат қилайми? Жуда яхши! *(Ясовулбошига.)* Буларнинг учаласини ҳам элтиб қаманг. Жаноби олийга арз қилиб, жазоларини берармиз.

Ясовулбоши *(ясовулларга)*. Тортинг!

Ясовуллар Ботир, Арслон ҳам Ойнуқсани кейинга тортиб турғазадирлар. Норхола ўглининг этагини тутадир. Турсунбиби Арслонни кучоқлаб ўпади. Оналар болаларини тутиб, бойни қарғаб, Бекка ялиниб йиғламакда экан, ясовуллар силтаб уларни ажратқондан сўнг бандиларни олиб кетадирлар. Норхола эсидан тойиб йиқилади. Турсунбиби йиғлаб қолади. Кишлоқчилар улар билан машғул бўладилар. Шу чоқда бой югуриб суфа томонга чиқадир-да, Бек ўтрўсига<sup>4</sup> келади.

Бой. Тақсир, арзим бор!

Бек. Нима дейсиз, бой!

Бой. Тақсиржон, буларнинг ҳаммаси ҳам ёмон-ку, лекин Ойнуқса кампирнинг гуноҳини ўзимга бағишланг, тақсир!

Бек. Нимага?

Бой. Тақсир, ўзи қариб қолган бир кампир. Уйда ёшгина қизчасидан бошқа кишиси йўқ, ҳолига жабр бўладир.

Бек. Ҳай, қайтаринг!

Бой. Куллуқ, тақсир! *(Кейинга қайтиб чақирмоқчи бўлади. Оқсоқол ундан бурунроқ югуриб чақиради.)*

Оқсоқол *(узоққа бормаган ясовулларга)*. Ясовул, ҳув ясовул, Ойнуқса кампирни қайтаринг. *(Кўли билан имлаб.)* Қайтаринг Ойнуқсани!

Бек. Жудаям раҳмдил экансиз, бой.

Бой. Ҳа, тақсиржон, нима қилайлик. Ўз камбағалларимиз-да.

Бек. Ҳа, майли, шу иккиси жазо кўрса бўлгани.

Бой. Куллуқ, тақсир! *(Бир ясовул Ойнуқса кампирни қўлтиғидан кўтариб келтиради. Кампир қўрқишидан юрولмайди.)* Мана, келтурдилар, тақсир. *(Ясовул кампирни келтириб, Бекка тўғри қилади.)*

Бек. Қурғур кампир, сенинг гуноҳингни бойга бағишладик. Бўлмаса зиндонда чириб кетар эдинг. Бор, жаноби

олийни дуо қил! Шундан кейин ёмонлиқ қилсанг... Кет!  
Йўқол!

Оқсоқол. Жаноби олийни дуо қил, кампир, қутулдинг! Бек бобомни ҳам дуо қил! Омин! (*Кампир гапиролмайди. Қўлини кўтариб, юзига суртадир.*) Оллоҳу акбар, тур эмди. (*Кампирни қўлтиғидан олиб турғизадир, қишлоқчилар олиб кетадирлар.*)

Бой. (*Бекка тўғри бўлиб ерга ўлтурадир.*) Ҳай, тақсир, давлат барқарор.

Бек. Ҳа, кетасизми эмди?!

Бой. Рухсат бўлса, кетай, тақсир. Умру давлатларига худо баракасини берсун. (*Қўлларини юзига суртадир. Бек ҳам қўлини юзига суртадир, бой қайтиб кетадир.*)

### УЧИНЧИ КҮРИНИШ

(уч мажлис)

Саҳна. Бурунги ўрун. Бекнинг меҳмонхона эшиклари ёпиқ, ўзи йўқ. Суфада ясовулбоши, Хайри мирзабоши, Тўра, Жума, қоровулбегилар чой ичиб гапиришиб ўтурган.

**1-мажлис:** Ясовулбоши, Хайри мирзабоши,  
Тўра, Жума, Қоровулбегилар

Хайри. Худо умрини берсин, бегимиз жуда ўткур бек-а. Ҳой, бурунги бек бўлса, эшон, қозидан жуда қўрқар эди. Бу киши тунокун Ражаб Аминнинг уйида шундай сўқдиларки, эшон, қозининг дами чиқмай қолди.

Жума. Ие... менга қаранг. Бу эшон, қози нима?! Бек ундан катгаларини ҳам сўка бералар. Бир кун рикобда\* жуда катта бир бек билан урушиб, маховини чиқардилар.

Ясовулбоши. Ўзи ҳам амир билан ён-ёнга ўтуришиб гаплашадир, ака.

Хайри. Амир бегимизни жуда яхши кўрар эканлар.

Жума. Яхши кўриш ҳам гапми, худди оға-ини каби, ҳар ишда шу киши билан кенгашалар.

Тўра. Хув, қайси кун жанжал қилиб Бекнинг олдиға келган Боймурод, Ярашлар йўқми?

Хайри. «Хув қайси кун!», дема, уч-тўрт ой бўлди.

---

\*Рикоб — (форсча) узанги маъносидадир. Хошлиқлар замонида аминнинг дарбори маъносида ишлатилар эди. (*Муаллиф изоҳи.*)

Тўра. Ҳай, одамзоднинг умри-да. Барибир, уч-тўрт кун нима, ҳаммаси ўтиб кетадир.

Хайри. Ҳой, тўхтанглар, шул Боймурод билан Ярашнинг жанжаллари нима эди? Хўб дағал бўлди, Бек ҳам анча сўкдилар-у, жанжалнинг нима эканини ҳеч ким онглаёлмади!

Ясовулбоши. Хўй, менга қара, катталарнинг кўнгли худонинг ойнаси бўладир. Жанжалчи келиб ўлтурдим, улар ишнинг нима эканини билиб оладирлар. Мен, сен каби ҳафтафаҳмлар қиёматгача онгламай юрамиз, билдингми?

Жума. Гапни бошқа ёққа чўзманглар. Тўра сўзини битирсун, ҳай, гапур, қани, Боймурод билан Яраш нима қилдилар?

Тўра. Яраш шу жанжалдан хафа қолган экан. «Бек бизнинг додимизга етмади», деб бориб амирга арза берган. Амирнинг аччиғлари келган-да, уни етмиш беш таёқ уруб, рикобдан ҳайдаганлар.

Ясовулбоши. Албатта, шундай бўлади-да. Амир кичкина одамми? «Фалончи одамнинг мундай қилди. Фалончиси шундай қилди», деб унинг бошини оғритиб юрсалар, қўядирми?! Ҳой, менга қара, мен жаноби олийнинг катталигини сенга айтайми? Бу киши Маскопга борганда оқпошшонинг ўзи министрлари<sup>35</sup> билан пешвога чиқар экан. Бўлмаса-чи...

Шу чоғда бир ясовул билан Мансурбой қишлоғидан оқсоқол, Кўр Ҳасан, Тўрақул, Турсун ҳам Қудратбойвачча келади.

## 2-мажлис: бурунғилар, ясовул, Тўрақул, Ҳасан, Турсун, Қудрат, Оқсоқол

Ясовул. Саломалайкум. *(Оқсоқол билан қишлоқлиларда ясовулбошига салом берадирлар.)*

Ясовулбоши. Ваалайкум. Қани, овларингиз барорми? Бек қайда?

Ясовул. Жуда яхши. Бек кеча овдан қайтиб, Мансурбойга кўндилар, бу кеча катта зиёфат едик.

Ясовулбоши *(Қудратга.)* Зиёфатдан қолибмиз-да, бойвачча! Қани кўришайлик-чи. *(Кўлини узатадир. Кўришадир.)*

Қудрат. Сизники тайёр, тақсир. *(Ўтурадир.)*

Ясовулбоши *(ясовулга).* Хўш, қани, нима гап? Булар нечун келди?!

Ясовул. Арслон билан Ботур ишлари учун келдик. Арслоннинг онаси ўлим ётоғида экан. Қишлоқдағилар уларнинг афвини сўрайдилар, бой ҳам рози бўлдилар. Бек мана бу хатни сизга юбордилар. Хизматоналарини<sup>36</sup> яхшилаб олиб, ўзларини озод қилсун, дедилар. (*Қўлтуғидан чиқаргани хатни ясовулбошига берадир.*)

Ясовулбоши (*хатни оладир*). Ўтуринглар. (*Ясовулбоши билан оқсоқол ёқтироқда*<sup>37</sup>, *бошқалари ҳар бири бир томонда ўтурадилар. Ясовулбоши хатни ўқийдир.*) «Ихлос осор қилич ёсовулбоширо онки, Арслон ва Ботур ном гуноҳкоронро аз рўйи ҳохиши фуқарои жаноби олий аз зиндон бароварда озод карда дар ҳаққи жаноби олий дуо гирд»<sup>38</sup>. (*Хатни қатлаб қўлтиғига қўядир.*) Хайри мирзабоши, бориб зиндондан келтуринг аларни!

Хайри мирзабоши. Хўб. (*Туриб кетадир.*)

Ясовулбоши (*Қудратга*). Бойбачча, гапиринг қани, бу бандиларимизни нарса коралари<sup>39</sup> борми?

Қудрат. Ботур дегани жуда камбағал. Битта ҳовлиси бор эди, уни бизга сотиб, қимор ўйнади. Бошқа нарсаси йўқ. Дарбадар юрадир.

Ясовулбоши. Арслон-чи?

Қудрат. Арслон тузук. Бир ҳовличаси билан тўрт таноб ери бор.

Ясовулбоши. Ҳа, бўлуптир. (*Ясовулға*). Қайсисининг онаси касал дедингиз?!

Ясовул. Шу Арслоннинг онаси касал, балким ўлгандир.

Тўра. Яхши бўлиптур. Онаси ўлган бўлса, унга уй ҳам керак эмас эмди.

Ясовулбоши (*бандилар келган томонга қараб*). Биттасини келтирдилар-ку! (*Қудратга*.) Бу қайсиси, бойбачча?!

Қудрат. Арслони шу.

Хайри мирзабоши билан зиндончи Арслонни келтирадилар. Арслоннинг бош-оёғи яланг. Соч-тирноқлари ўсган. Кўйлак-иштони йиртилиб, кир босқон, кишан орасида сингири<sup>40</sup> эзилган бир ҳолда юрадир. Бир ёнида оёқланг, хунук башарали, кирли бир тўппи билан йиртиқ бир чопон кийиб, белини арқон билан боғлаган зиндончи, бир ёнида Хайри мирзабоши келади. Ясовулбошига тўғри бўлиб тўхтайдир.

### 3-мажлис: Бурунғилар, Арслон, Зиндончи

Ясовулбоши. Буларнинг биттаси қани?

Зиндончи. Тақсир, бир ҳафтадан бери қаттиқ касал эди. Томоқ<sup>41</sup> ҳам қилолмас эди. Бобо мирзабоши билан бориб хабар олсақ, шу кеча ўлиб қолибдир!

Арслон Ботурнинг ўлим хабарини эшитгач, сесканиб манглайини тутадир.

Ясовулбоши (*зиндончига*). Падарингга налат, бу нима қилганинг? Битта банди ўлубдир, хабар бермайсанми?! Қандай ўлди, нима касал бўлди, билмадингми?

Зиндончи. Қандай билай, мен табиб бўлмасам!

Ясовулбоши. Ўл, бадбахт, афтига қаранг-у! (*Арслонга.*) Ука, йўлдошинг ўлган экан, худо раҳмат қилсин. Эмди сени озод қиламиз. Мана, оқсоқолингиз билан қишлоқлиларингиз, булар билан кенгашиб ишқил боғимизни тузукрак қилинг. Жанжалингиз — қон жанжали. Бекнинг ҳақлари катта бўладир.

Арслон (*ўйлайдир*). Ботур, ўчингни ололмай кетдинг! Кошки шу кеча сенга тўсқинлик қилмағай эдим!

Ясовулбоши. Онгладингми, ука! (*Оқсоқолга.*) Туринг, бунга гапни онглатиб, ишни битиринг.

Оқсоқол. Хўб, тақсир. (*Арслонга.*) Қани, кел! (*Арслонни бир четка тортадир, қишлоқлилар ҳам Қудратдан бошқалари Арслон теграсида тўпланиб гапурадилар.*)

Оқсоқол. Арслон, ясовулбошининг гапини эшитдингми?

Арслон. Эшитдим.

Оқсоқол. Нима қиласан, нега жим турдинг?

Арслон. Нима қилай?

Оқсоқол. Буларнинг хизматона, ишқил боғиларини бериб, уйга қайтиш керак.

Арслон. Қани пул менда?

Ҳасан. Арслон ака, сиз қамоқда ётганда ерларингизда қовун, буғдойларингизни кўтариб сотқон эдим. Бир озини онангизга уй чиқими учун бердим, қолган юз йигирма тангаси менда қолди. Шуни кетирган эдим.

Оқсоқол. Кўр аҳмоқ. Махов гапларни қайдан топасан-а?! Юз, йигирма танга билан нима бўладир?! Бу қон жанжали.

---

\*Ишқил боғи — бандиларни озод қилганда олинатурган пул. (*Муаллиф изоҳи.*)

Арслон. Қанча пул кетадир?

Оқсоқол. Ками саккиз юз танга кетадир.

Арслон. Мен бу пулни қайдан топай?

Оқсоқол. Бизлар бир нарса ўйлаган эдик. Қудратбой-ваччани олиб келдик, қамоқдан чиқишни хоҳласанг, тўрт таноп ерингни бойга сот. Қудрат бойваччани чақириб, савдо қиламиз. Пулни буларга бериб чиқамиз. Тўппа-тўғри эшон, қозиға бориб, васиқа қиламиз, сўнгра жўнай берамиз.

Ҳасан. Ерни сақлаб, уйини соттирмақчи, оқсоқол почча!

Оқсоқол. Кўр, сен тушунмай гапираберар экансан-ку! Бойга ер керак-да, ҳовлини нима қилсун? Ўзинг биласан, мунинг кампир онаси касал, эрта-индин ўладир. Бунинг келишини кутиб турадир.

Ҳасан. Уни биламан!

Оқсоқол. Билсанг, нега чўзиб турасан. Тезрак кут-қарсанг бўлмайдими?

Арслон (Ҳасанга.) Ё онам ўлдими?

Ҳасан. Йўқ, касал.

Оқсоқол. Улмаган бўлса ҳам эрта-индин ўладир, ука! Мен сени шунга кўрсатайлик деб савоб учун бу ишларни қилиб турибман.

Арслон ғазабдан ўзини йўқотиб, оқсоқолга ёмон қараб сўйлайдир.

Арслон. Не бўлса, бўлсун, қутулишим керак. Майли, сотаман еримни.

Оқсоқол. (Хурсандликдан бошқаларга эшиттириб гапурадир.) Афту башарангни бир оз тузат, одамни мунча кўркутуб, нима қиласан! (Қудратни чиқарадир.) Бойвачча, келинг қани! (Қудрат жойидан туриб келади.)

Қудрат. Саломалайкум, Арслон ака, қалайсиз? Кўришайлик-чи! (Қўлини узатиб кўришар-да, Арслоннинг заҳарли қарашларидан ҳуркуб, кейинга чекилади.) Қани, оқсоқол почча, нима хизмат?!

Оқсоқол. Бойваччам, Арслон акангизга бир ёрдам қилинг, тўрт таноп ери бор, шуни сотсун. Ери яхши. Ҳам ўзи ерларингизнинг ўртасида. Сиздан бошқа ҳеч ким олмайди. Шуни сиз олиб, пулни беринг. Чиқимларини қилиб муни чиқарайлик. Шу кун эшон, қозиға бориб васиқа қиламиз.

Қудрат. Мен отамдан рухсат олмай, қандай қиламан?!

Оқсоқол. Отангиз рухсат бералар, албатта.

Қудрат. Нима бўлса ҳам рухсат олиш керак-да, оқсоқол почча!

Оқсоқол (*ёлғондан жиддийлашиб*). Бойвачча, сиз олинг, отангиз қабул қилмасалар, пулларини фойдаси билан олсунлар. Одамни қийнаманг мунча!

Қудрат. Ҳай, сўзингиз синмасун, майли олайн. Нархини айтинг!

Оқсоқол. Тўрт танопи минг танга.

Қудрат. (*Кулиб*.) Йўқ. Бу пулга олмайман бошқа кишига сотинг.

Оқсоқол. Олинг, бойвачча.

Қудрат. Йўқ, олмайман.

Оқсоқол. Беринг қўлингизни. (*Қўлини олиб*.) Тўққиз юзга оласизми?

Қудрат. Йўқ.

Оқсоқол. Боринг, саккиз юзга барака қилдим. (*Ҳасан норизолик қилиб ул-булга қарайдир. Арслоннинг жонсиз бир гавда каби тикилиб туришини кўргач, жим туришга мажбур бўладир.*)

Қудрат. Йўқ, оқсоқол, бўлмайдир.

Оқсоқол. Бўлмаса ҳам бўладир! Беринг менга пулни! Отангизга ўзим гапураман.

Қудрат. Ҳай, сизнинг хотирингиз учун оламан-да энди. (*Ҳамёнини очадир. Николайнинг ўнталик, бешталик қоғоз ақчасидан юз йигирма сўм санаб, оқсоқолга берадир.*)

Оқсоқол. Отангизга раҳмат, берингиз қўлларингизни. (*Арслон билан Қудратнинг қўлларини ушлаштириб.*) Боринг, барака топинг.

Қудрат. Ҳай, ризо бўлинг, Арслон ака. (*Ўзининг ички қийналишларига берилган Арслон жавоб бермай, қўлини секингина тортадир.*)

Оқсоқол. Сиз тўхтанг, мен ясовулбошига бориб, ишни битирай. (*Бориб, ясовулбоши олдида чўкар.*) Тақсир, энди назримиз озроқ бўлса ҳам майли-да.

Ясовулбоши. Ўйинни қўйинг, оқсоқол, жанжалингиз — қон жанжали!

Оқсоқол. Нима бўлса ҳам шу ишимизни битирасиз-да.

Ясовулбоши. Қани кўрайлик-чи, нима қилдингиз?!

Оқсоқол. Мана, биз шундай қилдик, тақсир. (*Пулни санай берадир.*) Уч юз танга Бек бобомға. Юз эллик танга Бекжонга. Юз танга сизга.

Ясовулбоши. Меники оз-ку!

Оқсоқол. Тўхтанг, тақсир, мана бу элик танга ҳам ишчил боғи — ҳаммаси олти юз танга. Олти юз тангамиз бўладир тўқсон сўм. Мана, тақсир, бу тўқсон сўм! (*Узатадир.*)

Ясовулбоши (*олмай туриб*). Бу жуда оз-ку!

Оқсоқол. Олинг, тақсир. Одамзодга дуо ҳам керак. Бошқа бирон гуноҳқордан кўбрак оларсиз.

Ясовулбоши (*пулни олиб*). Ўлмагур, қолган икки юзни ўзинг оласанми?!

Оқсоқол. Худо ҳаққи, тақсир, ўзимга элик тангаси бас. Қолганини ўзига бераман, онасига гўр, кафан қиладир!

Ясовулбоши. Ҳай, келтир кишанларни очтирайлик. (*Оқсоқол жойидан туриб, уларни чақирадир. Ясовулбоши Қудратга гапуради.*) Бойвачча, бизнинг даллоллигимиз қачон?

Қудрат (*кулиб*). Қачон десангиз тайёр, тақсир!

Оқсоқол. Катта бир зиёфат қилсунлар, тақсир!

Қудрат. Жоним билан.

Оқсоқол. Қани, буюринг, тақсир, кишанларни очсунлар.

Ясовулбоши (*зиндончиға*). Очиб қўй!

Зиндончи. Нимани очаман. Менинг ҳаққимни берсун.

Оқсоқол. Бердик-ку!

Зиндончи. Қани?!

Оқсоқол. Мана, ясовулбошига!

Ясовулбоши. Мен олдим, очавер!

Зиндончи. Йўқ, ўзимга бермаса, очмайман.

Ясовулбоши (*оқсоқолга*). Ўн танга бер шунга!

Оқсоқол. Янами? Ҳай, мана ўн танга!

Зиндончи тангани олиб, киссасига солиб, жил<sup>42</sup>, кишанларни оча берадир.

Ясовулбоши. Оқсоқол, ўн танга буларга ҳам бер! (*Ёнидағиларни кўрсатадир.*)

Оқсоқол. Хўб. (*Ўн танга санаб, Хайри мирзабошиға берадир.*) Ўзингиз тақсим қиласиз! (*Зиндончи кишанларни очиб бўладир. Оқсоқол қолган пулларни Арслонга топширар экан, сўйлайдир.*) Мана, ерингни саккиз юз тангага сотдик. Олти юз йигирматаси чиқим бўлди. Қирқ тангасини ўзим

сақладим, мана бу юз қирқ танга қолганини ўзинг ол! (*Арслон олиб, Ҳасанга берадир. Ҳасан олиб сақлайдир.*)

Я совулбоши. Ҳай, жаноб олийни дуо қилинг!

Оқсоқол. Омин, ҳазрат жаҳонгир бўлсунлар. Бек бомнинг умрлари узун бўлғай, Оллоҳу акбар!

Қишлоқдан келганлар Арслонни олиб кеталар.

Парда тушар.

## ТҮРТИНЧИ ПАРДА\*

### БИРИНЧИ КҮРИНИШ

(*уч мажлис*)

Саҳна. Қишлоқда Арслоннинг ҳовлисини кўрсатадир. Камбағал, эски бир қишлоқ ҳовлиси. Унг томонда икки эшикли тор бир уй. Сўл томонда пакана бир айвонча. Айвончанинг бир томонида кўчага чиқадиган пакана бир эшик. Уй билан айвонча орасидаги деворнинг ярмиси йиқилгани учун шох-бутоқлар билан бекилган. Ҳовлининг ўртасида қуруқ, эгри бир тут оғочи. Айвончанинг бир пучмоғида йиқиқ бир ўчоқ, бир ёнда қозон, сопол кўза, сопол офтоба. Ўчоқда ёниб турган ўт устига қора қумғон қўйилган. Уйнинг ичи кийгиз билан тўшалган, бир томонда эски, кирли ётоқда усти бўйнигача малла бўз билан ёпилган Турсунбиби касалланиб узанган, эссиз, хушсиз бир ҳолда, қийналиб, талваса қилиб ётадир. Унинг боши ёнида қайғули тушуниб ўтирган Норхола сопол косадаги сувдан ора-сира касалнинг оғзига пахта билан томизадир. Малла чодирнинг у ён-бу ёнини тузатиб, яна тушунчасига ботиб кетадир. Бу ҳол тўрт-беш дақиқа сургандан кейин Норхола бошини кўтариб гапурадир.

### 1-мажлис: Норхола, Турсунбиби

Норхола. Икки ғариб, икки кимсасиз хотун. Битта-миз ўлиб ётадир, битта-миз ўликдан бадтар. Йўлбарсдек ўғулларимиз, уч-тўрт ойдир, қамоқда. Гуноҳлари йўқ — додимишга ҳеч ким етмайди, ҳолимизни ҳеч ким сўрмайдир. Ҳасан бўлмаганда очликдан ўлишимиз аниқ экан. Худо ҳам қулларининг кўнглини юмшатмас экан ҳеч! (*Турсунбибига ҳасратланиб қараб турадир.*) Боёқиш, биттагина ўглини кўрмай кетадир! Уф, дунё!.. Бу боёқишнинг ҳолига қараб, ўз ўғлимни нутиб қолдим. (*Ўчоқ томонга қарайдир.*) Қум-

---

\* Бу парданинг биринчи кўриниши Арслоннинг қамоқдан чиқшидан бир кун бурун унинг уйидаги ҳолларни кўрсатадир: демак, учинчи парданинг учинчи кўринишидан бир кун бурунги воқеалардир. (*Муаллиф изоҳи.*)

гон қайнади, бир чой ичай эмди. (*Ёнидаги чойнакка чой солиб, ўчоққа дамлаб келади. Токчадан дастурхонни олиб, ярим ёзади. Қоқ нондан пиёлага тўғраб, устига чой тўкади. Дам еб, дам касал боқиб туради. Бир оздан кейин бошига чопон олган Ойнуқса кампир келади. Чопонни олиб, уйнинг эшигига осиб, ўзи киради.*)

## 2-мажлис: Бурунғилар, Ойнуқса

Ойнуқса. Қалай, Турсун опам тузукми?

Норхола. Кел, Ойнуқса, тузуклиги борми? Бечора Турсун опамиз раҳматиға қовушади чоғи. (*Касалнинг талвасасига қараб қолгандан кейин оғзиға сув томизади. Касалнинг талвасаси зўрайдир. Оғздан бир турли сўзлар чиққан каби бўлади. Норхола қулоғини унинг оғзиға яқинлаштириб тинглагандан сўнг бошини кўтариб, Ойнуқсаға қайғули қарайди.*)

Ойнуқса. Бир нарса дейдирми?

Норхола. Ўғлини сўрайди... (*Оқа қолган кўз ёшларини артиб.*) Кўралмай кетади, боёқиш!

Ойнуқса. Турсун опа, Турсун опа! (*Кўлини унинг бўйниға тегизиб.*) Уф... қандай иссиқ? Кўлини куйдиради!

Норхола. Иситмаси жуда қаттиқ. Уч кунди пасайгани йўқ.

Ойнуқса. Турсун опа, Турсун опа, кўзингизни очсангиз-чи, мана, Арслонбой келди.

Касалнинг талвасаси кучаяди.

Норхола. Гапурма, қийналади. (*Дастурхонни йиғиштириб, токчага қўяди. Уйнинг бир томонидан бўш бир қопни олиб ташқариға, эшик олдиға ётади.*) Ойнуқса кел, мунда ўтурамиз, гапурамиз. Уни ўзи билан қўяйлик. Чойнакни ҳам олиб кел.

Ойнуқса. Яхши (*Чойнак, пиёлани кўтариб чиқади.*)

Норхола. Мана шу қоп устида ўтуринг. Мен унга сув томизиб чиқай. (*Уйга кириб, касалнинг оғзиға сув томизади. Касал сусаяди. Қаттиқ нафас олиб талвасасизча ётади.*)

Ойнуқса (*чой сузиб ичиб*). Холаси, барака топ, илоҳи, сен бўлмаганда бу боёқишнинг ҳолиға ким боқарди?! (*Норхोलанинг чиққанин кўриб.*) Қалай?

Норхола. Бир оз сусайганга ўхшайди. (*Ўтуради.*)

Ойнуқса. Раҳматлик онаси ҳам шу касал билан ўлган экан. Боёқиш ўзи менга айтиб берган эди. Айланай, хола-

си, Турсун опамнинг онаси жуда ботур экан! Жуда ҳам биларманд-қиларманд бир хотун экан! Қишлоқнинг оқсоқоллари у хотунгинадан жуда ҳам кўрқар эканлар.

**Норхола.** Хув, эгачижон, бурунги одамларнинг қайси биттасини айтасан. Улар ҳаммаси шундай. Менинг раҳматлик онам-чи, отам касал бўлганда, бутун экинчилик<sup>43</sup> ишларини ўзи қилиб ҳам отамга боқар эди.

**Ойнуқса.** Уларга эрлар қарашган экан, холос. Бизнинг вақтимизда ҳамманинг шўри тутқон. Ҳаммаси ўла ёзган. Ўзимни кўрмайсанми? Бурнумни тутсалар, жоним чиқадир. Турсун опамнинг раҳматли онаси бундай эмас экан...

**Норхола.** Улар бурунги одамлар, эгачи, бурунги одамлар.

**Ойнуқса.** Шуни айтаман, ўргулай, холаси шуни айтаман. Эрининг бошига бир жанжал тушганда, ўзи кўрғонга бориб, бек билан, эшон, қози билан сўзлашиб, қичқиритиб, эрини қутқарар экан.

**Норхола.** Ув, қани эмди у одамлар! Бизнинг тоғдек ўғулларимизни элтиб, гуноҳсиз қамадилар. Ҳеч иш қилолмадик. Бекларнинг олдида гапуришга тилимиз тутилиб қоладир.

**Ойнуқса.** Айтма, холаси! Бекнинг у кун қизиби сўқушларини кўрдинг-ку. Унга ким чидайдир, дейсан. Бурунги беклар бундай эмас эканлар.

**Норхола.** Билмайсан, эгачижон, билмайсан! Менинг олтмиш ёшар бир тоғамни бурунги бир бек ҳеч гуноҳсиз таёқ остида ўлдирган экан. Болалари тунокунгача шуни айтиб йиғлар эдилар.

**Ойнуқса.** Рост айтасан, холаси, рост айтасан. Турсун опамнинг онасини ҳам бир кун бекликдан уриб ҳайдаган экан. Боёқиш опам ўзи айтиб берган эди.

**Норхола.** Айтмадимми? Беклар, эшон, қозиларнинг ҳаммалари шундай бўладилар.

**Ойнуқса.** Рост айтасан, айланай холаси, рост айтасан. Гуноҳ ўзимизда. Ўзимизда юрак қолмаган. Ана у кун ўзимни демайсанми? Бекнинг олдида тилим тутилиб қолди. Гапуролмадим. Шу паллада бизнинг ўрнимизда сенинг онанг билан Турсун опамнинг онаси бўлганда-чи бу уйи куйган бойнинг дамани чиқартмасдан ҳаммамизни қутқариб олар эдилар.

**Норхола.** Бўлмаса-чи, эгачижон. Менинг раҳматлик онам бўлганда бекнинг бир сўзига тўрт сўз билан жавоб берар эдилар, тўрт сўз билан.

Ой нуқса . Рост, рост. Замона охир бўлғай. Одамлардан ботурлиқ кетган. Оқ шўримиз қурсун, холаси!

Норхоланинг эсига Турсунбиби келадир. Уй томонга қарағандан сўнг ўрнидан турадир.

Норхола . Эгачижон, бир оз тўхта. Мен унинг оғзиға сув томизиб чиқай.

Ой нуқса . Бор, холаси, бор. Боёқишдан хабар олиб чиқ.

Норхола уйга кириб касалнинг оғзиға сув томизиб чиқади. У чиққанча Ойнуқса пиёлага чой сузиб, ичиб турадир.

Норхола . Бечора, Турсун опа!

Ой нуқса . Қалай?

Норхола . Кошки ўғли бўлса эди.

Ой нуқса . Шуни демайсанми, холаси. Уйи куйсин, балога йўлуқсин бой. Ҳаммамизни йиғлатиб қўйди. Шу жанжалдан қайтганимдан бери авлиёларга бориб, бош ураман. Йиғлайман, шу бойдан бизни қутқаринг, деб ялинаман, ҳеч нима бўлмайдир. Яна у ўз ишида, биз ўз қайғумизда. Ўзининг учта хотуни бор. Учи ҳам ёш. *(Норхолага яқинлашиб, жуда аҳамият бериб.)* Айланай, учаласи ҳам ўйнаш олар эканлар уйга!..

Норхола . Нима бўлар эди, дейсан. Ҳаммалари ҳам мурдор!

Ой нуқса . Учта хотуни бор. Шуларни тузук тута олмайдир. Яна менинг биттагина олмос қизимға кўз тикди. Бу қандай инсоф! Бизнинг додимизни эшитадирган йўқми? Ўргулай холаси, хабаринг бор, шу қурғур жанжалдан кейин жуда кўрқуб қолдим. Оқсоқолнинг сўзига кириб охир қизимни хизматчи қилиб бойға қўйдим...

Норхола . Қўймай илож нима, эгачижон, илож нима? Оқсоқол шуларники бўлса, имом шуларники бўлса... илож нима? Худонинг ўзи бизни ғазабига олган.

Ой нуқса . Мана эмди қизимға кун кўрсатмайдир. Бойнинг ўзи нега менга тегмайсан, деб урар экан, хотунлари нега бой сени олмоқчи, деб сўкар эканлар. Нима қилишимни билмай қолдим. Кошки бу кунимда Арслон билан Ботур бўлса эдилар.

Норхола . Улар бўлса эди, бу бадбахт дамани чиқаролмас эди. Шунинг учун уларни қаматди-да.

Кўр Ҳасан келадир.

Ҳасан. Қани, хола, касалингиз қалай?

Норхола. Бир оз тинчиб қолди. Ҳасанбой, нима қила-сизлар? Қишлоқ одамларида жон борми? Шу Арслон ҳаммамизга кераклик йигит эди. Ҳаммамизга яхшилик қилди. Бу кун ўзи қамоқда, онаси ўлим ётоғида, менинг болам ҳам бекорга ётадир. Бу нима ҳол? Бирор илож қилиб бўлмай-дирми?

Ҳасан. Нима қилай?! Қишлоқ ҳам нима қилсун?! Кучимиз кимга етадир?! Бек овга чиққан, шу кеча бойни-кига кўнар экан. Буни эшитиб оқсоқолга бордим. «Бойга восита бўлинг. Шуларнинг гуноҳини Бекдан сўраб олсинлар», дедим...

Ойнуқса. Барака топ, Ҳасанбой!

Ҳасан. Оқсоқол гапни узил-кесил қилиб айтди. Арслон ерини бойга сотмагунча қутулолмайдир, деди.

Ойнуқса. Уйи куйсин, кўзи тупроққа тўлсун. Шугина ерни ҳам олмоқчими?

Ҳасан. Мен ўйладим. Барибир, ерни сотмай илож йўқ. Ҳали уларни қамоқдан чиқарганда ишқил боғи, хизмат ҳақи истайлар. *(Уйдаги касални кўрсатиб.)* Бу боёқиш ўлиб қолса, гўр-кафан чиқимлари бор. Булар учун кўб пул керак. Мана, мен уни ўйлаб, оқсоқолга, ҳай, ерини сотдирамиз, дедим.

Норхола. Бечорани ерсиз қилиб қўйманглар, Ҳасан укам.

Ҳасан. Тўхтанг, хола, ҳали шундай деяйлик. Бой рози бўлиб, бекдан уларнинг гуноҳларини сўраб олсин. У ёғини яна кўрармиз. Бойни кўндира олсак, ерни эмас, уйни сотармиз.

Норхола. Уйсиз қандай қиладир у боёқиш?!

Ҳасан. Нима демакчисиз? Пулсиз қутулиб бўлмай-дир!

Норхола. Ҳай, ишқилиб, шуларни қутқар, ўргулсин холанг!

Ойнуқса. Барака топ, Ҳасанбой. Яхшики, сен бор экансан...

Ҳасан. Оқсоқол бориб, бойни кўруптур. Бой ҳам рози бўлуптур. Шу кеча гуноҳларини бекдан тилаб олса, эрта бориб иккаласини-да келтирармиз.

Турсунбиби янгидан талвасага тушадир, инграйдир. Унинг инграшини эшитгач, учовлари ҳам уйга кирадирлар. Норхола сув томизадир, касалнинг талвасаси кучаядир, инграб ўзини ҳар томонга ура бошлайдир.

Норхола қўли билан имлагач, Ҳасан билан Ойнуқса касални ётоқда берк тутадилар. Норхола сув томизадир.

## ИККИНЧИ КЎРИНИШ

(тўрт мажлис)

Саҳна. Биринчи кўринишнинг худди ўзи. Турсунбиби ётоқда, ҳоли қолмаган, кўкракдан нафас олиб талвасасиз ётадир. Унинг ёнида Норхола.

Янгигина келган Ойнуқса бошидаги чопонини эшикка осиб, уйга кирмакда.

**1-мажлис:** Турсунбиби, Норхола, Ойнуқса

Ойнуқса (*уйга кириб*). Турсун опам қалай, холаси?!

Норхола (*умидсиз*). Бу кун ҳоли битган. Қара, якка нафасга тушган! Шу кун тирик қолса эди...

Ойнуқса. Ҳасан қани? Кечаги ишлардан хабари борми? Кеча бек келган эди-ку.

Норхола. Кеча бек келган. Бой бизникиларнинг гуноҳини сўраган. Бек «хўб» деган. Бу кун эрталаб Ҳасан, оқсоқол ҳам Қудрат бойваччага бир ясовул қўшиб қўрғонга юборган.

Ойнуқса. Тилингдан ўргулай, холаси! Шу кун келадирлар, десанг-чи!

Норхола. Келсалар керак.

Ойнуқса. Бир оз томоқ қилиб қўймайсанми? Боёқ-қиш йигитлар келиб есунлар.

Норхола. Ким томоқ пиширадир? Мен бўлсам, бунинг ёнидан қимирлаёлмайман. Ўтурганим ўтурган.

Ойнуқса. Мен пишира қолай!

Норхола. Ҳасан ўз уйида ош қилдирадир. Ҳар кун менга ҳам уйидан келтириб берадир. Касалга ёғнинг ҳиди ёқмайди, деб бунда томоқ пиширмайман.

Ойнуқса. Тўғри дейсан, холаси! Касалга ёғ ҳиди ёқмайди! Ўла қолай, мен шуни ўйламапман.

Норхола (*касалга сув томизадир*). Ҳоли ёмонлашиб борадир.

Ойнуқса. Шу кун тирик қолса эди, балким ўғлини кўриб жон олар эди.

Норхола (*умидсиз*). Булар ҳам келмай қолдилар!

Шу топда кўча эшигидан бир дўли хотин қўлида таёқ, елкасида нон халтасини кўтариб кирадир.

## 2-мажлис: Бурунғилар, Лўли

Лўли. Қани, яхшилар. Хайр қилинг. Ким бор бу уйда? Қани, ёмон кўз тегмасин. Хайр қилсунлар, яхши бибилар. Баҳовутдин ёр бўлсин... Эски кўйлақлардан биттасини беринг бизга.

Норхола. *(Ойнуқсага.)* Эгачижон, ана у суфрада нон бор, олиб берсанг-чи!

Ойнуқса туриб, токчадаги суфрадан нон оладир.

Лўли. Эски кўйлақлардан биттасини беринг, дуо қиламиз, яхши бибилар!

Ойнуқса *(нонни чиқариб бериб.)* Биз ўзимиз камбағал кишилар, бизда эски кўйлақ бўлса, ўзимиз киярмиз.

Лўли. Ундай деманг, сизга нима бўлубдур. Қаранг, юзингиздан нур ёғиб турадир...

Ойнуқса. Ана у мачит ёнидаги бойнинг ҳовлисига боринг, кўб нарса беради.

Лўли. Нима қилайлик анда?! Бизга ундай бойлар керак эмас, камбағал бўлсин-у, кўнгли соф бўлсун, онажон, ғойибингиз борми? Касалингиз борми? Мен фолга боқаман. Бир эски кўйлақ беринг: фолга боқиб, кўнглингиздагилардан хабар бераман.

Ойнуқса. Фолга ҳам боқасанми?

Лўли. Жуда яхши фол кўраман...

Ойнуқса *(Норхолага).* Фолга боқтирсак-чи, холаси?!

Норхола. Кўй, нима қиласан, эгачи!

Лўли. Бир кўйлақ беринг, фолингизга боқай, фолим тўғри чиқмаса, кўйлагингизни қайтариб олинг, онажон!

Ойнуқса. Айланай холаси, йўқ дема, чиқ, бир фолга боқсунлар!

Норхола *(умидсиз).* Ҳай, майли. *(Уйдан чиқадир. Ёйилган қоп устига ўтурадир. Ойнуқса унинг ёнига ўтурадир.)*

Ойнуқса *(Лўлига).* Қани, келинг! *(Лўли холанинг ёнига келиб, халтасини ерга қўйиб ўтурадир.)*

Лўли. Қайсиларингизни кўрай?!

Ойнуқса *(Норхолани кўрсатиб).* Мана шу кишини.

Лўли. Отингизни айтинг, онажон!

Норхола. Норхола!

Лўли *(ўз қўлига қараб гапирадир).* Норхоланинг фоллари, ҳолу авҳоллари, бахтлари тўқ бўлсин. Қайғулари йўқ бўлсин. Норхоламни хафа кўрдим, аҳволларини сўрдим.

Гойибингиз борми? Касалингиз борми? Қайси биттасини кўрай?

Норхола. Иккаласини ҳам кўринг!

Лўли. Иккаласини ҳам кўрдим. Иккаласини ҳам сўрдим, биттаси касал, биттаси гойиб, дейлар. Бир ёшғина одам кўринадир, бу ким? Юзи ойдек, қошлари ёйдек, кўзлари қора, сочи қора, йигит деяйми, қиз деяйми?..

Норхола. Топдингиз, менинг ўғлим бўладир, шуни кўринг.

Лўли. Бу йигитнинг ранги ўчган, ўзи жуда хафа. Бир нарсани ўйлайдир, бир нарса учун қайғурадир, қайғуси бекор, бу йигитга давлат ёр, бахтида уч никоҳ бор, биттаси яқинда бўладир, тўй нарсалари тайёр.

Ойнуқса. Кўрсанг-чи, қачон келадир?

Лўли. Боя айтдим-ку. Йигит жуда хафа. Тезрак сизнинг ёнингизга келмакчи бўлиб турадир, бироқ бир-икки киши қўймай турадирлар. Йўли очиқдир. Бир кунда, деяйми, бир ҳафта деяйми, бир ойда деяйми, бир йилда деяйми. Йигит келиб қоладир. Йўлга чиққан. Хайр қилинг, худойи қилинг.

Ойнуқса. Илоҳи, барака топ, лўлихон, тупроқ олсанг, олтун бўлсун, ҳаммасини топдинг! Кўрсанг-чи, касалимиз соғаядирларми-йўқми?

Лўли. Топган бўлсам, беринг кўйлакни!

Норхола. Кўйлак-ку йўқ, пул бераман.

Лўли. Ҳай, беринг қани! *(Норхола уйга кирадир.)*

Ойнуқса. Ҳай, айтабер сан!

Лўли. Тўхтанг, онажон, назримизни олайлик. *(Норхола касалининг ёстуғи остидан бир рўмолча чиқариб, тиши билан тугунни ешиб, икки танга оладир, рўмолчани тугуб жойига қўядир.)* Назрни тузук қилинг, онажон!

Норхола уйдан чиқиб, жойида ўлтурадир.

Норхола. Қани, айт қолганини!

Лўли. Назримизни беринг.

Норхола. Айта бер, ҳақингни емайман.

Лўли. Касалингиз оғир, тез соғаяр деб бўлмайдир, бунинг учун бир қашқа кўй ё бир қора товуқ келтирсангиз, қон қиламан, сўнгра соғаяр.

Норхола. Менда кўй нима қилсун!

Лўли. Ҳай, кўй бўлмаса, товуқ топинг, онажон, қонсиз бўлмайдир.

Норхола (*пулни бериб*). Ҳай, ма, пулни ол, бошқа бир келганингда товуқ топиб қўярмиз.

Лўли. Шу топда йўқми? (*Жойидан туриб, халтасини кўтарадир.*)

Норхола. Йўқ.

Лўли. Ҳай, кўрқманг, касалингиз ўлмайдир, умри узун экан, товуқни топиб қўйинг, эрта келиб, қон қиларман.

Норхола. Ҳай тузук.

Лўли чиқиб кетадир.

Ой нуқса. Айланай холаси, домла-имомни бориб келтирай-чи? Дам солсунлар. Шу кишининг нафасларини жуда пок дейлар.

Норхола. Барака топ, илоҳи! Бориб келтир, қайдан топасан у кишини?

Ой нуқса. Уйларида топаман. У киши ҳар вақт уйларида.

Норхола. Бор, келтир, эгачижон, бор!

Ой нуқса (*жойидан туриб, уйдан чиқиб, чопонини бошига оладир*). Мен дарров домламни келтираман. (*Чиқиб кетадир.*)

Норхола (*ёлғуз*). Мулла киши, садағаси кетай, нафаслари пок. Нафаслари ёқиб, умрини бир-икки кун узайтиб қўйсалар ҳам ажаб эмас. Мулла деган пайғамбарнинг ноиблари бўлар экан. Садағаси кетай худонинг. Шу боёқишни ўлдирмай қўйса, нима бўлар экан-а? (*Бирдан оғзига бир нарса келадир.*) Тўхтанг, домла учун пул тайёрлаб қўяй. (*Касалнинг ёстиқ остига қўлини узатиб, тугулган рўмолчани чиқарадир.*) Яхшиким, боёқиш Ҳасан бор экан. Арслоннинг экинларини ишлаб, сотиб унга-да, менга-да бир оз пул бериб турадир. Шу яхши киши бўлмаганда, экинлар ҳам хароб бўларди-ю, бизлар ҳам!.. (*Рўмолчанинг тугунини тиши билан ешиб, икки танга олиб, ёнидаги пиёлага қўядир.*) Икки танга басдир домламга... Ҳа, камбағал одамдан шуниси ҳам бас. (*Рўмолчани тугуб жойига қўядир.*)

Шу топда Ойнуқса кампир куча эшигидан кириб қичқирадир.

Ой нуқса. Бормисан, холаси. Домла келдилар! Сен бу ёққа чиқақол, домла кириб ўқусунлар!

Имом (*кучадан товушини чиқарадир*). Юзларини яхшигина ёпингиз, охир дамда кўзимиз номахрамга тушиб қолмасин.

Норхола малла чодирни касалнинг бошигача тортиб қўйиб, чиқар экан, Ойнуқса қичқирадир.

Ойнуқса. Садағалари кетай, домламнинг сўзларини эшитдингми? Юзини яхшигина ёпиб чиқ!

Норхола уйдан чиқиб, айвон тагида турган Ойнуқсанинг ёнига келади. Унинг бошидаги чопонининг ярмисини ўз бошига тортадир.

Норхола. Кириг, домлажон, уй бўш.

**3-мажлис:** Бурунғилар, Домла-имом

Имом. Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. (*Кўча эшигидан кирадир.*) Худо шафо<sup>44</sup> берсун, худо шафо берсун, худо шафо берсун. (*Уй эшигига келгач, ковшини ешиб, яна бир «бисмиллоҳ» билан уйга кирадир. Касалнинг бош томонидан ўтуруб, пичирлаб, бир нарса ўқуб.*) Суф!!! (*Яна бир оз пичирлагандан кейин.*) Суф!!! (*Яна бир оз пичирлаб.*) Суф!!!

Норхола. Ўргулай, домлажон, назрингизни пиёлага қўйган эдим.

Имом. Хўб, хўб. (*Пиёладаги тангани олиб, киссасига солади.* Кўлини кўтариб.) Ҳай, худо шафо берсун, Оллоху акбар. (*Кўлини юзига суртуб, жойидан турадир, уйдан чиқиб, ковшини кияр экан, сўйлайдир.*) Букун Арслонбой билан Ботурбой ҳам келадирлар, Турсунбиби ҳам яхши бўлуб қолар.

Норхола. Нафасингиздан ўргулай домлажон.

Имом. Иссиққина чой ичира беринг, терлаб очиладир. Кўрқманг.

Норхола. Ҳай, садағангиз кетай, ҳай. (*Имом чиқиб кетгач, Норхола билан Ойнуқса чопонини эшикка осиб, уйга кирадирлар. Норхола касалнинг юзини очадир.*) Бечора Турсун опам тамом бўлаёзган!

Ойнуқса. Бир оз сув томизсанг-чи! (*Норхола сув томизадир. Касал бирдан қаттиқ талвасага тушадир. Иккалалари тутиб сақлайлар. Ойнуқса касалнинг оёқларини тутиб кўрадир.*) Хола-ей, оёқлари муздек бўлган!

Касал секин-секин сусайиб жон чекиша-чекиша... ўлиб қоладир.

Норхола (*йиғлаб*). Тамом бўлди!

Иккалалари бирдан қичқириб, «Вой, опажон, вой! Ўғлунгни кўролмай қолдингми, вой?! Ўғлунга нима деймиз?» «Ғариб ўлган опам!» «Муродига етмаган опам!» деб йиғлайдирлар.

Ойнуқса. Нор, буни тузук ётқизиб, жағини боғлаш керак.

Норхола жойидан турадир. Ёвош-ёвош йиғлаб, миҳға осилган бӯз парчасини оладир. Иккига йиртиб, яримтаси билан ўлиқнинг жағини боғлайдир. Шу топда кўча эшигидан Арслон билан Ҳасан кирадилар. Арслон қамоқдан чиққани ҳолда.

#### 4-мажлис: Бурунғилар, Арслон, Ҳасан

Арслон (*йиғлаш товушини эшитгач, манглайига уриб. Ҳасанга қарайдир.*) Кўролмадим онамни!

Ҳасан (*қичқирадир.*) Норхола, чиқсанг-чи! Нима гап? Норхола билан Ойнуқса:

«Мана келдилар», деб югуриб йиғлаб чиқадирлар.

Норхола (*Арслонга ёпишиб*). Онангни йўқотдинг, болам, сени кўролмай кетди, болам, ғариблиқда ўлди, болам.

Арслондан бошқалари қичқариб йиғлайдилар.

Арслон (*ўзининг кўз ёшларини артадир*). Эмди менинг онам сен бўл, (*йиғлаб*) сенинг ўғлинг мен бўлай!

Норхола (*Арслоннинг бу сўзидан сесканиб*). Нима? Ҳали Ботур қани? Айт, менинг ўғлум қани? Уйга кетдими? Сиздан кейин қолдими?

Ҳасан қаттиқ йиғлайдир.

Арслон. Онажон, биздан илгари борди. Онам билан борди. Ботур ўртоғим раҳматиға қовушти... (*Йиғлайдир.*)

Норхола. (*Арслон сўзини битирмасдан, ўзининг кўкрагига икки қўлаб ура-ура қичқирадир*). Болам ҳам ўлдими? Вой, болам, мени олиб кет, болам... (*Йиқиладир, Арслон билан Ҳасан йиғлаб уни ердан кўтариб, уйга киргизадирлар.*)

#### УЧИНЧИ КЎРИНИШ

(*биринчи мажлис*)

Саҳна. Арслоннинг уйи. Ойнуқса, Норхола, Ҳасан, Арслон ўтурганлар. Хотунлар эса (*мотам*) кийимлари кийган. Арслон кесик, қисқа жумлалар билан гапурадир, бошқалар тинглайлар.

Арслон. Мана шу ҳолда уч ярим ой қамоқда ётдим. Шулар уч ярим ойда беш йўла бизни сув ташимоққа чиқардилар. Уч йўла чиққанымда ўртоғим Ботурни кўрдим. Тўртинчи, бешинчи йўла кўрмадим. «Менинг ўртоғим бор эди, нега чиқмайдир» деб сўрадим, жавоб ўрнида сўқди-

лар. Балким озод бўлгандир деб ўйлаган эдим. Сўнгра ўзимни қамоқдан озод қиламиз, деб чақириб, бор-йўғимни талаб қилганларида Ботурнинг ўлим хабарини бердилар. Ундан бурун онглаганим йўқ эди.

Норхола (*тиззасига уриб*). Болам, вой болам. (*Йиғлайдир.*)

Арслон. Она, менинг онам, сенинг боланг ўлган. Биз онасиз қолган бир йигит билан боласиз қолган бир хотун. Неча кун бурун сенинг ўғлинг ўлди, бу кун эргалаб мен онамни кўмдим. Иккаламиз ҳам кимсасиз, ғариб. Иккаламизга ҳам зулм ўтган. Бундан сўнг йиғлашларни қўя бер. Мен сенинг ўғлунг бўлай, сен менинг онам бўл.

Норхола. Ўргулай болам. Мен ҳамиша сени ўғлум деганман. Ботур тирик бўлганида ҳам у кичик ўғлум, сен катта ўғлум эдинг. Эмди эса кичик ўғлумни йўқотдим. (*Йиғлайдир.*) Ёлғиз сен қолдинг.

Арслон. Йиғлама, она. Ўчимизни олмай қолмасмиз. (*Ҳасанга.*) Ҳасан ака, сизда ақча борми?

Ҳасан. Бор, ер пулингдан юз қирқ танга, қолганини ўзинг топширдинг. Бурунги пулдан юз йигирма танга қолган эди (*чиқариб*), бундан йигирма тангани кеча чиқим қилдим. Мана бу икки юз қирқ тангаси менда қолган. (*Арслонга берадир. Арслон қоғоз ақчаларни қўлида тутадир. Ойнуқсага гапурадир.*) Ойнуқса биби, ҳали Тўлғунни бойни-кига олиб кетдилар, дедингми?!

Ойнуқса. Ҳа, болам, боя айтдим-ку. Уйлари куйсун, биргина қизимни қўлимдан тортиб олдилар. Сизларни қамаганларидан сўнг бир ярим ойгача қизгинамни кўкрагимга босиб сақладим. Бироқ қўймадилар. «Яна қамаймиз, яна қийналарсан», деб қўрқитдилар. Ҳаммасига шу оқсоқол сабаб бўлди, болам.

Арслон (*ўйлайдир*). Оҳ, Тўлғун, сени мендан мангулик ажратдилар, сени мендан бутунлай олдилар. Ажратганларнинг, олганларнинг жазоларини бераман. Бироқ сенга бундан кейин эриша олмайман. (*Ойнуқсага сўйлайдир.*) Ўша кун сени ҳам биз билан қамоққа буюриб сўнгра қутқариб олганлари шунинг учун эди. Мен шундай бўлурини ўша кун онглаган эдим.

Ойнуқса. Уйи куйсун, гўрида тинч ётмасин бой. Менинг биргина олмос қизимни тортиб олди. Кошки шу вақт сен бўлардинг, қизимни ажратиб олардинг.

Арслон (*ўрнидан туриб*). Ҳали ҳам ажратиб оларман. (*Ҳасанга.*) Ҳасан ака, мен эмди шу уйда, сизнинг орангиз-

да яшаёлмайман. (*Ҳаммалари шошқин қараб тинглайдилар.*) Мен шу кун чиқиб кетаман. Шу Мансурбойдан бориб «дод» дейман, ким додимни эшитса, шунга бораман. (*Норхолага қараб.*) Ботурнинг ўчини оламан. (*Ойнуқсаға.*) Тўлғунни ундан қутқараман. Бошқа қишлоқдагиларни ҳам тинчитиб кўяман шундан.

Ҳасан. Бироқ сенинг орамизда бўлишинг яхши эди, Арслон! Қилма бу ишни!

Арслон. Орангизда шундай қола берсам, яна бир кун тутиб қамайлар. Сўнгра менинг ҳам қамоқда ўлғаним хабарини эшитарсиз.

Ойнуқса. Эмди биз ўлайлик, сен яша, сен бизни кўмиб қўй, болам.

Арслон. Менинг қамоқда ўлиб қолуримни истама-сангиз, шу кун чиқиб кетишим керак. (*Уйнинг тоқчаларини ахтариб, тугулган бир рўмолчани олиб очадир. Эски бир қоғоз чиқариб, Ҳасанга берадир.*) Ҳасан ака, бу ҳовлининг хати. Буни сенга берай. Сен ўз ҳовлининг сотиб, менинг ҳовлимга келиб тур. Мен қайтиб келгач, бошқа жой топарман. (*Норхолага.*) Мана бу юз эллик тангани сен ол. Ўзингга чиқим қил (*берадир*). Ойнуқса биби, мана бу тўқсон тангани сен ол. Мен яқинда Тўлғунни қутқараман. Яна сизга пул ҳам топиб юбораман. Ҳай, келинг, эмди сиз билан кўрушиб қўяйлик. Мени жўнатиб қўйингиз.

Ҳаммалари туриб қий-чув йиғлаб, Арслон билан ўпушадирлар.

Парда тушар.

## БЕШИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КҮРИНИШ

(*беш мажлис*)

Саҳна. Мансурбойнинг катта хотуни бўлган Зайнаб оймнинг уйи. Катта бир қалин гилам билан тўшалган. Бир томонида икки катта сандиқ. Биттасининг устида кўрпалар, биттасининг устида чопонлар қўйилган. Эшиклар очиқ Тўлғун уйни супуриб турадир. Уй ахлатларини хокандозга олиб, эшикдан ташқари кўядир. Супургини иргитиб ташқарига ташлайдир, ўрнидан туриб белини тўғрилаб гапурадир.

**1-мажлис: Тўлғун**

Тўлғун. Уй супураман, ўтин ёраман, сигир соғаман, сўкиш эштаман, таёқ ейман! Онамни бу ерларга оёқ бостирмайлар. Ҳафтада бир-икки йўла ўзим бориб кўрар-

дим, кеча уни ҳам қатағон қилдилар. Гуноҳимни билмайман. Ўзим буларга ёмонлиқ қилганим йўқ. Хув, ана у кун мачит олдида бойнинг қўлидан қочған эдим-ку, гуноҳим шуми экан, десам: бу гуноҳ учун сўкса, бой сўкадир, ойимлар(ни) нечун сўкадирлар? Қайси кун онамдан сўрадим: «Сен буларга бир гуноҳ қилган эдингми?», дедим. «Йўқ», деди. «Булар нега мени қийнайдирлар?», десам, «улар хизматчига шундай қарашадирлар», деди. Бир кун буларнинг биттасини ўзимдан рози қилолмадим. Уф, кошки мени ҳам Арслоним билан бирга элтиб қамаса эдилар. Арслон билан қамоқда ётмоқ булар билан боғчаларда юришдан яхши.

Жўранинг товуши. Қочинглр, ўтун кетирдим! Ойилар, нари туринглр!

Тўлғун (*уйда туриб*). Кира бер, ҳеч ким йўқ, кира бер!

Жўранинг товуши. Хўб, мана кирдик.

Тўлғун (*ўзи*). Шу катга уйда мана шу йигитдан тузук-рак одам йўқ. Кўнгли бор, ҳеч кимнинг кўнглини ранжитмак истамайдир. Сўкулиб, таёқ еганим кунларда қандай қилиб-да мени овутмоққа, мени йиғлатмасликка тиришадир. (*Уялиб.*) Мени севадир-да, бироқ Арслондан бошқа кимсани истамаганимни билгани учун гапурмайдир. Оҳ... ҳамма кишилар шундай бўлса эдилар...

Жўранинг товуши. Ойилар қайда?!

Тўлғун. Боққа ўтдилар. «Шунда чой ичамиз» дедилар.

Жўра уйга кирадир.

## 2-мажлис: Тўлғун, Жўра

Жўра (*Тўлғунга бир оз қараб тургандан кейин*). Қалай, бу кун урушқонлари йўқми сени?!

Тўлғун. Йўқ, ҳали! Жўра, кеча бой мени сўкуб, «Бундан кейин сўрамасдан ҳеч қаёққа бормайсан» деди, эшитдингми?

Жўра. Ўзим шунда ўтурған эдим-ку.

Тўлғун. Нима учун мундай деди, билмадингми?

Жўра. Билмадим, сен кетгач, менга ҳам айтиб қўйди, «Тўлғунни ҳеч қаёққа боришга қўйма», деди. Биласанми, бир яхши хабар бор. Мени қайғуртди, бой бобомни ваҳимага солди, сени қувонтирадир!

Тўлғун. Жон Жўра, айтсанг-чи, қандай хабар?

Жўра . Ўзим ҳам шуни сенга айтгали келдим. Биласанми, Арслон келган!

Тўлғун (*эрксизча иккала қўлини кўкрагига босадир-да, бирдан Жўранинг борлигини ўйлаб, уяладир*). Қутулганми? Қачон келибдир?!

Жўра . Кеча келди.

Тўлғун . Бечора, онасининг ўлими устига келган-а.

Жўра . Онасининг жони чиққач, эшикдан кирган экан.

Бу кун онасини кўмдирди.

Тўлғун . Ботур ҳам келдими?

Жўра . Ботур қамоқда ўлган экан!

Тўлғун . Вой, боёқиш йигит... Норхоламга тўзум берсин эмди!

Жўра . Ҳай, мен кетай. Ойилар келиб, яна бир жанжал чиқарадирлар. (*Қайтадир.*)

Тўлғун . Жўра! (*Жўра қайтиб қарайдир. Тўлғун уялиб гапирадир.*) Оқ кўнгилдан сенга бир сўзим бор.

Жўра (*силаган бир товуш билан*). Айт.

Тўлғун . Сўзимни қайтармайсанми?

Жўра . Айт, қайтармайман.

Тўлғун . Бориб, Арслонни кўриб, менинг ҳолимни онглашиб қўйсанг-чи, шу балодан қутулишим учун бир йўл излаб сенга айтсин. (*Жўранинг оғир ўйлаганини кўргач, тел-баланиб.*) Қилмайсанми? Менинг шу сўзимни қайтарасанми?!

Жўра . Тўлғун, сени қайғудан қутқариш учун ҳар ишни қиламан. Биласанки, мен сени севганман.

Тўлғун . Жўра, мен бошқа кишига...

Жўра . Тўхта, сўзимни битирай. Мен сени севдим. Бироқ сенинг Арслонни севганингни биламан, шунинг учун сени инжитмадим. Айтса эдинг, ўзим ҳам сени қутқара олардим. Ҳали ҳам сенинг йўлингда ҳар қандай иш бўлса қиламан. Бироқ сенинг ишинг тўғрисида Арслон билан гап-лашмакка (*юрагини кўрсатиб*) мана бу кўнмайдир.

Тўлғун (*умидсиз*). Ҳали шу ишни қилмайман, десанг-чи?

Жўра . Тўхта. (*Бир нарса ўйлаб.*) Сенинг розилигинг учун бошқа бир иш қилай. Айтганларингни бориб онангга айттай. Онанг Арслонга айтсин.

Тўлғун . Йўқ, онамга айтма. У ўзидан кўрқадир.

Жўра . Ҳай, бўлмаса, Норхолага айттай.

Тўлғун . Мана бу яхши, Норхоладан айтиб юбор. Жавобини сенга шу кетирсин.

Жўра. Тузук, эмди мен кетай. Сен уй ишларини қил.  
(Кетади.)

Тўлғун (ёлғиз). Мана, Арслон қутулди. Эмди у мени қутқарадир (кўрначаларни солиб). У менинг мунда қамокда турганимни билса, бир нафас турмайдир. Мени кўрадир. Мени қутқарадир.

Зайнаб оёи билан Шарофатхоннинг гапуришиб, кулишиб келганлари эшитиладир.

Зайнаб товуши. Қани, тўхтанг, ҳали бу қизни чақирайчи, нима қилиб турадир. Тўлғун!

Тўлғун. Лаббай.

Зайнаб товуши. Супурдингми уйларни?!

Зайнаб, Шарофат уйга кирадирлар.

**3-мажлис:** Тўлғун, Зайнаб, Шарофат

Тўлғун. Ҳа, аяжон, иккала уйни ҳам супурдим.

Зайнаб. Баракалла қиз, бизнинг уйларимизни яхшилаб супурабер, бой бобога хотун бўлиб борганингдан кейин сенинг ҳам уйингни яхши супурадирлар.

Зайнаб билан Шарофат уятсизча куладирлар.

Тўлғун (эзилган бир ҳолда ялинадир). Аяжоним, муродингизга етинг, бундай гапларни айтманг!

Шарофат. Ўл, уятсиз қиз! Ўзингдан каттанинг гапини қайтариб нима қиласан?!

Тўлғун. Ойижоним, ёмон гап билан одамни эзиб нима қиласиз?!

Шарофат. Сенга нима дедилар, қани ёмон гап?! Бой бобо каби семизгина бир эрга чиқсанг, ёмонми?!

Иккаласи куладир, Тўлғун эзиладир.

Тўлғун. Мен ҳали эр истамадим-ку!

Зайнаб (аччиғланиб). Эр истамасанг, нима деб келдинг? Келганингда, онанг сенга: «Борсанг, келин бўласан», демадими? (Яна куладирлар. Тўлғун йиғлайдир.) Йўқол кўзимдан, шум қиз, уйимда йиғлаб турма, йўқол!

Тўлғун мазлум бир асабийлик билан чиқиб кетадир.

Шарофат (Тўлғуннинг кетидан қараб қолгандан сўнг). Бой ҳам сени олғач, бўлиб қолар ўзи. (Куладилар.)

Зайнаб. Шум қиз уйимда йиғладими, кўнглим қораланиб қоладир. Шумлиғи ўз бошига урсун, илоҳи.

Шарофат (*кулиб*). Бундай деманг, бойга ёмон бўладир.

Зайнаб. Бойингиз ҳам курсин, тутуруқсиз, кунда бир хотун олиб нима қилар экан бу!

Шарофат. Мен фалончига бориб, фол очтирдим. Қурғур дарров топиб айтди. «Бойимиз уйланмоқчилар», деди. «Тезлик билан бу янги хотунладан ажратмасак, сизларга ёмон бўладир», деди.

Зайнаб. Сиз нима қилдингиз?!

Шарофат. Икки юз танга пул сўради, бердим. «Уч кунлик бир ўлик хотуннинг калласини топиб келтиринг», деди. Уни ҳам гўристондан топиб юбордим. Эмди қирқ кечакундуз дуо ўқиб, ҳар куни шу каллага қирқта игна суқар эканман. Қирқ кун тўлғач, шу хотун касал бўлиб ўлар экан.

Зайнаб. Шул икки юз танга басми? Яна пул дейдирми?

Шарофат. «Дуонинг таъсири кўрилиб, хотунгина касал бўлғач, яна юз танга кетирасиз. Бўлмаса, дуо ундан сизга қайтадир» деди. Ярмини сиз берасиз-де.

Зайнаб. Албатта, бераман. (*Эснайдир.*)

Шарофат. Уйқунгиз келди чоғи.

Зайнаб. Шу кеча сира ухламадим. Бир оз ухлайми, дейман.

Шарофат (*ўрнидан туриб*). Ҳай, мен ҳам бир оз ухлайман. Кечқурун бориб, фолчидан хабар оламиз. Сиз ҳам борасиз.

Зайнаб (*эснаб*). Борсам бўладир.

Шарофат (*туриб кетар экан*). Боринг, кўнглингиз очиладир.

Зайнаб. Ўртоқжон, эшикларимни ёпиб кетингиз.

Шарофат. Ҳай. (*Уйдан чиқиб, эшикларни ёпиб кетадир.*)

Зайнаб (*ёлғиз*). Лўли хотин, мени тушунмайдир, деб ўйлайсан. Жуда яхши биламан. Тўлғунни жоду қилиб ўлдиргандан сўнг мени ҳам шундай қилиб ўлдурмакчи бўларсан. Уни қилолмайсан. Менинг ҳам дуочи, жодучиларим бор. Айтсам, дарров сенинг жодуларингни ўзингга қайтариб қўядилар. (*Уйлаб.*) Лекин ўлик бошига қилинадиған жоду жуда ёмон бўладир. Иложи йўқ, ўлдирадир. Менинг отамни ҳам душманлари шундай қилиб ўлдирған эканлар. (*Жойидан туриб, эшик орасидан ташқариға қараб.*) Пешин намозини ўқиб келмакчи эди, келмали-ку (*ўтурадир*), келса

сўрай-чи, ўлик бошига игна суқиб ўқишни билармикан, билса-ку, иш катта, дарров айтаман, Шарофатнинг жодуси ўзига қайтсин. Шарофатнинг жодуси билан Тўлғун ўлса, менинг жодум билан Шарофат ўладир. Иккисидан ҳам қутулиб қоламан. *(Шу тонда уйнинг эшиги очиладир. Бошига паранжи, қўлига чачвон олиб бир хотун кирадир. Зайнаб ойим уни кўргач, ирғиб турадир.)* Келдингми? *(Унинг паранжи, чачвонини оладир. Паранжидан хотун эмас, салла-чопонини қўлтуғига олган домла-имом чиқиб қоладир.)*

#### 4-мажлис: Зайнаб, Имом

Имом *(чачвон-паранжини Зайнаб ойимга бергач, дарров чопонини кийиб, саллани ўраб гапурадир.)* Ҳа, айланай, келдим, бир оз кеч қолдим чоғи.

Зайнаб. Яхши, ўзингиз биласиз!

Имом. Ўргулай ойимхон. *(Салласини ўрағач, ўтурадир. Зайнаб ойим ҳам ўтурадир. Имом фотиҳа ўқиб, яна сўзида давом қиладир.)* Оқсоқолимиз хатми қуръон қилган экан, бориб озгина қуръон ўқидим-да, «Касал бўлдим, қолганини уйда ўқийман», деб жавоб олиб келдим. Бой бобом йўқми?

Зайнаб. Бой бобонгиз йўқ, бўлсалар ҳам бу ёққа келмайлар. Кўрқманг.

Имом. Айланай, кўрқмайман-у, бироқ кўриб қолсалар, тузларини кўб еганмиз, яхши бўлмайдир.

Зайнаб. Тинч ўтира беринг. Келмайлар-да, кўрмайлар-да!

Имом. Ҳай, садағангиз кетай, берирак келсангиз-чи. Жуда узоқ ўтирибсиз-ку. *(Зайнаб нозланиб имомга яқинроқ ўтурадир.)* Бай, бай, бай, бу кун жудаям офат бўлибсиз. Худо ёмон кўздан асрасин. *(Дуо ўқиб, дам соладир.)*

Зайнаб. Хабарингиз борми? Қишлоққа янги дуочи чиққан.

Имом *(Зайнабнинг қўлини тутиб.)* Ўргулай, ким экан у?!

Зайнаб *(нозланиб)*. Бир хотун.

Имом. Садағангиз кетай. Хотуннинг яхшиси бўлса мана шундай ўтқизиб, садағаси бўлинг, ёмони бўлса, у дунёга жўната беринг. Дуо-муосининг мазаси бўлмайдир.

Зайнаб. Дуолари яхши экан.

Имом. Дуони биз, эркаклар қиламиз, ўргулай!

Зайнаб. Жоду ҳам қилар экан.

И м о м . Жодуни мана бу қоп-қора кўзларингиз қиладирлар.

З а й н а б (*итоб<sup>45</sup> билан*). Қуруқ гапларни қўйиб, мени тингласангиз-чи!

И м о м (*Зайнаб оймнинг қўлини ўпиб*). Хўш, айланай, марҳамат қилинг.

З а й н а б . Сиз ҳам ўлик бошига игна суқиб, ўқий оласизми?

И м о м . У хув... худди ўзимдан чиққан, менинг раҳматлик отам ҳажга борганда, бу дуони Шоми шарифнинг Ҳиндустон деган шаҳридан<sup>46</sup> ўрганиб келган эдилар, уни мендан бошқа ҳеч ким билмайдир.

З а й н а б . Ёлғон айтманг. Ҳалиги хотун билар экан.

И м о м . Садағангиз кетай, мен ёлғон айтмайман. Ёлғон айтсам, дуомнинг таъсири кетадир. Ўша хотунгина ёлғон айтибдир.

З а й н а б . Бир киши шу ўлик боши билан жоду қилиб қолса, сиз унинг жодусини ўзига қайтара оласизми?

И м о м . Ёлғиз ўзига эмас, ота-боболарига ҳам қайтара оламан.

З а й н а б . Ҳай, тўхтанг. Мен айтсам, ўлик боши билан бир кишига жоду қиласизми?

И м о м . Дарров қиламан. Кимга қилай, айгинг, ўргулай!

З а й н а б . Кичик кундошим Шарофатхон-чи?

И м о м . Ҳа, нима бўлди унга?

З а й н а б . Ана шу ҳалиги жоду хотунга бориб, ўлик боши бериб, менга жоду қилдирган.

И м о м (*ясама бир қайғу билан*). Вой, бадбахт, вой, бадбахт! Садағангиз кетай. Мен шу қуруқ жонимни сизнинг йўлингизда кўрганман. Дарров бориб, бадбахтнинг жодусини ўзига қайтараман.

З а й н а б . Ҳам жодусини қайтарасиз ҳам ўзига айруча жоду қиласиз.

И м о м . Хўб, бўлубтур, айланай. Аз дўст як ишорат, аз мо басар давидан<sup>47</sup>.

З а й н а б . Шу ишга эртадан бошлайсизми?

И м о м . Худди эртадан бошлайман, ўргулай! Эмди келинг, шу қоп-қора кўзларингиздан бир ўпай.

Зайнаб ойм бошини имомнинг кўкрагига қўйиб, ўзини унинг ихтиёрига қўядир. Имом унинг кўзидан жуда яхшилаб ўпган чоғда ташқаридан бой билан Жўранинг товушлари эшитиладир.

Б о й н и н г т о в у ш и . Жўра, ҳой, Жўра!

Жўранинг товуши. Лаббай!

Имом (*ўрнидан туриб*). Худо урди мени, қайси гўрга борай эмди?

Зайнаб (*эсини йиғиб*). Қўрқманг. Ўтуринг.

Бойнинг товуши. Молларнинг тагини супурдингми?

Жўранинг товуши. Ҳозир супураман, бой бобо, ҳозир!

Бойнинг товуши (*уйга яқинлашадир*). Падарингга наълат, тез бўл, супур! (*Имом қўрқадир. Бой эшик олдига келади.*) Ойим, бормисиз?

Зайнаб ойим ўрнидан туриб, эшик ёнига боради. Уйдан чиқмай гапуради. Бой эшикка яқин келади.

**5-мажлис:** Бурунғилар, Бой (*ташқаридан*)

Зайнаб. Борман, бор. Ҳай, кирманг, қўноқ бор!

Бой. Ким бор?!

Зайнаб. Холамлар келган эдилар.

Бой. Ҳай, ундай бўлса, мен меҳмонхонада ўтурай. (*Қайтмоқчи бўладир.*)

Зайнаб (*имомнинг ҳолига қараб, кулиб*). Холамлар сизни сўрайди. «Бой бобом, қалай, яхшими» дейлар.

Бой. Худога шукур, ўзларидан сўрайлик. Ўзлари қалай? Омон-эсонми, нечун бизникига оз келади. Сизни севмайлар чоғи!

Зайнаб. Йўқ, севади. Ку. Эмди ишлари кўб-да.

Бой. Дунёнинг иши битмайдир. Тез-тез келиб кетсинлар.

Зайнаб (*имомга қараб кулиб*). Сизни яна уйланар экансиз, деб эшитибди.

Бой. Йў...ғе...

Зайнаб. Худо хоҳласа, янги хотунларини ҳам келиб кўраман, дейлар.

Бой. Йў...ғе... Шул борларини келиб кўра берсинлар. Эмди янгисини олишга куч йўқ, қўйинг бу гапларингизни! Холани кечаси сақлаб қолинг.

Зайнаб. Мен боя шуни айтдим, «Йўқ» дейлар.

Бой. Нечун? Қолсалар, яхши бўладир-ку?

Зайнаб. Ишлари кўб экан. Бу кеча қўноқлари бўлар экан, мени ҳам чақиралар, борайми, йўқми?

Бой. Албатта, боринг, сиз боринг, улар келсинлар. Дунёнинг шундай бориш-келишлари бор-ку. Ҳай, эмди мен

меҳмонхонада ўтураман, сиз холангиз билан гапуришиб ўтурингиз. *(Қайтадир.)*

**Зайнаб.** Ҳай. *(Бой узоққа боргунча қараб турадир. Сўнгра бирдан сакраб, кулиб имомнинг ёнига келиб ўтурадир.)* Нега мунча кўрқасиз?! *(Куладир.)*

**Имом.** Ўргулай, ойимхон, садағангиз кетай, юрагим ёрилди. Ўла ёздим. Уф!

**Зайнаб.** Нима бўлди?! Сизни ўлдирдиларми?

**Имом.** Садағангиз кетай, бойнинг шунча тузларини еганман, пулларини олғанман. Бир кўриб қолсалар, яхши бўладирми?!

**Зайнаб.** Кўрқманг. Келиб кўришларини билсам, сизни мунда сақлайманми?! Келинг, эмди ўйнаб-кулайлик бир оз.

**Имом.** Эй, ўргулай. Бугун менга рухсат беринг, жуда кўрқдим. Ҳафсалам ҳам қолмади.

**Зайнаб** *(аччиғланиб).* Ўтура беринг, ҳали ўлганингиз йўқ-ку!

**Имом.** Ўргулай, ойимхон, садағангиз кетай. Ўтуришга тоқатим қолмади. Бу кеча холамга бораман, деб ўзингиз келингиз, ҳам дуога бошлаймиз, ҳам суҳбат қиламиз. Ўргулай, менга рухсат берингиз!

**Зайнаб.** Ҳай, тузук. Мен бир оздан кейин холамга бораман, кечаси уникидан чиқиб сизга кўнаман. Ҳали дуо учун ўлик бошини қандай топамиз?

**Имом.** Айланай. Сиз ҳеч ташвиш чекманг. Мен ўзим топиб қўяман.

Иккаласи ҳам ўринларидан турадилар. Имом салла-чопонини чиқариб қўлтиғига оладир, паранжини бошига соладир-да, кучоғини очиб, Зайнаб сари юрадир.

**Имом.** Кўзларингиздан ўргулай. Шу юзгинангиздан бир ўпиб олай. *(Зайнабни қучоқлаб ўпади.)*

## ИККИНЧИ КЎРИНИШ

*(беш мажлис)*

Саҳна. Биринчи кўринишдаги уй. Ўртада қалин кўрпачалар устида пар ёстиқларга таяниб Мансурбой узаниб ётадир. Қудрат чой сузиб берадир. Тўлғун бойнинг оёқларини уқалайдир. Ёнларида катта бир шамдонда шам ёнадир. Бир оздан кейин Жўра келадир.

**1-мажлис:** Бой, Қудрат, Жўра, Тўлғун

**Бой** *(Жўрани кўргач).* Ҳа, домулла келмадимми?

**Жўра.** Домуллани ёмон санчиқлари тутқон экан, ҳеч юролмайман дейдилар.

Бой. Кургур ҳийла қилибдир.

Қудрат. Йўқ, ота, бу кун оқсоқолнинг хатми қуръони бор экан, домудла ҳам бор эдилар. Бир оз ўтуриб, «Касал бўлдим, қолганини уйимда ўқийман», деб чиқиб кетдилар. Ўзлари касал.

Бой (Жўрага). Ҳай, кет, эшикларни яхшигина бекит, кўппакни ешиб юбор. Ўзинг дарров ухлама.

Жўра. Хўб. (Чиқиб кетадир.)

Қудрат. Ота, Арслон кеча келиб бу кун кетибдир-ку!

Тўлғун эс қўядир.

Бой. Қасққа кетибдир?

Қудрат. Билмасам, онасини кўмгандан кейин «Эмди мен қишлоқда турмайман», деб уйини Кўр Ҳасанга бағишлаган, еридан ортиб қолган пулларини Норхола билан (Тўлғунни кўрсатиб) бунинг онасига берган, ўзи чиқиб кетган.

Бой. Яхши бўлуптур, қишлоғимиз бир мутгаҳамдан қутулуптур. (Тўлғуннинг бу сўзларга эс қўйиб, уқалашни унутқонини сезган бой уни оёғи билан тепадир.) Нима бўлди сенга, ҳали ҳам кўнглингни узмадингми?! (Тепишдан йиқилган Тўлғун туриб, тез-тез уқалайдир.) Чик, йўқол, кет! (Тўлғун чиқиб кетадир. Бой ўғлига гапурадир.) Қасққа кетгани маълум эмасми?

Қудрат. Ҳеч кимга айтмабдир.

Бой. Лекин шунинг ерларини хўб арзон олдик-а.

Қудрат (ҳовлиқиб). Ота-чи, мен шу саккиз юзга ҳам олмасдим. Етти юзларга туширмакчи эдим, Оқсоқол қўймади. Шунини оласиз деб турди.

Бой. Ҳа, яхши қилибсан, ўғлим. Ери саккиз юзга арзон. Яхшилик билан сотмоқчи бўлса эди, икки минг тангага олардим. Ҳали унинг васиқаси сендами?

Қудрат. Токчага қўйган эдим.

Бой. Ол шуни! (Қудрат юксак бир токчадан васиқани олиб, келтириб бойга берадир. Ўзи ўлтурадир. Бой васиқани очиб, ўрта еридан шул форсийча сўзларни ўқийдир.) «Фурухтам ба байъи ботий, ба тотий шаръи чор таноб замини корамаи ҳақ ва мулки худамроки...»<sup>48</sup> (васиқани қатлаб олдиға қўядир.) Қудрат, тур, васиқаларнинг ҳаммасини келтир! (Қудрат бориб сандиқни очиб, оқ бир халта чиқарадир. Бойнинг олдиға келтириб қўядир. Бой тўғрилаб ўтирадир. Халтани ағдарадир. Ерга кўп васиқалар тўкиладир. Бой ҳар биттасини очиб кўрадир. Баъзисининг ўртасидан ҳалиги фор-

сича «Фарухтам... таноп» сўзларини ўқиб қўядир. Биттасига келгач, ўғлига кўрсатадир.) Мана шу тўрт танопни ҳам арзон олган эдик.

Қудрат. Қайси тўрт таноб бу?

Бой. Султонники-чи!

Қудрат. Ҳа, у жуда яхши ер. (Яна васиқаларни кўриб, қатлаб қўйишда давом қиладир. Яна бир васиқани олғач, ўғлига кўрсатадир.) Мана бу ер бутун олтин. Буни ҳалиги Аҳмадни онасидан ҳиж<sup>49</sup> олган эдим.

Қудрат. Шу кампир ҳам жуда ёмон эди-а, ота.

Бой. Еримни сотмайман, деб қандай додлар, фарёдлар қилди.

Қудрат. Эшон, қозиға ҳам борган эдим?

Бой. Эшон, қозиға, бекка бориб кўб тиришди. Бироқ, мен гапимни ўтқариб, ерни олдим-да. (Васиқаларни қатлаб, халтаға соладир. Арслондан олган ернинг ҳам васиқасини шуларнинг устига қўядир.) Худога шукур, ўғлим. Ишқилиб анча давлат йиғдим. Мен ўлгандан кейин навира, авираларингизгача етадир. Ишқилиб нобуд қилмай, сақласангиз бўлгани.

Қудрат. Бундай гапларни айтманг, ота, менга сизнинг тириклигингиз керак.

Худди шу топда кўча томонидан шовқин-сурон эшитиладир. «Шайтон, алдовчи, торт, чиқ, кўйма, бойни чақир» деган товушлар чиқади. Ота-ўғил шошиб бир-бирларига қарайлар.

Бой. Бу нима гап?

Қудрат. Билмасам!

Бой. Мени ҳам чақираларми?

Қудрат (тинглаб). Ҳа, мана, сиздан ҳам гап бор чоғи!

Бой (халтани олиб, ўғлига берадир). Ма, буни жойига қўй. (Қудрат халтани олиб, югуриб бориб сандиққа қўядир.) Бекит! Очғични менга бер! (Қудрат бекитиб, очғични отасига берадир. Бой очғичини у ён-бу ёнга яширмоқчи бўлган чоғда Жўра кирадир. Кўчадаги шовқин давом этадир.)

## 2-мажлис: Жўра, Бой, Қудрат

Қудрат (Жўрага). Нима гап?

Бой. Кимлар қичқирадир?

Жўра. Бой бобо, қопқаға кўб кишилар келиб, қичқириб туралар, қопқани оч, дейлар.

Бой. Ким экан улар?!

Жўра. Шу қишлоқ одамлари, ораларида оқсоқол ҳам бор. Оқсоқолнинг ўзи мени чақириб: «Кўрқма, эшикни оч, бойга арзимиз бор» деди. Бир кишини қийнаб кетирганга ўхшайлар.

Бой. Ким бўлар у?! (*Қудратга қарайдир.*)

Қудрат. Арслон бирон ёмон гапурган бўлса, шуни қийнаб кетирганлардир.

Бой (*Жўрага*). Оч қопқани, келсунлар-чи! (*Жўра югуриб чиқади.*)

Қудрат. Мен ҳам чиқайми?! (*Жойидан туради.*)

Бой. Нима қиласан чиқиб?

Қудрат. Билиб келайми, дедим-да. (*Товушлар яқинлашадир.*)

Товушлар:

— Бойнинг ўзи кўрсин!

— Албатта, кўрсин!

— Қани, нима қилади!

— Бой уйғоқми?

— Уйғоқ экан.

— Ухлаган бўлса, уйғотамиз!

Бой (*Қудратга*). Утура бер. Ўзлари келдилар!

Товушлар худди эшик олдида:

— Бой борми?

— Уйғоқми бор?

— Кира берсанг-чи!

— Шошма, сўраб кириш яхши-да.

Бой (*товушини чиқаради*). Кела беринглар, нима гап?!

— Мана, уйғоқ экан, кир!

— Оқсоқол, кириг.

Эшикдан оқсоқол киради.

Оқсоқол. Салом алайкум.

Оқсоқолдан кейин Тўрақул, Турсун, Кўр Ҳасан, Ойнуқса, Норхола ҳам бошқа қишлоқчилар кирадилар. Кўр Ҳасан билан Тўрақул домла имомни ушлаганлар. Норхола билан Ойнуқса бошларига чопон олган, чачвон-паранжига ёпилган Зайнаб ойимни ушлаганлар.

**3- мажлис:** Бурунғилар, Оқсоқол, Ҳасан, Турсун, Тўрақул, Ойнуқса, Норхола, Зайнаб, Имом

Бой (*шошқин*). Ҳа, оқсоқол, нима гап, булар ким?!  
Оқсоқол. Ҳеч гап эмас, бой бобо.

Бой. Хўш!

Оқсоқол. Эндигина ухлаб ётган эдим. (*Қишлоқлиларни кўрсатиб.*) Булар келиб, уйғотдилар. «Домла-имомимиз уйига бир ёмон хотунни ўйнашликка чақирган» дейдилар. Бизнинг қишлоқда бу гап йўқ эди. Бу нима бало экан, деб бордик. Хотунгинанинг ким эканини билиб олмоқ учун (*Ойнуқсаларни кўрсатиб*) мана булар ҳам келиб қолдилар. Ҳаммамиз босиб, мулланинг уйига кирдик. (*Зайнабни кўрсатиб.*) Мана шу хотунгина билан ётган эканлар, иккаласини ҳам тутиб кетирдик.

Бой домла-имомга қарайдир. Имом уялган бўлиб, бошини букиб, ерга қараб, қимирламасдан турадир.

Бой. Бу хотун ким экан?!

Оқсоқол. Тақсир... Уяламан айтишдан... Бу киши ойимиз эканлар.

Бой (*телбаланиб*). Ойинг ким сенинг?!

Оқсоқол. Тақсир... ана у... бойбаччамизнинг волидалари, дейлар!

Бой (*қичқирадир*). Ҳа!

Ҳасан (*оқсоқолга*). Уялиб нима қиласиз, оқсоқол! Энди уялиш вақтими?! (*Бойга*) Бой бобо, бу киши хотунингиз, имомнинг кучоғидан тортиб чиқардик биз!

Бой (*имомга қараб*). Вой паналат кофир! (*Ийғлаб*.) Бу нима қилганинг?!

Имом ерга қараб тургани турган, қимирламайдир.

Ойнуқса. Бой бобо, ўз хотунларингизни берк тутолмайсиз-у, бошқаларнинг қиз-келиндарини зўрлаб тортиб оласиз. Бу қандай гап? Ўз хотинингиз ётларнинг кучоғида...

Бой (*бирдан қичқириб Ойнуқсанинг сўзини кесади*). Кес товушингни! Паналат кампир! Сен нимага гапурасан! (*Уғлига*.) Ур, ўлдир бу паналатни. Қонини ўзим бераман! (*Ўзи ҳам урмоқчи бўладир. Қишлоқлилар ҳужум қилиб қичқирадилар.*)

Товушлар:

— Ўтуринг, бой!

— Бой, жим туринг!

Ҳасан. Бой, гуноҳсиз одамларни ўлдириб, қонини бе-риш чоғи эмас. Хотунингизни ўйнаш билан тутиб келтирдик. Буларни ўлдирилинг. Қонларини ҳам ҳеч ким тиламайдир!

Бой. Нима дейсиз менга?! Келтирибсиз, яхши қилибсиз, барака топинг. Эрта иккисининг ҳам жазосини бераман. (*Кудратга*.) Болам, тур, онангни нариги уйга элтиб,

құл-оёқларини боғлаб қўй. (*Имомни кўрсатиб.*) Бу кўрнамакни оғилға тиқиб қамаб қўй. Эрта Бекка элтиб, жазоларини бердирамиз. (*Қишлоқлиларға.*) Яхшилиқларингизга раҳмат! Яхши иш қилдингиз. Бундай ёмон кишини имом қилиб қўйишимизга ҳайронман! Эрта яхши бир кишини топиб, имом қиламиз.

Оқсоқол (*қишлоқлиларга*). Туринг эмди, ишимиз битди, кетамиз, туринг! Ҳай, бой бобо!

Қишлоқлилар:

— Бой бобо, ҳай!

— Ҳай, яхши қолинг, бой!

— Тинч ётинг, бой!

Бой. Саломат бўлинглар. Қилганингиз хизматни унутмайман мен! (*Битта, битта чиқиб кетадилар. Оқсоқол энг сўнг чиқмоқчи бўладир.*) Оқсоқол, сиз тўхтанг! (*Оқсоқол тўхтайдир.*)

Оқсоқол (*ўтурадир*). Уф... Ҳай, падарига налат имомнинг.

Бой. Бошлаб сенинг падарингга налат, аҳмоқ!

Оқсоқол (*шошқин*). Нечун, мен нима қилдим?!

Бой. Мен бўлмасам, шулар сени ўлдириб, гўштингни ейдилар. Билмайсанми?!

Оқсоқол. Билмаган кўр бўлсун, бой, мен нима қилдим?!

Бой. Паналат, шу ишни билган экансан, секингина келиб, менга хабар бермайсанми? Шунча одамни йиғиб, мени расво қилганинг нима?!

Оқсоқол. Шу ишни мен қилган бўлсам, хотуним талоқ бўлсин. Мен ҳаммадан кейин хабар топдим. Мен чиққанда иш қўлдан кетган эди, бой!

Бой. Ким қилган бу ишни?!

Оқсоқол. Мен ҳаммадан кейин чиқдим. Ишни қилган Арслон.

Бой (*қичқириб*). Ёлғон!.. Кўрнамак... Арслон чиқиб кетиб йўқолган. Қишлоғимизда Арслон йўқ, кимни алдайсан?!

Оқсоқол. Гапни тингланг. Мен ҳам Арслоннинг кетиб қолганини эшитган эдим. Бироқ шу кеча, мана шу жанжал устида ўзим кўрдим!

Бой. Қандай қилиб яна келади у?!

Оқсоқол. Гапуришга қўймасангиз, қандай қилай?!

Бой. Ҳай, айт, қани, нима бўлган?

Оқсоқол. Арслон қишлоқдан чиқиб кетмаган экан. Ул бир нарса пойлаб юрганга ўхшайдир. Бу кишининг имомга бориб кирганини қандай қилиб кўрган, қишлоқ одамларига хабар берган. Бу кишининг юзини таниб қўймоқ учун кампирларни чақирган. Имомнинг уйига қоровуллар қўйиб, сўнгра менга келганлар. Менга ойим эканларини билдирмадилар. «Имомингиз бир ёт хотун билан ётадир» дедилар. Бориб, иккаласини тутқонимиздан кейин ҳалиги кампирлар кўриб, Зайнаб ойим эканини айтиб қўйдилар. Мен ҳеч илож қилолмай қолдим. Йўқса, ўлдирсалар ҳам бу ишни қилмайман, бой бобо! Сиз мени биласиз-ку!

Бой. Ундай эса, бу Арслон менга бир ёмонлик қилмоқчи бўлиб юрадир, десанг-чи!

Оқсоқол. Мен шундан кўрқаман. Эрта кўрғонга бориб, Бекка айтинг, унинг иложини қилсунлар.

Бой. Ҳали ўзи қаёққа кетди?

Оқсоқол. Билмадим, уйига борғандир.

Қудрат келади.

Бой. Ҳай, сен кет, оқсоқол!

Оқсоқол. Хўб (*Жойидан туриб, чиқиб кетадир, бой яна ёстиққа ёстанади*).

#### 4-мажлис: Бой, Қудрат

Бой. Нима қилдинг, ўғлим?

Қудрат. Икковини ҳам қамаб қўйдим. Онам дуога борган эдим, дейдир.

Бой. Гап бошқа экан болам! Бу ишларни Арслон қилиб юрар экан.

Қудрат. Арслон кетган-ку.

Бой. Кетмаган экан. Бизнинг кетимизга тушган, шунча одамни онангнинг бошига йиғиб борган шу экан.

Қудрат. Ким айтди?!

Бой. Оқсоқол ўз кўзи билан кўрган.

Қудрат. Ундай бўлса, эртага у итни топиб ўлдириб ташламасам бўлмайди! Унинг бу ўйини яхши бўлмади.

Бой. Эрта бекка бориб айтаман, иложини қилсин.

Қудрат. Сиз ўзингизнинг бекларингизни кўра беринг. Мен ўз ҳисобимни ўзим баравар қиламан.

Бой (*жавоб бермай, бир оз ўйланиб тургандан кейин*), Тўлғунни чақир, ётоқларни тузсин.

Кудрат. Нима қилай чақириб, сизнинг ётоқ тузук, меникини ўзим тузатаман.

Бой. Ҳай, майлинг, болам. Ётоғингни тузат. Сўнгра чиқиб, у ёқ-бу ёқларни кўр, қопқадан хабар ол. Жўрани уйғотиб қўй, уй эшикларини беркит. (*Бой сўзини битирганча Кудрат туриб, сандиқ устидаги кўрпалардан ўзига ётоқ тузишга тиришган бўладир. Бой ўйлаб турадир.*) Нега мен шуни қутқардим? Ботурға ўхшаб қамоқда ўлиб кетгани яхши эмасми эди?! (*Кудрат эшикка чиқади.*) Аҳмоқ оқсоқолнинг сўзига кириб, шуни қутқардим. Мана бугун бошимга бало бўлди. У шу қилган иши билан қолмайди. Бу қилган иши нима?! Менга жуда катта зиён эмас-ку! Хотунимни уч-тўрт кун шунда боғлаб қўяман. Имомни саҳарлаб қочираман, бундан кейин бу қишлоқда кўринмасин. Қишлоқликларни қўноққа чақириб, ёғли бир палов едираман, бу иш шу билан тамом. (*Бир оз ўйлаб.*) Лекин ана у бадбахт турмайди. Бошимга бир ёмон хангама чиқармай қўймайдир. (*Кудрат ташқари томондан уй эшикларини ёпади. Узи ёнидаги эшикдан кириб, ҳамма эшикларни занжирлайди.*) Эрта тездан бориб Бекни кўриш керак-да, шу бадбахтнинг иложини қилиш керак.

Кудрат (*эшикларни занжирлагандан кейин*). Ота, шамни ўчирайми?!

Бой (*бирдан айилади*). Хабар олдингми?

Кудрат. Ҳар томонни кўрдим, хотиржамлик. Жўрани ҳам уйғотдим.

Бой (*бошини ёстиққа қўйиб ётади*). Ҳай, ўчур!

Кудрат шамни ўчиради. Ўзи ешиниб ётоққа узаниб ухлайди. Иккови ҳам бутунлай ухлагандан кейин юқори эшикнинг бир палласи тагидан секингина кўтарилиб, кейинга олинади-да, ўғри қиёфасида Арслон киради.

## 5-мажлис: Бурунғилар, Арслон

Арслон (*иккаласига ҳам тузукрак қарайди*). Уҳ. Иккиси бир ерда тутилди, илон билан илонбачча. Иккисининг ҳам бошини эзаман. (*Махсининг соғидан<sup>50</sup> узун пичоғини чиқариб, бойнинг бошига борадур.*) Кўзинг ерга тўймади. Мана ер тагига кет!

Пичоғини бойнинг худди кўкрагига уради. Бой бўғиқ бир товуш билан ярим сакраб йиқилади. Арслон уни босиб туради. Бойнинг тирпиниб жон чекишидан Кудрат уйғонади. Бир нарсани кўра олмағач, гугурт чақадир, Арслоннинг ўз томонига келганини кўргач, қичқирмоқчи бўла-

дир. Бироқ тутиладир. Бир-икки бўғиқ товуш чиқарғач, Арслон етишиб, қўлдан тутадир. «Кел, отанг чақирадир» деб бойнинг гавдаси томон тортадир. Қудрат унинг пичоғига жон ҳовли ёпишадир. Анча талашдан кейин Арслон пичоғини унинг қўлидан қутқариб кўкрагига урадир.

Арслон. *(Қудрат «воҳ» деб йиқилғач, уни бойнинг гавдаси узра ётқизадир. Белини тўғрилаб, ўликларнинг жон чекишига қарағандан сўнг узоқларга тикилиб.)* Ботур, сенинг ўчингни олдим. Қишлоғимизни ҳам қутқардим! *(Бот<sup>31</sup> чиқиб кетадир.)*

Парда тушар.

## ВОСЕЪ ҚЎЗҒОЛОНИ

Бухоро амири ҳукмронлиги остида яшаган  
тожиклар ҳаётидан тарихий фожиа

### ИШТИРОКЧИЛАР

Восеъ — ўрта ёшларда, камбағал жувозкаш.

Гулизор — Восеънинг қизи, 18 ёшда.

Чигагул — Восеънинг хотини, қирқ ёшда.

Мулла Назир<sup>1</sup> — ўрта ёшлардаги деҳқон.

Нозим —

Оймаҳаммад — } қўзғолон иштирокчилари.

Бобо Сангин — 60 ёшда, камбағал қария.

Акрам —

Сафар — } камбағал тожик йигитлари.

Тош ясовул — ўрта ёшларда, қисқа соқолли, узун мўйловли,

Балжувон мирининг одами.

Қурбон жевачи — ўрта ёшларда, Балжувон мирининг одами.

Балжувон мири — 60 ёшлардаги мўйсафид, додхоҳлик кийи-  
мида.

Бекжон — 25 ёшар йигит, Балжувон мирининг ўғли.

Қози Фулом — Балжувон қозиси, нашаванд чол.

Одина мирзабоши — Балжувон мирининг мирзабошиси,  
35 ёшда.

Аҳмад ясовулбоши — Балжувон мирининг ясовулбошиси, 50  
ёшда.

Бобо Раҳмат — 60—70 ёшлардаги камбағал чол.

Ғариби Хубон — Бобо Раҳматнинг қизи, 19 ёшда.

Шариф юзбоши — Сарбозлар бошлиғи, 40 ёшда.

Нурмуҳаммад қоровулбеги — Балжувон мирининг одами.

Жўра —

Ҳалим — } қари фаррошлар.

Китоб мири — ўрта ёшларда, бойлик мансаби бор.

Қози Шарофутдин — Китоб қозиси, қария.

Наврўз ясовулбоши — Китоб мирининг ясовулбошиси, ўрта  
ёшларда.

Бандилар, маҳрамлар, хизматчилар, сарбозлар,  
қишлоқ аҳолиси, мардикорлар ва бошқалар,

### БИРИНЧИ ПАРДА

Восеъ уйи олдида яланглик. Улкан дарахт соя солиб турибди. Унинг  
остида шолча тўшалган, кимса кўринмайди. Ҳовлидан Гулизор овози  
эшитилади. У шеър ўқийди.

Гулизор. Баланд тоғда, ёрим, бошинг кўринди  
Ёйга ўхшаш қалам қошинг кўринди,  
Билолмадим, ким экандир устозинг,  
Кулганингда ичу тошинг кўринди.

Восеъ кириб келади. Танида жувозкашлик туни, бошида қора дўппи, кўкраги очиқ. Белида белбоғ, бир боғ ўтни кўтариб олган. Уйга яқинлашиб тўхтайти. Гулизор сўзларига қулоқ солади. Гулизор бундан беҳабар шеър ўқишда давом этади.

Олти ойдир, билло, тоғлар маконим,  
Келсанг келгин, сенга садақа жоним...  
(*Овози тинади,*)

Восеъ (*хурсанд*). Менинг қизим шоир бўлибди, шеър ўқияпти: «Келсанг келгин, сенга садақа жоним»... (*Чақиради.*) Гулизор! Гулизор!

Гулизор. Лаббай, дадажон, ҳозир! (*Югуриб киради.*) Дада, қаёқда эдингиз, бунча ҳаяллагингиз?

Восеъ. Иш чиқиб қолди... Овқат едиларингми?

Гулизор. Пиёва осгандим, кўб кутдик, келавермадингиз, ўзимиз овқатландик. Сизга ҳам қолдирдик.

Восеъ. Яхши қипсанлар. Мен бу ўтни сигир олдига ташлайин. Сен овқатни олиб чиқавер, шу ерда ейман...

Гулизор. Нега?

Восеъ. Шу ерда жуда соз. Ҳозир Мулло Назир келади, гаплашиб ўтирамин.

Гулизор. Бўпти, дарров олиб чиқаман. (*Ичкарига киради. Восеъ оғилга ўтади.*)

Чигагул (*дастурхон кўтариб киради*). Кел, дастурхонни ёз. Овқатни мана бу ерга қўй.

Восеъ киради.

Восеъ. Келтирдингми, балли қизим!

Чигагул. Одам деган овқатни вақтида ейди... Сиз бўлсангиз...

Восеъ. Бўлди, бунча гапни чўзасан? Ҳаммани ўзингга ўхшаган бекорчи деб ўйлайсан чоғи. Меҳнатсиз айтган нарсанг муҳайё бўлавермайди!.. (*Овқат ейди. Орада бир зум жимлик чўқади.*) Гулизор, қизим, ўқиётган ғазалинг кимдан?

Гулизор (*уялиб*). Ҳеч кимдан. Кўйлак тикаётганда, зерикканимдан ўзим тўқидим...

Восеъ. Чиндан-а? Яша, кам бўлма!

Чигагул. Ким бўларди, қизимнинг ўзи тўқийди! Сиз беҳабарсиз, қизимиз шоира бўлган, яхшигина қўшиқлар айтади...

Восеъ. Баракалла, қизим! Мен ҳали роса мириқиб тингладим... Яхши тўқибсан...

Чигагул. Сизу мендан кўра яхшироқ!

Восеъ. Йўқ. Фақат сендан яхшироқ бўлса бордир...

Чигагул. Нега энди, фақат мендан бўларкан?

Восеъ. Нима десам экан?..

Чигагул. «Шоирлик қизимга мендан ўтган», — дея қолинг бўлмаса!

Восеъ. Ҳа!.. Одам ёш бўлса, гами бўлмаса, ота уйида яшаса, ҳар нарсани ҳавас қилса бўлади-да. Уй-жойли, бола-чақали бўлгандан кейин, уй-рўзгор ташвиши билан ўралиб қолиб, бу ишларнинг ҳаммаси ёддан чиқади-кетеди, унутилади... (*Овқат ейишдан тўхтаб.*) Мазали овқат пиширибсан. Кел, дастурхонни йиғиштир! (*Фотиҳа ўқийди.*)

Гулизор билан Чигагул дастурхонни йиғиштириб, чиқадилар.

Восеъ (*ёлғиз*). Ёшлик — бебошлик деганларича бор. Шўхлик, ўйин-кулги, ишқибозлигу шоирлик... Буларнинг ҳаммаси ёшликда ярашадиган ишлар... Мен ҳам сўққабош бўйдоқлигимда бу ишлар кўчасидан ўтганман... Мизробхон қўзғолонигача<sup>2</sup> эди бундай беғам юришлар. Мизробхон исён кўтарди-ю, мен ҳам ёшлик қоним, куч-ғайратим жўш уриб, унга кўшилдим. Бухоро амири лашкарига қарши қаттиқ жанглар қилдик. Золим амир бечора Мизробхонни аллади. Уни номига Балжувонга ҳоким тайинлади-ю, кейин Бухорога чақириб олиб, ўлдирди... Ажойиб инсон эди Мизробхон...

Оймаҳаммад (*киради*). Салом алайкум!

Восеъ. Ваалайкум ассалом! Кел, оғайни! (*Кўришадилар.*) Қаёқларда юрибсан, кўринмайсан?

Оймаҳаммад. Уйда эдим.

Восеъ. Янгиликдан хабаринг борми?

Оймаҳаммад. Эшитдим. Бу яна қанақаси? Закот деб олишди, бож деб олишди, бас эмасми? Айтилганидан зигирча кам берганимиз йўқ. Тагин ҳар хонадондан бир эчки билан бир тақа карбос<sup>3</sup> талаб қилишлари нимаси? Бизни тинч қўйишадими, йўқми?

Восеъ. Йўқ, қўйишмайди! Тинч қўйишлари учун Мизробхондек шахс керакки, ҳафтада бир марта исён кўтариб, уларга тинчлик бермаса. Бошқа иложи йўқ!

Ой маҳамад. Уйи куйсин бу золимларнинг, бизни хонавайрон қилишди. Қаёқдан топиб берамиз бунча нарсани? Менинг уйимда эчки тугул, биронта товуқ ҳам қолмади.

Восеъ. Сабр қил, Мулла Назир келсин, маслаҳатлашиб оламиз.

Ой маҳамад. Мулла Назир қаерда?

Восеъ. Боя йўлда учратдим, одамларни тўплаш учун эшикма-эшик хабар қилиб юрибди.

Ой маҳамад. Амирнинг одами шу бугун келарканми?

Восеъ. Ҳа, шу бугун.

Ой маҳамад. Янги хирожниям<sup>4</sup> шу бугун йиғарканми?

Восеъ. Хирожни эмас, закотни!

Ой маҳамад. Уйи куйсин бу ноинсофларнинг. Йўқдан закот ундириб бўладими? Кўчиб кетиш керак бу юртдан.

Мулла Назир икки-уч нафар одам билан кириб келади.

Мулла Назир, ясовуллар бугун келишадими?

Мулла Назир. Ҳа, шу бугун!

Ой маҳамад. Хўш, энди нима қилдик? Айтган нарсаларини қаёқдан топиб берамиз? Егани нонимиз йўғу!

Қишлоқ аҳли бирин-кетин келиб, ҳар жой-ҳар жойда ўтирадилар. Улар орасида Бобо Сангин, Нозим, Сафар Икромлар ҳам бор.

Мулла Назир. Ҳовлиқма! Бу гап фақат сенга тегишли эмас, шу ерда ўтирганларнинг ҳаммасини бошига тушган савдо бу! Агар шулар беришса, сен ҳам тўлайсан...

Бобо Сангин (*унинг сўзини бўлиб*). Қаёқдан беради булар? Биртаси мен бўлсам, мардикорлик қилиб кун кечираман. Така карбосим бўлганда эди, болаларим кўйлак тикиб киярдилар.

Нозим. Беш-олти йилдан бери бегона юртларда мардикорлик қилиб тўрт-беш чақа ишлаб қайтаман. Йўлда бизни закотчилар талашади. Улар қўлидан бир амаллаб ҳийланайранг билан қутулишга тўғри келади. Қолган-қутган уч-тўрт чақа пул еяр овқатимизгаям етмайди. Устига устакча бу «қўшимча солиқ» пайдо бўлди. Уни ҳеч биримиз тўлай олмаймиз!

Сафар. Керак бўлса, ўзимизни сўйиб қўяқолсин! Жондан тўйдик-ку!

Восеъ. Гапингиз тўғри, оғайнилар! Берадиган ҳеч вақомиз қолмади. Амир закот оладиган бўлса, борлардан олсин! Йўқдан нимани олади? Бироқ...

Бобо Сангин. Восеъ, ҳеч қандақ «бироқ»нинг кераги йўқ! Сафар тўғри айтди, бор бисотимиз тугади, жондан бўлак нарсамиз қолмади. Керак бўлса, шуниям олақолсин! Безормиз бундай тирикчиликдан!

Ҳамма. Безор бўлдик! Безор қилишди золимлар!

Восеъ. Қизиқсанлар-да. Мен нима деяпман. «Биз бу солиқни тўлай олмаймиз», деяпман. Бироқ тўламаслик учун қандоқ иш тутиш керак, шу ҳақда ўйлаш керак деяпман... Бугун келишса, нима деб жавоб қиламиз? «Берадиган нарсамиз йўқ» десак, гўдақларимиз уст-бошини ечиб олишади, уй-жойимизни сотиб, мусодара қилишади.

Сафар. Гап битта: берадиган нарсамиз йўқ! Нима қилса, қилаверсин!

Мулла Назир. Бирпас ғалва қилмай тур. Восеъ сўзини тугатсин!

Сафар. Бўпти! (Восеъга.) Айт, нима демоқчи эдинг?

Восеъ. Демоқчиманки, шу «ҳеч нарсамиз йўқ», деган сўзни дурустроқ айтайлик, дўқ-пўписадан қўрқмасдан, дадилроқ айтайлик. Сафар айтган «Керак бўлса, жонимни олсун!» деган гапни улар билан юзма-юз бўлгандаям, қўрқмасдан айтолсак дейман...

Бобо Сангин. Қўрқмаймиз! Ўлдиришса, қайтага биратўла қутула қоламиз... Ахир бор бисотимизни тортиб олсалар, болаларимиз очликдан минг турли балоларга гирифтор бўлиб қирилиб кетсалар, биз бир четда томошабин бўлиб қараб тураверамизми? Тирикликдан нима баҳра топдикки, ўлимадан қўрқамиз!

Восеъ. Мулла Назир, дейман, ёлғиз бизнинг қишлоқ қўлидан бирон иш келармикин? Айтинг-чи, бошқа қишлоқлар нима қилишмоқчи?

Мулла Назир. Ҳаммаси ҳам нолийди, аммо бизга ўхшаб, нима қилишни билмай ҳайрон... Сабр косаси тўлган.

Бобо Сангин. Солиқни тўлашадими, йўқми?

Нозим. Қорни нонга тўймаса, қандоқ тўлайди?

Мулла Назир. Кўпчилик «тўламаймиз!» дейишяпти.

Восеъ. Ахир, «тўламаймиз» деган билан иш битди дейсизми? Илонга «Мени чақма!» десангиз, кулоқ осар-

миди? Йўқ, барибир заҳарини сочади. Амир ҳам бамисоли ана шу заҳарли илон, қонхўрлигини тарк этолмайди. «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» деганларини эшитганмисиз? (*Тўхталиш.*) Энг ёмони — халқимизнинг беғайратлиги!

Акрам. Беғайрат дейиш, менинча, тўғри эмас. Иноқлик етишмайди десангиз, бу бошқа гап. Мана, Даштак қишлоғини олинг. Ясовулни қалтаклаб қувиб юборишипти... Бироқ бефойда... Ўзингиз айтгандай, бир қишлоқнинг қўлидан нима иш келарди?

Бобо Сангин (*Акрамга*). Ана келишди... Вой-бўй, бунга қара, мўйлави бунчалик баҳайбат... Башарасидан ажал ёғяпти... Тур!

Акрам. Келса келар, нега турарканман?

Бобо Сангин. Яхшимас, бор, отини олиб қозикқа бойла!

Акрам чиқади.

Восеъ (*ҳовлига юзланиб*). Гулизор, ҳо Гулизор!

Гулизор (*югуриб чиқади*). Лаббай!

Восеъ. Қизим, дастурхон чиқар, меҳмон келди.

Гулизор чиқади. Тош ясовул билан Қурбон жевачи кирадирлар. Ҳамма ўрнидан туриб, уларни қарши олади.

Тош ясовул. Қалай, эсон-омонмисизлар?

Восеъ. Худога шукур, ясовулбоши, марҳамат! (*Уларга юқоридан жой кўрсатади.*)

Тош ясовул. Бобо Сангин, қалай қаримаяпсанми?

Бобо Сангин. Э, жонингга жоним садақа, ясовулбоши, қаримай бўларканми? Чарчадим, қўлим ишга бормайдиган бўлиб қолибман.

Гулизор дастурхон келтиради, Восеъ нон синдиради, «Марҳамат, олинглар» дейди.

Тош ясовул (*Бобо Сангинга*). Сени Бухорога юбориб, сарбоз тайинласак, нима дейсан?

Бобо Сангин. Нима ҳам дердим? «Хўп» дейман-да. Ахир, агар мен сарбоз бўлсам, сенинг Жаноби олий аминринг дунёда ягона жаҳонгир бўладилар-да! (*Кулишади.*)

Тош ясовул (*фотиҳа ўқиғач*). Энди дастурхонни йиғиштирсангиз бўлади.

Восеъ дастурхонни йиғиштириб, ўрнидан турмоқчи бўлганида Тош ясовул уни тўхтатиб, дастурхонни қайтадан очади. «Тўхта, одамгарчилик

юзасидан бу нонни олинг демардинг-а», — дейди. Нонларни Қурбон жевачига тутқазиб, «Жевачи, ма, бу нонларни қўйнингга сол, йўлда тамадди қиламиз», — дегач, дастурхонни Восеъга қайтариб беради.

Восеъ дастурхонни олиб, бир четга қўяди.

Восеъ. Бу камлик қилар, буюрай, яна олиб келсин!  
Тош ясовул. Етади! Хўш, энди гаплашиб олайлик-чи.

Бобо Сангин. Буюрсинлар.

Тош ясовул. Жаноби олийдан муборакнома келди. «Чакана закот»ни тўплаш вақти етди. Бу йил биртадан эчки устига бир такадан карбос ҳам олинсин, дептилар. Жаноби олийнинг фармони мубораклари шундай.

Бобо Сангин. Ясовулбоши, инсоф борми ўзи?! Бу одамларга қараб боққин: танидаги кийими эскириб, минг ямоқ бўлибди. Карбослари бўлганда, кийим-бош тиктиришарди-да! Ҳайламай-нетмай «қўй» дейсан, «эчки» дейсан, «карбос» деб валдирайсан?!

Тош ясовул. Менга нима, Жаноби олий буйруқлари-да! Ул Олий ҳазратнинг фармонларини бажармай бўладими?!

Нозим. Жаноби олий амрлари деб ўзимизни ўлдирайликми? Бўлмаса, нимани берамиз?

Тош ясовул. Бу сизнинг ишингиз. Ўзингизни ўлдирасизми, сотасизми, нима қилсангиз, қилинг. Аммо Жаноби олий буйруқларини бажаринг, вассалом!

Бобо Сангин. Мен Жаноби олийни кўрган эмасман. У кишининг ноиб бегими сен бўлсанг бизга бек номидан гапиряпсан. Демак, сенинг сўзинг жаноб бекнинг сўзи. Шундайми? Шундай бўлса, сен менга: «Осмонни отиб юбор, тушиб ерга ёпишсин», дейсан. Ўзинг айт, шу менинг қўлимдан келадими?

Тош ясовул. Тушунмадим, нима демоқчисан? Хўш, ана мен «Қўлингдан келмайди» дедим, нима бўпти?

Бобо Сангин. Ҳеч нима. Мен амрингни бажо келтиролмадим. Энди нима қиласан?

Қурбон жевачи. Қўйсанг-чи. Ҳамма шундоқ қилаверса, нима бўлади? Жаноби олий ҳақларини тўламаслик мумкинми?

Нозим. Бундан чиқадики, мумкин экан-да! Иложимиз қанча?

Тош ясовул. Тўламасанг, зўрлаб қизингни оламинг, хотинингни сотаминг, барибир ундирамиз. Биз билан ўйнаш-

ма! Эшитганмисан «Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб ураб ҳар боб билан!»

Восеъ. Бор, қўлингдан келганини қилавер! Тоза жонга тегди...

Тош ясовул. Нима дединг? *(Аччиғланиб, ўрнидан туриб кетади.)*

Нозим. Восеъ ҳақ гапни айтди, жонимиздан тўйдирдинг!

Тош ясовул. Ҳаддингдан ошма, Нозим! Оғзингга қараб гапир!

Нозим. Пичоқ бориб-суякка тегди. Нима қилсанг, қил! Менга жон ҳам керакмас, бола-чақаям...

Восеъ. Ҳой, ясовул! Нима ишинг бор? Жонга теккандан кейин ўзимни ўтга ташлайманми-ташламайманми, бу менинг ишим. Бор, амиру умаронгга айт, бизнинг уларга берадиган ҳеч вақомиз йўқ!

Тош ясовул. Йўқ, айтмайман! «Тўламайман» деб бўйин товлаганларни банди қилиб, бек жанобларига олиб бораман!

Овозлар. Тўламаймиз! Олиб борсанг, ҳаммамизни олиб бор!

Тош ясовул. Йўқ! Ҳамманг керак эмас менга! Бир-иккита оғзи каттангни олиб борсам бўлгани! *(Нозимга: «Тур ўрнингдан!» дейди. Восеъга қараб: «Сен ҳам юрасан биз билан!», деб бақиради.)*

Восеъ. Банди қилиб олиб борасан? Бекор айтибсан, номаъқул қипсан!

Тош ясовул. Тур ўрнингдан! Борасан!

Восеъ. Қўл текиза кўрма! Бормайман дедимми, бормайман!

Ясовул Восеъ ёқасидан ушлаб тортади, у йиқилади. Тўполон бошланиб кетади. Оломон қўзғалади. Восеъ ғазаб билан ясовулга тикилиб: «Мана, бўлмаса, ҳаққингни ол!» дейди-да, бошига бир мушт туширади. «Уринглар, йигитлар, бу итларни» деб хитоб қилади. Ҳамма Тош ясовул билан Қурбон жевачига тармашадилар. Тош ясовул билан Қурбон оломон оёқ остида қолади. Сангин ердан бир чақир тошни олиб, Тош ясовулнинг бошига туширади. У «миқ» этганича жон беради. Ур-тўполондан фойдаланган Қурбон жевачи туриб қочади. Бир неча киши уни қувиб кетади.

Балжувон қўргони. Ҳоким меҳмонхонаси олдида сув сепиб супирилган майдон. Икки-уч гачм<sup>5</sup> дарахтининг соя-салқинида катта гилам тўшалган. Унинг устига турли рангдаги кўрпа-ёстиқ ёйилган. Бекжон, Аҳмад ясовулбоши ва Қурбон жевачи чой ичиб, суҳбатлашиб ўтирибдилар. Боши латта билан танғиб боғланган, синган қўли эса бўйнидаги рўмолга осиглиқ. Қурбон жевачи пастроқда ўтириб, ўз бошидан кечганларни сўзлаб берапти.

Қурбон жевачи. Раҳматлик Тошнинг бир оз ҳовлиқди. Мен борганимиз заҳоти уларнинг авзои бежолигини сезгандим. Тошнинг қулоғига ескингина: «Буларнинг кайфи бузуқ. Ҳазаби ошиб-тошганга ўхшайди, эҳтиёт шарт!» — деб шипшидим. Раҳматлик ажали етган эканми, билмадим: «Ишинг бўлмасин, ўзим биламан!» — деб жавоб қилди.

Бекжон. Э, санларни қара-я! Ўша хон давлатининг нон-тузидан жон-жигари тешилгулардан икки-учтасини чопиб, бошини олиб келиш ўрнига, калтак еб юрибсанлар-а!

Аҳмад ясовулбоши. Қизиқсан-да! Бегижон, кўбчилик бўп ёпишганида қийин-да, уларга бас келиб бўладими? Бу жаноблар уларнинг зимдан пишириб қўйган режаларидан беҳабар, ангда қолишган-да<sup>6</sup>.

Бекжон. Ангда қолишган дейсиз. Ўзи айтяпти-ку, авзойи бузуқлигини олдиндан сезган эдим деб.

Аҳмад ясовулбоши. Бегим, жевачи номаъқул қипти, гапининг бари ёлғон! Сизни лақиллатиш учун шундай деяпти.

Қурбон жевачи. Ясовулбоши, мана тепамда танғирим ҳозир. Ўшанинг номига қасамки, ҳамма гапларим чин. Мен, шўринг қурғур, бошим ёрилиб, қўлим синиб, бўлганимча бўлиб юрибман-у, тагин ҳақорат қиласиз? Менинг ўрнимда сиз бўлганингизда, балки қочинишга ҳам улгурмасдан, Тош қисматига шерик бўлардингиз!

Аҳмад ясовулбоши (Бекжонга). Унинг бу гапи тўғри. Ўзини қутқариб қолибди, шуям катта гап. Мен бўлсам, бу иш уддасидан чиқолмасдим.

Бекжон. Хайр, ҳечқиси йўқ. Баъзида шундай бўлади-да. Қиблагаҳ буюрдилар: бугун сарбоз жўнайди, уларнинг адабини бериб қайтади...

Қурбон жевачи. Бегижон, уларни банди қилиб олиб келишса, иккитасини, ўша Восеъ билан Нозим деганларини ўзимга топширасиз-да, хўпми?

Бекжон (*кулиб*). Хўб бўпти! Нима қилмоқчисиз?

Қурбон жевачи. Тириклайин териларини шилиб, остига сомон тикаман кейин мана шу дарахт шохига иламан. Кўз ўнгингизда юз қамчидан ураман.

Сарбоз кийимида белига шамшир осган Шариф юзбоши шошилиб киради.

Шариф юзбоши. Қани, Бекжон, бир фотиҳа ўқиб, бизга оқ йўл тиланг!

Бекжон (*ёстиқни бир ёнга қўйиб*). Хўб, юзбоши.

Шариф юзбоши. Тақсир, сиздан фотиҳа олгали келдим. Ёғийларга қарши жангга кетяпман!

Бекжон. Дадамни кўрдингизми?

Шариф юзбоши. Ҳа, тақсир! Қани, бир фотиҳа бериб юборинг!

Бекжон (*ўрнидан туради, ҳамма унга эргашади*). Хайр, ой бориб омон қайтинглар! Қўл-оёқларини боғлаб келтиринг, хўпми?

Шариф юзбоши. Бажону дил, тақсир!

Аҳмад ясовулбоши. Юзбоши, бизнинг қўлдан чилим чекиб кетинг!.. Ҳой, бола, чилим келтир! (*Юзбошига.*) Чиройли қизларидан ўн-ўн бештасини тузлаб келинг!

Шариф юзбоши. Жоним билан, усиз бўларканми! Буёғидан хотиржам... (*Дуога қўл очади. Чилим келтирилиб, бир қўл чеккандан сўнг хайрлашиб чиқиб кетади.*)

Ясовулбоши. Насиб бўлса, нозанинларидан олиб келишади.

Бекжон. Бир неча кун базм қиларканмиз-да!

Қурбон жевачи. Насиб бўлса, кайф қиламиз! Тақсир, Восеъ деганининг бир қизи бор денг, кетворган. Ана ўшани олиб келишса, димоғингиз чоғ бўларди-да.

Бекжон. Чиндан-а?

Қурбон жевачи. Чиройлиям гапми? Жаннатдан чиққан хуру парининг ўзи!

Аҳмад ясовулбоши (*ташқарига қараб*). Ким бўлди булар?

Ҳамма қарайди.

Қурбон жевачи. Одина мирзобоши икки кишини ҳайдаб келяпти.

Бекжон. Жангда қўлга туширганми дейман.

Аҳмад ясовулбоши. Бирови аёл-ку!?

Бекжон. Ҳа, ёшгина қиз. Восеънинг қизи бўлса-я! Худо берди деявер!

Қурбон жевачи. Йўқ, тақсир. Одина уёқларга бор-  
намас. Булар бошқа юрт одамлари.

Одина кириб салом беради. Сарбоз Бобо Раҳмат ва унинг  
қизини ҳайдаб киради. Чол яланг оёқ, қўллари орқасига боғланган,  
эскирган кийимлари йиртиқ. Қиз бошида эски тўнча ёпиқлик.

Бекжон. Мирзабоши, булар кимлар?

Одина мирзабоши (*бандиларни керакли жойга  
ўтқазгандан сўнг*). Тақсир, мана бу одам «чакана андоз»  
карбосини бермаяпти.

Бекжон. Қаерликсизлар?

Бобо Раҳмат. Дактур<sup>7</sup> қишлоғиданман, тақсир.

Бекжон. Касб-коринг қанақа?

Бобо Раҳмат. Тақсир, мардикорлик.

Бекжон (*қизни кўрсатиб*). Бу киминг бўлади?

Одина мирзабоши (*ҳозиржавоблик билан*). Бу ки-  
шининг қизи!

Бекжон. Нега солиқни тўламадинг!

Бобо Раҳмат. Дардингни олай, тақсир, қурбим ет-  
мади. Егани ноним йўқ. Йилда Фарғонага тушиб марди-  
корлик қилардим. Энди қаридим, боролмайман. Одамлар  
эшигида ишлаб болаларимни боқаман...

Бекжон. Оғзингни юм, ёлғончи! Амир жаноблари  
ҳаққини ким ейолган эдики, энди сен ейсан?!

Бобо Раҳмат. Садағанг кетай, бегим. Бор бўлса,  
берардим. Улуғ подшонинг ҳаққи бизнинг бўйнимизда би-  
ламан. Лекин йўқ бўлгандан сўнг, иложим қанча?

Аҳмад ясовулбоши. Сен ҳам Восеъга ўхшаб ёғий  
бўлмоқчимисан?

Бобо Раҳмат. Тақсир, бундоқ деманг. Мен мўйса-  
фидга ёғий бўлишни ким кўйишти. Нон чайнашга мажол-  
лим етмайди-ю...

Бекжон. Ёғий бўлишни истамасанг, нега подшолик  
ҳаққини тўлашдан бош тортасан?

Бобо Раҳмат. Ахир, бўлмаса, нима қилай? Бира-  
тўла жонимни ола қолинг, бўлмаса!

Бекжон (*сарбозга*). Ур, бу имонсизни!

Сарбоз ўрнига Одина мирзабоши Бобо Раҳмат бошига бир неча мушт  
туширади. У: «Вой, ўлдим!» — деб дод солади.

Олиб бор муни, қамаб қўй! Амир ҳаққини бермагунча,  
зиндонда ётсин!

Бандини олиб чиқадилар.

Аҳмад ясовулбоши (*Бекжонга*). Тақсир, қизни қаёққа буюрасиз?

Бекжон (*кулиб*). Сизнинг уйингизга! Кечаси базм қиламиз!

Аҳмад ясовулбоши. Мирзобоши, қизни менинг уйимга жўнат!

Одина мирзабоши. Бажону дил, тақсир! (*Қизни олиб чиқади*).

Аҳмад ясовулбоши. Тақсир, Одина кўп яхши одам-да.

Бекжон. Ҳа, ишчанга ўхшайди. Қиблагоҳга айтаман, уни жевачи қилиб тайинласунлар.

Аҳмад ясовулбоши. Ҳа, ҳа! Қўлласа арзийдиган, керакли одам.

Қози билан Мир кириб келадилар. Бекжон билан ясовулбоши сапчиб ўринларидан туриб, қўлларини кўкракка қўйиб, салом берадилар.

Мир. Ваалайкум ассалом! (*Ўз маҳрамига.*) Чой келтир! (*Маҳрам, унинг кетидан Аҳмад ясовулбоши билан Қурбон жевачи ҳам чиқадилар.*)

Қози. Бекжон, соғ-саломат бормисиз?

Бекжон (*ўрnidан туриб*). Қуллуқ, тақсир.

Мир. Ўғлим, ҳалиги бандилар ким экан?

Бекжон. Дактур қишлоғидан.

Мир. Ким келтирди?

Бекжон. Одина мирзабоши. «Чакана солиғи»ни тўлашдан бош торганмиш. Бечора мирзабошини ўлишига сал қолибди, тақсир.

Маҳрам чойнакда чой келтириб, қўйиб беради.

Мир. Нима бўпти ўзи?

Бекжон. Кўпчилик бўлиб калтаклашибди. Бечора мирзабоши жонбозлик кўрсатиб зўрға қочиб қутилибди.

Мир қозига ҳайрон қарайди.

Қози. Ал-аёзу биллоҳ!<sup>8</sup> Бу халойиқ девона вало қудрат! Бекжон, бирон жойи синмаптимми?

Бекжон. Йўқ, синишга синмапти-ю, аъзойи бадани қақшаб оғрирмиш.

Қози. Зарари йўқ, тузалиб кетади. Айтинг, ҳаммомга тушсин!

Бекжон. Бўпти тақсир. Бу давлатхона хизматчиси учун қийинмас... Кези келганда, қиблагоҳга арз қилсалар, қўллаб юборасиз-да, сира ёдидан чиқармайди.

**Мир** (*қозига*). Шариатпаноҳ, дейман, бу Восеъ галаёни Жаноб олий қулоқларига бориб етгудай бўлса, роса ранжисалар керак-а?!

**Қози**. Албатта, тақсир. Жаноби олий раҳмдил одамда, хафа бўлишлари мумкин.

**Мир**. Шу боисдан бу ҳақда ҳозирча Жаноби олийга арз қилмасакми, дейман.

**Қози**. Ҳай, билмадим-да. Давлатдорлик юзасидан хабардор қилиш керак!

**Мир**. Йўқ, тақсир. Менингча, билдирмаслик маъқул. Зероки, Ҳазрати олийнинг табиати муборақлари ўта назик, ранжишлари мумкин. (*Чўбдастасини? кўтариб Аҳмад ясовул кириб келади. Унинг орқасидан йиртиқ кийим кийган, аҳволи паришон бир неча мардикор эргашадилар. Ясовулбоши уларни Мирга бир-бир таништиради, улар ер ўпиб дуо қилишади.*) Хўп?

**Биринчи мардикор**. Бола-чақангизни қурбони бўлай, тақсир. Ўн кундан бери иморатингизда ишлаймиз, бизга бир чақаям пул беришмади. Ҳатто нондан ҳам қорнимиз тўймайди. Бола-чақадан хабар олиб келайлик, деб икки кечагагина рухсат сўраган эдик, беришмади. Додимизни сўрарсиз деб, олдингизга келдик. Чўнгамиз қуруқ. Оз-моз пул бериб рухсат қилсангиз, хотин-халажни тинчитиб қайтиб келамиз.

**Мир** (*Аҳмад ясовулбошига*). Тушунтиринг, нима гап ўзи?

**Аҳмад ясовулбоши**. Тақсир, Бекжон оз-моз қурилиш қилаётган эканлар, ўшанчун олиб келган эдик буларни.

**Мир**. Нима, подшолик ишидан қочасанларми?!

**Биринчи мардикор**. Қочмаймиз, тақсир. Ўн беш кун текинга ишладик, икки кечагагина рухсат сўраяпмиз.

**Иккинчи мардикор**. Балоингизни олай, тақсир! Ўн беш кун ишлаб, ош юзини кўрганимиз йўқ. Нуқул нон чайнадик. Униям тўйиб еган эмасмиз. Майли, ношукурлик бўлмасин, икки кунга жавоб берсангиз...

**Аҳмад ясовулбоши**. Тақсир, келинг буларни қийнамайлик, майли яна бирон ҳафта ишлаб беришсин, кейин...

**Мир**. Бўпти, шундай қилинглар!

**Учинчи мардикор**. Ахир сиз ҳам мусулмон-ку! Ўн беш кун эшшақдай ишлатдингиз, икки кунгагина рухсат қилсангиз, нима бўлади?

М и р (*ясовулга*). Ур бунинг оғзига! (*Ясовул уради.*) Ур, ур! Ҳаммасини обчиқиб қамаб қўйинг!... Амлокдорга<sup>10</sup> ёзинг, дурустроғидан юборсин.

Аҳмад ясовул боши. Бажону дил, тақсир! (*Мардикорларга.*) Туринглар!

Биринчи мардикор. Тақсир, тавба қилдик. Майли, бориб ишлаймиз...

М и р. Қамаб қўй, чириб кетсин! (*Ҳайдаб чиқишади. Қозига.*) Ҳазрат, кўрдингизми, ўжар Восеъдан ибрат олишган булар. Худо кўрсатмасин, тил бириктиришса борми, қиёмат-қойим бўлди деяверинг.

Қ о з и. Илоҳи тавба, илоҳи тавба! (*Ёқа ушлайди.*) Мардикор бўлатуруб, ўз хўжайинига гап қайтаради-я! Илоҳи тавба!

Б е к ж о н. Қаттиқ олмасак, мамлакат бузилади.

Қ о з и. Ҳа, қаттиққўл бўлиш керак! (*Мирга.*) Тақсир, сарбозлар бугун етиб боришармикан?

М и р. Кечга томон етиб боришади. Мен юзбошига тайинладим: «Бориши биланоқ, пайсалга солмасдан, жангни бошланглар», — дедим.

Б е к ж о н. Насиб бўлса, шу оқшом ҳаммасини қириб ташлашади! Юзбоши бағайрат киши!

Қ о з и. Илойим, айтганингиз бўлсин!

М и р (*қозига*). Тақсир, нима деяётган эдик?

Қ о з и. Гапимиз чала қолди...

М и р. Ҳа, ёдимга тушди... Жаноби олийга арз қилиш керакми, йўқми деяркан эдик...

Қ о з и. Шундай, тақсир. Арз қилмай, иложимиз йўқ... Ётиғи билан тушунтириш лозим...

М и р. Ҳазратим, биласизки, сизга ихлосимиз баланд... Раҳматлик қиблагоҳимиз ҳам падари бузрукворимизни эъзозлар эдилар.

Қ о з и. Биламан, тақсир, шундай. Бизки, ҳаммамиз Ҳазрати олийнинг гуломларидирмиз, бир-биримизни қўллаб-қувватлашимиз керак-да.

М и р. Шундай йўл тутайликки, Ҳазрати олий хурсанд бўлсинлар.

Қ о з и. Хотиржам бўлинг, шундоқ арз қиламизки, насиб бўлса, амирдан етти қават сарпо устига меҳрибонлик кўрамиз.

М и р. Қани шундоқ бўлса, буёғига хизматга тайёрмиз, тақсир.

Қози . Хайр, саломат бўлинг. Ўҳху-ўҳху! *(Йўталади.)*  
Тақсир, бу кўк саманни яқинда сотиб олдингизми дейман?

Мир . Ҳа, тўрт минг тангага.

Қози . Юриши соз бўлса керак-а?

Мир . Юриши бинойи, юмшоқ... йўрға... ўзи ҳали ёш-да.

Қози . Балосиз-да, ажойиб саман отлар топасиз... Мен бир от сотиб олган эдим, нобоп чиқди, эгасига қайтармоқчиман.

Мир . Бўпти, ёққан бўлса, боринги, шу кўк саман сизники!

Қози *(кулиб)*. Ие, қизиқ бўлди-ку! Кишини хижолатда қолдирдингиз... Хайр, кам бўлманг... доимо дуогўйингизмиз...

Мир . Ташаккур! *(Бекжонга.)* Буюр, кўк саманни эшон-бованикига элтиб беришсин!

Қози . Куллуқ, тақсир!

Бекжон . Ҳозир! *(Кетади.)*

Қози . Кам бўлманг, тақсир, биз — дуогўйингизники хурсанд қилдингиз, барака топасиз... Энди бизга рухсат берсангиз. Бир барк<sup>11</sup> нашадан урсак...

Мир . Марҳамат, ўз уйингиз... бемалол...

Қози *(махрамга)*. Ўғлим, бир чойнак чой келтир! Дамла!

Маҳрам . Ҳозир, тақсир.

Қози *(қўйнидан бир қутича ва пичоқча чиқариб, наша тамаддусига тайёрланаркан)*. Тақсир, худо хоҳласа, сарбозлар ғалаённи бир ёқли қилиб қайтишса, бир зиёфат қиласиз-да.

Мир . Албатта, тақсир.

Бекжон *(киради)*. Саманни элтиб беришди.

Мир *(қозига)*. Кўрмаяпсизми, қулбаччангиз дуодан умидвор.

Қози . Мана, ҳозир-да... *(дуога қўл чўзади.)* Камолга етсунлар, мартабалари улуғ бўлсин! Оллоҳу Акбар! *(Маҳрам келтирган чойнакдан чой қуйиб, қутичадан олган нашани оғзига солгач, хўплайди.)*

Мир *(Бекжонга)*. Мирзага айт, амлоқдор номига хат битсин. «Мамлакат аҳволидан доимо хабардор бўлиб турсунлар, токи бирон қор-ҳол юз бермасун», — деб тайинласин. Жаноби олий ҳақиқа хиёнат қилишни ман этсин. Кимки бўйинсунмаса, зиндонга ташлашсин!

Қози наша таъсиридан кайфи тарақ, ҳар хил беҳуда ҳаракатлар қила бошлайди.

Бекжон. Хўб бўлади!

Мир. Истасанг, ўзинг ҳам икки-уч йигитни қаватингга олиб, сайргашт қил.

Бекжон. Яхши айтдингиз, дада, мен кетдим! (Чиқади.)

Мир (кайфи тарақ бўлган қозига ишора қилиб). Саман отли бўлганларидан думоғлари чоғ. Кайф суряптилар. Эрта раисга бир нима инъом қилмоқлари лозим.

Нурмуҳаммад қоровулбеги (ҳовлиқиб киради, белида қамчи). Салом!

Мир. Ваалайкум ассалом! Қаёқдан, сўрасақ?

Қози бошини бир кўтариб қараркан, яна пинакка кетади.

Нурмуҳаммад. Фалвали жойдан.

Мир. Нима бўлди, тез гапир!

Нурмуҳаммад. Тақсир, иш чатоқ.

Мир. Чатоқ?

Нурмуҳаммад. Ҳа! Ёғий томонда оломон тўпланган, ҳоким одамидан қўлга тушганини ўлдиришяпти!

Мир. Сарбозларчи? Етиб бормадимми?

Нурмуҳаммад. Норақ кўпруги<sup>12</sup> бузилган. Сарбоз дарё кечолмайди. Ёғийлар тоғ томондан ёпирилиб келиб, қўрғонга ҳужум бошлашди.

Мир. Худо урипти бизни! Энди нима қилдик? Сарбозга чопар юборинг, изига қайтсин! Қўрғонни қўриқласин!

Аҳмад ясовулбоши киради.

Ясовулбоши, ёв бостириб келяпти!

Қози бошини кўтариб, аланглаб қарайди.

## УЧИНЧИ ПАРДА

Балжувон қўрғонидаги майдон. Саҳна бўш. Ҳар замон-ҳар замонда тоғ томондан отилган тош «тўқ» этиб, тушиб туради. Салдан сўнг ўлғудай қўрққан Одина мирзабоши ҳовлиқиб кириб келади.

Одина мирзабоши. Ажаб бетамиз экан бу дунё! Нега, шундоқ бўлмаса, мўмай даромад билан яхшигина кийим-бошларни, Бекжон тавқидан<sup>13</sup> томадиган мою, айбдорлардан унадиган пора ҳамда совға-саломлар ҳамма-ҳаммаси ясовулбошиники, меники эмас? Фуқародан етиб ке-

ладиган ҳақорат билан муштумлар, бошни ёриб қонатувчи чақир тошлар ясовулбошига насиб қилмасдан, мен — каминага тегади?... Восеъ билан Бобо Раҳмат амирга қарши исён кўтаришди. Қурбон жевачи, бечора, Восеъ оттан тоштўфондан бўлганича бўлиб қайтди. Бобо Раҳматнинг қизи базм учун олиб қолинди. Ёғий кўрғонга ҳужум бошлаши биланоқ ясовулбоши билан Мир ўз арзандаси билан бирга қочиб, жон-омон сақладилар. Мен бўлсам хабарчи бўлиб қолдим. Доим шундоқ: жаз-жузлаб пишган кабоб — уларники, ёлғиз, аччиқ тутуни — меники! Худо ҳаққи, «улуғлар» хизматчиси бўлгандан кўра, бирор пойлоқчи ит бўлиб яшаш минг марта афзал! Аммо, иложим қанча? Буйруқни бажариш, одам ўлдиришдан бошқа иш келмаса меним кўлимдан? Кўпнинг кўзи ўнгида у ён-бу ён от чоптириб юришнинг ўзиям — бир амал! «Бошга тушганни, кўз тортар», — деганлар-ку, қани кўрайлик-чи! (*Оёғи остига тушган тошдан чўчиб тушади, ёқа ушлайди.*) Энди нима қилдим? Мени ташлаб кетишди. Ёв кўрғонга ёпирилиб киргудай бўлса, уларга хабар қилишим керак... Бу ҳийла-найранглар ёвни ғафлатда қолдириб, ғиппа бўғиш учун... Аммо лекин кўзғолончилар ҳам анойи эмасга ўхшайди. Икки кундан бери қораларини кўрсатишмайди. (*Яна тош унинг нақ оёғи остига тушади, кўрқади.*) Бу ўшаларнинг иши. (*Тоққа қараб.*) Э, нодонлар, тош отиб нима қиласанлар? Тезроқ пастга тушиб, тузоққа илинсаларинг бўлмайдимми? Мен бира тўла ғалвадан қутула қолардим... (*Кимнингдир яқинлашиб келаётганини кўради.*) Ким бўлди бу? Ия, Бобо Раҳмат-ку?! Биз унинг устидан эшикни қулфлаган эдик, қандоқ қилиб қутилди экан?... Келяпти, шу томонга келяпти... Қочиш керак, мени кўрмасин. (*Тисарилиб-тисарилиб чиқиб кетади.*)

Салдан сўнг очликдан силласи қуриган Бобо Раҳмат кириб келади...  
Тўхтаб нафасини ростлайди.

Бобо Раҳмат. Э, ноинсофлар! «Восеъ келди!» — сўзини эшитиши биланоқ, жуфтакни ростлаб қочишди, кўрқоқлар. Устимдан эшикни қулфлашган экан, икки кечаю икки кундуз қоронғу катакда ётдим. Очликдан ўлишимга сал қолди. (*Олдига тош келиб тушади.*) Бу нима си?... Ҳа, тушундим. Восеъ одамлари тош ирғитишяпти... Улар, ёв кўрғонда, деб ўйлашса керак... қочганидан беҳабар... Бир амаллаб, эшикни уриб синдирдим... Ташқарига чиқиб, бечора қизгинамни шу атрофлардамикин деб кўб

кидирдим, тополмадим... Қайдасан қизим, ғариби хубоним? Дарагингни кимдан сўраймен? Қонхўр золимлар чангалига тушдингми? Ёки очликдан жон бердингми?... Мен мирзабоши уйига бораман, у ерда бўлсанг, албатта, қутқараман! *(Кетмоқчи бўлиб ўрнидан туради. Қочоқ халойиқни кўриб, ҳайрон боқади.)*

Бир қочоқ. Бобо, қочинг!

Бобо Раҳмат. Қаёққа, нима учун?

Бир қочоқ. Ёв келди!

Бобо Раҳмат. Булар ёв эмас, ўзимизга ўхшаган одамлар... Ёв аллақачонлар қочиб кетган.

Чиқадилар, саҳна бир зум бўш қолади. Саҳнага Восеъ, Мулла Назир, Бобо Сангин, Оймаҳмад, Нозим ва бошқалар кириб келишади. Уларнинг қўлида пичоқ, таёқ, болтага ўхшаш қуроллар.

Восеъ. Ҳоким қочди. Бизга қўрғонни ташлаб қочди. Бироқ жанг шу билан тугади, деб бўлмайди. У Кўлобу Ҳисорда куч тўплаб, қайтиб келади. Шунинг учун орқасини бўшатмасдан, унга қувиб етиш керак!

Нозим. Гапинг тўғри, қувамиз. Бундақа бошлиқсиз жанг қилиб юриш ярамайди. Аввал ўзимизга битта бошлиқ сайлаб олайлик... Интизом керак!

Овозлар. Тўғри айтади. Бошлиқсиз жанг қилиш ярамайди! Бошлиқ керак!

Бобо Сангин. Бир зум қулоқ солинглар, болалар! *(Ҳамма унга тикилади.)* Тўғри айтишди, бунақа ишлар бошлиқсиз бўлмайди. Бошлиқ зарур! Биз ҳам бир гал шундоқ жанг қилиб, ҳокимни қочириб юборган эдик. Ўшанда бошлиқ Мизробхон эди. Қўрғонни эгалладик, ишимиз ўнгидан келди. Амир Мизробхонга одам юбориб, унга Фиждувон ҳокимлигини ваъда қилди. Мизроб кўнди. Жанг тугади. Мизроб ҳоким тайинланди. Лекин орадан бир неча кун ўтгач, бечорани Бухорога чақириб олиб, ўлдиришди... Бу гал хушёр бўлишимиз керак! Мизробга ўхшаганни бошлиқ танлаш ярамайди.

Ҳамма. Тўғри! Тўғри айтади!

Мулло Назир. Хўш, кимни сайлаймиз?

Бобо Сангин. Мендан сўрасаларинг, Восеъни сайланглар дейман! Ўзимизга ўхшаб, камбағалдан чиққан, хоксор. Мизробхон бошчилигидаги жангларга қатнашиб чиниққан. Кунни кеча бўлган жангларда ҳам яхшигина бошлиқлик қилди...

Ҳамма. Тўғри! Восеъ бошлиқ бўлса, арзийди!  
Бобо Сангин. Йигитлар, Восеъни бошлиқ танлаш-  
га розимисизлар?

Овозлар. Розимиз! Восеъ бошлиқ сайлансин!

Бобо Сангин (*Восеънинг қўлини ушлаб*). Кўрдингми,  
кўпчилик сени деяпти! Шу бугундан бошлаб бизга бош-  
лиқсан, ишингни билиб қил. Бизнинг ҳаёт-мамотимиз се-  
нинг қўлингда.

Восеъни қутлашади.

Восеъ. Мени сайлашга сайладиларинг, аммо қулоқ  
осмасаларинг, бундан не фойда?

Акрам. Ким қулоқ осмаяпти, айт!

Восеъ. Мен сизларга шаҳарга кирмайлик дедим. Бобо  
Сангиндан бўлак, ҳеч ким мени қўллаб-қувватламади. Ҳали  
ҳам кеч эмас, айтар гапим шу: тезлик билан бу ердан чи-  
қиш керак!

Ўртадан биров. Бошлиқ деганам шунчалик кўрқоқ  
бўладими? Улар қочишди, биз шаҳарни эгалладик, ёмон  
бўптими?

Восеъ. Ёв жангда енгилиб қочса, бошқа гап эди. Ва-  
ҳоланки, у урушмай чекинди, холос. Демак, қайтиб ке-  
лиш шарти билан қочди. Ким билади, Ҳисор ё Бухородан...  
қўйинглар, тез бўлинглар, нима қиламиз — шу ҳақда бош  
қотириш лозим!

Акрам. Кўрғонни тинтиб, ҳокимнинг одамларини  
қўлга олиш даркор!

Нозим. Шаҳар фуқаросини чақирайлик, бизга қўшил-  
син, биз билан борсин!

Ўша биров. Гап бундоқ бўпти-да... Бизнинг бошлиқ  
бўлса, қочиш йўлини кўзлайди.

Восеъ. Бекор айтибсан, қочқоқ эмасман!

Ўша биров. Ундай бўлса, иш кетидан бўл-да!

Бобо Сангин. Ҳой, йигитлар! Айтдим-ку, ади-бади  
айтиб ўтириш вақти эмас деб.

Восеъ. Бўпти, сизлар айтганча бўлсин! Нозим, сен  
бир неча кишини ёнингга олиб, кўрғон ичкарисига кир.  
Топган-тутганингизни олиб чиқинглар. (*Нозим бир неча  
йигит билан чиқиб кетади.*) Бобо Сангин, сиз ҳам шундоқ  
қилинг, бир неча киши билан кўча айланинг. Айтинг, жанг  
талаблар бўлса, бизга қўшилишсин! Ёв одамини кўришса,  
хабар қилишсин!

Бобо Сангин ҳам бир неча кишини эргаштириб чиқади. Бошқа томондан Оймаҳамад билан Сафар мирзабошини олиб киришади.

Восеъ. Бу ким?

Оймаҳамад. Ҳокимнинг одами. Аланглаб юрибди, сиёғи<sup>14</sup> жосусга ўхшайди.

Восеъ. Исминг нима?

Одина мирзабоши. Тақсир, бир бечораман... («Уҳ-уҳ»лаб йўталган бўлиб, бош қашлайди.)

Оймаҳамад. Йўқ! (Калтаклайди.)

Одина мирзабоши. Тавба қилдим, тақсир. Бекжонга қарашли кимсаман...

Восеъ. Бу ерда нима қилиб юрибсан?

Мирзабоши. Шундоқ, ўзим... Ўтиб кетаётгандим...

Восеъ (қулоғини чўзиб). Тўғрисини айтасанми, йўқми?

Мирзабоши. Вой қулоғим-е, ўлдим! Томошага келгандим, деяпман-ку!

Восеъ. Бу ер томошабоғми сенга, жанг кетяпти, жанг!

Мирзабоши. Қаёқдан билай, тавба қилдим, тақсир... (титрайди.)

Восеъ. Миринг қаёққа қочди?

Мирзабоши. Худо урсин-а, билмайман! (Узоқдан биров келаётганини кўриб, ранг-қути ўчади.) Ким бўлди бу? Оббо, Бобо Раҳматми?

Оймаҳамад. Худди ўзи! Бобо Раҳмат бу!

Восеъ (Бобо Раҳматга). Бобо Раҳмат, қаёқдан? Нима кўтариб юрибсан?

Бобо Раҳмат қўлидаги қизи жасадини қаёққа қўйишни билмай, аланглайди... Мирзабоши безовта. Бобо Раҳмат ниҳоят, қизи жасадини ерга қўйиб, қоматини ростлагач, уввос тортиб бақиради.

Бобо Раҳмат. Э, худо! Сен йўқсан! Бор бўлганингда, шу жиноят содир бўлармиди? Йўқ! (Ўзини қизи жасади устига ташлаб йиғлайди.)

Восеъ. Шўрликнинг қизини ваҳшийларча ўлдиришипти... (Бобо Раҳматга туришга кўмаклашиб.) Келинг, туринг. Нима бўлди ўзи, айтиб беринг.

Бобо жавоб бериш ўрнига телбаларча у ён-бу ёнга қарайди. Кўзи Одинага тушиши билан унинг бўғзига ёпишиб бўғади.

Восеъ. Бобо, тўхта! Нима қилипсан? Уни ўлдириб қўйма, сўроқ қилишимиз керак! (Ёнидагиларга.) Уни қутқаринглар, қўйманглар.

Кўпчилик Бобо қўлларидан тортади, бефойда. Ниҳоят, уни ажратгандан кейин, қарасалар, Одина ётган жойида қимир этмайди, ўлиб қолибди.

Ой маҳамад. Ия, ўлдириб қўйилпти!

Бобо Раҳмат қаҳ-қаҳ уриб кулганича чиқиб кетади.

Восеъ (*унинг кетидан*). Шўрлик ақлдан озди. (*Бир йи-  
гитга.*) Орқасидан бор, кузат, қани, қаёққа боради? (*Бош-  
қаларга.*) Мурдалар йиғиштирилсин! Ҳу, ана у ерда мачит  
кўриняпти. Обориб топширинглар, сўфи дафн этсин!

Ўликларни олиб чиқадилар. Нозим ўз шериклари билан киради.

Нозим. Аркни тинтидик, ҳеч кимса кўринмади. Кўб  
асбоб-ускуна топилди, олмадик. Бир уйдан элликка яқин  
қилич топилди, ўшани олдик.

Восеъ. Боракалло, олиб келинг, керак бўлади.

Бобо Сангин ўз одамлари билан шошилиб киради.

Бобо Сангин. Восеъ, гапинг тўғри чиқди, иш ча-  
тоқ!

Восеъ. Нима учун? Гапир! (*Ҳамма Бобо Сангинга ти-  
килади.*)

Бобо Сангин. Жангни бой бердик. Қуршовда қол-  
дик, тўрт томондан сарбозлар бостириб келяпти.

Бесаранжомлик.

Ой маҳамад. Йўғ-е, шундай туюлгандир...

Бобо Сангин. Сарбозлардан бирини қувиб бориб,  
шаҳардан ташқарига чиқиб қолдим, атроф ғуж-ғуж сар-  
бозлар. Зўрға қочиб қутулдим.

Восеъ. Халқни ғазога<sup>15</sup> чақириб керак эди!

Бобо Сангин. Чақирдик, кўнишмади.

Ой маҳамад. Энди нима қилдик?

Восеъ. Айтган эдим-а, алданамиз деб... Бўлар иш  
бўлди! Ҳовлиқмай, менга кулоқ солинглар. (*Мулло Назир-  
га.*) Мулло Назир, сен топилган қилични одамларга тар-  
қат! Уларга ўзинг бош бўласан. Бир неча кишини мен ўзим  
билан бирга оламан, қуршовдан ёриб чиқишга уринамиз.  
Айтиб кўй, сарбозларга бас келамиз, олишамиз деб, овора  
бўлманглар. Ўзингизни тоққа уриб, қутулиш йўлини  
кўзланг. (*Ўқ овози эшитилади.*) Тез бўлинглар, вақт зиқ,  
тоғда учрашамиз. (*Саҳна тўридаги кишиларга.*) Йигитлар,  
сиз ҳам қуролланинг! Мана бу йўлдан юрамиз. (*Яна ўқ ово-  
зи.*) Шошилинг, деяпман! (*Ҳамма чопиб чиқади, Восеъ ёл-  
ғиз.*) Эҳ, аттинг, панд едик-да. Юрагим сезган эди-я! Кўниш-  
мади, нодонлар! Бир амаллаб ўзимизни тоққа олмасак,  
иш чатоқ. (*Ўқ овози яқиндан эшитилади.*) Тез юринг! (*Қи-*

лич кўтариб кирган йигитлардан бири унга қилич тутқазарди. Восеъ Мулло Назир чиқиб кетган томонга қараб.) Юринг, тек турманг, ҳужумга ўтинг! Йўл очинг! (Ўз одамларига.) Сизлар буюқдан юринглар! (Қиличини баланд кўтариб.) Кетдик! Ҳайқириб, олға босинг! Балли, азаматлар!

Уруш сахна ортига кўчади.

## ТҮРТИНЧИ ПАРДА

### БИРИНЧИ КҮРИНИШ

Сахлов<sup>16</sup>. Китоб қўрғонига кирадиган дарвоза фаррошлари Жўра билан Ҳалим. Қўлларида узун супургилар, майдон ва супа устини супуриш билан банд. Бир банди, соч-соқоллари ўсиб кетган, буйнида чил, оёқларида кишан, бир чеккада ўтирибди. Ҳоким хизматчилари кириб-чиқиб турибдилар. Шунга қарамасдан, атрофда жимжитлик, пашша учмайди... Супани супуриб бўлган Ҳалим пастга тушиб, яхшигина эснайди. Сўнг супургини деворга суяб қўйиб, носқовоқни қўлга олади.

Жўра. Оғайни, уйку босяптими?

Ҳалим (носвой отиб). Шу кеча сира кўз юмганим йўқ, ака!

Жўра. Мен ҳам... Аъзойи баданим қақшаб оғрияпти.

Ҳалим. Мана, етмишням чамалаб қўйдим. Ўзимни танигандан бери, ҳар гал «Жаноби олий келадилар» деган хабар тарқалса, шаҳар халқининг жон-пони чиқиб халқумига етади. Зероки, у киши келиб кетгунча, халойиқда на тинчлик бор, на ҳаловат. Меҳнат машаққати ошади. Бунинг нимаси яхши?

Жўра (у ёқ-бу ёққа қараб, кимса йўқлигига ишонгач, паст товуш билан). Жаноби олийнинг ташриф буюришлари, биласанми, ким учун яхши? Биринчи галда дўкондору домуллога, савдогару сипоҳийларга. Уларнинг қувонишларида, албатта, жон бор: сипоҳий мансабли бўлади, домулло худойи олади, дўкондор эса савдо қилиб, фойда ўмаради. Мен билан сенга-чи? Қора меҳнатдан бошқа ҳеч нарса насиб қилмайди. Шунинг учун қувонмаймиз ҳам.

Ҳалим. Бу йил Жаноби олий барвақт ташриф буюришлари дейман? Бурноғи йиллар бундоқ эмасди чоғи?

Жўра. Эҳтимол, Балжувон воқеаси сабаб бўлгандир...

Ҳалим. Балки... Восеъ иши боисидан бўлиши ҳам мумкин, ким билади...

Жўра. Бундоқ де!

Ҳ а л и м . Тушунмадим. Бунинг учун Китобдек узоқ юртга келиш шарт эканми?

Ж ў р а . Қизиқсан-да. Наҳот шуниям тушунмасанг. Бу мен билан сендақаларнинг кўзини қўрқитиш учун!

Қари маҳрам киради. Фаррошлар жим бўлишади.

Ма ҳ р а м . Яна хангома-ку, иш нима бўлади?

Ж ў р а . Мана, тўрам, тайёр қилиб тахлаб кўямиз!

Ҳ а л и м . Ҳа, шундоқ, ҳозирнинг ўзида тугатамиз! (*Супуришга киришади.*)

Ма ҳ р а м . Супуриб бўлгач, чопиб бориб кўрпа-ёстиқ, гиламларниям олиб чиқинглар!

Ж ў р а . Хўп бўлади, тўрам. (*У ҳам супура бошлайди.*)

Маҳрам кўздан ғойиб бўлгач, улар ҳам супура-супура саҳнадан чиқиб кетадилар.

Б а н д и (*ўз-ўзига*). Бир ярим йилдан буён худди қорамолдай мана шундоқ боғловли ўгираман. Биров ақалли «Кимсан? Айбинг нима?» — деб сўрамайди. Йиғлаб ёлинишларим, арз-дод қилишларим бефойда. Тухмат билан қамаб қўйишди. Ясовулбоши «икки юз танга тўласанг, бўшатаман, бўлмаса йўқ!» — дейди. Икки юз тангани мен қаёқдан топаман? Уй-жойим, ерим бўлса эканки, мен уларни сотиб берсам. Аёлим бировлар юмушини бажариб кун кўради. Мен икки юз танга топиб бермасам, бир умр мана шундоқ бандиликда яшармишман...

Жўра билан Ҳалим гилам ва кўрпачаларни кўтариб чиқадилар.

Ж ў р а . Шу ерга қўйиб турайлик!

Кўрпачаларни бир четга қўйиб, гиламни супа устига тўшайдилар.

Наврўз ясовулбоши кириб келади.

Н а в р ў з я с о в у л б о ш и . Ҳали ҳам бўлмабсизлар-ку!

Ж ў р а , Ҳ а л и м . Мана, бўлдик тақсир. (*Супадан настига тушадилар.*)

Н а в р ў з . Энди боринглар, сизларга жавоб!

Ж ў р а (*кетаётиб, йўлидан қайтади*). Садақангиз кетай, ясовулбоши, беш тангагина ҳиммат кўрсатинг, бола-чакам оч!

Ясовулбоши (*дарғазаб*). Йўқол! Пул-мул йўқ! (*Ер тепкилаб.*) Даф бўл! (*Бандига.*) Тур, ичкарига кир, Мир кўзига кўринма!

Б а н д и (*йиғламсираб*). Ясовулбоши, раҳм қилинг!

Н а в р ў з . Раҳм қилай?

Банди. Ахир, токайгача туткун бўламан? Кўйиб юбо-ринг, дуо қиламан.

Наврўз. Дуонгни бошимга ураманми? Икки юз танга берасан, озод бўласан.

Банди. Бўлса, сира аямасдим, йўқ-да!

Наврўз. Бўлди, бас! Ичкарига кир! Мир келяптилар (*Банди ичкарига киради.*) Аҳмоқ, текинга қутуламан дейди-я! Пул келтир, қутуласан. Бўлмаса, ётаверасан, вассалом!

Мир (*киради*). Ясовулбоши, аҳвол қалай?

Наврўз. Тақсир, тинчлик.

Мир. Ҳазрат дам оляптилар. Одамларингга айт, тинчликни сақлашсин!

Наврўз. Тақсир, айтганман.

Мир (*тўрга ўтаётиб*). Ясовулбоши!

Наврўз. Лаббай, тақсир!

Мир. Шундай қилингики, бу кеча ҳазратимнинг дуомоғлари чоғ бўлсин!

Наврўз. Хўб, тақсир. Нозанин бир қизни тузлаб кўйибман.

Мир. Кимдан экан у?

Наврўз. Мири Ашур қассобнинг қизи.

Мир. Истараси иссиққинами?

Наврўз. Иссиқ ҳам гапми, жуда чиройли!

Мир. Ашур қассоб кўнмаса-чи?

Наврўз. Кўнмай, иложи қанча, зўрлаб оламиз!

Мир. Шундай иш тутиш керакки, ҳазратим...

Наврўз. Хотирингиз жам бўлсин, боппаймиз!

Шариф юзбоши (*киради. Эғнида аскарча кийим, белига шоф<sup>17</sup> осиглиқ, қўлида хат солинган муфофа<sup>18</sup>*). Ассалому алайкум!

Мир. Ваалайкум ассалом! Юзбоши, марҳамат қилсунлар!

Юзбоши муфофани Мирга узатади. Занжирбанд қилинган Мулло Назир, Восеъ ва Бобо Сангинларни бошлаб кирадилар.

Буларни қачон келтиринг?

Шариф юзбоши. Ҳозир, шу топда.

Мир. Буларнинг қайси бири Восеъ?

Шариф юзбоши. Мана буниси! (*Восеъни кўрсатади.*)

Мир. Жуда соз. (*Юзбошига.*) Қамаб кўй! (*Бандиларни олиб чиқадилар.*) Имом додҳо эсон-омонми?

Ш а р и ф ю з б о ш и . Кўбдан-кўб дуою салом йўлладилар, тақсир.

М и р (*пичоқча чиқариб, муфофани кесиб, хатни оларкан, ўқийди*). «Аморатпаноҳо олийжоҳи бақиятуд<sup>19</sup> дуо улдурки, бул хайриятли айёмда Восеъ отлиқ бир бебош-ла неча нафар авбошлар биргалашиб, жаҳонпаноҳ ҳазратларига кўрнамаклик қилиб, дарбори олий кучларига тиг тортиб, осий ўлуб эрди. Биз, жаноби ҳазрат дуогўйлари, кўб жонсупорлиқлар<sup>20</sup> қилиб, ул нонкўри беоқибатни дастгир айлаб, муборизатпаноҳ<sup>21</sup> Шариф қоровулбеги юзбоши орқали дарбори олийга равона қилдук... Ҳодисанинг тафсилоти бундан бир неча кун олдин арзачи орқали даргоҳи олийга арз қилинган эрди. Ҳазратимнинг фармони вожибул азёни<sup>22</sup> чиққанигача, Китоб кўргони ҳибсхонасида банди қилиб сақлашлари сўралади...»

Шу вақт қози Шарофитдин кириб, супага яқин келиб, салом беради. Мир хатни кўрпача остига тиқиб, сакраб ўрнидан тураркан, алик олади. «Марҳамат, тақсир, марҳамат!» деб, унга жой кўрсатади. Қози ўтириб фотиҳа ўқийди. Ҳол-аҳвол сўрашадилар.

Қ о з и (*Шариф юзбошига*). Ука, саломатмисиз?

Ю з б о ш и (*таъзим бажо келтуриб*). Шукур, тақсир.

Қ о з и . Мирингиз саломатмилар?

Ш а р и ф ю з б о ш и . Қуллуқ, тақсир... сўраб эдилар.

Қ о з и . Бадбахт Восеъни келтурдингизми?

Ш а р и ф ю з б о ш и . Ҳа, жанг вақтида қўлга олдик, тақсир...

Қ о з и . Жуда соз, кўб яхши бўлибдир!

М и р (*қозига*). Эшон, уни кўрганмисиз?

Қ о з и . Ҳа, бизнинг кўчадан олиб ўтдилар. (*Бир нарса ёдига тушгандек.*) Тақсир, Восеъ дегани ялангоёққа ўхшаркан-а?!

Ш а р и ф ю з б о ш и . Ҳа, тақсир жувозкашлик қиларди.

Наврўз ясовулбоши келиб ўз ўрнига ўтиради.

Қ о з и (*Мирга*). Тақсир, Восеънинг келтирилганлиги ҳазратимга арз қилиндими?

М и р . Бажувон арзачиси еткизган экан. Мен ҳам хабар қилдим. Шу бугуноқ муборакнома чиқиши эҳтимол.

Қ о з и . Тақсир, фармони олий ўқилаётганда исёнчиларнинг бундоқ йиртиқ кийимда чиқарилиши яхши бўлмасми дейман. Кўрган халойиқ таъна қилса, давлатпаноҳ шаънига яхши бўлмас...

Мир. Воқеан, бунӣ яхши ўйлабсиз, эшон.

Қози. Буюринг, уларга кийим-бош совға қилишсин!

Мир. Ҳа-ҳа! Аввал сарпо кийдириб, кейин ўлдирар-канмиз-да!

Қози. Ҳа, тақсир, шундоқ қилинг!

Мир (*Наврўз ясовулбошига*). Боринг, буйруқни бажаринг!

Ҳамма кулади. Ясовулбоши чиқади.

Қози (*Шариф юзбошига*). Эшитишимча, зўр исён бўлганга ўхшайди, шундайми?

Шариф юзбоши. Ҳа, тақсир, катта кўзғалон бўлди. Миримиз кўп жонбозликлар кўрсатдилар. Шу туфайли Ҳазрати олийнинг давлатлари зудлик билан хавф-хатардан асранди.

Қози. Кўб яхши иш бўлибдур. Албатта, бундоқ мавридларда давлатхонаи олий қулларининг ғайрати иш берадур.

Мирохурбоши<sup>23</sup> киради, ҳамма ўрнидан туради, кўришадилар. Мирохур боши супага чиқиб, қози ёнига ўтиради. Фотиҳага қўл кўтариб, ҳол-аҳвол сўрайди. Кейин қўйнидан бир парча қоғоз чиқариб, Мирга узатади. У хатни уч марта ўпиб, кўзига суртиб очади ва баланд овоз чиқариб ўқийди.

«Дарбори Олийнинг аморатпаноҳ<sup>24</sup> кули Мир жанобларига! Етиб маълумингиз бўлғайки, Балжувон вилоятининг дарбори Олийга равона этилган Восеъ ва Мулло Назир ила Сангин отлиқ осий бандаларни шу бугуноқ бозорга чиқариб, оломон кўз олдида шаръи ва ибрат ус-сорин<sup>25</sup> ҳукми ила аввал давлати олий ҳақиға дуо ўқитиб, сўнг қатл эттиринг... Осийларнинг мурдаси уч кун бозорда осиглиқ турсин, токи мардуми авомға ибрат бўлғай...»

Мир мактубни уч марта ўпиб, кўзига суртиб, салласи қатига тикади. Сўнг Наврўз ясовулбошига: «Боринг, бандиларни келтиринг», — деб буйруқ беради. Ясовул чиқиб кетади.

Шариф юзбоши. Ҳазратим адолатли фармон чиқарибдурлар. Осийлар қанчалик тез жазоланса, шунчалик яхши...

Қози. Тасаддуқлари кетай, дарҳақиқат ҳазратим олий ҳимматли подшоҳдирлар-да, раҳм-шафқат қилибдирлар. Мен тамоми Балжувон вилоятини ер билан яқсон қилиш ҳақида фармон чиқарадилар деб ўйлаган эдим. Йўқ, қарангки, фақат уч нафаргина осийни қатл эттириш билан чекланибдирлар.

Мир. Дарҳақиқат, ҳазратим ўта раҳмдиллар-да. Келинг, тақсир, шу боис ҳазратим ҳақлариға бир дуо қилинг!

Қози. Бажону дил, омин!

Ҳамма кўл кўтаради. Қози ун чиқармай, узоқдан-узоқ дуо қилгач, қўлларини юзига суртадилар.

Мир (*Мирохурбошига*). Тақсир, ҳазрати олийнинг таъби мубораклари чоғми?

Мирохурбоши. Ҳа, тақсир, ҳазратим кўб хурсандирлар, сизларга кўб меҳрибонлик кўрсатадилар.

Мир билан қози ўринларидан туриб, амир дарбори томон уч марта эгилиб таъзим қилиб, ўтирадилар. Ясовулбоши, Восеъ, Мулло Назир ва Бобо Сангин бирин-кетин кириб келадилар. Уларнинг эғнида бахмал тўн ва кумуш безакли каман, бошларига оппоқ салла ўроғлиқ. Кишанланган қўллари кўкракларига жуфтлаб кўйилган, бўйинларида чил\*...

Мирохурбоши. Санлардан қай биринг Восеъ?

Восеъ. Мен!

Мирохурбоши. Нега нонкўрлик қилдинг?

Восеъ. Сенинг нон-тузингни еган бўлмасам, қандоқ қилиб мен нонкўр бўламан? Ўзинг нонкўр! Халойиқ нон-тузини еб, семириб кетганинг бас эмасми, яна бизни ўлдиришни чоғлайсан!

Мирохурбоши. Оғзингни юм! Нега жаноби Олийга осийлик қилдинг?

Восеъ. Сўраб нима қиласан? Осий бўлган билан нима ёмонлик қилибмиз?... Биз енгганимизда, сенларни дорга осардик. Бугунча сен зўр келдинг. Бизни ўлдирмоқчимисан?! Ортиқча гап — оғир юк. Кўрсатадиган хунарингни кўрсатавер!

Мирохурбоши. Балжувондаги шерикларинг кимлар?

Восеъ. Буни Балжувондан бориб сўра! Менинг сенга айтадиган сўзим йўқ.

Мирохурбоши билан Мир бир-бирларига ҳайрон қараб қоладилар.

Мир (*ясовулбошига*). Олиб боринг буларни! (*Бандиларни ҳайдаб кетишади.*) Юринг, қози! Қатлни ўз кўзимиз билан томоша қиламиз!

Қози. Бажону дил, албатта, тақсир!

Ҳамма ўринларидан туриб бандилар олиб чиқилган томонга йўл оладилар.

## ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Китоб арки майдони. Қўрғон деворининг ости кўриниб турибди. Кунботар пайт. Куёшнинг қизғишранг нурлари қўрғон деворини ёритаяпти.

Бир ёқда кўрғон девори яқинида Восеъ, Мулло Назир ва Бобо Сангин жасадлари кўринади. Майдон бўм-бўш, жимжитлик. Салдан кейин узоқдан Гулизорнинг ғамгин ноласи эшитилади:

Дадамни Бухорога элтдилар,  
Бошини дорга тортдилар,  
Золимлар дастидан минг дод,  
Бунда қон йиғлар Гулизор.

Маҳрум бўлдим мен отадан,  
Отам шўрлик, мен—бўтаман,  
Золимлар дастидан минг дод,  
Бўтадек бўзлар Гулизор.

Сурхақобга<sup>27</sup> кўнди Восеъ,  
Кул бўлмоққа кўнди Восеъ,  
Восеъни ҳамма излайди,  
Ғамхўрин излар Гулизор.

Гулизор (*киради. Бошига эски танча<sup>28</sup> ёпган, аҳволи па-ришон*). Шўрлик дадам. Сарбозлар уни банди қилиб, Бухорога жўнатдилар. Билмадим, нима учун. Балки амирга арз қилмоқчи бўлиб, дадамнинг ўзлари талаб қилгандирлар? Ё зиндонга ташлаш учун олиб кетишдими? Наҳот уни дорга осса! Йўқ, йўқ! Худо кўрсатмасин бунини! Мен дадамни золимлар чангалидан қутқараман. Бухорогача изма-из юриб бориб, амирнинг ўзига арз қиламан, қушбегиси оёғига йиқилиб, ялинаман-ёлвораман! Улар, албатта, раҳм қилишади, дадагинамни озод кўраман. (*Атрофга қарайди, лекин унча узоқда бўлмаган жасадларни кўрмайди...*) Қоронғи тушди. Дадам бу кеча (*арк деворини кўрсатиб*) шу девор ортида тунайдилар. Эрта эрталаб дадамни ҳайдаб чиқадиган бўлсалар, орқаларидан эргашаман. (*Деворга яқинроқ боради. Кўзи жонсиз жасадларга тушиб, кўрқади.*) Оҳ, бу нима? (*Олға қараб юради.*) Мурда? Ўлик жон? Наҳот отажонимни ўлдирган бўлсалар? Оҳ, қон! Аъзойи баданлари қонга бўялган! (*Бобо Сангин жасадини кўради, танийди, қичқириб юборади.*) Оҳ, бу Бобо Сангин-ку! У бечорани ўлдирибдилар! Дадам, дадагинам-чи? Элга йўлбошчилик қилган исёнкор Восеъничи? Йўқ! Ҳеч мумкинмас, бундоқ бўлиши сира мумкинмас! (*Таниб.*) Дадам! Дадажонгинам! Ўз халқини дедан, эзилган бечораларни курашга қалқитган паҳлавоним дадагинамнинг жасади бу! (*Ўзини Восеънинг жасади устига ташлайди, дод солиб, хўнграб йиғлайди.*)

Битди.

## МУСУЛМОНЛАР, ҒОФИЛ ҚОЛМАНГ!

Яқинда шаҳар думаси<sup>1</sup> очилур. Шаҳар думаси, шаҳаримизнинг покизалик ва ободлиги, мактабларимизнинг тарраққий ва интизоми, болаларимизнинг тарбияси ва халқимизнинг тинчлиги учун керак бўлган ишларни ўз қўлига олур. Шаҳримиздан хазинага киратурган оқчаларни шу йўлларда сарф қилмоқчи бўлур.

Бу олдимиздаги шаҳар думаси эски ҳукумат замонидаги шаҳар думаларига ўхшамас. Йигирмадан ўтган бутун шаҳар одамларининг ихтиёрлари билан сайланурлар. Бу шаҳар думасинда жуҳуддан, русдан, мусулмондан вакил қилиб ўтуруп<sup>2</sup>. Ва шаҳар ишлари учун гапурушурлар. Шаҳарнинг қайси қитъасинда касалхоналар қурмоқ керак, шаҳарнинг қайси қитъасиндаги йўлларни тузатмоқ керак, шаҳарнинг қайси қитъасинда қанча мактаб солмоқ керак деб кенга-шурлар ва шул тўғрилардаги ишларни «вакиллар кўбчилиги» нинг қарори билан қилмоқчи бўлурлар. Вакиллар кўбчилиги ҳаммадан бурунроқ эски қитъанинг ерларин тузатурга қарор берса, чора йўқ, шу қилинур. Вакиллар кўбчилиги кўброқ касалхоналарни янги қитъада солмоқчи бўлса, иложи йўқ, шу бўлур.

Мана шуларни онглаган ҳар жамоат, ҳар миллат шаҳар думасига ўзидан кўброқ вакил ўтказмоқ учун тиришадир, думанинг кўбчилигининг ўзига олмоқчи бўладир. Ўтган ҳафтадаги «таҳрири нуфус»дан<sup>3</sup> онглашилдики: шаҳримизда халқнинг тўртдан учи мусулмон ва тўртдан бири рус, армани ва жуҳуд эканлар. Шунга қараганда унлар хазинадан чиқим бўлатурган оқчанинг уч шунчаси биз учун чиқғучидур. Унларга мактаб очилса бизга уч, унларга бир касалхона очилса бизга учтаси очғули; унларга бир пут буғдой керак бўлса бизга уч пут керақдир.

Қисқаси шулким: бизнинг ҳақимиз уларнинг ҳақлариндан уч йўла берқдир. Мана шуларни тилаб олмоқ учун шаҳар думасининг кўбчилигини олмоқ керак, шаҳар думасининг кўбчилигини олмоқ учун мусулмонларнинг сайлов куни лозимдур. Йўқ, сайлов куни ҳар ким ўз уйинда ўтир-

са; бошқалар күбчилик бўлиб келсалар ва думанинг күбчилигини ўз тарафлариға ўткарсалар; у вақт биз ҳеч бир ҳақимизға эришолмасмиз, яна эски каби ҳуқуқсиз бўлиб қолурмиз; яна эскиси каби ўз шаҳримизда ўз оқчамизнинг роҳатини ўзимиз кўролмасмиз.

Шунинг учун бағириброқ айтаманким, ўз халқларини яна бошқаларнинг оёқлари остинда қўймоқчи бўлмаған мусулмонлар! Сайлов куни гофил қолманглар, күбчилик бўлиб келурға тиришинглар.

### «ШҶРОЙИ ИСЛОМИЯ»НИНГ ХАТОСИ

Мақоламизнинг шу унвони, ўқувчиларимизнинг ҳайрат ва таажжублариға сабаб бўлса керак. Ўзимиздағи шул мақолани буюк бир ҳайрат ва таажжуб ичинда ёзиб турибмиз. Масала шу:

«ШҶройи ислом» жамиятининг<sup>1</sup> сайлов тўғрисида «уй эгалари»<sup>2</sup> отли бир рус партияси билан иттифоқ қилганини барчамиз билиб олдик эмди. Машҳур сўзларға қарағанда, шул иттифоқ икки мусулмон, бир рус тартиби ўзаро боғланган. Мунинг маъноси шуки, «ШҶройи ислом» ўз рўйхатиға элли(қ) мусулмон ва йигирма беш русни, икки мусулмон бир рус қилиб ёзадир. Сайлов куни «ШҶройи ислом» тарафдорлари бўлған мусулмонлар билан «уй эгалари» тарафдорлари бўлған руслар шул шҶронинг рўйхатиға тавуш берурлар ва натижада масала 15 галос<sup>3</sup> олинса, 5 тасини русларға бериб, 10 тасини мусулмонлар олуурлар.

Тунов куни мутафаккир бир дўстим билан шул тўғриларда гапуриб ўтирған эдим. Дўстим ҳақли бир суратда «ШҶройи ислом»нинг шул иттифоқини танқид қилди, дедиким:

Самарқанд сайловиға қўшилтурғанлар; мусулмондан (хотунлар ҳисоб эмас) ўн олти минг, жуҳуд икки минг беш юз, рус ўн бир минг беш юз, ҳаммаси ўттиз минг киши бўлур. Шул ўттиз минг кишини етмиш беш галосига тақсим қилсак, ҳар тўрт юз кишиға бир галоси тушар. Эмди шуниси ҳам маълумдирки, сайловға қўшилтурған ўн бир минг беш юз руснинг ҳаммаси «уй эгалари» партиясига дохил эмаслар. Чунки руслар орасинда «уй эгалари» партиясидан бошқа тўрт-беш партия бордур. «Уй эгалари» партиясига гайрат қилса, ўн бир минг беш юз русдан икки мингини ўз тарафига ола билур.

Фараз қилайликки: шўро жамияти шул сайловда ўз тарафиға, ўз рўйхати учун икки минг мусулмон товуши ола билсун. «Уй эгалари» партиясининг ўттиз беш галоси тушар. Энди иттифоқ юзиндан шўро жамиятининг ўзи шул ўттиз беш галосдан ўн икки минг мусулмон товуши олур 24 галосни; «уй эгалари» партиясига икки минг рус товуши учун берур ўн бир галосни!

Холбуки, айри-айри списка бўлганда «Шўройи ислом» ўн икки минг мусулмон товуши учун 30 галосни ва «уй эгалари» партияси икки минг рус товуши учун беш галосни олур эди. Мана шул ҳисоб юзиндан Шўро жамиятининг шул қилган иттифоқи мусулмон ҳақиға зарарлидир, чунки олти мусулмон галосининг ери русларға ўтган бўлур.

Дўстимнинг бу ҳисобларини эшитгач, ҳайратда қолдим. «Ажабо, Шўро жамияти нечун шуни тушунмайди?» дедим ва чиқиб келдим. Шўро шу масалани тушунмаган бўлса, миллатнинг ўзи тушунсин ва ортуқ қайси нўмир рўйхатға товуш бермак керак эдигини тайин этсун.

### БУХОРО УЛАМОСИ

Бухоро уламосини, асосан, икки фирқаға тақсим этиш мумкинди. Бири Бухоро ва унинг теваракиндан тўпланиб таҳсил қилатурған бухорийлар, иккинчиси Бухоро хонлигининг Шарқ тарафиндағи Кўлоб деган тоғлиқ ердан келган кўлобилар. Тарихи исломдакиси бани Хошим<sup>1</sup> бани Умавия<sup>2</sup> ўртасида бўлғани каби Бухоро уламоси ва кўлобилар орасинда эски бир даштлик<sup>3</sup> бордир. Бу душманликнинг бош сабаби ҳозирги Бухоро қозикалони бўлган Бурҳониддиннинг бобоси қози Садриддин Мулла Тўхмақ ўғли<sup>4</sup> деган зотдир.

Қози Садриддин(дан) бурун бўлган Бухоро муллаларининг барчасига бир кўз қараб ҳар бириға мустаҳик<sup>5</sup> бўлдиғи илмий мансабларни бера(р) эканлар. Мазкур Мулла Садриддин Мулла Тўхмақ ўғли Бухорода қозикалон бўлғач, иши тезлашиб кетган. Бу одам аввал Бухоронинг вақфлариға ва бошқа ишлариға буюк хиёнатлар қилган: халқ устиға «аминона»<sup>6</sup> деган бир солугни ёлғондан шаръий деб юклаган, кўб вақт ерларини, вақф оқчаларини ҳукумат хазинасига оғдарған, шу йўллар билан амирни(нг) ўзига тобеъ қилиб олғандан кейин Бухоронинг ёғли мансаблари (ки) ўз кўлобилариға олиб берган.

Бу одам диний илмлардан (Қуръон ва Ҳадисдан) бутун хабарсиз бир одам экан. Бир кун буюк бир илмий мажлисда Қуръонни очиб саҳифа бошиндаги сурадан ибтидоси бўлган «ҳам аси»<sup>7</sup> жумлаи шарифини «ҳам ишқ» ўқудиги Бухоро уламози орасинда машҳурдир. Унинг бу ҳоллари бухороли уламанинг нафратлариға сабаб бўлди. Қози Садриддиндан неча йил кейин ўғли Бадриддин қозикалон бўлди. Бу одам дахи отасининг йўли билан юра бошлади. Ўзи илмсиз бир киши эдуги учун маълумотли уламодан қўрқар ва унларни иш бошиндан тушура эди.

Ўз кўлобилари орасиндан жоҳилларини сайлаб Бухоронинг буюк илмий мансабларини шунларға бера эди.

«Бухороли уламо» илмий мансаблардан маҳрум бўлдилар. Бухоронинг тубчаклари<sup>8</sup> бош кўтара олмай қолдилар. Бадриддиннинг бу ишлариндан ғайратли неча уламолар ҳаяжонга келдилар ва унга қаршу бир варақа чиқардилар. Бу варақанинг бошинда ғайратли уламолардан самарқандли марҳум Муфти Бурҳониддин тура эдилар. Қози Бадриддин ёлғон хабарлар чиқориб, муфти Бурҳониддинни Бухоро амирининг доимий ғазабига учратди. Муфти Бурҳониддин шу илм билан дунёдан ўтди.

Бу зот ўрниға фирқа бошинда устодим марҳум Охунд Мулла Фиёсиддин ҳазратлари ўтдилар. Марҳум устодим диний ва шаръий илмлардан бошқа илми калом ва эски юнон фалсафасиндин тамоман воқиф бир зот бўлуб, сўзга ҳам кўб уста эдилар. Шунинг учун қози Бадриддинни бош кўтарарға қўймас эдилар. Кўб вақтлар қози Бадриддиннинг оғуси билан амирнинг ғазабига учрасалар ҳам парво қилмасдан ўз ниқоблариға давом этиб, дунёдан ўтдилар.

Бу зотнинг ўрунлариға қози Бадриддинга қаршу бўлган фирқанинг бошиға уч зот келдилар, бунлар марҳум шайхул-ислом Бақоҳўжа ҳазратлари, марҳум устодимнинг укалари Маснаф ва Бухоронинг олим қозикалони бўлган қози Абдушукурнинг ўғиллари Шарифхон маҳдум эдилар<sup>9</sup>.

## СИЁСИЙ ҲОЛЛАР

Мусибат устина мусибат! Русиянинг ҳозирги ҳолини очик тасвир этмак учун мундан ярашароқ<sup>1</sup> сўз йўқдир. Ўзгаришдан<sup>2</sup> сўнг Русиянинг ҳар тарафиндан очлиқлар, ёнгинлар, талонлар, ўлумлар, ўлдурмалар бўлуб турган чоғда бирда чиқиб қолган голибия мағлублиғи билан бунинг

устиға тортилмас бир юк бўлуб чўкган Риғо<sup>3</sup> кетишини кўзда олсак ва бунлар орқасиндан босиб келган Болтиқ мағлублигини ўйласак, Русияни мусибат устинда мусибат босаётибдир. Русия амринда эмдиги туёқларин остинда ётибдир деярға бизни мажбур қилур. Воқеа Риғо каби чидамли бир қўрғоннинг уч кунда кетмаси Болтиқдаги кимсаларнинг чопибгина англамаси, ёлғуз иштаҳаларни эмас, ўз истиқболларидан русларнинг ўзларини даҳи маъюс қилур, рус кучиндаги эътимод<sup>4</sup> ва эътиборларни тубиндан чурутур ҳодисалардан эди. Ортиқ русларнинг охирлари қолган бўлса, бутун-бутун муттафиқлариға<sup>5</sup> қолган эди. Руслар «эҳтимолки, муттафиқларимиз ўз майдонларина орқаси айсимас<sup>6</sup> юрушлар қилиб, бизни ўзигагина ундурурлар» деб ўйлай эдилар.

Рус сиёсийлари шундай бир умид билан уруниб турмоқда экан, бирдан Италия қўшуни бузулди. Олмонлар Италия узра темур юмруқларини ундирдилар<sup>7</sup> ва Италия қўшуни ўз бошини олиб, Олп тоғлари орқасига чиқорға мажбур бўлади. Олмонлар, йўллари узра Италия қўшуниндан минг бўйла кучлироқ бир монёз<sup>8</sup> бўлган Олп тоғларин ошиб, Италия саҳролариға индилар. Ортиқ Италия ўлкасининг ҳар ёнига олмон қўшуни учун йўллар очилди...

Италиянинг бу қўрқунч мағлублиғи ёлғиз италёнлар учун эмас, руслар учун даҳи буюк бир мусибат бўлди. Чунки ёнғинларинда, бадбахтлик лойқаларинда ботиб қолган Италиянинг қўлиндан ололмаган муттафиқлар қўшуниндан Русия учун кўмак кўзлайикнинг маъносиз бир эдугини янгидан исбот қилиб берди. Бунинг натижасинда Русияда янги бир бало бош кўтарди, большевик балоси!

Большевиклар иккинчи йўла қўзғалдилар. Бу қўзғалишлари биринчиси каби бўлмади. Бу дафъа буюк иш курдилар. Петроградни олиб, Керенскийни Русиянинг содиқ болаларини охтариб топиб, тўплаб кетурмак учун майдонлариғача кетарға мажбур этдилар. Сўнг хабарларга кўра, Керенский теваракдан тўплаб кетурдиги қўшун билан большевикларни енгмиш ва Петроградни унларнинг қўлиндан янгидан олмишдир.

Олмиш, аммо большевик балоси бошқа бир тарафдан бош кўтарди: Тошкандда тўрт кунлик қонли бир урушмадан сўнг, у ерни керенскийчилардан бўшатди. Эҳтимолки, Керенскийнинг Петрограддаги ғолиблиғи Тошканд мағлублигини эътибордан тушурар; эҳтимолки, Керенский

Петроград ишини тузатгандан кейин Тошкандни дахи янадан олур. Лекин шунларгина билан большевик кучининг йўқ бўлурини умид этмак тўғри эмас. Большевикларнинг иккинчи чиқишлари билан биринчи чиқишлари орасидаги айирбодни кўрган кимсалар учинчи бир чиқишнинг қандай бўлурини онглаб олсалар керак.

Биз туркистонийлар учун ҳар ҳолда керенскийчилар билан большевиклар орасидаги курашнинг битиб кетмадигини кўзда тутиб, ўз йўлларимизни шунга кўра тайин этмак керакдир. Биламизки, ҳозирда курашиб турган бу ойги фирқанинг ҳар бири ҳурриятчидир. Иккисининг ҳам бизга зарарли тушунчалари охирда йўқдир. Зеро, бунлардан биронтаси истибдод тарафдори эмасдир. Телбалик қилиб чопибгина бунлардан бирини ёқламоқ фойдали бўлиб чиқмас. Русияда истибдод тарафдорлари чиқмагунча мусулмон кучини сарф этмак хатодир. Ҳурриятчи икки партия орасида бўлатурган урушларга қотишмоқ, бунлардан бирини ёқлаб ўзгасидан юз қайтармоқ эҳтиётсизликдир. Бунларнинг ҳам бизнинг сўзимиз шу бўлғулидирки: биз мусулмонлар сизнинг ҳеч бирингиздан нафрат қилмаймиз. Бизнинг миллий ватаний ҳақларимизни ғасб этмак фикрига тушмагунча биз ҳеч бирингизга душман бўлмаймиз.

Мана ҳозирда туркистонийлар учун хатарсиз йўл шу йўлдир.

## МУХТОРИЯТ

Туркистон мухторияти... Темур хоқонининг чин болалари ёнинда, туркистонли тубчак турклари орасида, мундан ўғурли<sup>1</sup>, мундан муқаддас, мундан суюнчли бир сўзни борлиғига ишонмайман.

Туркистон туркининг қонини қайнатғучи, имонини юксалтғучи бир қувват бор эса, ёлғуз шу сўзда бордир: Туркистон мухторияти.

Элли(к) йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик, қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди, оғзимиз қопланди, еримиз босилди, молимиз таланди, шарафимиз юмурулди, номусимиз ғасб қилинди, ҳуқуқимизга тажовузлар бўлди, инсонлигимиз оёқлар остига олинди, тўзимли турдик, сабр этдик.

Кучга таянган ҳар буйруғга бўйинсундик, бутун борлигимизни қўлдан бердик. Ёлғиз бир фикрни бермадик, яш-

рунтурдик, эмгакларимизга ўраб сақладик: Туркистон мухторияти!

Маҳкама эшикларидан йиғлаб қайтганда, ёруқсиз турмаларда ётганда, йиртғучи жандармнинг тепгуси билан йиқилганда, юртларимиз ёндурулганда, диндошларимиз осилганда онгимиз йўқолди, миямиз бузилди, кўзимиз ёғдусиз қолди, бирор нарсани кўролмадик. Шул чоғда, тушкун руҳимизни кўтармак учун шул қоп-қоронғу дунёнинг узоқ бир еринда ойдин бир юлдуз ялқиллаб тура(р) эди. Бирор нарсага ўтмаган кўзимиз шуни кўрар эди. Ул нима эди? Туркистон мухторияти!

Биз аниқ била(р) эдикким, золим Николай ҳукумати қанча яшарса яшасун, адолат ошиқи бўлган... рус демократияси, ҳақга таянган бир инқилоб, ҳар миллатнинг ўз ҳақларини қайтарур.

Инқилоб бўлди. Русиянинг «қўшма халқ жумҳурияти» усули билан<sup>2</sup> идора этилури жарланди. Шул эълон узра ясалган Украина, татар ва бошқа миллатлар мухториятлари тасдиқ этилди. Қўнуқ<sup>3</sup> Туркистонники эди. Туркистоннинг тарихий хонбалиқлариндан иккинчиси бўлган Хўқанд шаҳринда тўпланган Туркистон курултойи 27 нўябрнинг «миллий лайлатурқадримиз бўлган» ярим кечасинда Туркистон мухториятини эълон қилди.

Лекин шуниси борким, бир миллатнинг мухторияти ёлғуз бир съезднинг эълони билан тамом бўлмас. Мухториятни олмоқ ва сақламоқ керакдир. Съезд ўз ишини қилди. Қолганлари бутун миллатнинг вазифасидир. Мухториятни сақламоқ учун куч лозим. Мухториятни бажармоқ учун ақча керакдир. Буларни миллат ҳозир қилсун.

### БУХОРОНИНГ ҲОЛИ

Бухоро ҳукумати ва Бухоро амирининг ич юзи букун ўртага чиққан, «маъфиу-л-замири!» маълум бўлгандир.

Русия инқилоби, императорнинг тахтдан тушгани, рус ҳукуматининг халқ қўлига кўчдиги Бухоро ҳукуматиға инқилобнинг ҳақиқати ва инқилобчиларнинг тилақларини билдурди. Инқилобчиларнинг ҳимоясиға сиғинган ёшлардан Бухоро ҳукумати бироқ кўрқди. Кўб ўйловлар, тушунчалар ва қарорсизликлардан сўнг белгули бир қарорға келди. Ўзи учун икки йўл тайин этди: виждон ва имонларини сотатурган «оқча қули» афандиларни сотиб олмоқ ва олтун тузоқға тушмас ёхуд олтунға қарамасларини турли баҳоналар билан у дунёға юбормак!

Бундан биринчи йўлни амирнинг ўзи қабул қилиб, иккинчисини қушбегисига<sup>2</sup> ҳавола этди.

Амир жаноблари юборган «эҳсон»нинг қобуғини очиб ярамас, арзимас кимсаларга меҳроҳўрлик<sup>3</sup>, тўхсобалиқ<sup>4</sup> рутбаларини бағишламоқ, ҳатто фоҳиша хотунлариға мадраса мутаваллиликларини бермак йўли билан ўзига тарафдор тўплаб турубдир. Қушбегиси эса, ангиз исийун<sup>5</sup> мазмунини эсга кетирур йўллар билан ёзиқсиз, гуноҳсиз кимсаларни маҳв қилмоқ ила машғул!

Ҳукуматдан бўлмаган ва кўнглидагини тилинда олган мазлумларни ўғрилик тўхматила тутдириб, қинаб<sup>6</sup> иқрор қилдирмоқ баҳонаси билан яланғоч қоринлариға юз-икки юз таёқ ургандан кейин тарбуз суйи ичирадир. Бечоралар тарбуз суйини ичкандан сўнг шишиб ўларлар!.. Сўнг бир ой муддатда шу сурат билан ўлганларнинг сони юз элликдан ортмишдир.

Яқинларда яна қушбегининг пилони<sup>7</sup> билан бўғдирилган икки ёш бухорийнинг шаҳодатларини газитга ёзган эдик<sup>8</sup>, бу кун олдигимиз хабарға кўра, Бухоро амири амлокига, иккинчисининг ақлиға буюк бир муосийлар<sup>9</sup> берибдир. Яъни бу жиноятнинг ўз иши ва ҳуқуқини ҳаракати билан исбот қилибдур. Мана шу сўнг ҳодисалар, зулмлар ва инсофсизлиқлар Бухоро ҳукуматининг «маъфиу-л-замири»ни онглатадир. Ортиқ Бухоро ислоҳоти йўлинда чин кўнгил ва ўз тилаги билан баённома чиқарган бир «жинояли»<sup>10</sup> ва у баённомани юрутмоқ учун тайин бўлган бир «вазуротпаноҳи»<sup>11</sup> йўқдир. Бунлар ёлғон ва бўш сўзлардир. Бунлар зулм қуллари билан қурулган тузоқлардир. Бунларға ишонмоқ ўзимизни алдамоқдир.

Энди Бухоро ёшлари учун лозимдирким «баённома — ҳамма бунга кўмак этмак»<sup>12</sup> шиорини мияларидан чиқаргайлар. Бухоро инқилобини истар эсалар, инқилобчиларға ярашур ҳаракатлар қилгайлар. Яхши сўзлар билан, тавозелар билан, ёлборишлар билан Бухоро ҳукуматини йўлга кетурмак бўлмас. Золимнинг «...» табиатига ўхшаш бир табиати бордир: қочганга қувар, қувганга қочар. Золимларнинг шу табиатларини, шу «аҳволи руҳия»ларини кўзда тутмайин ҳаракат қилатурганлар(нинг) хато йўлдадирлар, зарар кўрарлар. Кўрқмайин, тортинмайин кескинроқ ҳаракат қилмоқ керак бу кун: Русия харобаларидан чиққан Қафқос, Туркман, Тотор, Туркистоннинг мухтор ҳукуматлари Бухоро ёшлигига<sup>13</sup> ҳар жиҳатдан кўмак қиларлар. Адо-

лат, ҳуррият ва машварат билан идора бўлатурган бу мухториятли ислом ўлкалари ёнинда Бухородаги зулм ҳимоянинг йиқилури муқаррардир. Мунча адолат ва ҳаққоният қуёшлари билан ёруган, ойдинлашган бир қитъанинг ўта сохта, инсофсизлик қоронғуси туролмас, йўқолур.

### ТУРКИСТОНДА РУСЛАР

Ислом маданияти тарихининг олтули, юлдузли япроғларидан буюк бир қисми, шубҳа йўқдирким турклар тўғрисида ёзилгандир.

Юнондан Румоға<sup>1</sup>, Убадан Константаняга<sup>2</sup> кўчиб келгандан кейин таъсир этиб, таассублари тарафидан қўл-оёғи боғланиб қолган маданияти билан улум ва фунун Бағдод салтанатининг эгалари бўлган аббосийлар тарафидан<sup>3</sup> тургизилди ва тарбиёт кўрди.

Ул чоғларда ер юзини бахтли муҳаббат кабилари қоплаган аббосийлар салтанати ёлғизгина сиёсат негизи эмас, улум ва фунун кенгизи ҳам эди.

Аббосий салтанати нифоқ, низоъ, ахлоқсизлик, гурур, исроф ва зулм каби кўб ижтимоий касалларга тутулиб ўлгандан кейин унинг меросини яна ислом сиёсати билан ислом маданиятини ўз қўлларига олиб турклар сақладилар. Аббосийлардан сўнг улуғроқ ислом салтанатларини турклар кўрдилар. Аббосийлар қўлидан чиқиб яна эгасиз қола бошлаган маданиятни турклар асрадилар.

«Бизнинг Туркистонимиз эса мана шу буюк турк улусининг бешиги бўлмоғи билан ифтихор қилади...» Ёлғиз шуми?... Аббосийлардан сўнг ислом салтанатига қоровуллик қилган турк хоқонларининг охири ва улуғларида бўлган Темур янглиғ турк қаҳрамонини Туркистон етиштирди. Яна аббосийлардан кейин «маданияти башария»ни бошлари узра кўтарган турк олимларининг каттаконлари бўлган Абу Али<sup>4</sup>, Улуғбек, Жавҳарий<sup>5</sup> ва Форобий каби ҳикмат тиракларини Туркистон чиқарди.

Афлотунлар чоғинда Афина, Румо салтанатида Румо, аббосийлар хулофотинда Бағдод қанча тараққий қилган бўлса Темур ва Улуғбеклар замонида Самарқанд шунча тараққий қилган эди.

Бир кишининг миясига чоғирнинг қандай таъсири бор эса, бир миллатнинг миясига дахи салтанат ва маданият ичгусининг шундайин таъсири бордир. Салтанат, бойлик ва маданият ичгулари бизнинг миямизни бузди, бизни маст

этди, қўлимиздағи салтанат қиличи билан маданият дафтари бир ёнға қўйиб сафоат чолғуларини олдиқ. Урдик, чолдик, ичдик, йиқилдик, ёндик ва шунлар учун бир-биримиз билан урушдик...

Мана шул чоғларда эдиким: Русия давлати бизнинг ўлкаларимизни келиб босди. Ортуқ биз Туркистон туркларни Оврўпа маданияти ташигучи бўлган рус миллатига йўлиққан бўлдик. Маданий руслар билан қоришиб унларнинг далолати Оврўпанинг маданий ва ижтимоий усуллари билан таъсир олмоғимиз керак эди.

Шуни ҳам айтиб ўтайликки мундай бир таъсирни рус миллатининг авом табақасиндан олмоғи(ми)з мумкин эмас эди, чунки бизнинг авомимиз унлардан юз маротаба маданийроқ эдилар (ҳозир ҳам шундай). Русларнинг ўқуған, тарбияли кимсалариндан социализм ва қардошлиқ маслакда юрганлар ҳам императорлик ҳукумати тарафиндан қувилиб, қисилиб турганлари учун бизга бирор таъсир қўёлмас эдилар.

Қолди: рус миллатчилари, рус бойлари ва рус пўплари билан шунларнинг қоровули бўлган император ҳукумати. Биз туркистонлилар ёлғиз шунларнинг қўлинда қолдик. Не кўрган бўлсак шунлардан кўрдик.

Энди кўрайлик қани: шунлар бизнинг тараққийимиз ва Оврўпа маданиятидан таъсир олмоғимиз йўлинда бирор иш қилдилар ёхуд қилмоқчи бўлдиларми?!

Рус капиталистлари билан рус пўпларининг содиқ ва ишончли қоровуллари бўлган эски Русия ҳукумати элли(к) йил орасида Туркистондағи турк болаларининг фойдаларига бирор иш кўрдими, кўрмоқчи бўлдими?

Мана шул саволга, Малтаассуф<sup>6</sup>, «йўқ!» дан бошқа бир жавобимиз йўқдир. Юртимиз: элли(к) йиллик бир идорайи аскарыйа остида турдиғи учун биз Оврўпанинг маданий миллатлари билан кўришолмадик, унларнинг ижтимоий ва иқтисодий фикрлариндан истифода қилолмадик. Бизнинг кўзларимизни очдурмаслик учун фикри очик тотор қариндошларимизнинг дахи Туркистонда мактаб очмоқлари манъ этилди.

Бизнинг диний ва миллий ҳиссиётларимизни ўлдурмак тилағи билан Ўстраумов каби мутаассиб пўпларнинг идорасинда газит<sup>7</sup> чиқарилди, мактаб очилди, лекин ўз миллатимиз ва диёнатимизни онглатмоқ учун ўз тарафимиздан очилган мактаблар ва газитлар боғланди, шаръий маъ-

камаларимизнинг ҳуқуқ ва салоҳиятларидан буюк бир қисми ғасб этилди.

Маҳкамаларда, уйларда, йўлларда, тижорий ишларда, ҳатто вагон арбаларинда Туркистон ерлисининг ҳуқуқи Туркистон мусофири бўлган рус ва арманидан тубанда тугтилди.

Бухоро ва Хива ҳукуматларининг доҳили истиқлоллариға, миллий номуслариға турли баҳоналар билан тажовузлар қилинди. Бу икки ҳукумат ўз ўлкаларинда ўз ҳукмларини юрутолмас бўлдилар. Мамлакат ва миллат қоидалариға бу икки ҳукумат тарафиндан сира бирор ҳаракат содир бўлмади, содир бўлганда ҳам неча қизгин нўталари ва золимона таҳқир билан йўллари олинди.

Элли(к) йилда(н) бери шундайин ҳақсизлиқлар ва зулмлар орасида бўғулиб келган Туркистон букун ўз мухториятини Хўқандда<sup>8</sup> эълон қилди. Хўқандда ижтимоъ этган<sup>9</sup> Туркистоннинг тўртинчи қурултойи ўз баённомасинда «Федаратса асосига қурулган Русия жумҳурияти ила бирликда қолгани ҳолда Туркистон мухторияти» деган сўзни ёзиб, Рус ҳукуматиға содиқ қолдиғини билдурди.

Шунинг ила баробар «Туркистонда ақлият тащкил қилган миллатларнинг ҳуқуқларининг ҳар жиҳатдан сақланмоғини ҳам тантанали суратда» эълон этилиб, адолат байроғини кўтарди.

Элли(к) йилдан бери шунча зулм орасинда қолган Туркистон бу кун ўз мухториятини шунча адолат ва садоқат билан эълон қилибдир. Билмадик нечундурким, ҳозирда иш бошинда адолатчи большевиклар мунини қабул қилмай туралар..!

## АНГЛИЗ ВА ТУРКИСТОН

Мундан икки ой бурун «Туркистонда англиз мудофаасини сақламоқ учун Чин қўшуни келмоқчи эмиш» деган бир хабар чиқганда «Хуррият» газетаси икки мақола ила фикрини билдирган<sup>1</sup> ва Туркистон сиёсийларини уйғоқликқа чақирган эди. Бу кун иш бир оз очилди; Туркистонға англиз вакилларими, англиз жосусларими кела бошладилар.

Бу вакиллардан Когонда Сапар Бадлўф<sup>2</sup>нинг уйига қўнган бир ҳиндли Парнаснинг рус расмий доираларинда бердиғи маълумотга қараганда бир одам ҳинд инқилобчи-

ларидан эмиш, Ҳиндустонда инқилоб чиқармоқ учун большевиклар билан музокара қилғали келган эмиш; Шарқнинг эски ҳукуматлариндан бириси айдиғи учун рухсат берилса, бечора ҳукуматини кўрмоқчи эмиш.

Бунларнинг юқори доираларга ҳам сўзлари шу эса биз бунларга «яшурун бир мақсад учун келган жосуслар» деб қарарга мажбур қолурмиз. Юқори доираларга тилаklarини очибгина айткан бўлсалар, у вақт бунларнинг большевиклар билан музокара қилғали келган вакиллари айдуқларига шубҳа қолмас. Ҳар ҳолда масъаланинг шу нуқтаси маълумдирким бунлар жосус бўлсалар ҳам вакил бўлсалар ҳам тилаklари бирдир. Бунларнинг иккинчиси бир Ҳиндустонни олмоқчи бўлганлар. Бунларнинг кўзлари бизнинг юртимиздадир.

Англизлар билан Туркистон орасинда Афғон ва Чин ҳукуматлари бордир. Ажабо Британия тулкилари Туркистонимизга бурунларини суқмоқ учун Чин ҳукумати биланми онглашадилар. Афғон ҳукумати биланми?

Оғиз хабарларига қарағанда, ҳар иккиси билан ҳам онглашган; ҳатто Афғон ҳукумати билан иттифоқи кучлироқга ўхшайдирлар. Лекин биз шул Афғон ва Англиз иттифоқини қабул қилмаймиз.

Маълумдурким: бу кун Герман ва Турк давлатларининг биринчи душманлари англиздир. Герман ва турк давлатлари олдида Туркистоннинг англизларга кечмакиндан русларга қолмоғи яхшироқдир. Бир вақтлар ўзини турк давлатининг бир кашиши<sup>3</sup> атаган Афғон ҳукумати турк сиёсатига шунча молик бўлган бир масъалани қабул қиларми?

Англиз билан иттифоқ этмак — герман ва туркга қарши чиқмоқдир. Афғон ҳукумати бу йўлга кирарми? Англиз ҳийласининг таъсири буюқдир, эҳтимол ким, Афғон ҳукумати ҳам олдангандур, лекин бизнинг умидимиз бошқадир.

Афғон ҳукуматининг урушга қотишмоғи мумкиндир, унинг кучи бордир, эҳтимолким, вақти дахи бўладир; лекин биз умид қиламизким, Афғон ҳукуматининг бу ҳаракати англиз фойдаси учун эмас, герман ва турк пилонларига мувофиқ бўлмоқ шarti билан ўз фойдаси учун бу ҳаракат Ҳиндустонга қарши бўлғулдир.

Аммо Англиз ва Чин иттифоқи мумкиндир. Чин ҳукумати Жапун тазйиқотиндан қутулмоқ ва ўлкасининг рус нуфузи остида қолган қисминда ўз ҳуқуқини тасдиқ этурмак учун Англиз давлатининг турли хизматларига ҳозирдир.

Эмди масъаланинг бошқа бир жиҳати қолди. Туркистонни дахи Ҳиндустон каби ютмоқчи бўлган англизлар бу уруш майдонидан қандай чиқарлар? Мағлубми? Мағлуб чиқарлар эса, Туркистонни қайси куч билан сақларлар?

Ўз ҳийлаларига ишонган чидамли англизлар ўзларини шул муҳорибадан оз зарар билан соқғина қутқармоқ учун албатта бир пилон чизган ва шул пилонларига ишонгандирлар. Мана шул нуқтага биноан, сулҳдан бурун Туркистонни олиб душманларини «амру афу»<sup>4</sup> қаршисинда қўймоқ ва сулҳ мажлисинда кирганда Туркистонни қайтариб берарга мажбур бўлсалар ҳам унинг ўрнинда бошқа ёқдан бирор нарса сақламоқ фикринда бўлсалар керак.

Аммо бизнинг фикримизга кўра, англиз ҳукуматининг бу урушдан оз зарар билан соқғина қутулмоғи мумкин эмасдир. Германиянинг оғир ва ёмонроқ зарбаси англизларнинг бошларига инар<sup>5</sup>. Англиз ҳукумати бутун ишдан чиқмайин бу урушдан чиқолмас. Шул суратда Туркистоннинг толеъи<sup>6</sup> нимадир?

Уни туркистонлиларнинг ўзлари тайин қиларлар, аммо иттифоқ ва иттиҳод айтиб бутун фикрларини бир нуқтада тўплагандан кейин!..

### БУХОРОДА ИНҚИЛОБ

«Дунё ҳаводис<sup>1</sup> ўчоғидир» демишлар, тўғри бир сўз.

Йигирма саккиз(инчи) февралда Русияда ҳуррият бўлди, императёр Николай тахтдан тушурилди. Кўнсул Миллер Когондан Бухорога кируб, «Наминор» ҳавлисида ўтурди.

Халқ оғзинда янгиғина бир сўз тушуб қолди: «Бухорода ҳуррият бўлар экан. Мунг ёшларнинг тилаги билан рус кўнсулхонаси қила(р) экан».

Кўнсул Миллер Бухоронинг баъзи жамоалариндан баъзи одамларни ёнига киргузиб гапурди.

Шул чоғларида қозикалон Бурхониддин билан раис Абдуллоҳхўжа Садур<sup>2</sup> ва муфти Асқар Маснаф<sup>3</sup> махдум қатл этилдилар. Бунларнинг ўрнинда Муҳаммад Шариф махдум қозикалон ва Абдулсамад махдум раис бўлдилар. Бу ҳодиса Бухоро халқининг қизғин бир ҳаяжонига сабаб бўлди.

Апрелнинг еттисинда амиримиз бир баённома чиқордилар. Апрель саккизида Бухоро ёшлари бойдоқ<sup>4</sup> чиқориб муборакбод қилдилар. Муллалардан бир жамоа чиқиб шул

бойдоқ чиқорганларни кофир деб ўлдурмоқчи бўлдилар. Ҳукумат ёшларнинг бирини<sup>5</sup> тутуб етмиш беш таёқ урди.

Апрел тўққузда қушбеги одамлари ёшларнинг уйлари-ни босдилар. Топганларини кетуруб «обхона» деган рутубатли бир маҳбусда қамадилар ва иккитасини яна ҳукумат амри билан етмиш беш таёқдан урдилар. Ёшлар қочиб Когонга чиқдилар. Абдулҳамидхон раисликдан тушди. Маснаф маҳдум раис бўлуб келди. Самарқанддан рус солдатлари келиб обхонадаги ёшларни қутқорди.

Мана шунлар бир-икки ҳафта орасинда бўлуб ўтган ҳодисалар. Ҳар бири — бир маъно! Мен аниқ биламанким, шул ишларнинг ҳақиқат ҳикматлариндан руслар билан ёшлар ва Бухоро беклариндан бошқа кимса хабардор бўлмади. Бухоро халқи на муллабаччалари, на саҳройилари, на косиблари бу қоронғу воқеалардан бирор нарса онглаёлмадилар.

Тўғридир: ҳар ёнга югурдилар, истамаймиз, «ўлдиримиз, газо<sup>6</sup> қиламиз» дедилар.

Нимани истамадилар, кимни ўлдурмоқчи бўлдилар, кимнинг газосига чиқдилар? Бунларни онглаганлари йўқ!.. Мана бул рисола<sup>7</sup> шунларни онглатмоқ учун қўлимға олдим. Негаким, тилагим ҳақиқатни халқға онглатмоқдир.

Ҳақиқатни бутун очиб онглата билмак учун бул рисола<sup>8</sup> уч бўлакка тартиб этдим: 1. Бухоронинг ҳоли. 2. Фитна соатлари. 3. Ёшларнинг тилаклари.

### БУХОРОНИНГ ҲОЛИ

Иликотимиздаги<sup>9</sup> ишларнинг буюкроғи, албатта, экинчилик, яъни деҳқонлиқдир. Биз бу ерда ҳукуматимиз билан деҳқонлар орасиндаги ишларни арз қиламиз. Бухоронинг деҳқончилик ерлари тўрт турлидир. Амлок<sup>9</sup>, мулки ҳур<sup>10</sup>, вақф<sup>11</sup>. Бухоро ерларининг тўртдан бири мулки ҳур билан вақф бўлса, бошқаси амлок билан мулки ҳирожий<sup>12</sup> дир.

Мана Бухорода шул амлокни нечук олалар: Бухоро ҳукумати Бухоро теваракиндаги туманларнинг амлокини олмак учун амлокдорлар тайин қиладилар. Аммо вилоятларнинг амлокларини бекордан оладилар. Ҳар вилоятнинг беги ўз вилоятиға амлокдорлар қўядир. Ҳар амлокдорнинг неча оти, сайиси<sup>13</sup> ва хизматкори бордир. Бутун шунларнинг муҳаррифлари<sup>14</sup> бечора деҳқонларнинг устинадир. Амлок-

дорлар Бухоро ерларини икки турли истифо<sup>15</sup> қилалар. Биринчиси «хасбар»<sup>16</sup>, иккинчиси «хирман». Туманлар, Чаҳоржўй, Кармина, Хатирчи, Миёнқал ерларини «хасбар» тариқи билан истифо қилалар. Бухоронинг бошқа вилоятлари хирман тариқи билан истифо қилинадилар. Бу тариқларнинг иккиси дахи ямондир. Иккисига ҳам золим ва инсофсизлик кўб бўладир.

Хасбар тариқи шудир: экин етишгандан кейин амлоқдор ўз одамлари билан бало қўшуни каби истифога чиқадир. Кечалар навбат билан деҳқонларнинг уйларига кўнуб, кундузлар истифо қилади. Ҳануз хирман қилмаган устига келиб ҳеч бир нарсани билмаган йўлдошлари билан тахмин қилуб бир нарса ёзадир.

Хирман қилинмаган, бичилмаган экинларнинг қанча чиқорини билмак албатта куч: мундай тахминлар ҳеч тўғри чиқмайди. Ё амлоқдорларнинг ва ё деҳқонларнинг ҳақи албатта кетадир, лекин бизнинг амлоқдорлар ўз ҳақларини бошқага ўткармайлар, балки деҳқоннинг ҳақиға жавр қиларға тиришалар. Бечоранинг ўн ботмонлиқ экинини йигирма ботмон тахмин қилуб дафтарда ёзалар.

Хирман истифоси шудирким, деҳқон экинини бичиб, хуббидан<sup>17</sup> чиқориб хирман қилади ва амлоқдор жанобларини кутиб туради. Амлоқдор келмагунча бола-чақаси очликдан ўлса ҳам меҳнат қилиб етиштирган ҳосилиндан озгина ололмайди. Олса-чи, боши балода қолади — икки чорак олса, амлоқдор хабар олиб келади ва бечорани ёғочларға осиб қамчинлар билан уруб, уч-тўрт ботмоннинг оқчасини олади. Истифо замони келгач, амлоқдор жаноблари одамлари билан чиқиб юқорида ёзганимиз каби хирманлар орасинда кезиб, тахмин қилиб дафтарларда ёзади.

Амлоқдорлар тахмин қилиб ёздиқлари ҳосиллардан бошлиқ ҳақини шул чоғда олмайлар, ёлғуз тахмин қилиб кеталар. Деҳқон хирманини кўтарадир, масалан, буғдойни элтиб, арзонлиқ чоғинда юз тангадан сотади. Вақтлар ўтуб буғдой юз элли(к) тангага чиқгандан кейин амлоқдор бошлиқ ҳақини талаб қилади. Ул вақт бечора деҳқонларидан юз элли(к) тангадан пул олади.

Энди бир деҳқонни кўзимиз олдинда кетуриб шу ишларни унинг устинда юритайлик, кўрайлик нима бўлар. Масалан, Турсун отли бир деҳқоннинг тўрт танобгина ери бор, кеча уйқусизлиқлари, кун очлиқлари орасинда югу-

руб, чопиб, иссиқ-совуқ демай, қўш боғлар, хирман со-  
вурар, ўн ботмонгина буғдойни хирман қилиб ҳозирлаб  
қўяр, лекин бола-чақалари очлиқдан ўлса ҳам амлокдор  
бек келмагунча шунча меҳнат билан ҳосил бўлган буғдо-  
йиндан бир ҳовуч ололмас.

Олса, бир ҳовуч еринда бир ботмон буғдойни йигирма  
ботмон тахмин қиларлар. Кафсан, от еми, мирзоёна<sup>18</sup> —  
нималар дебон бир ботмонча буғдойни олиб кетарлар. Бе-  
чора Турсун қолган тўққиз ботмон буғдойни кўтарадир.  
Бозорга элтиб, юз тангадан тўққиз юз тангага сотадир.  
Ҳафта, оилар ўтуб буғдой нархи 150 тангага чиқғач, ам-  
локдор бек ҳақларини талаб қилалар ва Турсунбойни йи-  
гирма ботмон буғдойнинг учдан бири бўлган олти ярим  
ботмон буғдой учун бозор нархи юз элли(к) тангадан тўққуз  
юз етмиш беш танга оларлар. Мана бозорга бечора Турсун  
бир йиллик меҳнат қилиб чиқардиғи буғдойдан етмиш беш  
танга зарар тортиб чиқади.

Лекин иш шунча битдими? Йўқ, яна бир буюк масъала  
қолди: Турсун-ку ўз буғдойининг пулларини неча ойдан  
еб битирган эди. Амлокдорга бу тўққуз юз етмиш беш тан-  
гани қаердан топиб берди? Ҳиндилардан, яҳудийлардан ё  
ҳинди табиат мусулмонлардан фойдага кўтариб берадир.  
Бизнинг деҳқонларимизнинг уйини куйдирган қайдадир?  
(Муни кейинроқда арз қиламан.) Эмди кўрайлук, қани,  
бу ҳукумат билан шу амлокдор беклар ким, бечора деҳ-  
қондан имкони(ча) меҳнат қилиб, чиқардиғи ҳосилни бу-  
тун олалар, бирор кун, бирор йўл билан шу деҳқоннинг  
бирор ишига кўмак қилурми?

Албатта, йўқ.

Ҳатто бутун кўлимиздан тортиб олдиқлари экинларнинг  
суйини ҳам кетуруб бермайдир. Шунинг учун ҳам деҳқон-  
нинг уйини куйдирадилар.

Йилда бир дафъа ариқларни қазмоқ керакки, бу ишни  
бухоролилар «ҳашар» дейлар. Ариқдан сув ичатурган бутун  
деҳқонлар йилнинг олти ойинда шул ҳашар учун кунда  
бир мардикор (ишчи) бергулидир. Бера олмасалар бир  
мардикорнинг кундалик оқчасини ҳукуматга бергулари ло-  
зимдир. Муҳорабадан<sup>19</sup> бурун бир мардикорнинг кундали-  
ги 10 танга эди, аммо шу кунларда қирқ танга (олти сўм).  
Ўн таноб ери бўлган бечора бир деҳқон ҳар йилнинг олти  
ойинда ё бир мардикор тутиб ҳашарга берадир ва ё шу  
мардикорнинг олти ойлиқ оқчасини ҳукуматга берадир,

бошқа чораси йўқдир. Бир мардикорнинг шу кунларда олти ойлиғи 7200 тангадир. Аммо илгари 1800 танга бўла(р) эдики, бу ҳам бечораларга оз оқча эмасдир.

Тухумга<sup>20</sup>, хўкузга, от аробага пул берган бечора деҳқон ҳар йил ҳашар учун мунча оқчани қаердан топиб берадир?

Олдиғи ҳосилданми? Уни-ку амлоқдор олиб кетди, бечора деҳқон бу оқчани ҳиндилардан фойдага кўтариб берадир. Бундан бошқа пойтахтнинг атрофиндаки ерларга сувни адолат юзасиндан бўлиб бермак учун бир мироб (яъни сув беги) бор, бу одам сувни тақсим қилиб бермак еринда кўнуғини (навбатини) деҳқонларга сотиб турадир. Сув беги жаноблариға йилда бир неча дафъа оқча бермаган деҳқонлар сув ичолмайлар.

### ЗАКОТ

Бухоро хонлиғинда икки турли закот бор: биринчиси мол закоти. Шаръий бўйинча ҳар муслмон ўз оқчасиға йилда бир дафъа закот берадир. Лекин Бухоро савдогарлари ўз оқчалариға йилда беш-олти, ҳатто ўн дафъа закот бералар: масалан, бир савдогар Бухородан йигирма минг тангалик мол олиб, Қаршиға элтиб сотса, бир закот берар. Яна у ердан шу оқчаға мол олиб Бухороға келса, бир закот берар. Ва яна Бухородан шу оқчаға мол олиб Қаршиға қайтса, бир закот берар. Шундайин ўн йўла кетиб, келса ўн йўла закот оларлар. Бунинг зарари ёлғуз савдогарнинг ўзинда бўлса сўз йўқ эди. Чунки савдогардир, бойдир, озғина кўброқ оқчаси кетса ҳам зарар қилмайдир. Лекин у савдогар бу ортуқ ердаги закотларни мол устиға қўйиб сотадир. Демак, бундан ҳам қашшоқлар ҳам деҳқонлар зарар торталар.

Иккинчи закот — качи закоти<sup>21</sup>; қўй билан качидан олинадир. Қўй билан качининг закоти ҳақиқатан қирқдан бир бўлса ҳам, саррофона, котибона<sup>22</sup> ва, билмасам, нималар деб йигирмадан бирга тушуриб қўялар. Бунлардан бошқа чакана закоти<sup>23</sup> деб нисобға эришмаган қўйлардан шариатға маҳолиқ закот олалар. Закоти олинған қўйлар ва качиларнинг таниндаки йўниндан<sup>24</sup> дахи закот олмоқлари кўб буюк масхаралиқ эмасми?

Закотда зулмларнинг каттароғи шулким: қўй ва качи закотини дафтар юзиндан оларлар. Масалан, ўтган йили

маним қирқ қўйим бор эди. Келиб дафтарда ёзиб закотини олиб кетдилар. Сўнгра маним қўйларим ўлди ёинки сотиб битирдим. Бу йил бирта ҳам қўйим йўқдир. Лекин закотчи бек келгач, дафтарни очиб кўралар, ким, маним отимда қирқ қўй ёзилган; иши битди, мендан бир закот олиб кеталар. Қўйим йўқ десам онинг дафтариди бор деярлар «бор эди, лекин сотиб битирдим» десам тингламайлар. «Йўқ, бермайман» десам уриб, осиб ола(р)лар<sup>25</sup>.

### ЖОҲИЛОНА ТААССУБҒА МИСОЛ

Бухоро шаҳрининг ўрамларина<sup>1</sup> ушбу мазмунда бир эълон ёпишрилган эди: «Янги чиққан жадидлар болаларимизнинг эътиқодларини бузалар, мунлар ҳунарларинда ҳеч ким бола-сини ўқутмасин, ўқутса шул кишини ўлдиражакмиз, жадидлар живлашуб<sup>2</sup> ўлтурмасунлар, агарда живлашуб ўтурсалар, биз онларнинг бошларини кесармиз, жадидлар намоз бирла рўзани, закотни ўтамайлар, мунлар кофирлар, қонлари ҳалол» (Бу эълонла бир ҳадисда<sup>3</sup> ёзилган).

Бошқа мамлакатларда мундай маъносиз, имлоси бузуқ, ахлоқлиқ аломати бўлган эълонлар, ёзувларнинг аҳамиятлари бўлмаса-да, Бухоро каби ўрунда афкори умумиянинг мундан мутаассир бўлуви мумкин. Шул сабабли мундай жоҳилона таассубга қарши илтифот этмай қолув бизнинг учун мумкин тугул<sup>4</sup>.

Ёзув ёза билмай туриб, шу ший эълон ёзувлариға «жадид»ларнинг маслаклари нинди<sup>5</sup> нарсадан иборат эканлигини билдирурга ҳожат бор.

Бухоролиларнинг тижорат, ахлоқ ва илм, саноат ва ҳунар, маишат жиҳатларинда бутунлай ортда қолганлиқларини «эълон» ёзучилар билмасалар-да, бошқалар билалар. Тижорат майдонларинда, таҳсил мадрасаларинда, ахлоқ тўғивларинда<sup>6</sup> ўз ишларининг қоидасини ва зибарини<sup>7</sup> бир яҳудий қадар билувчи онгли кишимиз йўқ. Дунёнинг телефон ва телеграф ҳамда темур йўллар каби фанний мўъжизаларини кўруб-да шунларнинг сирларини ўгранурға тиришучи одамимиз йўқ. Ҳатто мадрасаларимиздан чиқуб-да бир жамоатнинг кофирлигини эълон этучиларимизда дуруст ёза билмайлар.

Шу ҳолни яратуб, бундан ризо бўлуб туручи бирғина мусулмонда бўлмаса керак. Мана шу ший<sup>8</sup> равишда бўлган ижтимоий хасталиқларимизға даво изловчилар «жадид»лардир.

Жадидлар «миллатимиз, халқимизнинг бу даражада тубан қолувларини, шу ший мартабада ёмон кунларга тушуларини нодонлиғлари сабаб бўлди, бизнинг учун ўқув, илм ва маърифатга ёпишув(имиз) лозим. Ватанимиз, мамлакатимиз ва миллатимиз илм нури бирла ёқтурсун, дин ҳам дунё илмлари бирла жиҳозлансун. Бу ҳол энди бизнинг учун фарз бўлди, эски мактабларда саккиз йиллар ўқубда, Эрон халқларининг ичкилик ва ишқ каби сафоҳатлариндан иборат бўлган адабиётдан бошқани билмовчи болаларимиз янги мактабларга кируб дин ҳам дунё учун фойда бературган лозим нарсаларни ўқисунлар, ҳисоб ва ёзув билсунлар, тўрт турли фан ўқир учун мадрасаларимизда ўн саккиз йил ётуви шогирдларимиз ўн икки йил мадрасани-да тамом шартина етишдуруб ўн беш фан ўргансунлар, мадрасадан чиқуб-да бошқаларни акфор<sup>9</sup> қилуш туғул, балки мусулмон қилуб зълон ёзучиларимизнинг имлоларини киши кулдурмак даражада бузук бўлмасун, савдоларимиз хунар ва саноатимиз, экунчилик<sup>10</sup> ишларимиз букунги каби забун ҳолда турмасун, балки тузалсун яхшилансун!» дейлар. Муни «жадид»лар шуйтиб равишда сўйлайлар ва шу ший йўлда юрийлар.

Ушбу мақсадларимизга эришуру учун биз «жадид»лар Бухорода мактаблар очдиқ, лекин Бухоро ҳукумати ненди фалсафага кўрадуру<sup>11</sup> бизнинг мактабларимизнинг давомини мусоада<sup>12</sup> қилмади, яшатмади. Шул кундан берли биз мактабсиз қолдуқ.

Мундан сўнг: «Мактаб йўли бирла бўлмаса бошқа бир йўл бирла тиришуб қарайлик!» деб тижорат йўлига кирдик ва Бухоро ҳукуматидан рухсат олуб бир китобчилуқ ширкати ва бир кўмоч нарсаси ширкати<sup>13</sup> тузувдик.

Китобхонамизда газит ва журналлар бирла бирликта ҳадис ва тафсир ҳамда дарс китоблари келтуруб эски мадрасаларнинг шогирдларина уч юз ҳақ бирла дарс китоблари сотдирамиз. Кўмоч ширкати даҳи юз молларини уч юз баҳо бирла сотуб фойдасини(нг) кўбиси «жадид» бўлмаган ширкатлар орасинда тақсим этуб турадир. Демак, бизнинг ижтиҳодимиздан<sup>14</sup> «жадид» бўлмаган ва «жадид»ларни яротмай турган одамлар фойдаланалар.

Энди «жадид»лик маслакинда бўлганларнинг ўз ҳолларини-да бир оз таъруф қилайлик:

Бу «жадид»ларнинг кўбраклари эски мадрасаларда, дарсларини энг яхши равишда тамом этучилар бўлуб орала-

ринда бу кунда зўр мударрислар ва олимлар бор. Мунлар тафсир ва ҳадис дарслари ўқуталар, ўқутмаганлари-да дарс ўқитув лозим бўлганда ўқитувга маҳталдирлар. Мунлар юзлар бирла ҳадиси шарифларини хатосиз ёдлаганлар ва дуруст онглайлар. Энди Пайғамбардан ривоят этилатурган бир ҳадисни-да дуруст ёза билмаган, имло ҳунариндан-да маҳрум одамлар чиқсунлар-да шу шундай одамларни акфор этсунлар, акфор бирлагина қаноат этмай, қонлари ҳалол бўлув бирла фатво берсунлар. Шу шийми инсоф? Буми мусулмонлик?

У отиш ўйновчилар<sup>15</sup>, ароқи ичучилар ва бутун амрларини фиску фужур йўлида ёздиручилар Бухорода оз тугул. Милйўнлар бирла инсонларнинг қонларини сув каби оқузиб туручи ва юз минглар бирла болаларини, хотунларини етим ва кишисиз қолдиручи бу кунги зўр суқишдан ибратла ҳамма кайф ва сафо мажлислари қуруб мусулмон болаларини ўйнагучилар-да кўб. Шу шийдай халқлар озгина-да тақтиъ қилинмаганлари ҳолда ислом ва мусулмонларнинг тараққийси учун тортишучилар акфор қилинсунлар, қонлари мубоҳ кўрилсун! Диёнат шу шийми? Буми одамчилик?!

Қуръони карим мусулмонлиғни даъво қилиб салом беручиларни акфор қилудан манъ этадир. Мусулмонларни акфор қилучилар билсунларки, «Мусулмон кишиларини акфор қилучилар агарда шул киши кофир бўлмаса, ўзлари кофир бўлурлар» мазмунида ҳадиси шарифлар Бухорий<sup>16</sup> бирла Муслим<sup>17</sup> саҳиҳларинда бор.

Эълончи афандилар, фитна кўзғатучи ўрнинда Қуръон бирла Ҳадис ўқуб шундай олий сўзларни ўргансалар ва билган нарсаларини дуруст ёзарга тиришсалар яхшироқ ва мусулмончароқ бўлур эди.

Бу мақолани ёзувимиз ўлимдан қўрқувдан тугул. Биз ўлумдан қўрқмаймиз. Ҳақ йўлда ўлдирилув ва ўлув ботиллик<sup>18</sup> узринда яшовдан яхшироқ. Хайрлироқ. Биз мунки Қуръони каримда ўқуб шунга аён кетурганмиз. Балки мунки ёзувдан мақсадимиз бухоролиларни инсофга даъват этув ҳамда ҳукуматимизнинг диққатини жалб қилувдир. Ҳукуматимиз мундай масъаладан сукут этмасун, балки бу ишни тафтиш ва тадқиқ қилсун эди. Агарда айб бизда бўлса, тейишли жазони берсун, йўқса шундай эълон ёзучиларни топуб майдонга чиқарсун. «Онларга тейишли жазо берсун эди» демаймиз. Жазо бермасун, балки танбеҳ ва насиҳат қилсун.

«Онларға жазо бермасун» деган сўзимни виждоним, иймоним бирла ёздим. Чунки шул одамлар-да, саодатлари ва тараққийлари учун тортишатурған миллатимизнинг кишилари дидир. Модомики, биз бу миллатнинг бахтиёр бўлувини орзу қиламиз, эълон ёзуб ёбишдиручиларнинг саодатлари-да бизнинг учун матлубдир. Бизнинг маслакимиз мухаббат ва маърифат ҳамда марҳаматга бино қилинадир.

Дуруст, агарда бу тўғрида биз гуноҳли тугул эсак, ҳукумат тафтиш этуб шул эълон ёбишдиручиларни топсун, аммо жазо бермасун, балки насиҳат йўсиндан онларға Сиз мундай фитналар кўзгатиб юрмангиз, мундай йўқ ишлар бирла шуғулланув ўрниға мактабга кируб ёзув ўрганнгиз. Имлонгизни тузатингиз, мундан шу илмлари комил одамлар ҳузурини боруб тафсир ва ҳадис ўқунгиз десун...

### ШАРҚ СИЁСАТИ

Бир кун қон тенгизларинда ботған, тамуғ ўтларинда кўмилған Шарқ бир кун тинчлик ва тараққий бешиги эди. Бу кун оёқлар тагинда эзилған Шарқ бир кун маданиятнинг йўлбошчиси, билим ва ҳунарнинг ўчоғи эди. Оврўпа дунёси ваҳшат ва билмаслик чўлларинда обдираб<sup>1</sup> шовқинтошқин юрар экан, Шарқ дунёси бутун инсоният оламини саодат ва тинчлик ўчоқлариға эришдурмак учун иш кўруб турар эди. Оврўпа(да) бир маҳалла оқсоқоллиғи йўқ экан, Шарқнинг «кўзқучинос», «бараҳма», «исо», «зардушт» ва Муҳаммадлари бутун одам ўғулларини бир нуқтада тўплаб тўғри ва билгили йўлға киргузмак учун тиришар эдилар. Чинлилар ёзиш учун қоғоз ясағанда оврўпалилар ўнг-сўл қўлларини бир-бириндан айира олмас эдилар. Замон бузғунлариндан қутулуб тарих дунёсинда қолған Хитой маданиятининг излари бу кун даҳи оврўпалиларни ҳайрон қилмоқдадир. Бу кун тирикликнинг ҳар ёғиндан қарағанда тараққий ва саодатнинг сўнг босқичини босиб ўтган оврўпалилар орасинда Ҳиндустонда бўлиб ўтган маданият замонларини кўрмагани учун қайғурған билғучилар бордир. Оврўпалилар дин ва килисо<sup>2</sup> таассублариға берилиб, билмасликнинг энг теран чуқурлариға тушған чоғда араблар, мусулмонлар Юнон, Эрон ва Ҳиндустонда кўмуллуб қолған маданиятни тиргуздилар. Ҳинд ва Юнонда унутилиб қолған билим, ҳунар, ҳикмат ва фалсафани бир ўрунда тўпландилар. Андалус, Миср(ни) бирор маданият мактаби, та-

раққий ўчоғи, билим бешиги қилдилар. Бағдодда — араб санъатчилари соат ясаб, Оврупага йубарганда Париснинг<sup>3</sup> у палладағи ангеллари<sup>4</sup> «бу қути ичида шайтон»лар бор деб соатни ташлаб қочган эдилар. Бугунги маданият ва мағрур Оврупанинг шаҳарларинда ҳам тинчлик ва осойиш йўқ экан, Бағдоддан Туркистонгача тинч ва осуда бормоқ мумкин эди. Мусулмон маданиятининг эгалари ёлғуз ўзларининг эмас, бутун бошарият дунёсининг тинчлик, тараққий ва саодати учун тиришар эдилар. Унлар ҳозирғи маданий йиртғучилар<sup>5</sup> каби ўзлариндан бўлмаган миллатларни ҳайвон санамас эдилар. Тўғридураким, мусулмонлар даҳи бошқа миллатларга қаршу уруш очдилар: тўғридураким, мусулмонлар даҳи бошқаларнинг ўлкаларини олурга тиришдилар ва олдилар, лекин унларнинг жаҳонгирлиқлари бу кунги маданий Оврўпанинг жаҳонгирлиғи каби олинган ўлкаларнинг улусларини таламоқ, эзмак, йиқитмоқ учун эмас, унларни янглиш йўлдан қайтармоқ, унларнинг орасинда кириб «ҳақ» дея топилган ўз фикрларини унларга қабул этдирмак, бутун дунё улусини «ҳақ» ва «ҳақиқат» теграсинда тўпламоқ учун эди. «Байтулмақаддас»ни, Мисрни, Андалусни, Истанбулни олган мусулмон ҳукуматларининг у ерлардаги халққа берган ҳуқуқлари, қолган ривоятлари тарих бетлариндан ўчурилмакдадир. Араб бошлиқлари бир ўлкани олганда у ердағи улуснинг тинчлигини сақламоқ учун бироз кўшун кўяр ва шул кўшуннинг чиқимлари учун бироз солуғ олар эдилар. Бироқ ёвнинг юрушига чидамасдан шул ўлкани ташлаб чиқмоқчи бўлганда улус оқсоқолларини чақуруб «биз бу солуғ оқчаларини тинчлигингизни сақламоқ учун сиздан олган эдик. Бундан кейин тинчлигингизни сақлай олмаймиз, шунинг учун бу оқчаларингиз бизга ҳаромдир» деб олган солуғларини қайтариб кетар эдилар. Африқога кирган мусулмонлар Амриқо ва Африқони босқон маданий оврупалилардек ерли халқни битирмак учун тиришмадилар. Унларга маданият бердилар. Амриқога кўноқ бўлуб кирган Оврупа маданийлари Амриқо ерли халқини битираёздилар, буни билмаган йўқдир. Африқони босиб олган Оврупа жаҳонгирлари у ердағи қора халқни ўлат каби ўлдуруб туралар. Ҳолбуки, мусулмонлар Африқонинг Жазойир, Тунис, Фас<sup>6</sup> каби ўрунларини олғач, у ерларни тараққий этдурдилар, халқини тинчлантурдилар, унлардан буюк одамлар етушдирдилар. Шарқ ўзининг тарихи, сиёсати, ҳунари, инсофи, адолати, ахлоқи ва хидмату эъти-

борлари билан унча юксалмиш, у қадар тараққий этмиш эдиким, тасаввури ҳам бизнинг мияларимизга сиғмайдур. Шарқ маданий йиртғучи эмас эди. Шарқ бошқаларнинг халқларини олмас эди. Шарқ башариятнинг юксалиши учун тиришар эди. Шарқ маданият ўчоғи, инсоф бешиги, ахлоқ мактаби, билим мадрасаси эди. Биз, шарқлилар, башариятга қилган хидматларимиз учун бу кунги қонли Оврупага қарши яхшигина махтана олурмиз. Биз, шарқлилар, маданият йўлида тутдигимиз хидматларда давом этганда букун башарият дунёсини кўб юксак мавқеъларда кўрмак мумкин эди. Негаким, Шарқ билим, ҳунар йўлида Оврупа жаҳонгирларидек ўртоқ қони ичмак ва орқадош уйин таламоқ учун эмас, инсонлик дунёсини юксалтирмоқ учун тиришар эди. Ёзуқлар, эсизларким, Шарқ ўз йўлида давом эта олмади, маданият тарихининг энг буюк ва энг тугал қодалариндан бири шудир: бир улус тирикчилигининг ҳар тўғрисида юксалиб, тараққий қилиб тинчланса, бирор ёқда кучлироқ бирон бири кўринмаса, ўлкаси кенгайиб, оқчаси кўпайса, ул улуснинг бора-бора ахлоқи бузулур, тотлиғи йўлдан чиқа бошлар. Биз, шарқлилар, даҳи тинчлик ва роҳат сўнгинда бузулиб қолдиқ, йўлдан оздик, эзгу тилаklarимизни унута бошладик. Билим ва ҳунардан юз қайтардик, бирлик ва ахлоқдан айрилдук, оқчага берилдик, оқчага сотилдук, шунинг сўнгида Хитой, Турк, Форс, Араб ва Ҳинд мамлакатлариндан ҳар бири ўз кўнуғи билан, ўз навбати билан тинчлик ва тараққий босқичлариндан қуллиқ, йўқсуллиқ чуқурлариға юмалаб туша бошладилар. Шарқнинг бутун ишлари онгсиз беклар, тушунчасиз хонлар, миясиз муллалар, билимсиз эшонларнинг қўлиға ўтди. Бунлар Шарқнинг бутун тузук ва интизомини бузуб юбордилар. Хонлар ўз қоринларини тўйдирмоқ учун халқни бир-бири билан урушдирдилар, мамлакатнинг жонли ва муҳим ўрунларини сотдилар, муллалар ўз иставлариға «дин» отини тоқиб бозорға чиқардилар, дин, тангри, пайғамбар, учмох ва тамуғ орқали Шарқ халқини талай бошладилар. Шарқнинг тараққий йўли кўмулди. Саодат ва тинчлик эшиклари боғланди, саодатнинг энг юксак тепасига чиққан Шарқ йўқсуллиқнинг энг теран чуқуриға тушди. Шарқнинг Хитойи, Эрони, Турони, Арабистон билан Ҳиндустони бариси бир туртки ўт билан, билмаслик ва ғафлат ўти билан ёниб битди. Шарқ ғафлат ва билимсизлик тамуғлариға юмалаб ётатурған чоғда Оврупа

кўзи уйқусиндан янгигина тура(р) эди. Оврупалилар узун ва зарарли гафлат уйқусидан уйғонгач, оч қолган йиртғучилар каби Шарқ устига отилдилар. Дунёнинг энг ёғли бир бўлаги бўлган Шарқ йиртғучи ҳайвонлар орасинда қолган семиз, лекин кучсиз бир қўй ҳолатини олди. Оврупа йиртғучилари Шарқнинг ҳар ёниндан солдурдилар. Тиш, тирноқлариға илинган ерларини йиртиб, зуб олабердилар. Бояқиш Шарқ ўз жонини қутқарғали кўб тиришди, тебранди, қичқирди, додлади, югурди, ҳамла қилди, қочди, қўрқутди, ялинди, эсига келган ҳар йўлга кириб кўрди. Бирор осуғ<sup>7</sup>, бирор унум, бирор фойда кўра олмади, негаким, унга оҳсум<sup>8</sup> бўлган йиртғучиларнинг кучлари кўб, тиш-тирноқлари ўткир эди. Англизлар Ҳиндустонни ютдилар, Мисрни босдилар. Аданга келиб Арабистонға кўл узатдилар. Рус империалистлари Қафқасиёни таладилар, Туркистонға кириб, Хитой, Афғонға, Эронға кўз тикдилар. Франсузлар Тунис билан Жазойирни ғасб этиб, Фаластинға юкундилар. Ўзининг ибтидоийлиги билан тинчгина яшаб турган бояқиш Африқа қитъаси Оврупа жаҳонгирлари орасинда бўлинди. Бу олиш-беришларнинг ҳеч бири урушсиз бўлмади. Оврупанинг оч «қирғий»лари ўзларининг билимсиз, жоҳил деҳқонларининг бошлариға нўхталар<sup>9</sup> солиб Шарқға тортдилар, унлар бирор нарсани онгламасдан Шарқдаги ишчи ва деҳқонлар узра солдурдилар, унларнинг ёзуғсиз тинчгина ётган орқадощларини урдилар, ўлдурдилар, таладилар, талатдилар. Шарқнинг ёзиғсиз кишиларини ўз бойлариға қул қилиб бердилар. Оврупанинг ишчи ва деҳқонлари бу олиш-беришдан нима қозондилар? Битмас яралар, туганмас қайғулар, бошқа ҳеч йўқ...! Оврупа жаҳонгирларининг Шарқ сари юришлари бошқаларнинг қонини тўкуб ўз қурсоқларини тўлдирмоқ, ўзгаларнинг уйини ёндуруб, ўз қозонларини қайнатмоқ учун эди. Лекин унлар тилакларини улусға билдирмас эдилар. «Шарқ халқи ваҳшийдир, уларни маданийлашдурмак учун борармиз», «Шарқ халқи билимсиздир, унларға билим тарқатмоқ учун борармиз», «Шарқ халқини хоч буйруқлариға бўйсундирмак учун борармиз», деб ўз ишчи ва деҳқонларини алдаб, бизим устимизга юборур эдилар. Унлар бу ёлғон баҳона ва сўзларни ёлғуз ўз аскарлари орасинда эмас, биз шарқдиларға ҳам уялмасдан айтиб туралар: «Сиз, шарқдиларға маданият йўқдир, сизлар ибтидоий ваҳший кишилар эрурсиз, сизни ислоҳ этмак, тартиб бермак, ўқут-

мак, маданиятлаштурмак керакдир, бу иш бизнинг (яъни Оврупанинг) вазифаларимиздир. Ер юзининг энг обдон бўлаги бўлган Шарқни ишга солмоқ, башарият дунёсининг энг катта йиғини бўлган шарқлиларни ваҳшатдан кутқармоқ бизга фарздир. Мана шунинг учун биз (овруपालилар) Шарқга келдик. Шарқ ҳукуматларининг бир қисмини олдик ва қолган қисмини ҳам олмақчи бўлуб тура- миз» деялар. Бу сўзларнинг Шарқ тўғрисидаги бир қисми тўғридир. Воқеан, билимсиз қолмишдир, Шарқ Оврупага қараганда кўпдан-кўп орқала қолмишдир. Лекин Оврупанинг Шарққа маданият бериши ёлғондир. Оврупа жаҳонгирлари Шарқдан олган мамлакатларда тараққий ва маданият деган нарсани қатъиян кўргузмадилар, кўргуз- макка тиришмадилар. Оврупанинг бизга берадиган нарсалари белгилдир: сафоҳат, ахлоқсизлик, кумор ва шароб- хўрлик. Шарқнинг дин ва одатлариға қатъиян тўғри келма- ган фоҳишахоналарни ўлкамизда Оврупа жаҳонгирлари очдилар. Бутун башарият ҳаётиға, маишатиға, ишига раҳ- налар солғучи шароб дўконлари юртимизға шул Оврупа бойлари «ҳиммати» билан қурулди. «Фаранга»<sup>11</sup> деган кўркунч касал Шарқға Оврупа жаҳонгирларининг босқин- лари билан келди. Хулоса: Оврупа жаҳонгирлари Шарқға бугунгача ахлоқсизлик ва бузуқликдан бошқа бир нарса бермадилар.

Шарқға маданият мактаблари, инсоният мадрасалари очармиз деб келган Оврупа жаҳонгирлари фоҳишахона ва майхонадан бошқа бир нарса очмадилар. Ажабо, Оврупа жа- ҳонгирлари бу ишларини билибми қилдилар, билмасданми қилдилар? Албатта, билиб қилдилар, жўрттага қилдилар. Унларнинг тилаклари бизға маданият бериб, бизда маориф тарқатиш, бизни тараққий этдурмак эмас, турли фоҳишахо- налар, майхоналар очиб, бизнинг ахлоқимизни бузмоқ, биз- нинг соғлигимизни хароб этмак ва уруғимизни қурутуб, бизни ишдан чиқармоқ ва ўз қўллариға муҳтож қилиб қўймоқ- дир. Унлар Шарқ халқини бутун йўқ қилиб, Шарқни ўзлари- га моя<sup>12</sup> қилмоқчи эрурлар. Оврупа жаҳонгирларининг бир «кулгули» ва «йўқэтур» сиёсатлари Шарқнинг мусулмон дунё- сининг ҳар ёгинда бир турлигина жорийдир. Англиз бойлари Ҳиндустон халқини битирмак учун қандай тадбирлар кўриб, қайси йўллар билан кетсалар, франсузлар Жазойир ва Ту- нис халқини битирмак учун шулгина тадбирларни кўриб, шулгина йўллар билан кеталар.

Оврупа жаҳонгирлари Шарққа туткан сиёсат йўллари шунлардир: Шарқнинг ахлоқини бузмоқ, кўнглини диний ва миллий муқаддасатиндан<sup>13</sup> совутмоқ, шарқдилар орасинда айрилиқ ва ёвлик солиб бир-бирларига қилич чекдурмак, шарқлини ишсиз, ялқов, оч ва яланғоч қилиб ўзларига кул этиб олмоқ, ювош-ювош шарқлининг қўлиндан ер ва қимматли нарсаларини юз турли ҳийлалар билан тортиб олмоқ, Шарқ халқини турли йўллар билан секин-секин йўқ қилмоқ...! Англиз ва франсуз жаҳонгирлари томонидан Хитой, Ҳинд ва Мисрда очилган фоҳишахона ва майхоналар, йуборилган пўплар ва миссионерлар, очилган мактаблар, бариси шунинг учундир. Русия Николай ҳукумати бизнинг Туркистонимизда ҳам шул тadbирларини кўрмадими?

Оврупа жаҳонгирлари дунёнинг энг ёмон зулмини қилатуруб, ўзларини одил ва инсонпарвар айтдилар. Қани, кўрайлик-чи, бунлар бизнинг мусулмон ва Шарқ дунёсига қандай адолат қонунлари тутуб, қандай инсониятпарварона ишлар қилганлар? Оврупа жаҳонгирларининг қоидалари, буюк курсоқдилари, Шарқдан кўб ер олганлари англиз ҳукуматидир. Шарқнинг олтув хазиналари бўлган Ҳиндустон қитъалари англизлар жаҳонгирининг қўлидадир. Лекин бу ҳокимлик адолат қонунларига мувофиқ тенглик негизларига қараб кўрулмаган. Бу қаров қонли ҳокимликнинг асоси зулм ва инсофсизликдир. Ҳиндустоннинг эгалари бўлган ерли халқ билан кўноқ бўлуб келган икки-уч қадрсиз англиз орасинда тенглик йўқдир. Ҳиндустонда ерлилар учун бошқа, англизлар учун бошқа маҳкамалар бор. Ерлилар учун айри зиндонлар, англизлар учун айри турмалар бор. Англизлар учун ясалган маҳкама, турмалар қонунли, адолатли, ҳафзсиҳатиға<sup>14</sup> мувофиқ ва тинч ясалган. Ерлилар учун қурулган маҳкама ва зиндонлар эса гартибсиз, бузуқ, золимхона, қоронғу ва қўрқунч бир шаклда қурулган. Ерлилар учун тузанган «жазо» қонунлари англизлар учун тузулган қонунлардан кўп фарқлидир. Бир пичоқ кўтариб юрган, бир англиз итига тош отган, бир товук ўғирлаган бир ерли тутулса, неча ойлик қоронғу ва кирли турмага буюрададир. Бир ҳиндлини ўлдурган, бир бонкани урган англизга эса энг қулай, энг кичкина бир жазо бериладир ёхуд авф этиладир. Ҳиндустонда бир англиз итига тош отиб, олти ой зиндонга буюрилган ерли кўбдир, лекин юз ҳиндлини ўлдуруб, қонун ёнинда масъул бўлган бир англиз топилмайдир. Англиз жаҳонгирлари-

нинг Ҳиндустондаги пилонлари Ҳиндустон халқини оқчасиз, яп-яланғоч қўюб ҳалок этмакдир. Англиз ҳукумати Ҳиндустондан йилда 4 юз эллик милйўн сўм оладир. Оврўпанинг сиёсати қонунлариға қарағанда ҳар ўлкадан ҳукумат хазинасиға кирган оқчанинг шул ўлканинг ободлиғи ва тараққийси учун сарф бўлиши лозимдир. Англиз ҳукумати шул оқчадан милйўнғача сўмини Ҳиндустон маорифи йўлинда сарф қиладир. У ҳам Ҳиндустондаги англиз болаларини ўқутмоқ учундир. Икки юз милйўн сўмини Ҳинд англиз бўйунтуруғи остинда сақлағучи Ҳинд аскаррийга сарф қилиб, қолганин ўз қопчуғиға тикадир. Шунча оқчадан Ҳиндустон халқи учун бир чақалиқ фойда йўқдир. Ҳар йили Ҳиндустон халқининг юздан учтаси очлиқдан ўлуб кетадир. Ўзларини инсоният ошиғи атаган англиз жаҳонгирлари бунга кулубгина қарамоқдан бошқа иш кўра олмадилар. Унларнинг Ҳиндустонда қозониши кунда йигирма сўм, ҳиндликни кунда бир сўмдир. Бунинг сабаби нимадир? Англизнинг қўлини бунча очиб, ҳиндликнинг қўлини бир-бирига боғлаган кимдир? Бир ҳиндликни бир англизча ишламақдан манъ қилган қувват қайси қувватдур. Шубҳа йўқким, англиз ҳукумати дир. Англиз жаҳонгирларининг Мисрда юрутган сиёсатлари Ҳинддаги сиёсатлариндан яхшироқ эмасдир.

Ўзларини дунёнинг энг маданий, энг инсофли ва инсонпарвар деб топилган Фарансия жаҳонгирларининг зулмларини кўрган киши англизларга раҳмат айтмасдан тура олмай дир. Қирқ-эллик йилдан бери усмонли ҳукуматиндан тартиб олдиғи Тунис ва Жазойир мусулмонлариға қарайлик, унларнинг ҳолларини кўз олдина кетурайлик. Фарансиянинг жаҳонгир ҳукумати ўзининг бутун маъмурлари билан Тунис, Жазойир мусулмонларини йўқ қилмоқ учун онт ичганга ўхшай дир. Ҳуррият, мусовот<sup>15</sup> ва ҳуқуқи башарнинг бешиғи бўлган Фарансиянинг қонунлари Жазойир билан Тунис кунига солмаган, Тунис ва Жазойир ҳавосинда тириклик қилиб юрган мусулмонлар ҳуррият ва инсоният ҳомийси бўлган — фарансузларнинг боғланган қўллари ва бўғозланган тутқунлари эрурлар. Фарансиянинг энг яқин бир қишлоғинда солинган мактабининг изи ҳам Туниснинг энг катта бир шаҳринда топилмай дир. Фарансиянинг энг аҳмоқ бир боласига берилган сўз эрки (сўз ҳуррияти) — Жазойирнинг энг улуғ бир файласуфиға ҳам берилмай дир.

Тунис, Жазойир мусулмонлариға «хуррият», «хукуқ», «адолат» деган анқо қушлари қўлға солмайлар. Фарансиянинг маъмурлари ва юзбошилари Тунис ва Жазойирга келганда илон каби оғули, шайтондек ёвуз, сомондай енгил, «Қорунға» ўхшаш бой бўлуб қоларлар. Тунис ва Жазойир халқининг номуслари билан ўйнаб, жонлари билан тижорат қилиб турарлар. Туниснинг экин ерлари мусулмонлариндан бутун олунуб фарансуз бойлариға берилган, ерли халқнинг қўлинда экин ери сира қолмаган, барисини фарансуз бойлари алдаб-сулдаб, қўркутиб, уриб олғанлар.

Бу кун бутун Тунис экинчилари фарансузнинг энг қадрсиз хидматчилари бўлуб ишлайлар. Фарансузларнинг бутун фикрлари Тунис ва Жазойир мусулмонларини иш қилиб йўқотмоқ ва унларнинг ерларига эга бўлмоқдир. Оврупа жаҳонгирлари бир миллатни йўқ қилмоқ учун ҳаммадан бурун у миллатнинг миллий ва диний ахлоқини бузалар. Ундан кейин миллий тилини чуруталар. Фарансузлар Жазойир ўлкасинда бу ёвуз фикрларини бироз юрута олмишлар. Бундан олти йил бурун Тунис ва Жазойирға саёҳат учун боргани мисрли бир ёзғучи ўз саёҳатномасинда шул сўзларни ёзадир: «Фарансия бузуқлиғи Жазойирнинг кентларинда унча таъсир қилмаган бўлса ҳам, шаҳар кишиларига хўб ёмон таъсир этган. Миллий ахлоқлариндан асар йўқ, миллий тиллари йўқола ёзган, Жазойир халқининг бир бўлаги ўз тилларини сира билмайлар. Фарансузча гапуралар, бир бўлаги билсалар ҳам, тугал билмайлар. Гапурсалар сўзларининг ярими арабча, ярими фарансузча бўлуб чиқадир. Яна шу мисрли сайёҳ айтадир: «Бир яғинчоқларига<sup>16</sup> бордим. Яғинчоқда ҳозир бўлган кишиларнинг бариси араб эди. Бироқ сўйлашлари фарансузча бўлар эди. Танишларимдан бирига айтдимким: мана шул мажлисда бироз гапирсам бўлурми?

Танишим: Қайси тилда гапурасан?

Мен: Арабча.

Танишим: Бунлар бирортаси ҳам арабчани онгламай-дир.

Мен: Бунлар араб эмасларми?

Танишим: Араб, лекин ўз тилларини унутганлар...!

Мана шул сўзларнинг ҳар бири фарансузларнинг туб тилакларини яхшигина билдирадир.

Оврупалилар, айниқса, фарансуз ва англизларнинг тилаклари бизни битирмақдир. Биз унларға қанча дўст бўлсак,

қанча яхшилик қилсак, ўз жонимизни йўлларинда қурбон этсак, яна бўлмас, унлар бизга яхши кўз билан қарамаслар, бизни битирмак фикрини ташламаслар, нияतिकим, умумий урушнинг биринчи йилларинда Тунис мусулмонлари Фарансия ҳукуматиға мурожаат қилдилар: «Қанча аскар истасангиз берармиз, ҳаммамиз уруш майдонларига бориб ёвларингиз билан урушармиз, жонимиз ва молимиз билан сизга кўмакчи бўламиз. Сиз ҳам бизга ўз фарансузларингизга берилган ҳуқуқни берингиз! Бизга ўгай кўзи билан қарамангиз, Фарансияда юрутулган адолат қонунларини бизнинг ўлкада ҳам юритингиз, дейлар. Фарансия ҳукумати қабул этмади.

Ҳиндустондилар ҳам шул урушда англизларға қанча хидмат қилдилар, қонларини англиз фойдаси йўлида сувдек тўкдилар. Ҳинд мусулмонлари ўзларининг халифалари бўлган Туркияга ҳужум этдилар, Дардония<sup>17</sup> ёнинда қанча диндошларини шаҳид этдилар. Англиз ҳукумати ёлғузгина шул ҳинд оқчаси ва шул ҳинд кўшуни<sup>18</sup> билан Олмония ва Туркияни енга билди. Уруш битгандан кейин англиз ҳукумати шул жонкуяр ҳинддиларға қараб: «сизнинг кўмагингиз билан шунча иш бўлди, мана бу ҳақни олинг, сиз маним дўстларимсиз» дейдими? Албатта, йўқ...! Бу кун ҳинд халқининг уйи яна шул англиз тўпи билан йиқилиб ётар, бу кун ҳинд улусининг боши яна шул англиз қиличи билан кесилиб турадир.

Шул беш йиллик урушда Эрон ҳукумати англиз йўлдошларига кўб яхшилик қилди. Диндошлари бўлган туркларға кўшилмади, кўшилган қабилаларға «ёғий» деб қаради, ёв муомаласи қилди. Англиз кўшинига йўл берди. Уруш битгач, малъун англизлар унга хўшпок-да<sup>19</sup> бермадилар. Эрон вакилини сулҳ мажлисига киргазмадиларким, Эрон истиқлолини қабул этмадилар демақдир. Эрон шоҳини Лўндирага чақирдилар. Шоҳ Лўндирага бориб, эҳтимолким, англиз кучи остинда Эрон истиқлолининг ўлум қоғозинда кўл кўйуб келар.

Русия императўрлик ҳукуматининг бизга қилган зуллари англизнинг Ҳиндустонда қилган зуллариндан қолишмас эди.

Оврупа жаҳонгирларининг бунча ҳақсизлиқлари, бундай ёвузлиқлари ёлғуз мусулмон дунёсига эмас, бутун Шарқға қарши эди. Неча юз йилдан бери чет ёқға чекилган «оч қорним, тинч қулогим» деб ўтурган сиёсат дунёси-

нинг ҳеч бир ишига қатнашмаган Чин халқининг дағи роҳати шул Оврупа жаҳонгирлари томонидан бузулди. Бундан қирқ-эллик йил бурун Жопўниё халқи ҳам шул Оврупа жаҳонгирлари томонидан эзилиб тура эди.

Оврупа жаҳонгирлари Шарқдан, тўғридан-тўғри ўз қўлларига ўткан ўлкаларигагина бу зулм ва бу инсофсизликларни қилмадилар. Бу кунгача қўлларига ўтмаган ўз бошли, мустақил Шарқ давлатларини ҳам эздилар, таладилар. Англиз, фарансуз жаҳонгирларининг Туркия ўлкасинда қилган ишлари давлатлар ҳуқуқига, инсоф ва адолат қонунига бутун муҳолифдир. Букун ҳар эронлининг юрагини очиб кўрганлар англиз ханжари билан очилган кўб яраларни кўрарлар. Туркиянинг тошлар ва кесаклариндан ҳар бирини кўтариб қараганлар Оврупа қиличи билан тўқулган қон томчиларига учрарлар. Туркиянинг доҳилий ишларига қўл узатмоқ, Туркиянинг тараққий йўлини боғламоқ, Туркия ҳукуматининг эътиборини йўқ қилмоқ оврупалиларга ўйинчоқ бўлуб қолган эди. Мустақил, бетараф ва сулҳчи бўлган бояқиш Эрон ўлкаси Англиз ва Русия жаҳонгирларининг оқчалари билан ҳозирланган ихтиллол<sup>20</sup> ва исёнлар ва ўз бошли бўлган бу ҳукуматнинг доҳилий ишларига қўл узатмоқга кимсанинг, «бошқа бир давлатнинг» ҳақи йўқдир. Лекин, бу қонун Шарқ давлатларига юрутулмайдир. Оврупанинг энг қадрсиз ва энг сойиғсиз<sup>21</sup> кичкина бир ҳукумати бўлган Қорабоғ ҳукумати Шарқни қадрли ҳукумати бўлган Туркиянинг доҳилий ишларига қотиша, қўл узота эди. Оврупанинг инсофи, маданий давлатлари унинг бу ишига кулубгина қарай эдилар. Тунис ва Жазо-йирда мусулмонларни сойимлиги ва муқаддас шайхлари хонақоҳ ичиндан тортилиб, дор ёғочига осилдилар. Туркияга тобё бўлган «Қариб»<sup>22</sup> отасиндаги мусулмонларнинг ёзуғсиз болалари она қориндан чиқатуруб ўтга солиндилар, мустақил бир Шарқ давлати бўлган Эроннинг буюк мужтаҳид<sup>23</sup>лари Русия ва Англиз кўнсулларининг тилаклари билан дорға осилдилар. Николай ҳукумати замонида рус қўшини Имом Али Ризонинг<sup>24</sup> шарафина тўпга тутдилар, англизлар бутун мусулмон дунёсининг муқаддас имоми бўлган Ҳазрат Алининг равзасига<sup>25</sup> тўп отдилар, инсофли ва маданий (!) Оврупа давлатлариндан бирортаси ҳам товуш чиқармади. Лекин Туркияда бир арманининг бурниндан ёлғондан қон чиқғанда Истанбул соҳили Оврупа уруш кемалариндан тўлар эди. Бу маданий йиртғучилар Истан-

булни олиб ваҳший мусулмонларни (!) у ердан қувмоқчи бўлар эдилар. Бунча зулм, бунча инсофсизлиқ ва бунча ваҳшийликдан Оврупа жаҳонгирларининг тилаклари ўлкалари олинмай қолган Шарқ давлатларини ҳам битурмак, бутун Шарқ ерларини олиб Шарқ халқини қул қилмоқ эди. Бу иш Оврупа жаҳонгирларига бир оз қийин тушди. Шарқ ҳукуматларини битурмак, Шарқ ўлкаларини босмоқ қулай эди, бироқ олинган ўлкаларни ўзаро бўлушмак қийин эди. Қайси мойли бўлагини ким олар эди, суяксиз таъмли ўрунлари кимга тегар эди. Оврупа жаҳонгирларини кўбрак тушундирган нарса мана шул улашмоқ эди.

Оврупа жаҳонгирлари шул масъалани эсга олгач, ишлари қийинлашди. Мойли бир кесим эт устига йиғилган оч итлар каби бир-бирига қарашлари ўзгарди, кўзлари қотиша бошлади, ҳар бири ўзгасига отилмоқ, уни эзмак истади. Шарқнинг энг ёғли қисмлари бўлган Миср ва Ҳиндустон англиз қўлинда эди. Шунинг учун бошқа жаҳонгир давлатлар шунга кўз тикдилар. Ҳар бирлари шул мойли кесимларни англиз тирноқлариндан тортиб оларга тиришдилар. Русиянинг Туркистонни олиши, Фарансиянинг Мисрга истиқлол тиловлари, Олмониянинг Туркияга яхшиликлари барчаси шул «Ҳинд учун кураш» деган масъаладан чиққан эди. Йўқса, Фарансиянинг Миср мусулмонлариға дўстлиги Олмониянинг Туркияга дўстлиги каби ёлгон ва бўш эди. «Ҳинд учун кураш» деган масъала борабора улғайди, «Шарқ учун кураш» шаклини олди. Оврупа жаҳонгирларининг ҳар бири бутун Шарқға ҳоким бўлмоқ учун ўзгасининг кўзини чиқармоқчи эди. «Шарқ» деган бу гўзал севгили хонимни бутун ўзиники қилиб олмоқ учун энг тиришган давлат Русия императўрлиги эди. Русия жаҳонгирлари Қафқас ва Туркистонни олгандан кейин Ҳиндустон сари икки йўл ҳозирлаган эдилар: «Истанбул ва Миср орқали Ҳиндустон», «Афғонистон ё Эрон орқали Ҳиндустон». Англизлар Русия жаҳонгирларининг бу тушунчаларини онглаган эдилар. Шунинг учун бор кучлари билан Афғон, Эрон, Бухоро, Туркия ҳукуматларининг ўз бошлилик (истиқлол)ларини сақлашга тиришдилар, бироқ Русиянинг кучи кундан-кун кўпая бошлади. Русия шул ҳолға келдиким, бу кун-эрта Ҳиндустонга юруш қиларини ҳар ким сизди, Ҳиндустонни англизлардан тортиб оларига ҳар ким ишонди. Бу «бало»дан қутулмоқ учун англизларга биргина йўл қолган эди: ишқилиб, Русиянинг бо-

шига бир таёқ урмоқ. Англизнинг шайтон сиёсати учун бу иш қийин тушмади. Англизлар Жопўниёга ёндошдилар. Жопўниёни Русия узра солдилар. Русия жаҳонгирлари тегишли таёқни Жопўниёдан еб, сулҳ қилгандан кейин англиз билан онглашмоқ ва келишмакнинг кераклигини билдилар. Англизлар билан сўйлашиб онглашдилар, мушоҳадалар ясадилар.

Оврупа жаҳонгирлари бир йўла бир-бирлари билан ёв бўлуб, бир-бирига уруша берганда бунинг сўнгги ўзлари учун яхши тушмас эди. Шунинг учун баъзилари ўзаро сўйлашиб келишдилар, уюшмалар ясадилар. Русия, Англиз, Фарансия давлатлари бирлашиб «илашган уч давлат» («эйтилофи мусаллас» давлатлари) бўлдилар. Олмониё, Италия, Австрия-Можористон давлатлари бирлашиб «уюшган бир давлат» («иттифоқи мусаллас» давлатлари) ясадилар. Бу давлатлар сўздагина умумий сулҳни сақламоқ, умумий урушнинг йўлини боғламоқ учун ясалган бўлсалар ҳам ҳақиқатда буюк ва санкарсиз бу уруш учун тайёрлик кўруб тура эдилар. Бу икки «давлатлар тўдаси» («ҳайъати дувалия»)дан ҳар бир топқон бойликлариндан кўбрагини уруш яроқлари тайёрламоқ йўлинда ҳормай, тинмай сарф қилар эдилар. Билим ва ҳунарнинг кўмаги билан шаҳар сингари кемалар, томуғ кўринишли тўплар, тоғ гавдали учғучлар ясаб тура эдилар. Бунларнинг бариси дунёнинг тараққийси учун эмас, кучсизларни эзмак учун, Шарқни ютмоқ учун эди. Бояқиш Шарқнинг ютулмаган давлатлари ўзлари учун энг осигли йўл деб шуни топдиларким, Оврупада бир-бирига қарши ясалган шу икки тўдани орасиндаги душманликдан фойдаланиб, ўз борлиқларини сақласунлар. Бир кун англиз ва йўлдошлариға ёлбордилар, бир кун Олмония ва ўртоқлариға ялиндилар. Шулар билан ҳурликли, қоронғулар орасинда ўз борлиқларини сақлай олдилар. Шарқ ва Фарб ишлари шуларда юруб келатурғанда 1914 да Сарой ўрамлариндан биринда «серб» йигитининг тўппончасиндан бир учкун чиқиб бутун дунё ёнғинига сабаб бўлди. Бутун Оврупа жаҳонгирлари орасинда очилган бу қонли уруш Шарқ мазлумларига кўб яхши фурсат беради, Шарқнинг қутулиш соати келган эди. Шарқнинг бунда вазифаси катта-кичик, мусулмон, мажус демасдан бирлашмак: бир-бирининг қонини ичиб турган Оврупа йиртғучилари қаршисиндан бир куч ва бир қўл бўлуб чиқмоқ эди. Билимсиз қолган Шарқ бу тўғри йўлни кўра олмади. Бу фурсатни ҳам

қочирди... Шарқли яхшиликни унутмас. Шарқли сиздан бир яхшилик кўргандан кейин сизга тирсак кўрсатмас. Шарқда кўбчилик эътибори билан Оврупа даражасинда капитал, сармоя, бойлик йўқдир. Шарқ улуслари кўбчилик эътибори билан экинчи ва ишчи эрурлар. Шарқ экинчилари орасинда рус алповутлари ёнглиғ ер эгалари топилмайдир. Шунинг учун Шарқ уйғонгач, сутсиолизм асослариндан қаттиғ суратда бош тортмас. Тўғриси айтганда, Русия ҳукумати Шарқ билан келишмак ва иттифоқ этмакка мажбурдир.

## МАКТУБЛАР

---

### БУХОРО ВАЗИРИ НАСРУЛЛОҲБЕЙ ПАРВОНАЧИ АФАНДИ ҲАЗРАТЛАРИНА ОЧИҚ МАКТУБ

(Эй Вазоратпаноҳ<sup>1</sup>, биз тартиботи жадидага муҳтожмиз)

Аниқдирки, ҳеч қайси миллат ҳеч бир замонда бизда бўлганидек юрти хароблик, халқи фалокат, аёнлари пасткашлик, идора аҳли фасод, золимларнинг қон сӯриши, ажнабийлар калакалари, истиқболнинг мушкуллиги каби иллатларга мубтало бўлмаган! Бутун мамлакат ва миллатни шу аҳволга келтириб қўйдикки, дунёдаги энг қийин ва ташвишли кунларда яшаётган одамлар ҳам бизнинг аҳволимизга маъносиз тортиб, қон йиғламоқдалар. Ҳар қанча кўз ва қулоқларингизни беркитиб олсангиз ҳам бу қадимги ислом миллатининг фарёди ва бу муқаддас мамлакатимизнинг хароблигига ачинмай турулмайсиз. Лекин бу жимгина ачинишдан не фойда? Бу кетма-кет келаётган мусибатлараро Сиз каби комил шахснинг ҳаракатсиз ачиниши ва сукут ҳолати қачонгача давом этади? Бу кун мазлум ислом миллатининг энг ойдин фикрли зиёлилари жаҳолат ва гафлатнинг икки отига миниб ўз камситилишининг пайини қирқиш учун чопмоқдалар. Муқаддас ва меҳрибон она ватанимизнинг ўз ҳақини таниган фарзандлари зулм темир панжасидан тортиб уни фано саҳросига<sup>2</sup> томон тортмоқда. Бу кун залолат ва гумроҳлик занжирининг асири бўлган бизнинг ҳолимизга Ҳазрати Раббъ ул-иззатнинг<sup>3</sup> раҳми бўлиб юборилган Сизсиз ва бизнинг тождор олий ҳазрат падари меҳрибонимизни<sup>4</sup> ҳозирги ва келгуси мушкулликлардан Сизгина хабардор эта оласизки, (амир) бизнинг ишларимизни назоратига Сизни жалб этган. Яъни Ҳазрати Холиқнинг карами ва адолатпарвар подшоҳимизнинг лутфи Сизни нафақат бу умри паришон ва истибдодпеша бўриларга ўлжа бўлиб, қўрувчисиз қолган қўйларга меҳрибон чўпонликка эмас, балки уларнинг ишларини танзим қилиш<sup>5</sup>, тартибга солиш учун юборғандир. Биз Сизнинг ишга тайинланган кунингизни ўз ҳаётимизнинг муқаддимаси деб билдик ва ишга маъмур бўлиб киришган кунингизни ўз миллий байрамларимиздек нишонладик.

Таассуфки, бугунга қадар интизор кўзларимизни қанчалар тикмайлик, истиқболимизнинг саодати учун ташаббус бўладиган бирор ишни Сиздан кўрмадик.

Эй, меҳрибон она Ватаннинг баркамол фарзанди!

Эй, Бухоро эзилган миллатининг бесабот тарафдори!

Сиз умр бўйи ўзининг ноз ва тантаналарга бой оғушида Сизни тарбиялаган азиз ва муқаддас ватанингизнинг ишларини хароблик ва паришонликнинг қора кунларига улоқтириб қўйиб, унинг остидан ўт ёқиб келаётган балоларга мубтало қилиб, нега жим ўтирибсиз?! Ҳамиша ҳақ динимиз ва шаръий Пайгамбаримиз Муҳаммад (С. А. В.)нинг адолатлари соясида тинчлик ўрнатиб келинган ватанимиз кимсасизми ё хароб ҳолдами қолди! Минг хил хавфу хатарларга дучор бўлди! Соатма-соат Сизга умидвор тикилган кўзларимиз юмилмоқда, Сиздан ёрдам ва нажот амалларини кутишдан толмоқда. Сиз нега жим ўтирибсиз? Шу мазлум ислом умматининг умиди, ҳаётимизнинг баракоти Сизнинг сайъ-ҳаракатингиз ва ҳимматингиздир. Бу бахтсиз ислом миллатининг хизмати ва муқаддас шаръий динимизнинг мустақамланиши, албатта, Сиздан лозимдир.

Бу муқаддас хизмат йўлида бир дам бўлсин сусткашлик қилишга Сизнинг ҳаққингиз йўқ! Сўзингизнинг нуфузи ва улуғвор таъсири бўлгани ҳолда бу куфрони неъмат хабаридан ожизлигингизнинг маъноси нима? Нима сабабдандирки, сиз ўзингиздан лозим хизматларни ошкор, очиқ қилмайсиз? Турли фирқалар орасида улуғ ишларнинг ташаббускори бўлаётган ўша ҳиммат арбобларининг Сиздан не устунлиги бор? Не монъелик борки, тартиботи жадида воситаси билан миллий саодатимизнинг янги истиқболли йўлларини очиб, қадримиз ва тақдиримизни аъло даражада шарафлай олмайсиз? Бир зоти комилнинг ҳаққи учун Ватанимиз ҳамдўст ва ҳамдин кишиларга тўла бўлса қанчалар савоб?! Бир миллатнинг ҳаёти учун қайғуруб, Аллоҳнинг фазлу карамига сабаб бўлмоқдан қайси шуҳрат ортиқроқдир? Раият орасида Сизга нисбатан ихлос ва муҳаббат бор, бу Яратганнинг карамидирки, Сизни фавқуллода нуфуз соҳиби қилиб бошимизга юборди. Олий ҳазрат тождор падари бузрукворимиз, адолатпарвар подшоҳимиз бизни тарбият ва танзим<sup>6</sup> этмак амрини Сизга берган. Не тўсиқки, Сизни бу муқаддас хизматдан қайтарсин?! Магар бошқалар ғафлатда қолган бўлсалар, Сиз-да ғафлат қилманг. Бошқалар ғафлатининг ташвиши Сизнинг

гафлатингизчалик бўлмайди. Наувзибиллоҳ<sup>7</sup>, бундай муқаддас вазифани бажаришда сусткашлик қилсангиз эртага интиқом олгучи Аллоҳнинг ҳузурини нима деб жавоб бера-сиз?!

Нуширавон<sup>8</sup> намўрд ки номи неку гўзошт  
(Нуширавон ўлмади, чунки яхши ном қолдирди).

### ЁПИШМАГАН ГАЖЖАКЛАР

(Ўртоқ Бойбўлатовга очиқ хат)

Дўстим, ойлар, йиллар тиришиб, бир асар чиқарган муҳаррир<sup>1</sup> дўстларнинг шу асар ҳақидаги муҳокамаларини тинглашдан, асарнинг камчиликларини ўрганишдан, албатта, мамнун бўлади.

Менинг «Ўзбек адабиёти намуналари» аталган арзимас бир асарим<sup>2</sup> ҳақида фикрингизни билдирмаслик учун анча уриниб, 3-сон газетни тўлдирганингизни кўриб мамнун бўлдим<sup>3</sup>, ўқиб ҳам чиқдим. Ҳамма гапдан бурун Сизга ташаккуримни билдираман. Лекин бахтга қарши мақолангизни шунчалар кенгайтиргансизким, кенглиги асл мақсаднинг йўқолишига сабаб бўлган. Бизда болалар орасида «Кўзим кўрмайдир» деган бир ўйун бор: Бир бола кўзини қаттиқ боғлагандан кейин қўлига узун бир таёқ олиб, ўртада туради. Бошқалар унинг тўғини олмоқ учун атрофдан ҳужум қиладилар. Таёқли бола таёғини кўтариб «кўзим кўрмайдир» деб, тез-тез айланаберадир, таёқ кимга тўғри келса, шунга тегадир. Мақолани ёзганда сизнинг қаламингиз ҳам шул кўзи кўрмас боланинг таёғига ўхшаган: айланган, айланган, кимга тўғри келса, шунга теккан, орада менинг китобим унутилган, жуда оз ўрин олган.

Ҳар ҳолда мақолангиз кўбрак менинг шахсимга қаратилгани муносабати билан жавоб тарзида эмас, дардлашув шаклида бир нарса ёзаман. Менинг асаримни бошлаб тартибига эътироз қилганингиз кўриладир. Адабиёт тарихимизни қоплови<sup>4</sup> «Феўдализм», «Савдо сармоёси» каби даврларга ажратишимга қарши каби кўринасиз. Лекин ўз фикрингизни, яъни қандай тақсим қилиш лозимлигини ёзмагансиз. Адабиёт мутахассиси ёки адабиёт тарихи билан машғул бир одам бўлса эдингиз, шу баҳона билан сизга «ёпишмоқ» мумкин эди. Лекин мен биламанким, сиз адабиёт тарихининг одами эмас-сиз, мақолангиз эса тасодифий бир ҳодисадир. Шунинг учун бу тўғрида маъзур кўраман сизни. Лекин шуни айтиб ўта-

манким, адабиёт тарихини тақсим қилишда марксизм усулининг талаб қилгани йўл менинг тақсимимдир. Бу тақсимни ўзбек адабиёти тарихига тадбиқ қилишнинг ўзи катта ҳам янги бир иш. Бунинг ҳудудини тайин қилишда баъзи янглишларнинг бўлуви мумкин. Лекин уларни кўрсатиб, исбот қилиб, сўнгра тил текириш<sup>5</sup> керак эди. Сиз мақолангизда бу томонга яқинлашган даврларни бир-биридан ажратган хусусиятларнинг йўқлигидан шикоят қилгансиз, лекин сиз ҳар даврнинг намуналарини ўқидингизми? Масалан: «Савдо сармоёси» даври билан «Феўдализм» даврининг намуналари орасидаги шаклда ва мазмундаги айирмаларни кўра олдингизми? Ёки кўриб, қаноатланмадингизми? Қаноатланмаган бўлсангиз сиз бу даврларни бир-биридан ажратган қандай хусусиятлар истайсиз (ки намуналари бўлмасин). Масъаланинг бу томонларидан (яъни энг муҳим ва фойдалиқ томонларидан) мақолангиз сукут қилади. Ҳолбуки, шу томонларни очиқ кўрсатганингиздагина менинг китобимнинг камчиликларини кўрсатган ва менга бир нарса ўргатган бўлур эдингиз. Буни ҳам сизнинг адабиёт тарихининг одами бўлмасдан тасодифан майдонга чиқганингизга бағишлайман. Мақолангизда чигатой адабиёти ва унинг пролетар адабиётига асос бўлиши тўғрисида кўбрак туриб, бор кучингиз билан ҳужум қиласиз. Фитрат сўз бошида «Чигатой адабиёти пролетариат адабиётига асос бўладир деган» деб, қоравул қичқирасиз, ҳатто менинг бош сўзимда ўзингизга ёрдам қилгудек кўринган бир-икки жумла ҳам келтирасиз. Чигатой адабиётининг пролетар адабиётига асос бўлишини даъво қилмоқ нари турсин, бош сўзимда чигатой адабиётини мафкура ёғидан ярамаганини сўйлаганман. Менинг «намуналар»им босилмаса эди, сиздан бошқа ҳеч кимнинг қўлида унинг нусхалари бўлмаса эди, бош сўзимдан кўчирганингиз бир-икки жумланинг балки сизга фойдаси бўлур эди. Нима чораки, китоб Ўзбекистонда босилиб тарқалган. Сизнинг мақолангизни ўқуған ҳар ким менинг бош сўзумни ҳам ўқуй оладир. Ўқуғач, сизнинг менга туҳмат қилиб турганингизни ҳам онглайдир. Мен сўз бошимдаги ибораларнинг масъалага дахлдорлиқ қисмини тамоман кўчираман, янгидан ўқишингизни ва эътирозингизни шунга таяндириб, янгидан майдонга чиқишингизни талаб қиламан: «Биз ўзбекларнинг ва, умуман, Ўрта Осиё туркларининг тарихига оид арабий, форсий, туркий тилларда бир кўб асарлар ёзилган. Бироқ бу асарлар биз-

нинг сиёсий ҳаракатларимизни тор бир рамкада кўрсатмакдан бошқа ишга оз ярамакдадир. Халқимизнинг, ўлкамизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳоллариға оид хабарларни бу асарлардан истаб топиш жуда қийиндир, баъзан мумкин ҳам бўлмайди, чунки йўқдир. Адабий тарихимизни текшириш эса, мана шу камчиликларни тўлдиришга катта ёрдам қилади. Феўдалларнинг, умуман, ҳоким синфнинг омма билан муносибатларини, оммаға қарашларини, зиёлиларнинг, шоирларнинг ҳоким синфга муносибатларини, ҳоким синф фойдасиға қараб оммани қандай оувтганларини, олдаганларини, ҳоким синфнинг кайф-сафони (Бобирча, «айш ва фисқи») қайси даражаларға чиқарганларини ёлғиз адабиёт тарихимизда кўришимиз мумкиндир.

Бундан бошқа, тарихий санъаткорларимизни текшириш, уларнинг тажрибаларидан кўрмоқ истаганимиз пролетар адабиёти учун фойдаланиш ҳам кераксиз бир ҳаракат бўлмайди. Мана шу қисқагина изоҳот бу китобни қандай тилак билан тартиб қилганимизни билдирган бўлса керак.

Мана шу сўз бошимда менинг томонимдан айтилган гаплар. Мана шу гапларға эътирозингиз бўлса, айтишга ҳақлисиз. Йўқса, менинг сўзларимни бош-оёғини кесиб ташлаб, ўз мақсадингизга яроқлиқ бир ҳолға киргизиб, сўнгра эътироз қилишингиз илмий бир ҳаракат саналмайди.

Китобимнинг 3-бўлимиға «Савдо сармоясини» даври исмини берганимдан ҳам рози бўлмайсиз, шу истилоҳотнинг охирида каттакон бир ? (сўроқ) аломати кўясиз. Биз темурийлар даврини «савдо буржуазиясини» даври деймиз. Темурийларнинг жаҳонгирлигини (ни) Ўрта Осиё савдо сармоясининг тараққийсини билан изоҳ қилмоқчи бўламыз. Бунинг учун кўлимизда етарлик материаллар бор. Сиз шунга рози эмаслигингизни чиройли бир савол аломати билан ифода қиласиз, бу даврни нима деб атамоқ тўғрисида фикрингизни билдирмайсиз. Сиз шунини унутасизки, савол аломати қанча чиройли бўлса бўлсин, илм учун бир нарса бермайди. Бизнинг фикримизга қарши экансиз, фикрингизни билдиринг. Айтинг-чи, темурийлар давриға қандай исм берасиз?

Бундан сўнг мақолангизда менинг таржимайи ҳолимни текширишга киришасиз. Менинг бир вақтлар мутасаввиф, панисломист, пантуркист бўлганимни турли далиллар билан исбот қилмоқчи бўласиз. Пилонингиз яхши. Мақтанар-

лиқ пилон, агар сиз менинг «Намуналар»имни бурунги панисломистлигимнинг, пантуркистлигимнинг давоми эканини, бу асарим билан мазкур фикрларнинг биттасини ўзбек оммасига тақдим қилганимни исбот қила олса эдингиз, ишингиз кўб муваффақиятли чиқар эди. Лекин буни қила олмагансиз. Бу кун бир кўб кишиларнинг мозийлари ҳақида гапириш мумкин. Лекин, бу гапиришгина етарли эмас. Уларнинг мозийлари билан бугунги ишлари орасидаги муносибат ва алоқани кашф этиш керак!

8—, 10— йилларда (яъни, 18—20 йил бурун) ёзилган асарларимдан шоҳидлар келтирасиз. Азизим, менинг қўлимга қалам тутиб, асар ёзганимга йигирма йил тўлганини ўзингиз ҳам эътироф қиласиз. Бу йигирма йил орасида мен ўзбекча, тожикча юз ўн печатний листлик асар ёздим (мақолалар ҳисоб эмас). Буларнинг ҳаммасини Шўро ҳукуматиға, пролетариат мафкурасига ярарлиқ асарлар эканини ҳеч даъво қилмадим ва қилмайман-да. Ишнинг бу томонини онгламоқ учун таржимаи ҳолимни ўзимдан тингланг.

Мен Осиёнинг энг қора диний марказларидан ва қора бир усули идораға тобеъ бўлган Бухорода 1884 йилда туғилдим<sup>6</sup>. Биринчи тарбияни эски усулдаги диний бир мактабдан олдим. Мактабдан чиқгач, диний бир мадрасаға кириб олдим, намоз ўқидим, мутаассиб бир мусулмон эдим. Ҳатто Бухорода янги бошланган жадидлар ҳаракатиға қаршилиқ ҳам қилдим. Сўнгралари жадидлар ҳаракатиға ораладим. У замондаги зеҳниятнинг таъсири эски жадидларнинг ташвиқ ва ёрдами билан Туркияға таҳсили учун бордим. Мана шу вақтларда мен диний реформа тарафдори эдим: динни фан билан келиштириш, фанға тўғри келмайтурган хурофот қисмини диндан чиқариш, динни тозалаш хаёллариға ишонган эдим. Воқеан эса, панисломизм гоёсининг чуруган бир хаёл эканин кун сайин оча бордим. Панисломизмнинг бўлмағур хаёл эканини онглагач, пантуркизм хаёлиға берилдим. Бу вақтларда ёзганим асарларда диний реформистик фикрлар кўрилиб турадир. Сиз эса, мазкур асарлардан менинг мутасаввиф эканимни чиқарасиз. Тасаввуф билан озгина таниш бўлса эдингиз, у китобларда мазкур маслакнинг асарини кўра олмаганингизни ўзингиз онглар эдингиз.

Мен ҳеч бир вақт тасаввуфға мансуб бўлмадим. Лекин адабиёт тарихини текширучи бир муаллим бўлганим сифати билан тасаввуфни жуда кўб текширдим. Бу кун тасав-

вуфнинг ҳар томонини, энг қоронғу сирларини биламан. Ҳатто, шу кунларда «Ўрта Осиёда тасаввуф тарихи» исмли бир китоб<sup>7</sup> вужудга келтирмак учун тиришмакдаман. Тасаввуфнинг қандай заҳарли, қандай зарарли бир маслак эканини ҳар кимдан ҳам яхши билиб олганман. Лекин ҳеч вақт мутасаввиф бўлмаганман.

Сўнгралари ҳаёт мени пантуркизмда қотиб қолишда кўймади. Мен ўзбек миллатчисига айландим. 17—18-йилларда Ўрта Осиёда пантуркизм ҳаракати кенгаймоқда эди, айниқса, Тошкентда пантуркизм фикри билан сугорилган турли тўдалар ташкил бўлди.

Турк тилларини, турк адабиётини бирлаштириш шиори остида «иш» кўрилди. Мактабларда усмонли адабиёти она тили дарслари ўрнида қабул қилинди. Мана шу ҳаракатга қарши ўзбек тили, ўзбек адабиёти шиорлари остида «Чигатой гурунги» ташкил қилинди. «Чигатой гурунги» ўзбек миллатчилиги: ўзбек тили, ўзбек адабиёти шиорлари остида пантуркист тўдаларга ва шунга берилган ўнг жадидларга қарши курашди. Сиз «Чигатой гурунги» пантуркист эди» деб қичқирасиз. Айниқса, шу кунларда «Чигатой гурунги»ни пантуркист дейиш мўда ҳолига кириб борадир. Ҳолбуки, «Чигатой гурунги» ўз замонида пантуркизм, панисломизм ҳаракатларига қарши курашмоқда эди. Сизга иккита факт кўрсатай: бутун мактабларимизда «Умумий турк тили, умумий турк адабиёти» шиорлари ҳукм сурганда «Чигатой гурунги» ўзбек тили, ўзбек адабиётини ўргатиш учун Хадрада пулсиз дарс беришни эълон қилди. Муаллимликка мен, Шокиржон Раҳимий, Қажом Рамазон тайин этилдик. Дарсга бир кўб муаллимлар давом этмакчи бўлиб келдилар. У вақтларда Тошкент маориф шўъбасида пантуркистларнинг тўдачилиқ ёрдамчилари ҳукм сурар эди. Мана шулар бир дарсдан кейин бизни қувдилар, талабаларни тарқатдилар.

Бир кеча «Чигатой гурунги»нинг мажлиси бўлган эди. Гурунг аъзолари томонидан ёзилган асарларни ўқиб, муҳокама қилмоқда эдик. Тошкентнинг энг катта ташкилотининг бирида турган бир ўртоқ<sup>8</sup> винтовка кўтариб келиб, мажлисимизга бирдан кирди. «Чигатой гурунги» нинг мақсадини сўради. «Сиз динга қарши фикр тарқатар экансиз, Муҳаммад пайғамбарнинг меърожини инкор қилар экансиз» деб тафтишга киришди ва бизни «мундоқа йўлсиз ҳаракатлар»дан манъ қилиб кетди. Мана буларнинг ҳаммаси

пантуркистларнинг иғвоси билан бўлар эди: «Мен «Чигатой гурунги» пролетар мафкурасини ташир эди» демайман, буни даъво қилиш жинниликдир. Тузук, «Чигатой гурунги» бевосита сиёсат билан машғул бўлмоқни истамади, ёлғиз тил, имло, адабиёт билан шугулланди. Лекин унинг айрим аъзолари ўша вақтда сўл миллатчи эдилар. Шунинг учун айта оламизким «Чигатой гурунги» жадидларнинг сўл қаноти бўлиб, у жадидлардан тил, имло, адабиёт ва динга қарши ҳам пантуркизм ва ўзбек миллатчилиги билан ажралар эди. Мана бу тафсилот «чигатой гурунги»нинг кўрсатилган илмий ишларда пантуркист, панисломистларга нисбатан инқилобий йўл тутганини кўрсатади. Агар сиз «Бу илмий тўғаракнинг аъзолари ўзбек миллатчилари эдилар, шунинг учун бу тўғарак қарши қурулган бир ташкилот эди» десангиз, нон орасидан кир изламакдан бошқа бир иш қилмаган бўлурсиз. «Чигатой гурунги» 20-йиллағарча давом қилди. Бу вақтгача унинг ўз олдиға қўйган илмий юмушлари бажарилган эди. Янги имло шўро маориф комиссарлиги томонидан мактабларга киргизилган шўро ҳукумати томонидан «Ҳар миллатнинг мактаб тили ўз она тилида бўлсин» деб эълон этилган асос билан ўзбек тили таъмин этилган эди. Бир тарафдан, коммунистлар фирқасининг миллий масъалани тўғри ҳал қилмоқда бўлгани ва мустамлакачилик асосларини емиришда кескин йўл тутгани кун сайин очик кўрина бошлаган, ўзбек миллатчиси бўлиб туришда ҳам маъқул бир сабаб қолмаган эди. «Чигатой гурунги» тарқалди. Унинг аъзолари битта-битта ўз хатоларини эътироф қила-қила фирқа сафига ўтдилар ва бор кучлари билан бу кунгача хизмат қилмоқдалар.

Энди ўзимнинг дин билан муносибатим ҳаққинда сўзлашайлик. Мен юқорида айтганим каби бир вақтлар диний реформа тарафдори эдим. Динни хурофотдан ажратиш деган хаёлга берилган эдим. Мана шу диний реформа кетидан юриш, мени динсизликқа<sup>9</sup> олиб борди. Дин хурофотдан ажралса, нари томонда ҳеч бир нарса қолмаганини кўрдим. Диннинг фан билан ҳеч бир вақт келиша олмаганига ишондим ва шунинг натижасида диндан қайтдим, динга қарши фикр тарқатдим. Менинг динсизлигим ўзбеклар ва тожиклар орасида ҳаммадан бурун, ҳаммадан кўбрак машҳур бўлган. Бу нуқтани инкор қилиб бўлмайди. Динсиз, худосиз бўлган бир кишининг мутасаввиф бўла ол-

маслигини онгламоқ учун жуда оз бир муҳокама кучининг сизда борлигини, руҳсат берсангиз, қабул қилайлик.

Мақолангиз бир ерида мени Туркия султониға мактуб ёзиш билан айблайсиз. Мен умримда Туркия султониға мактуб ёзмадим, бу менга тамоман тухмат! 1908 йилда ёзганим бир асаримда Бухоро хонлигида ҳукм сурган диний таассубни ва шунга таянган идора усулини эслайсизми? У вақтда Бухорода бир калла 2 тийин эди. Ҳибс қилиш, ўлдириш, сангсор<sup>10</sup> қилиш кундаги одатлардан эди. У замонларда китоб ёзишнинг ўзи «кофир»лик эди. Мен шу вақтларда биринчи асаримни ёздим<sup>11</sup>. Бухоронинг идора усулини, таълим-тарбия усулини, бир кўб расмий идораларни танқид қилдим. Бу китоб Бухорода тарқалар эди.

Унинг ноширлари бўлган Бухоро жадидларини таҳликага туширмаслик учун амирға қаратиб бир сўз боши ёздим ва шунинг билан, гўё, танқиднинг унга эмас, маъмурлариға оид бўлганини кўрсатдим. Бу замондаги Бухоронинг жавоби эди. Шунинг билан мени Бухоро амирининг тарафдори дейиш ҳам мумкин эмас, меним Бухоро амирига қарши ҳар вақт курашганим ва курашган ташкилотларга раҳбарлик қилганимни билмаган йўқ.

Сўнг тўрт-беш йилда ёзганим «Арслон», «Умар Хайём» каби асарларимни, ҳатто танқид қилганингиз «Намуналар»даги даврлар тақсими шу йўл билан олиб боришга тиришдим. Мазкур ишларимда янглишлар бўлуви мумкин. Лекин буларни(нг) воқеаларини таҳлил қилганда бўлган янглишлардан ҳисоб қилиб, танқид қилиш, хато жойларни кўрсатиш керак. Ҳар бир янглиш янги янглиш деб ўйланган нуқтани, менинг йигирма йил бурунги панисломистлигим билан изоҳ қилиш тўғри илмий бир ҳаракат бўлмайди. Азизим, Урта Осиёнинг оламға маълум бир маданияти бўлган, бу маданиятнинг туркий асарлари қолган. Бу асарларнинг ҳаммасиға бирдан «ахлатлар» дейиш, сизнинг муҳокамангизнинг кирлигидан чиққан янги бир истилоҳ бўлса керак.

Мен ўзимнинг йигирма йиллик мутолаам, жуда кучсиз бўлмаган кутубхонам соясида шу йўлда ишламоқдаман. Албатта, ишларимда янглишлар бўлуви мумкин. Янглишларимни жой-жойи билан кўрсатиш керак, кўзни юмиб, оғизни очиб сўкишнинг илмий фойдаси йўқ.

Мақолангизда катта ҳарфлар билан «Маориф ва ўқитғучи» журнали Фитратнинг ношири афкори эди дейиш

мумкин» деб ёзасиз. Буниси эмди уёт! «Маориф ва ўқитғучи» Рамздан бурун бор эди. Рамз замонида ҳам давом қилди. У ҳар вақт маориф комиссарлигининг ношири афкори бўлиб давом қилди. Журналнинг бутун давом муддатида мен ёзган мақоламнинг сони ўнга бормайди. У қандай қилиб менинг ношири афкорим бўлсин?! Бироз ўйланг, Ўзбекистоннинг марказида фирқа ва шўро идораларининг кўзлари остида чиққан бир журнал уч-тўрт йил менинг ношири афкорим бўлади-ю, шуни сиздан бошқа ҳеч ким онгламайдими? Сиз бу демагўги билан кимни таҳрир қилганингизни ўйладингизми?!

«Маориф ва ўқитғучи» журналида Яссавий ҳақида ёзганим мақоладан сўз очасиз<sup>12</sup>. Мен у мақоламда Яссавийни санъат ёғидан, мафкура томонида қаттиқ танқид қилдим, унинг зарарли эканини, унинг таъсирига қарши курашмоқ кераклигини сўзладим. Ёлғиз унинг баъзи шеърлариға олданиб, унинг йўқсуллар томонида турганин қабул қилмоқчи бўлдим. Сўнгралари эса, фикримнинг янглиш эканини онгладим. Сизга ёқмаган «Намуналар»имнинг муқаддасида Яссавий ҳақида танқид ёзмаганингиз ҳолда Яссавий ҳақида унинг муқаддасидаги сўзларимдан кўз юмиб, «Маориф ва ўқитғучи»даги мақоламға ёпишасиз.

Бундан кейин Чигатой адабиётининг «мундарижаси» ва «шакли» ҳақида фикр юргузасиз. Бошлаб Чигатой шоири деб Навойи билан Яссавийни кўрсатасиз. Азизим, сизда чигатой сўзига қарши қизиқ бир ҳолат пайдо бўлган, ўзингизга ёқмаган ҳар кимни чигатой деб сўкмоқчи бўласиз, ишнинг бу қадари чегарани ошишдир. Яссавий Чигатой шоири эмас. У Чигатой адабиётидан бурун ўткан бир шоир. Сўнгра Навойидан намуналар олганда менинг тартиб қилганим ва сизнинг танқид қилганингиз китобдан олмайсиз-да, Навойининг ўз девонидан, диний мавзудаги байтларни оласиз. Сизнинг у намуналарингизни кўрган киши менинг китобимдан олганингизни гумон қиладир-да, менга ҳужумларингизни қисман ҳақли кўради. Сиз ҳам шуни истайсиз. Ҳолбуки, Навойининг динсиз бир шоир эканини мен даъво қилмадим. Унинг диний парчалари бор ҳам кўбдир. Лекин менинг «Намуналар»имдаги асарлари бу қатордаги асарлар эмас.

Навойидан олган байтларни таржима қилишингиз бир оз «вадудона» бўлган, кўби тўғри эмас. Сўнгра Навойи би-

лан Яссавийдан берганингиз намуналарга суяниб, «Чигатой адабиётининг шаклидан ҳам фойдаланиш мумкин эмас» дейсиз. Лекин сиз шакл билан вазни бир-биридан ажрата олмагансиз. Шакл деб вазн билан айрим сўзларни оласиз. Ҳолбуки, шаклга ифода тарзи, мажоз, истиора ва шеърнинг бутун (поэтик) хусусиятлари кирадир.

Навойининг вазнидан фойдаланиш, албатта, мумкин. Мундан бошқа(си) Яссавийнинг вазнидир. Яссавий ва Яссавий мактаби шоирларида бармоқ вазнининг чиройлик намуналари бор, фойдаланиш мумкин. Сиз Яссавийни чигатой шоирларининг аруз вазнида ёзганлари ўйлаб, шу хатоларга тушгансиз. Ҳатто кўчирганингиз Навоий билан Яссавий шеърлари орасида бўлган вазн айирмасига ҳам диққат қилмагансиз...<sup>13</sup>

## ДРАМАТИК АСАРЛАР

### «ЧИН СЕВИШ»

Бизгача нашр ҳолида етиб келган Фитратнинг илк саҳна аса-ридир. 10-йилларнинг сўнгида ёзилган бу томоша, 1920 йили чоп қилинган. Муаллифнинг ўзи асар ҳақида «беш пардали иш-қий, ҳиссий фожиа» деб хабар беради. Пьеса воқеалари Ҳиндис-тоннинг Деҳли шаҳрига кўчирилган бўлса-да, 10-йилларнинг сўнгида Туркистон ва Бухорода кечган воқеалар билан уйғун ҳолда тасвирланади.

Пьеса 1991 йили қайта нашр этилган: «Санъат» ж., 4-, 5-, 6-, 7-сон. Нашрга тайёрловчи Сирожиддин Аҳмад. Асар 1996 йилда Фитратнинг «Чин севиш» номли китобидан ҳам ўрин олган (Т., Ф. Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996). «Чин се-виш» ҳақида куйидаги тақриз ва мақолалар чоп қилинган: Чўлпон. Чин севиш, «Иштирокиюн» г., 1920, 25 ноябр; Вадуд Маҳмуд. «Чин севиш» постановкаси ҳақида. «Қизил байроқ», 1921, 17, 22 сентябр; М. Раҳмонов. Фитрат драматургияси ва унинг саҳна тал-кинлари, «Санъат» ж., 1991, 4—6-сон.

• • •

1. **Черик** — лашкар, кўшин.
2. **ёношмоқ** — яқинлашмоқ, ёндошмоқ.
3. «**Бир оз кул**» — Фитратнинг бу шеъри мустақил равишда «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламида чоп этилган.

4. **Англетара** — Англия.

5. **Султон Абдулҳамид** — Туркиядаги усмонлилар сулоласи-нинг сўнги султонларидан. Таназзулга юз тутаётган салтанатни сақлаб қолиш мақсадида қатор маданий тадбирларни амалга оширган. Бу ерда унинг Англия, Франция каби ривожланган давлатлар билан алоқаси назарда тутилади.

6. **Ирлония** — Ирландия, Англиянинг шимолидаги давлат назарда тутилади. У инглизлар томонидан забт этилган, ҳозирга қадар Шимолий Ирландия давлатидан айри равишда Буюк Бри-тания таркибидадир.

7. Бу воқеа I Жаҳон урушининг сўнгида юз берган. Урушдан муваффақиятсиз чиққан Англия ва Франция давлатлари уруш-нинг сарфини қопламоқ мақсадида Шарққа ташланадилар. Фран-ция қатор Африка мамлакатларини, жумладан, Тунисни ўз мус-тамлақасига айлантиради. Драмада шу ҳақда сўз юритилади.

8. **фламанг килисолари** — насронийларнинг ибодатхоналари назарда тутилади. Мустамлака даврида насронийлар мусулмон

ўлкаларида ибодатхоналар қуриб, қўнғироқ орқали ўз тобеъларини ибодатга чақиргани ҳолда, мусулмон мачитларида азон айтиш манъ қилинган.

9. **тўлим** — тўплам. Бу ерда «қайғулар уяси» маъносиди.

10. **тинар** — сукут.

11. **дўлоб** — шкаф.

12. **хўжа** — муаллим.

13. **тува** — товланувчан, ялтироқ, турли.

14. **очун** — дунё.

15. **осиғсиз** — фойдасиз.

16. **кат** — сўри.

17. **ёношмайсен** — яқинлашмайсан.

18. Бу сатрлар Фитратнинг «Шарқ» асарида тасвирланган манзарани эсга солади: «Хотунларнинг пардаси, Қариларнинг гавдаси йиртилган, эзилган». Бизнингча, шеър худди драма ёзилган пайтда қозғога тушган бўлиш эҳтимоли бор. «Бир оз кул!» шеърининг «таржимаи ҳоли» бу тахминга асос беради.

### «ҲИНД ИХТИЛОЛЧИЛАРИ»

Фитрат замондошларининг хотирлашича ва айрим манбаларнинг гувоҳлик беришича, драма «Чин севиш» асари эълон этилгандан кўп ўтмаёқ яратилган (1921—1922). 1923 йилда Берлинда ўзбекистонлик талабаларнинг сайъ-интилишлари билан араб ёзувида чоп қилинган. 1990 йили ҳозирги ўзбек ёзувида қайта нашр этилган (қаранг: «Шарқ юлдузи», 1990, 4-сон, 34—58-бетлар, нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи Ш. Турдиев.)

Ушбу нашрга асарнинг Берлин нусхаси асос бўлди. Бунда 1990 йилдаги нашрда йўл қўйилган хатолар тўғриланди ва қисқартиришлар тикланди.

Нашрга тайёрловчи шу кун имло талаблари билан боғлиқ ҳолда асос матннинг фақат тиниш белгиларинигина таҳрирдан ўтказди, холос.

Драма ҳақида куйидаги тақризлар эълон қилинган: Вадуд Маҳмуд. «Ҳинд ихтилолчилари» ҳақида, «Туркистон», 1923, 17, 19, 23 октябр сонлари (В. М. имзоси остиди); Вадуд Маҳмуд. Фитрат афандининг янги асарлари, «Туркистон», 1923, 14 ноябр; Ишчи. Ҳинд ихтилолчилари. «Туркистон», 1923, 12 май; Аҳмад Шукрий. Турк адабиётида идеализм ва реализм, «Кўмак» (Берлинда чоп этилган журнал), 1923, 1-сон, 13—14-бетлар; Ш. Турдиев. «Ҳинд ихтилолчилари» фожиаси ҳақида, «Шарқ юлдузи», 1990, 4-сон, 32—34-бет.

\* \* \*

1. **Фўта** — салла, ҳинд салласи.

2. **найзор** — шиппак, дарахт қобуғидан тўқилган шиппак.

3. **ойилган бўлиб** — чўчигансимон.
4. **бойгинлик** — дилбарлик.
5. **чўқуғучлари** — тумшуклари.
6. **бошмоғи** — панжаси.
7. **тегиш** — лозим, керак.
8. **«Ишонмаганлар ишонганларни енга олмаслар»** — Ҳадиси шарифдан.
9. **тамуг** — дўзах, жаҳаннам.
10. **пучмоғ** — бурчак, бу ерда: жаҳаннам ичи.
11. **мажус** — мажусий.
12. **қўпар** — турар.
13. **ушоқлар** — болалар (мурожаат).
14. **умузларига** — елкаларига.
15. **турон сандуғочларимиз** — турон капалаклари.
16. **чоғир** — май, қадаҳ. «Сағана бошида чоғир ичмак» — бу ерда: ғайридинларнинг қабристондаги қилиқларини киноя қилипти.
17. **менгиз** — ранг-рўй.
18. **экинчи** — деҳқон.
19. **эм бермоқ** — даволамоқ — бу ерда: текин даволаш маъносида.
20. **холилари** — гиламлари.
21. **Халифат ул-муслимин** — мусулмонлар халифаси (султони). Бу ерда: турк султони Абдулҳамид II нинг Олмония билан иттифоқчилиги назарда тутилади.
22. **Имом Маҳди** — мусулмон мифологиясида, айниқса, шиалар орасида охир замон пайтида имом Маҳди (яширинган имом) келиб, адолат ўрнатади, деган тушунча мавжуд. Шундан келиб чиққан ҳолда, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, шунингдек, Ҳиндистон, Эрон ва Суданда маҳдийлик таълимоти асос қилиб олган қўзғолонлар ҳам бўлиб ўтган.
23. **«Ал-Халил» газети** — Ҳиндистонда XX аср бошларида чиқиб турган мусулмон ислохотчиларининг нашри. Бу ҳақда Фитрат бошқа асарларида ҳам маълумот беради.
24. **Амратсар** — Ҳиндистон шимолидаги шаҳарлардан бири. Бу шаҳар ғазнавийлар ва бобурийлар даврида мусулмон шаҳарларидан бўлган.
25. **сахийлар** — Ҳиндистондаги (Шарқий Ҳимолайда) Сакхим вилоятида яшовчи элатлар. Улар кўпроқ вилоятнинг маъмурий маркази Гангтокда ерлашганлар. У жой 1947 йилга қадар инглиз мустамакаси саналган. Бу ерда: уларнинг мустақиллик учун ҳиндлар билан бирга кураши ҳақида гап боради.
26. **«Ки аз савдойи, на хато, на хат бўйи мушки май ояд»** — Бедилдан. Таржимаси: Бу шундай савдоки, на хато ва хатдан май ҳиди келади.

27. «Худой ҳиззаму мажал» — «Худонинг берган насибаси» маъносида.

28. «Хайру масаналлоҳ» — таваккал.

29. **Меърожи шариф** — яъни: «Ражаб байрами билан». Пайгамбаримизнинг Буроқ отли тулпорда Маккадан Ал-Халил, Байт-Лаҳм ва Куддуси шарифга, сўнгра эса Оллоҳ даргоҳига кўтарилиши билан боғлиқ байрам. Ражаб ойи (еттинчи ой)га тўғри келади.

30. **эмлог** — шифохона.

31. «**Кўлимизда шамол-да йўқ**» — «кўлимизда имконимиз йўқ» маъносида, яъни «эркимиз ўз кўлимизда эмас».

32. **Доктор Иқбол** — Ҳиндистоннинг панжобли мусулмон шоири Муҳаммад Иқболнинг инқилобий шеърлари ислоҳотчи мусулмонларнинг «Ал-Халил» газетасида доимий суратда босилиб турган. Келтирилган парча шоирнинг «Эрк учун» шеърдан. У ҳақда қаранг: Джаваҳарлал Неру. Открытие Индии. Книга вторая, Москва, 1989, с. 109—113.

33. **мужоҳид** — ислом йўлида нафси енгиб курашмоқ. Бу курашда ғолиб келганлар «ғози», қурбон бўлганлар «шаҳид» дейилади.

34. **обдираб** — аланглаб, жовдираб.

35. **аҳли китоб** — муқаддас китоблар (Таврот, Инжил ва Забур) тушган халқлар.

36. **мушрикий** — шериклик. Худо ягона эмас, унинг шериклари бор, деган таълимот тарафдори. Бунинг асосида кўпхудолик ётади. Ислом дини эса яккахудолик асосига қурилгани учун, мушрикийликни куфр деб билади. Бу ерда асар қаҳрамони «аҳли китоблар» бизга мушрикийлардан кўра яқинроқдир, деган сохта таълимот билан англизларни оқламоқчи бўлади.

37. **орқадоща** — ўртоқларча.

38. Инглизлар томонидан маҳаллий ҳокимларни ўз халқига қарши қайраш учун берилётган «шамс ул-уламо», «хон баҳодур» ва ҳоказо мансаблар назарда тутилмоқда.

39. «**Омон-омон**» — мунгли халқ куйларидан бири. Фитрат «Ўзбек мусиқаси ва унинг тарихи» китобида бу ҳақда маълумот берган.

40. **ўксиз** — стим, ёлғиз.

41. **охсум бўлди** — интилди, ташланди.

42. **сорилмоқ** — чирмашмоқ.

43. **қўзгату битик** — хитобнома, прокламация.

44. **бурут** — мўйлов.

45. «**Мусофир оға**» — Ҳиндистонда чиқиб турган газеталардан бири. «Ал-Халил» газетаси мусулмон ватанпарварларининг нашри бўлса, «Мусофир оға» англиз ташвиқоти билан шуғулланувчи нашр эди.

46. **сўзни узатмоқ** — гапни чўзиб юбормоқ.
47. **ҳариф** — бу ерда: рақиб.
48. **яроғ** — қурол.
49. **умуз** — елка.
50. **ратсиз** — тўхтовсиз, чегарасиз.
51. **мағора** — ғор.
52. **бани Исроил** — жухудларга нисбатан «бани Исроил бола-лари» ибораси кўлланилади.
53. **тонуқ** — гувоҳ; нишона.
54. **садоқ** — ўқдон, камоннинг ўқи, ёй учун тайёрланган қути.
55. **ўрон** — пароль.
56. **бот** — тёз.
57. **булжор** — тўпланиш манзили.
58. **ошоқ** — ҳимоя тўсиғи.
59. **чатма** — пистирма.

### «АРСЛОН»

Фитратнинг бу драмаси 10-йилларнинг сўнгида ёзилган бўлишига қарамай, илк бор 1926 йили Тошкентда «Ўзбекистон Давлат нашриёти» томонидан чоп этилган, шу йилнинг ўзидаёқ саҳнага чиққан. Бизнингча, сиёсий ҳаётдаги ер ислохотининг ўтказилиши асарнинг нашр этилишига туртки бўлган. Муаллиф китобнинг сарлавҳасидаёқ шундай ёзади: «Жумҳуриятимиз томонидан муваффақият ҳам адолат билан ижро этилмакда бўлган ер ислохотиға бағишлайман». Асарни нашрга тайёрлашда Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик илмгоҳи хазинасида сақланаётган нусхага асосландик, бироқ китоб сўнги саҳифалари (114-бетдан кейинги)сиз муқовалангани учун, унинг бошқа жойда сақланаётган нусхаларидан ҳам фойдаланишга тўғри келди. Асарнинг 1996 йилдаги нашри (Фитрат. Чин севиш, Т., Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996) билан солиштирилиб, қайта нашрга тайёрланди. Асар ҳақида қуйидаги тақрирлар маълум:

1. Комил Алиев. Арслон, Қизил Ўзбекистон, 1927, 28 феврал, 49 (663)-сон.

2. Тўлқин. «Арслон» пьесасининг қўйилиши, Қизил Ўзбекистон, 1929, 22 ноябр.

3. А. Алиев. Фитрат ва унинг «Арслон» асари, Гулистон, 1989, 12-сон. 22—24.

«Арслон» драмасининг китоб ҳолидаги нашри Фитрат саҳна асарларининг аввалги нашрларидан нисбатан мукамаллиги, шаклнинг ўзига хос тартиб берилиши билан фарқланади. Бу фарқ ва ўзига хосликни аниқроқ тасаввур этиш мақсадида бу ҳақда изоҳларда ҳам сўз юритилди.

1. «Биринчи парда» деб қўйилган сарлавҳадан сўнг, алоҳида саҳифада айни шу пардада иштирок этувчиларнинг исмлари (жами 12 киши) саналади. Ундан сўнг эса, ҳар бир кўриниш ва мажлисларда иштирок этувчилари ҳам қайта саналади. Бу каби такрордан қочиш мақсадида, ҳар парда иштирокчиларининг номма-ном саналишини нашрда тушириб қолдирдик.

2. «**Авлиё тугининг ёлови**» — азиз-авлиёлар қабрига қўйиладиган туғларнинг учига отнинг қилидан тайёрланган ёловлар боғлаб қўйиларди. Худди шу нарса назарда тутилади. Бундай лавҳа Фитратнинг «Ҳинд сайёҳи баёноти» асарида ҳам бор.

3. **нешлаб** — нима қилиб.

4. **тонуг** — гувоҳ.

5. **аврод** — бомдод намозидан сўнг ўқиладиган дуолар.

6. **кент** — шаҳар, бу ерда аҳоли яшайдиган жой, қишлоқ маъносида.

7. «**Кун ўртадан сўнг**» — бу ерда бир сўз тушиб қолган бўлиши мумкин: «кун ўртадан кетгандан сўнг» деб ўқилса, мақсадга яқин келади.

8. «**боқи**» — луғавий маъноси: қолдиқ, бу ерда: ҳашарга чиқмагани учун тўланадиган ҳақ ёки солиқ маъносида.

9. **тик** — пахта ёки каноп толасидан тўқилган мато, газмол.

10. **нимча** — оғирлик ўлчови, шу кунги ҳисобда 400 граммча келади.

11. **ёзуқ** — гуноҳ.

12. **ҳақ ул-абад** — қул ҳақи.

13. **ёбон** — дала.

14. **сайғи** — дастмоя, са вдогарчиликка сарф қилинадиган бўлинмас, йўқотилмас маблағ.

15. **капсан** — ердан олинадиган солиқ.

16. **чаноқ** — суюқ овқат солинадиган сопол идиш.

17. **ўрт** — ўт, олов, гулхан.

18. **севар** — севган киши; бу ерда: Тўлғун назарда тутилади.

19. **амлокдор** — мулкдор.

20. **чиққан экан** — харидор бўлган экан, совчи қўйдирган экан маъноларида.

21. **айиладир** — қайрилмоқ.

22. «уни қайғурмадим, сени қайғурдим» — уни деб қайғурмадим, сени деб қайғурдим шаклида қабул қилиш мумкин.

23. **ўсаллиқ** — шошқалоқлик; талвасада ҳаракат қилиш.

24. **кетсиз** — охири йўқ.

25. **қироғсиз** — чегарасиз.

26. **узайган** — чўзилган.

27. **олчин** — «аршин»нинг бузилган шакли. Ҳозирги ўлчовда 0,71 смга тенг келадиган узунлик бирлиги. Бу ўлчов метрик ўлчов бирлигига қадар кенг қўлланилган.

28. **бўрк** — бош кийим, қалпоқ.
29. **панаълат** — «Падарингга лаънат»нинг қисқа шакли.
30. **ҳукми куш** — ўлим ҳукми, «кушидан» — қатл қилмоқдан олинган.
31. **сақлов** — вақтинча тутиб турувчи зиндон.
32. **ўкунадир** — юкинадир; мулозамат қилмоқ.
33. **Худони ҳозур кўринг** — худодан кўрқинг, маъносида.
34. **ўтру** — қарши, рўпара.
35. **нимистр** — «министр» сўзининг бузилган шакли. Ўша давр учун неологизм бўлган бу сўзнинг бузулиб талаффуз этилиши табиий эди.
36. **хизматона** — хизмат ҳақи.
37. **ёқтироқ** — юқорироқ.
38. Таржимаси: «Ихлосли (бизга) қилич соҳиби бўлган яса-вулбошига шу билан (ушбу мактуб билан) маълум қиламизки, Арслон ва Ботур номли гуноҳкорларни озод қилиниши ҳақидаги фуқаронинг хоҳиши жаноби олий томонидан қабул қилиниб, уларни зиндондан озод этиш билан жаноб олий ҳақида дуо қилинглар».
39. **нарса-коралари** — гаровга олиш мумкин бўлган ҳовли-жой ёки қимматли мол маъносида.
40. **сингир** — суяк.
41. **томоқ** — овқат, таом.
42. **жил** — занжир, кишанларни туташтирувчи занжир.
43. **экинчилик** — деҳқончилик.
44. **шафо** — шифо, айрим тарихий манбаларда ҳам «шафо» деб юритилган.
45. **Шоми шарифнинг Ҳиндустон деган шахридан...** — домланинг саводи ва илми ҳам ҳаминқадар эканини англатиш учун шу нотўғри ибора қўлланилган. Аслида Шом (Сурия) ва Ҳиндистон айри-айри мамлакатлардир.
46. Таржимаси: Дўстимизнинг бир ишорати билан ўзимиздан иш бошлаймиз.
47. Таржимаси: Дўстлардан бир ишорат бўлса, биз уни ба-жармоққа масъул.
48. **ҳиж** — «ҳиждаҳ», яъни «ўн саккиз» сўзининг қисқа шакли. Бу ерда «ўн саккиз қоғоз пулга олганман» демоқчи.
49. **соғ** — ўнг.
50. **бот** — сўнг.

### «ВОСЕЪ ҚЎЗҒОЛОНИ»

Фитратнинг «Восеъ қўзғолони» номли тарихий драмаси 1927 йили Самарқандда «Шўриши Восеъ» номи остида тожик тилида нашр этилган. Муаллифнинг ўзи сўз бошида баён қилишича, «бу

томоша тожик тилида яратилган илк сахна асаридир». Асарга ҳижрий 1301 йили (милодий 1885) амир Абдулаҳадхон подшолигининг бошланғич даврида аввал Ховалинг қишлоғида, кейинроқ Балжувонда жорий этилган «закоти чакана» деб номланган ғайриқонуний солиқ устига яна ҳар бир эчки учун «бир тоқадан карбос» ундириш ҳақидаги фармониға қарши жувозкаш Восеъ бошчилигидаги халқ қўзғолонлари асос қилиб олинган. Фитрат бу мавзуни бадиий адабиётда нисбатан биринчилардан бўлиб ёритган эди. Сўнгра бу мавзуда М. Турсунзода, А. Деҳотий, Ғ. Абдулло ва С. Улуғзода каби тожик адаблари либретто, драма, роман, дoston каби жанрларда асарлар битганлар.

Бу драма тожик тилидан Раҳим Муқимов ва Ҳ. Болтабосев таржимасида илк бора нашр қилинмоқда. Таржимада, албатта, нуқсонлар ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳақдаги ўқувчиларимизнинг мулоҳазаларини кейинги нашрларда ҳисобға олишға ҳаракат қиламиз.

\* \* \*

1. **Мулла Назир** — тарихий шахс. Асардаги асосий қаҳрамон билан биргаликда воқеаларда қатнашган ва Китоб шахрида қатл қилинган, асарнинг прототипларидан бири.

2. **Мизробхон қўзғолони** — 1880 йилларнинг бошларида Ховалингда бош қўтарган қўзғолончиларнинг бошлиқларидан. Амир у билан музокара ўтказиб, уни Балжувонга вақтинча ҳоким қилиб тайинлаган, сўнгра эса, Бухороға чақириб олиб, қатл қилган. Восеъ ана шу ҳаракатларнинг ҳам иштирокчисидир.

3. **тоқа карбос** — тоқа (бир кийимлик), карбос — пахтадан тўқилган бўзга ўхшаш қалин газмол.

4. **ҳирож** — ердан олинадиган солиқ.

5. **Гаим** — тоғда ўсадиган қайрағочға ўхшаган дарахт, сояси куюқ, шоҳлари зич бўлади.

6. **ангда қолмоқ** — ғафлатда қолмоқ.

7. **дактур** — Бухоронинг шарқидаги қишлоқлардан бири.

8. **«Ал-авзу биллоҳ»** — Аллоҳдан паноҳ сўра.

9. **чўбдаста** — калтак, жазо таёғи.

10. **амлоқдор** — луғавий маъноси: катта ер эгаси, Бухоро хонлигида туман ҳокими.

11. **барк** — ўрам.

12. **Норак кўпруги** — Жанубий Тожикистонда Вахш узра қўйилган кўприк.

13. **тавқ** — томоқ, бўйин.

14. **сиёғи** — шакли, кўриниши.

15. **ғазо** — мусулмонларнинг умумий уруши.

16. **сақлов** — қамоқхона.

17. **шоф** — қилич; ҳар икки томони кесадиган тўғри қилич.

18. **муфофа** — расмий мактублар солинадиган ёғоч қути.

19. «Аморатпаноҳо олийжоҳи бақиятуд» — Олий мартабада абадийсиз.

20. жонсупорлиқ — жонни фидо қилиш.

21. муборизатпаноҳ — жангчи, паҳлавон, паноҳда сақловчи.

22. вожибул азён — бажарилиши шарт бўлган (фармон).

23. мирохурбоши — отбоқарларнинг бошлиғи, амир отхонасининг мири.

24. аморатпаноҳ — амирлик вазифасида турувчи.

25. ибрат ус-сорин — ибратли амр, буйруқ.

26. чил — тахтакач, бўйин ва қўлни бирдай тутиб турувчи ёғоч сиртмоғи.

27. Сурхақоб ёки ҳозирда «Сурхоб» деб юритилади — Вахш дарёсининг Мўксув ва Обихингов дарёлари қуйилиш жойидаги қисми шундай номланади.

28. тапча — камзул (шевада қўлланилиши).

## ПУБЛИЦИСТИК АСАРЛАР

Фитратнинг публицистик мақола ва лавҳалари, хабар ва номалари 1910 йилдан кейин яратила бошлади. Дастлаб унинг мақолалари форс тилида «Таъруфи муслимин» газетаси ва «Сират ул-мустақийм» (Тур-киядаги вақтли нашрлар) ҳамда «Бухорои шариф», «Турон» номли газеталарда чиқиб турди. 1917 йилдан сўнг «Хуррият» газетининг муҳаррирлиги ишига ўтгач, газетанинг деярли ҳар бир сонидан унинг хабар, йўқлов, шеър ва сочмалари эълон этилди. Нисбатан изчиллик касб этиши учун унинг «Хуррият»да чиққан бир қатор мақолаларини ва хабарларини китобхонлар ҳукмига ҳавола этдик.

Бундан ташқари Фитратнинг «Очиқ сўз» номли татар тилидаги жаридадан «Шўро»да кўчириб босилган «Жоҳилона таасубга мисол» мақоласи жаҳидчиликнинг моҳиятини ойдин тунтирувчи раддия бўлганидан ва истъодли адабиётчиларга қарата замонининг «ур тўқмоғи» саналган Ж. Бойбўлатовга ёзган жавоб хатларини ҳам айна шу рукнда бериш маъқул кўринди.

### «МУСУЛМОНЛАР, ҒОФИЛ ҚОЛМАНГ»

(«Хуррият», 1917 йил, 25 август, 33-сон)

Қайта нашри: «Ёшлик», 1991, 10-сон, 44—45-бетлар (Н. Авазов нашрга тайёрлаган). Мақола Самарқанд шаҳри думасига сайловлар олдидан ёзилган.

\* \* \*

1. Дума — Русиядаги сайлов тизимига кўра мустамлака ўлкалардаги халқ вакиллиги органлари ҳам дума деб юритилган.

2. **вакил қилиб ўтурув** — Самарқанд шаҳри кўпмиллатли бўлгани учун шаҳар думасига, асосан, турк, рус ва яҳудий миллатига мансуб кишиларгина сайловларда қатнашиш ҳуқуқини олганлар.

3. **таҳрири нуфус** — Самарқандда 1917 йил 18—20 августларда сайлов олдидан аҳолини рўйхатга олиш ўтказилган, ўша назарда тугилади.

### «ШҶРОЙИ ИСЛОМИЯ»НИНГ ХАТОСИ

(«Хуррият», 1917 йил, 5 сентябр, 36-сон)

Қайта нашри: «Ёшлик», 1991, 10-сон, 45-бет (Н. Авазов нашрга тайёрлаган). Сайловларда иштирок этаётган ҳар бир фирқа қатори «Шўройи исломия» ташкилоти ва унинг рус «уй эгалари» фирқаси билан ҳамкорлиги танқид этилган.

\* \* \*

1. **Шўройи исломия** — 1917 йил 1 апрелда мазкур ташкилотнинг 1 қурултойида таъсис этилган жамият. Собиқ ўнг жадидлар, асосан, шу жамият қурувчилари эдилар. Унинг дастури қурултойда Мунаввар Қори нутқида эълон этилган.

2. **Уй эгалари** — Туркистонда мавжуд рус партияларидан бири.

3. **галос** — овоз.

### «БУХОРО УЛАМОСИ»

(«Хуррият», 1917 йил, 48-сон)

1. **Бани Ҳошим** — Қурайш қабиласининг Ҳошим ибн Абдуманнофдан тугилган фарзандлари, яъни унинг авлодлари бани Ҳошим номи билан юритилган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (С. А. В.) ҳам шу уруғдан бўлиб, тўртинчи бўғинни ташкил қилади (Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдумуталлиб ибн Ҳошим). Ҳошим ибн Абдуманноф ўглининг фарзанди Абдумуталлиб вафотидан сўнг уруғ ичида ўзаро нифоқлар кўчайиб кетади. Айниқса, бани Ҳошим авлодлари билан Абу Суфён авлодлари ўртасида нифоқлар кескин жангларга айланиб кетган. Бунинг биргина мисоли Бадр ғазотидир.

2. **Бани Умавия** — Абу Суфён авлодларидан бўлиб, Пайғамбаримиз ва чаҳорёрлардан сўнг халифаликка мушарраф бўлган Муовия ибн Суфёндин. У Имом Ҳасан истеъфосидан сўнг халифаликка муқаррар бўлган бўлса, халифаликда наслий сулолани расм қилдирди (бунгача халифалик Пайғамбаримиздан бошлаб бир кишининг ҳаққи эмас эди, мусулмонлар кимни сайлашса ўша халифа бўлар эди). Дастлаб, унинг ўғли Язид, сўнг Валид бинни Абд ал-Малик ва сулоланинг охириги бўғини Марвон бинни Муҳаммад бўлган.

3. **даштлик** — душманлик, нифоқ маъносида. Юқоридаги сулолалар ўртасидаги нифоқ каби бухороилар билан кўлоблилар ўртасида ҳам нифоқ бўлиб, маълум маънода мана шу нифоқ ХХ аср бошларидаги Бухоронинг таназзулини келтирган сабаблардан биридир.

4. **Садриддин Мулла Тўхмақ ўғли** — Бухоронинг амир Музаффариддин ва амир Абдулаҳадхон давридаги қозикалонларидан. Шу кишининг сайъ-ҳаракатлари билан қозикалонлик Бухорода наслий шакл олган. Шундайлардан бири унинг набираси Бурҳониддин эди.

5. **мустаҳиқ** — лойиқ, сазовор.

6. **аминона** — Бухоро амирлигидаги солиқлардан бир тури; ердан олинадиган солиқ бўлиб, вақф ерларидан ташқари шаръий-диний масалаларда фойдаланиш учун амирнинг ҳаққи деб белгиланган солиқлардан. Қозикалон Садриддин даврида урф бўлган.

7. Қуръони каримнинг «Ал-Бақара» сурасидаги жумла.

8. **тубчак** — туб аҳолиси, асил бухороилар назарда тutilади.

9. Мақола сўнггида «Боқияси (яъни давоми) бор» ибораси келтирилган. Бироқ айни шу номдаги бошқа мақола чоп этилмаган.

#### «СИЁСИЙ ҲОЛЛАР»

(«Хуррият», 1917 йил, 49-сон)

1. **ярашароқ** — ярашиқдироқ.

2. **ўзгариш** — Октябр инқилоби.

3. **Риго** — Рига шаҳри. Русиянинг Болтиқбўйини эгаллаш илн-жидаги жанглардаги муваффақиятсизлиги назарда тutilади.

4. **эътимод** — юпанч, таянч.

5. **мутгафиқ** — бирлашган, иттифоқчи.

6. **орқаси айсимас** — натижасиз.

7. Биринчи жаҳон урушидаги Олмония ва Италия кўшинларининг ўзаро курашлари назарда тutilган. Италия кўшинлари Алп тоғларини ошиб ўтиши билан ўз ички мудофаасидан узоқлашиб кетади. Олмониянинг Италия ичкарисига йўл очиши воқеалари назарда тutilмоқда.

8. **монёъ** — тўсиқ.

#### «МУХТОРИЯТ»

(«Хуррият», 1917 йил, 5 декабр).

Мақола «Фан ва турмуш»нинг 1990 йил, 10-сонида (30—31-бетлар) қайта нашр қилинган (нашрга тайёрловчи Ш. Турдиев).

1. **ўғурли** — ҳайбатли, буюк.

2. «**қўшма халқ жумҳурияти**» **усули** — Русиянинг федерация асосидаги бошқарилуви назарда тutilади. Дастлаб, бошқа рес-

публикалар иттифоқдош жумҳуриятлар бўлиб эмас, балки Русия ҳудудидаги мухтор (автоном) жумҳуриятлар бўлиб бирлашганлар.

3. **қўнуқ** — навбат, гал.

### «БУХОРОНИНГ ҲОЛИ»

(«Хуррият», 1918 йил, 62-сон)

1. **мафъиу-л-замири** — замирига (остига) яширилган нарса.  
2. **қушбегиси** — Бухоро амири Олимхоннинг қушбегиси Насруллоҳбий парвоначи назарда тутилади. Ҳозирги бош вазирга яқин лавозим.

3. **мехроҳўр** — йиғилган солиқларни қабул қилувчи.

4. **тўхсобалиқ** — Бухоро амирлигидаги олий ҳарбий вазифалардан. Негадир лугатларда «тўқсабо» деб форсча талаффуз билан берилган. Бу асл туркча сўз «Фарҳанги забони тоҷики»да нисбатан тўғри ёзилган: Фарҳанги забони тоҷики, 2-жилд, Москва, 1969, 383-бет.

5. **ангиз исийун** — «ангиз» қасд, қасос. Қасос олишни тезлаштириш маъносига.

6. **қинаб** — қийноқ, азоб бериш.

7. **пилон** — режа, план.

8. «Хуррият» газетасининг 57—58-сонларидаги Бухородаги аҳволга тааллуқли мақолалар назарда тутилади.

9. **муосий** — гуноҳкорлик.

10. **жинояли** — жинояткорона демоқчи. Бухоро амири Олимхоннинг 1918 йил 17 март Фармони назарда тутилади. Фармоннинг тўла матни учун қаранг: Ф. Хўжаев. Танланган асарлар, уч томлик, 1-том, Тошкент, 1976, 108—109-бетлар.

11. **вазуротпаноҳ** — вазирлар кенгаши.

12. **баённома** — ҳамма бунга қўмак этмак» шиори ёш бухоролилар партиясининг «Колесов воқеалари» деб номланган воқеаларга ча бўлган шиори бўлиб, дастлаб улар амирдан ислоҳот талаб қилган эдилар. Кейинроқ март воқеаларида амир гарчи ислоҳот ваъда қилган юқоридаги баённомани чиқарган бўлса-да, воқеалар рус ҳарбийларининг аралашуви билан жанговар тус олиб кетганди.

13. **Бухоро ёшлиғи** — ёш бухоролилар партияси.

### «ТУРКИСТОНДА РУСЛАР»

(«Хуррият», 1918 йил, 63—64-сонлар)

Қайта нашри: «Шарқ юлдузи», 1992, 4-сон, 183—184-бетлар. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи Ҳ. Болтабоев.

1. **Юпондан Румоға** — Грециядан Туркияга қадар.

2. **Убадан Канстананияга** — Юнонистондаги шаҳар Убадан Константинополь, (яъни Истанбулга) кўчган маданият.

3. Ислом тарихида умавийлардан халифаликни қўлга олган аббосийлар эронли Абу Муслим воситаси билан халифаликни эгаллаган бўлиб, уларнинг даврида мусулмонлик жаҳон миқёсида катта шарафга эга бўлган. Хорун ар-Рашид, Маъмун сингари халифалар етишиб чиққан. Улардан сўнгги ислом жаҳонгирлигининг маркази Мовароуннаҳр ва Рум бўлган Темур Кўрагон ва Боязид темурийлар ҳамда усмонлилар сулоалари назарда тутилади.

4. **Абу Али** — Абу Али Ибн Сино.

5. **Жавҳарий Абу Наср Исмоил ибн Ҳаммод** (940—1008) — Фаробда туғилган. Кўпроқ Бағдодда яшаган тилшунос олим ва файласуф. Асосий асари «Тоҷу л-луга ва саҳоҳу-л-арабийя» («Луғат тожи ва арабчанинг ҳақиқийси») асаридир. Араб тилида ёзилган бу асарнинг 1865—75-йиллар давомида Қоҳирада нашр этилган нусхаси машҳурдир.

6. **маалтаассуф** — ажабланиш белгиси: таассуф.

7. «Туркистон вилоятининг газети» ва унинг русча нашри «Туркестанские ведомости» ҳамда унинг муҳаррири Остроумов назарда тутилади.

8. 1917 йилнинг 28 ноябрида Кўқонда эълон этилган Туркистон Мухторияти назарда тутилади. Бу ҳақда Фитратнинг «Мухторият» мақоласига қаранг.

9. **ижтимоъ этган** — кўшилган, бириккан, жам бўлган.

## •АНГЛИЗ ВА ТУРКИСТОН•

(«Хуррият», 1918 йил, 29 март, 82-сон)

1. «Хуррият» газетасининг 64-сонидagi «Англиз ўйунлари» ва «Тақсими аъмол» (67-сон) мақолалари назарда тутилади.

2. **Сафар Бадлов** — Когонда (янги Бухоро) яшаётган рус муҳожирларидан бири. Амир Олимхоннинг маслаҳатчиси ва ноиб Миллернинг буйругига кўра Когонда кўплаб рус ва яҳудий бойлари тўпланган эди.

3. **кашиш** — тортилган, жалб этилган.

4. **амру аву** — афв этиш ҳақидаги буйруқ. Бу ерда: амнистия.

5. **инар** — келар, тушар.

6. «Туркистоннинг толеъи» ҳақида Фитрат айна 10-йиллар охиридаги сиёсий воқеаларни чуқур таҳлил этган «Шарқ сиёсати» (Тошкент, 1919) рисоласида батафсил маълумот берган.

## •БУХОРОДА ИНҚИЛОБ•

(«Хуррият», 1918 йил, 69—72, 75-сонлар)

Мақола «Колесов воқеалари» деб ном олган Март воқеаларидан (1918) аввал ёзилган бўлиб, унда ёш бухороларнинг Тош-

кентга кўчиши, унинг аъзоларининг амир томонидан қамоққа олиниши ва Самарқанддаги солдатлар томонидан озод қилиниши каби воқеалар акс этган. Мақола мазмунидан ва Фитратнинг ўз сўзларидан маълум бўладики, бу асар алоҳида рисола шаклида тартиб берилган эди, бу ерда келтирилаётган қисмлар унинг бошланғич боблари, холос. Кейинги Март воқеалари, «Хуррият» газетининг ёпиб қўйилиши рисоланинг тугалланишига халақит берган кўринади. Рисола кейинчалик ҳам на алоҳида шаклда, на бошқа вақтли нашрларда эълон қилинмаган. Бироқ шу тугалланмаган парча ҳам Фитратнинг Бухоро экинчиси (деҳқон)нинг аҳволдан нақадар чуқур бохабарлиги, уни ўзгартириш учун дилдан уринаётганига гувоҳ бўла олиши мумкин.

\* \* \*

1. **ҳаводис** — ҳодисалар.

2. **раис Абдуллоҳхўжа Саду** — вақф ва дин ишлари билан шуғулланувчи амалдор Бухоро хонлигида раис деб юритилган, у кўлинча садрлардан бўлгани учун, қолаверса, бу мансаб диний ишлар билан боғлиқ бўлгани учун садр ва эшонлар қўйилган. Абдуллоҳхўжа эса, Фитрат бошлиқ жадидчиларнинг талаби билан амирнинг буйруғига кўра қатл қилинган эди (бу ҳақда Фитратнинг аввалги мақолаларида ҳам сўз юритилади).

3. **муфти Аскар Маснаф** — шариат масалаларини талқин қилувчи ва шул ҳақда ҳукм чиқарувчи Бухоронинг юксак лавозимдаги шахсларидан. Қозикалон Бурҳониддин билан бирга бу лавозимдаги кишилар ҳам қатл қилинган эди. Бу ҳақда қаранг: Фитрат. Бухоро уламоси, «Хуррият», 1917, 48-сон.

4. **бойдоқ** — намойиш.

5. Бу шахс Ф. Хўжаевнинг шаҳодатига кўра (Ф. Хўжаев. Асарлар, I жилд, Тошкент, 1976, 118-бет) Мирза Насрулла эди. 17 мартда амир чиқарган манифест муносабати билан намойиш ўтказилган бўлиб, бу намойиш иштирокчиларидан, яъни ёш бухориларнинг фаолларидан бир нечасини Амир «обхона»га қаматган эди. Калтакланган Насрулла эртасигаёқ вафот этади. Мақоланинг қуйроғида Фитрат яна икки киши калтакланганини ёзади. Улар С. Айний ва Мирбобо эдилар. Қамоқдан улар билан бирга Отахўжаев ва Юсуфзодалар ҳам озод этилади.

6. **«Ғазо»** — мусулмонларнинг ялпи уруши, мазлумларнинг зolimларга қарши урушидир. Бу ерда: камбағал мусулмонларнинг ўз душманларига қарши уруши назарда тутилади.

7. **«Рисолани... қўлимга олдим»** — Таассуфки, бу рисола охиригача етмаган. «Бухоронинг ҳоли» деб номланган биринчи қисмдан айрим мақолалар чоп этилди, холос. «Фитна соатлари» деб номланган иккинчи, «Ёшларнинг тилаклари» деб номланган учинчи қисм эса, кейин ҳеч қаерда эълон этилмаган. Бизнингча, у ёзилмай қолиб кетган.

8. **иликот** — қўлимиздаги; бу ерда: кундалик маъносиди.

9. **амлок** — бу ерда: амлок — мулклар, яъни давлат томонидан солиқ олинадиган махсус рўйхатдаги ерлар.

10. **мулки ҳур** — озод ерлар, яъни солиқ олинмайдиган ерлар.
11. **вақф** — мулкдорлар томонидан диний муассаса, масжид ёки мадраса тасарруфига берилган ерлар. Унда ишлаб, кўрган фойдалари айни муассасалар учун сарф бўлади. Вақф ерларини сотиш ёки бировга хатлаб бериб юбориш манъ қилинади.
12. **ҳирож** — ердан олинadиган солиқ, бу ерда: мулки ҳирожий — солиқ талаб этиладиган ерлар.
13. **сайис** — иш юритувчи.
14. **муҳарриф** — сарф-харажат.
15. **истиғола** — фойдаланмоқ.
16. **хасбар** — хос (махсус) ва бар (самара, натижа) сўзларидан ҳосил қилинган бу тушунча солиқ ундиришнинг бир усули бўлиб, бунда ҳосил битмай туриб (кечаси ё кундуз тўсатдан) ерлардан олинadиган ҳосил тахмин қилиниб, ёзиб кетилади. Мана шу тахмин бўйича Бухоро деҳқонларининг ерларидан солиқ ундирилган.
17. **хубб** — севиш, муҳаббат билан, бу ерда: хуббидан чиқариб — кўнгилдан чиқариб, астойдил, муҳаббат билан маъноларда.
18. **Кафсан, от еми, мирзаёна** — кафсан маҳаллий туман маъмурияти учун (туман бошлиқларининг идоравий сарфи учун) олинadиган солиқ; от еми — амир сарбозларининг отлари учун деган баҳона билан олинadиган дон солиғи; маҳаллий ҳокимиятдаги хат, ҳужжат ишлари деб олинadиган солиқ мирзаёнадир.
19. **муҳораба** — уруш, бу ерда: Биринчи жаҳон уруши назарда тугилади.
20. **тухум** — уруғ, бу ерда: уруғлик маъносидан.
21. **качи закоти** — қўй, эчки каби чорва молларидан келадиган фойданинг қирқдан бири миқдоридан олинadиган солиқ. Бу ерда: «качи-кичи — эчки» маъноларида ишлатилади (шевага оид сўз).
22. **сарфона, котибона** — сарф-харажатлар учун, котиблар учун деган баҳоналар билан қирқдан бир эмас, балки йигирмадан бир миқдоридан олинadиган закот.
23. **чакана закоти** — нисобга (ҳисса, миқдор, бу ерда: ҳисобга қўшилмаган маъносидан) эришмаган уй ҳайвонларидан олинadиган солиқ. Масалан, ҳисоблаш пайтида бу қўй ва эчкилар йўқ бўлиб, улар рўйхатга олишдан кейин туғилган. Улар учун чакана закот олинган.
24. **таниндаки (танидан) йўнидан (йўсининдан)** — закот олинган уй ҳайвонларининг танидан (ҳисобидан) яна закот олиш (худди савдогарлардан бир неча бор закот олингани каби).
25. Мақола тугалланмаган эканини юқорида айтилди (буни ушбу фикрнинг тугалланмаганидан ҳам билса бўлади).

#### •ЖОҲИЛОНА ТААССУБФА МИСОЛ•

Мақола «Очиқ сўз» газетасидан (санаси кўрсатилмаган) олинди, «Шўро» журналининг 1917 йил 15 январ сонидан (Сана 10, Адад 2, 34—35-бет) босилган. Айни ўша манбадан олинди нашр-

га тайёрланди. Фитратнинг ушбу мақоласини бизга тақдим этганлари учун япон олими Хисао Кўматсу жанобларига лутфан миннатдорчилик билдирамиз.

\* \* \*

1. **ўрамларина** — Бухоро шаҳрини ўраб турувчи деворлар, қўргон назарда тутилади. Мақола дастлаб татар лаҳжасида эълон этилгани учун унда татарча сўз ва грамматик белгилар кўпдир.

2. **живлашиб** — қаршилиқ билдириш.

3. Бу эълоннинг остига бир ҳадис ҳам ёзилган бўлиб, унинг сўзлари келтирилмаган. Бизнингча, Фитратнинг «Мунозара» асарида келтирилган ҳадислардан бири шунга мазмунан мос келади.

4. **тугул** — эмас. Бу ерда: мумкин эмас.

5. **ниндай** — нима, қандай нарса.

6. **тўғувларида** — яратиш, тарбия бермоқ. Бу ерда: ахлоқ тарбияларида.

7. **зибар** — безак, зийнат.

8. **ший** — шу, шундай.

9. **акфор** — куфр қилмоқ, кўпликда: кофирлар.

10. **эқунчилик** — деҳқонлик.

11. **ниндай фалсафага кўради** — қандай фалсафага асосланади.

12. **мусоида** — «мусоид» ёрдам берувчи. Бу ерда: ёрдам бермади маъносида.

13. **кўмоч нарсаси ширкати** — Бухорода жадидлар томонидан очилган тижорат ширкатларидан бири.

14. **ижтиҳод** — тиришиш, сайъ-ҳаракат.

15. **отиш ўйновчи** — қиморбоз. Бу ерда: ошиқ отувчи.

16. **Бухорий** — асли исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810—870). «Ал-жомийъ ас-саҳиҳ» китобидаги ҳадислар назарда тутилади.

17. **Муслим** — Муслим ан-Нишопурий машҳур муҳаддис назарда тутилади.

18. **ботиллик** — ноҳақ, асоссиз. Бу ерда: беҳуда.

### •ШАРҚ СИЁСАТИ•

Фитратнинг «Шарқ сиёсати» рисоласи I жаҳон урушидан кейин давом этаётган ва урушда қатнашган Оврула мамлакатларининг Шарқни ўзаро бўлиб олиш сиёсатига қарши миллий руҳда ёзилганлиги билан алоҳида аҳамиятлидир.

Фитратнинг шу номдаги рисоласи дастлаб «Иштирокиюн» газетасида (1919 йил, 23, 25, 26 октябр) сўнгра эса, Тошкентда алоҳида рисола ҳолида чоп этилган. 1991 йилда Бухородаги «Навқирон Бухоро» илмий маркази томонидан қайта нашр этилган.

Асарнинг илк наشري асосида тайёрланди ва кейинги наشري билан солиштирилди.

1. **обдираб** — довдираб, аланглаб.
2. **килисо** — черков.
3. **Парис** — Париж.
4. **ангел** — фаришта.
5. **йиртғучи** — йиртқич.
6. **фас** — Марказий Африка.
7. **осуғ** — фойда.
8. **охсум** — Бу ўринда «ҳамла» маъносида.
9. **нухта** — тизгин.
10. **хос буйруқлари** — насронийлик талаблари.
11. **фаранга** — таносил касаллиги.
12. **моя** — сармоя жойи.
13. **муқаддасатин** — қадриятлар.
14. **ҳафз сиҳати** — гигиена қодалари.
15. **мусовот** — тенглик.
16. **ягинчоқ** — клуб.
17. **Дардония** — Дардонел бўғози.
18. Инглизларнинг Ҳиндистон ҳисобига орттирган бойликлари назарда тутилади.
19. **хўппок** — ҳеч нарса, ҳемири.
20. **ихтилол** — инқилоб.
21. **сийғсиз** — фойдасиз.
22. **Кариб** — орол номи.
23. **мухтаҳид** — жиҳодга кирган.
24. **Имом Али Ризо** — татар олими ва адиби Ризо Фахруддин.
25. **Ҳазрат Али равзаси** — Ҳазрат Али барпо қилган боғ.
26. **ёзақдилар** — қаратдилар.

## МАКТУБЛАР

### Бухоро вазири Насруллоҳбей Парвоначи афанди ҳазратларина очик мактуб

Фитратнинг бу мактуби илк бор 1910 йили Истанбулда чиқадиган «Таъруфи муслимин» («Мусулмонлар таърифлари») номли «диний, сиёсий, тарихий, фалсафий ва аҳволи олам»дан баҳс қилувчи ҳафталик мажалла саҳифаларида (1328/1910 йил, 25-адад, 2-жилд; 8 декабр, пайшанба) эълон қилинган. Мактуб Амир Олимхон Бухоро тахтига ўтиргандан кейин Насруллоҳ Парвоначининг бош вазир лавозимига тайинланиши муносабати билан ёзилган. Фитратнинг Истанбулда чоп этилган илк асарлари каби бу мактуб ҳам форс тилида битилган. Гарчи мажалла турк тилида чиқиб турган бўлса ҳам Фитратнинг бу мактубини айни ҳолда, яъни форс тилида чоп этган. Асар форс тилидан таржима қилиниб, эълон қилинган. Дастлаб, «Ўзбекистон ада-

биёти ва санъати»нинг 1996 йил 9 май сонида эълон қилинган (мутаржим Ҳ. Болтабоев).

Фитратнинг бошқа жадидчилик руҳига ҳамоҳанг бўлган бу мактуб улуг адибимиз салоҳиятининг янги қирраларидан китобхонни хабардор этади деб ишонамиз.

\* \* \*

1. **вазиратпаноҳ** — вазирларни паноҳига олган. Бу ерда: бош вазир лавозими.

2. **фано саҳроси** — йўқлик гирдоби.

3. **Ҳазрати Рабъу-л-иззат** — Аллоҳнинг сифатларидан бири билан унинг муборак номи тилга олинапти.

4. **Падари меҳрибонимиз** — Бухоро тахтига янгигина чиққан Амир Олимхон назарда тутилади.

5. **танзим қилиш** — низомга, тартибга солиш.

6. **тарбият ва танзим** — тарбия ва тартиб.

7. **Наузибиллоҳ** — Аллоҳдан паноҳ сўрамоқ.

8. **Нуширавон ёки Ануширвон** — машҳур Эрон (сосоний) ҳукмдорларидан бўлиб, истибдодпеша саркардалар орасида фақат яхши ном билан, яъни адолатли подшоҳ сифатида тарихда қолганига ишора.

#### «ЁПИШМАГАН ГАЖЖАКЛАР»

«Жалил Бойбўлатовга очиқ хат» шаклида ёзилган ушбу мақола 1919 йил «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 15—16 сентябр (215—216) сонларида эълон қилинган бўлиб, Ж. Бойбўлатов қатор чиқишларида Фитратни «пантуркизм» ва «панисломизм»да айблайди. Айниқса, Фитрат томонидан тузилган «Ўзбек адабиёти намуналари, I жилд» (1928) ва сўз боши муаллифи Отажон Ҳошим кескин танқид остига олинган эди.

\* \* \*

1. **муҳаррир** — муаллиф маъносида.

2. Абдурауф Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. I китоб. Самарқанд — Тошкент, 1928 йил.

3. Фитратнинг «Ўзбек адабиёти намуналари» китоби муносабати билан «Қизил Ўзбекистон» рўзномаси саҳифаларида Ж. Бойбўлатов чиқиш қилиб, фақатгина ушбу китобни эмас, умуман, Фитрат ижодини кескин танқид қилган эди.

4. **қоплочи** — қамрови.

5. **текириш** — текизиш.

6. Бошқа кўпгина манбаларда Фитратнинг туғилган йили деб 1886 йил санаси кўрсатилган. Хусусан, С. Айний шундай маълумот беради: «Абдурауф Фитрат Бухорий — туғилган йили 1304

ҳижрий» (яъни милодий 1886 га тўғри келади). Қаранг: С. Айний. Намунаи адабиёти тожик. — М.: 1926, III қисм. Шунингдек, Фитрат ҳаёт пайтида эълон этилган «Катта Совет қомуси»да ҳам шу сана келтирилади. Қаранг: Фитрат Абдурауф. БСЭ, М., 1936, т.57, б.656.

7. «Ўрта Осиёда тасаввуф тарихи» номли китоб ёзаётгани ҳақида бир неча бор маълумот беради, бироқ бу иш охиригача етмаган. Тугалланмаган қўлёзманинг тақдири эса номаълум. Фитрат томонидан келтирилган «заҳарли», «зарарли» сўзлари унинг тасаввуфга муносабатини белгиламайди. Бу фақат давр тақозоси билан юзга келган, ноҳақ танқиддан ўзини ҳимоя қилишнинг бир йўли, холос. Фитратнинг ўзбек адабиёти тарихи ҳақидаги қатор ишлари билан танишишнинг ўзиёқ бу фикрни тасдиқлайди.

8. Юсуф Алиев (1891—1946) назарда тутиляпти. Туркистон Компартиясининг арбобларидан бўлиб, ўша пайтда Туркистон Ички ишлар халқ комиссарининг ўринбосари эди.

9. Бу ўринда динсиз сўзини атеист сўзи билан алмаштирмаслик керак. Чунки Фитрат томонидан ёзилган асарларни синчиклаб кузатганда бу нозик айирма очиқроқ кўринади.

10. **сангсор** — тошбўрон қилиш.

11. Гап «Мунозара» хусусида кетяпти. «Мунозара»нинг Истанбул нусхасида ўзига хос «Муқаддима» ва «Хотима» ёзилган бўлиб (Ҳожи Мўйин таржимасида бу тушиб қолган), унда Фитрат Бухоро амирига мурожаат этиб, мамлакатнинг қолоқ аҳволини баён қилган эди.

12. Тилга олинган мақола «Маориф ва ўқитғучи»да босилган. Қаранг: журналнинг 1927 йил, 6—8-сонлари.

13. Фикрнинг нотугаллигидан ва Фитрат услубидан (у деярли ҳар бир илмий ишининг бошланишида тилга олинган истилоҳга қайтади ва кўпинча, унга бўлган муносабатини такроран таъкидлаш билан асарини тугаллайди) сезиладики, «хат»нинг давоми бўлган. Буни Фитрат замондошларидан Л. Азиззода ва М. Раҳим қизи тасдиқлаган. Мақоланинг якуни таҳририят томонидан «қайчиланган» бўлиши мумкин. «Идорадан» номи остида берилган редакцион мақолачадан газетанинг ўша пайтдаги адабиётга нисбатан тугган «позиция»сини билса бўлади:

«Идорадан» — Фитратнинг бу мақоласи Чиғатой адабиёти масаласига оид бир неча муҳим пайтларини очиб беради, бироқ бу билан чиғатойизм унсурлари ва уларнинг қолдиқлари билан кураш тамом бўлмади. Идора бу масала теварагида очган музокарани давом эттиришни лозим топади.

# МУНДАРИЖА

## Драматик асарлар

Чин севиш .....	5
Ҳинд ихтилолчилари .....	42
Арслон .....	92
Восеъ кўзғолони .....	165

## Публицистик асарлар

Мусулмонлар, гофил қолманг! .....	193
«Шўройи исломия»нинг хатоси .....	194
Бухоро уламози .....	195
Сиёсий ҳоллар .....	196
Мухторият .....	198
Бухоронинг ҳоли .....	199
Туркистонда руслар .....	201
Англиз ва Туркистон .....	203
Бухорода инқилоб .....	205
Жоҳилона таассубга мисол .....	210
Шарқ сиёсати .....	213

## Мактублар

Бухоро вазири Насруллоҳбей Парвоначи афанди ҳазратларина очиқ мактуб .....	226
Ёпишмаган гажжақлар .....	228
Изоҳлар .....	237

*Адабий-бадиий, илмий-публицистик нашр*

**АБДУРАУФ ФИТРАТ**

**ТАНЛАНГАН АСАРЛАР**

**III жилд**

*Тошкент «Маънавият» 2003*

Муҳаррир *А. Жўраев*  
Рассом *С. Аъзам*

Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*  
Мусаҳҳиҳ *Ш. Илҳомбекова*

Теришга 17.07. 2002 й. да берилди. Босишга 24.12.2002 й.да рухсат этилди.  
Бичими 84×108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.  
Шартли б.т. 13,44. Шартли кр.-отт. 13,86. Нашр. т. 13,46. 5000 нуска.  
Буюртма № К-9344. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41. Шартнома 27—02.

Тошкент матбаа комбинатида чоп этилди. Тошкент, Навоий кўчаси,  
30-уй. 2003.

---

*Manaviyat*

---

